

84/59n  
K 13

ЯСУНАРИ  
КАВАБАТА

ОК  
ГУЛЛАР



84(59п)

К 13 Ясунари КАВАБАТА

# ОҚ ГУЛЛАР

*Ҳикоялар*



Nizomiy nomli  
T D P U  
kutubxonasi

У-9046/2

Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи  
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 821.521-31  
КБК 84(5Япо)  
К 13

**Тупловчи ва нашрга тайёрловчи:  
Шоира ОТАХОНОВА**

**Рус тилидан Олим ОТАХОН таржималари**

Кавабата, Я.

Оқ гуллар: ҳикоялар / Я. Кавабата. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2019. – 268 б.

Кавабатани ўқиш учун ҳис-туйғуларингиз сирпанчик, ғадир-будир йўллардан юришга шай бўлмоғи керак. У кўнглингизнинг энг пучмоқ манзилларида ҳам ғам билан бирга шодликка жой топиб бера олади. Туйғуларингизни боши берк кўчаларга олиб бориб қўяди, гоҳо зулматни зулмат билан ёритишга уринади.

Устоз таржимон Олим Отахоннинг Ясунари Кавабатадан маҳорат билан қилган таржималари ёзувчининг, таржимоннинг ва китобхоннинг икки тилда бирдай яшай олишидан дарак беради.

УЎК 821.521-31  
КБК 84 (5Япо)

© О. Отахон, 2019  
© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019

ISBN 978-9943-6105-7-6

## ОЛИМ ОТАХОННИНГ КАВАБАТАСИ

«У умр бўйи жимликда, ёлғиз яшашга одатланган эди».

Кавабата «Кемачалар» ҳикояси қаҳрамони Акикони шундай тасвирлайди. Шундай жим ва ёлғиз яшашига қарамасдан, Кавабатанинг қаҳрамонлари рухий носоғлом эмас, рухий барқарор одамлар. Ўзлари тушиб қолган ҳолатга кўниккан, хотиржам тортиб қолган қаҳрамонлар. Лекин Шопенгауэр айтгани каби ҳаётнинг, умрнинг дард-у азоблигига тоқат қилиб, бочкадаги Диоген каби «итфеъл»га айланган инсонлар эмас улар. (Тоқат қилишнинг, кўникишнинг ўзи жазавага олиб боради. Жазава эса бора-бора итфеълга айлантиради. Бу қаҳрамонлар ҳаётида эса тоқат қилишнинг жазаваси эмас, балки ўзини босиб олган бир босиқлик, босиқ бир Сокинлик бор). Аксинча, оддий, ғамли бир турмушдан топган сокинлиги исённи инкор этади. Ва азоб онларида исёнга мойил қалбимнинг Шопенгауэрга талпиниб, Шопенгауэр асарларидан топган ҳақиқатидан ҳаёт изтироби ҳақида ўзга ҳақиқат, ўзга Рух борлигига менинг қалбимни ишонтиради. Бу Сокинлик аламзадаликнинг долғали сокинлиги эмас, Оламнинг Олий Рухи билан инсон қалбининг қовушгани, уйғунлашгани каби нурли, хотиржам Сокинлик.

\* \* \*

Нега Кавабата асарлари қаҳрамонлари ҳар қандай кўнгилсизликни, фожиани ҳам оддий, табиий қабул қилади, қила олади? «Кемачалар» ҳикоясининг қаҳрамони ногирон қиз Акико унаштирилган йигитининг онаси қизнинг отаси билан гаплашгани келиб кетгач, мана бундай ўйга берилади:

«Ё куёв урушда ўлган ё тўйни тўхтатмоқчи бўлишяпти, – деб ўйлади Акико. – Ногирон қиз билан унаштириб қўйиш ҳам балки кўнгилчанликдир, уруш йиллари одамлар шунақа бўлиб қолишган бўлса бордир».

Қиз шуларни ўйлайди-ю, атрофда қурилаётган янги бинони кўргани кетади. Ёзувчининг сўзи ҳам, қизнинг хаёллари ҳам ўша янги бинога кўчади. Қиз кутилаётган кўнгилсиз ҳодисадан фожиа ясаб, тақдирига ланъат ёғдириб ўтирмайди. Ногиронлигидан ҳам ўксинмайди. Эҳтимол, ўксинар-у, аммо унинг япон табиатига хос қалби буни пинҳон тутлади. Бир суҳбатда эшитганим бор – японлар ўлимни оддий ва табиий қабул қилади, бир эшиқдан кириб, бошқасидан чиқиб кетишдай билди. Ўлимгаки шундай қарай олган одам учун, эҳтимол, ҳаётда фожианинг ўзи қолмас.

Менга туйиладики, Кавабата ҳикоялари аксар ҳолатда япон қалби фожиани қандай қабул қилиши ва қандай яшаши ҳақидаги маънос руҳият чизгиларидир.

\* \* \*

Бу ҳикоялар лаҳзалардагина кечадиган Маънодор туйғулар ҳақида. Шу сабаб Кавабата Воқеага, воқеликка ҳам, ҳолатга ҳам урғу бермайди, тўғрироғи, унинг воқелик ва ҳолатга урғуси ўша лаҳзаларда одам туйиб қоладиган Маънодор туйғулардан ўсиб чиқади. «Анор» ҳикояси қаҳрамони Кенкитининг урушга кетаётгани ва қаллиғи билан хайрлашгани келиши ҳикоянинг асосий воқелиги. (Ундан ҳам устунроқ воқеа анорнинг фарқ пишганидир.) Йигит кетгач, она ва қиз ўртасида суҳбат кечади. Шу оддий суҳбат давомида қиз турли аёллик ҳисларини бошидан кечиради. Ва гоҳ алам, гоҳ севинчга йўйилган ҳислари ўйинида кўнгилни хотиржам қиладиган бир ҳақиқатни, Маънони англаб етади. Кавабата асарларининг турмушнинг оддий икир-чикирига ўралашган қаҳрамонлари ҳам руҳий, руҳоний яшайди. Ҳислари доимо уйғоқ ва тийрак. Ўша ҳис билан Маъно-

га боришади, Маънони топишади. Бу маъно ҳақиқатга шу қадар дахлдор ё ҳақиқатнинг ўзики, кўнгилнинг ором ва хотиржамлик топиши учун Сабабга айланади.



Бу ҳикоялардан англаганим, тушуниб етганим – улар Зиддиятсизлик Фалсафасига қурилган. Қаҳрамонлар руҳиятида гарчи доимо изтиробнинг ҳовури бўлса-да, бу ҳеч қачон олов, ўт олиб кетмайди. Ўт бўлиб кимнидир ёки дунёни ёндиргиси келмайди. Зиддиятга бормайди. Улар ҳамма нарсани босиқ англаб етади. Эҳтимол, шу сабаб руҳоний яшар, эҳтимол, руҳоний яшагани сабаб шундай-дир. Уйғунлик, уйғунлик деб юқорида кўп айтдим, айнан мана шу Зиддиятсизлик одам ва воқелик, табиат билан уйғунликка сабаб бўлади. Ёки аксинча, табиат билан уйғунлиги сабабидан ҳам одамлар воқелик билан зиддиятга боришмайди. «Қизил олхўри» ҳикоясида «Сенга тегибманки, шу қизил олхўрингни кузатиш учун бир дақиқа бўш вақтим бўлмаган» дея гина қилган хотинига

– Беғам, беташвиш, ҳеч нарсани ўйламай ҳаёт кечиргансан-да», – деб эътироз билдиради эр.

Шундай. Гулнинг очилиши ё дарахтнинг гуллаши олдида соатлаб сокин қола олган, жим кузатган, термилган кишининг нигоҳлари ва ўша маънос гуллар орасида бир масофа бор –изтироб масофаси. Ғами бор одамгина шу ҳайрат олдида соатлаб туриши мумкин. Ва бу кузатиш кўнгилда яна нималардир қўзғайди. Ғам одамни босиқ қилади. Инсондаги турли ҳавойиликларни жиловлаб, босиқ қилишда ғамдан кўра кучлироқ нарса йўқ. Бу ғамгин одамларнинг гулларга термилиб ўтириши эса Мангуликка термилиб ўтиришдай туйиллаверади. Эҳтимол, мана шу Гул, Мангуликка термилиш изиробларни аламзадалиқдан поклаб, маънос ғамга айлантириб берар. Шу сабаб Каббабата ҳикояларида маънос хотираларга аралашган ғамнинг синиқ нурига дуч келаверасиз.

Кавабата хикоялари қаҳрамонлари жуда камдан-кам ҳолатда «Нега» деган саволни қўяди. (Бу эса юқорида айтганимдек, Зиддиятсизлик фалсафасига бориб тақалаверади.) Чунки улар учун энг бемаъни бўлиб кўринадиган – бошқалар назарида – нарсалардан ҳам пинҳон пурмаъноликларни топишади. Тўғрироғи, Кавабатанинг ўзи қаҳрамонларнинг бемаъни кайфияти кечинмаларидан ҳам пинҳон пурмаъноликларни топишга қодир.

«Инсон боласи ўзига ўхшаган инсонни бахтсиз қилишга қодир эмаслигини тушуниб етди...

Хаёлан ундан кечирим сўрагани хато эканини англади. Таҳқирлагани учун ўзини айбдор санаб, ўша кимсадан оёқости қилгани учунгина ва шунинг учун хўрланган ҳисобланувчи одамдан кечирим сўрашнинг ўзиёқ – такаббурлик аломати эканини тушуниб етди. Инсон ўзига ўхшаган инсонни таҳқирлашга қурби етмаслигини англади».

Бу бир неча йил муқаддам доvon ортида, жанубда бир қизни таҳқирлаб, ўтган йиллар давомида ўша машъум воқеани унутолмай виждони қийналиб юрган йигит икрори. («Худо барҳақ» хикоясида) Бошқа бирров-бировнинг буткул бахтсизлиги учун сабаб бўлолмайди, дейди бу хикояни ўқиган дугонам. Ҳа, шундай. Ва янаки, инсон қилмишлари ҳеч қачон олий тартибларга таъсир кўрсатолмайди. Ўзига ўхшаган яратикнинг тақдирини ҳеч қачон издан чиқаролмайди. У бундан ожиз. Унинг яхшилигу ёмонлиги олий тартибларга зарра дахл қилолмайди. У шу даражада ожиз мавжудот. Худо... Худо эса ҳамиша барҳақ. Шу туйғунинг ўзиёқ кўнгилга мангу таскин беради.

«Ё раббим, нақадар қудратлисан! – дея хитоб қилди у ва ажабо, назарида шарқираб оқаётган дарё сувлари худди унинг икрорини тасдиқлагану, номаълум йирокларга етказиш учун ошиқаётгандай туйиларди».

Пастернакнинг «Касалхонада» шеърида ифодаланган кечинмалар ва Кавабатанинг ушбу ҳикоясидаги Рух хаёлларимда, ҳисларимда бирлашади, уйғунлашади:

Парвардигор, қандай мукаммал  
Сенинг коринг – ўйлайди бемор.  
Ўрин-тўшак, одамлар, ажал,  
Тунги шаҳар, девор, тўрт девор.

Шундай, буюк рух эгалари, тенг қудратли рух эгалари гоҳо китобхони, ихлосмандни қалбида руҳий лаззат чоғларида бир-бирига дуч келиб турар эканлар.

Гира-шира чироқ шуъласи  
Каравотга юзтубан қотди.  
Мен ўзимни ва ҳаётимни  
Тортиғинг деб ўйлашим тотли!  
Кетарканман жон таслим айлаб,  
Исинаман кафтинг ўтида.  
Ноёб узук каби авайлаб  
Сен жойлайсан мени қутига.

\* \* \*

Шунча ёздиму, аммо Кавабата ҳикоялари ҳақида бирор нима айтолганим йўқ. Кавабата ҳикоялари руҳи – Сир, Рухият сири. Эҳтимол, ўқиётганимда бу руҳият сирини руҳим дош бера олганича қабул қилгандирман. Аммо буни сўзда ифодалаб, тушунтириб беришга ожизман. Сўз белги холос. Сирни тушунтириш, очиб бериш учун эса Рамз керак, ўша Сирга тенг кела оладиган Рамз!  
Мен у Рамзни топганим йўқ.

\* \* \*

Ҳикояларни ўқигач, бир дўстим жўшқинлик билан хайратини гапирди: қандай тиниқ таржималар, худди ўз тилимизда ёзилгандай! Шу эътирофдан ҳам маълумки, аслида булар таржима эмас, балки Кавабата



руҳини, қалбини қайта англаш ва ўша руҳни жамлаган асарларни ўзбекчада ёзиш, етказиб бериш эди. Мен Кавабата ҳикоялари таржимасини шундай тушунаман. Таржима деб айтолмайман, тилим бормайди. Ўша – Кавабатани ўзбекчада англаган инсон – Олим Отахон эса «мен бу асарларга умримни бердим», дейди. «У (яъни Кавабата – таъкид биздан) менинг ўз ёзувчим», дейди.

«Таржимон фақат ўзига яқин асарни таржима қилиши керак. Эўр ёзувчилар кўп. Аммо Ўзингники бўлганларини танлаб, умр бўйи улар билан шуғулланиш керак. Кавабатани ҳеч ким мендай таржима қилолмайди! Мен унга умримни бердим. Адабиёт ва ҳаёт орасидаги чегарани йўқотдим. Ҳаёт ёлғон. Адабиётда ўн фоиз бўлса ҳам ҳақиқат бор». Олим Отахоннинг топган ўн фоиз ҳақиқати эса эҳтимол, Кавабата асарлари, эҳтимол, Кортасар асарларида қатида ётгандир. Шундай ҳақиқатга биз ҳам етсак, у умримизни бериш учун арзишини тушуниб етсак керак.

«Адабиётни қиздай (маъшукани севгандай – таъкид бизники) севиш керак», деб хитоб қилганди Олим Отахон. Кавабатанинг ўзбекчадаги ҳикоялари жозибасидан таржимоннинг ёзувчига нисбатан ошуфталиги балқиб туради. Мен Олим Отахоннинг Кавабата асарларини бир қизни суйган каби катта муҳаббат билан суйганига, ошуфта бўлганига ишонаман.

«Йиллар давомида Кавабатага атаб «Сенсей» – «Устоз» эссе-мактуб ёздим», дейди яна ёзувчи. Мен «Сенсэй»ни ўқигим келади. Бу икки ёзувчининг қалби бир пардада сасланган, бир нуқтада бирлашган пайтда яралган мўъжаз асарлигини кўнглим сезади. Ва яна сезяпманки, Бу Олим Отахоннинг Кавабатани англаш жараёни, англаш ҳолати ҳақида. Олим Отахон англаган, тушунган Кавабатани мен ҳам Олим Отахон каби АНГЛАГИМ келади.

*Тилланисо ЭШБОЕВА*

## ҲИКОЯЛАР

### АЁЛ ТУШЛАРИ

Кухара ўттиз олти ёшда тўсатдан уйланди.

Кухара уйланиш деса кўнгли кетадиган бўйдоқлардан эмасди, шунинг учун оила қуришга аҳд қилгач, эл қатори келинникига совчилар юборди. Шу жиҳатдан олганда-ку, унинг уйланиши гап-сўз қилиб ўтиришга арзимасди. Бироқ ошна-оғайни, таниш билишлари бундан хабар топгач, лолу ҳайрон бўлиб қолди. Бунга озми-кўпми келиннинг беназир хусну малоҳати ҳам сабаб бўлганди.

Келинни кўриб огзи очилиб қолган оғайнилари-дан айримлари, очиғи, эртароқ уйланиб қўйганига афсусланди. Нимасини айтасан, бола пақир ичидан пишган экан, дея ич-ичларида унга ҳавас қилишди ва ҳаммаларининг Кухарага муомаласи кескин ўзгарди. Ҳамманинг оғзида дув-дув гап: келин жуда бадавлат экан, энди Кухаранинг ишлари юришиб кетса, ажаб эмас. Баъзилар Кухара хусусий касалхона қурармиш деса, бошқлари йўқ, у таълим-тарбия соҳасида астойдил шуғулланмоқчи дея тахмин қилишарди. Нима бўлган тақдирда ҳам уйланиш шарофати билан Кухаранинг бирдан мўътабар шахсга айлангани ғалати эди.

Тиббиёт билим юртининг тиш касалликлари бўлимини тугатгач, Кухара медицина институтига ассистент бўлиб жойлашганди. Шу тариқа у врачлар даврасида таниш-билиш орттирмоқчи, кейин илм олиб алоҳида амалиёт билан шуғуллан-

моқчи эди. Бироқ диссертация ёқлагандан кейин ҳам у тажрибахонада қолди; амалий фаолиятдан ҳам, янги иш бошлаш ниятидан ҳам кечиб, кутилмаганда паталогия бўйича тадқиқот олиб боришга аҳд қилди. Агар буларнинг барига шу чоққача бўйдоқ юргани қўшилса, таниш-билишлари уни нима сабабдан бир қайнови ичидаги одамга чиқариб қўйганларини тушуниш мумкин. Медицина билим юртида орттирган ёр-дўстлари ўзларини хориқулодда истеъдодли, истиқболи юксак аллома деб сезишди ва одамга ўхшаб тузукроқ муомала қилишни ҳам унутиб юборишди, пировардида секин-аста ундан узоқлаша бошладилар.

Нима сабабдан айнан уйлангач, кўпчилик эътиборига сазовор бўлганига Кухаранинг ўзи ҳам ажабланарди. Қизиғи шундаки, бир замонлар юз ўгириб кетган эски дўстлари ҳам унга бутунлай бошқача муомала қила бошлашди. У қаллиғи Харуко билан сайр қилиб юрганида ҳатто бегоналар ҳам уларга ҳавас билан қарар, шундай чоқларда Кухара нима учун кутилмаганда бунчалар мўътабар инсонга айланиб қолганидан ҳайрон бўлиб, уларнинг нигоҳида акс этган алланечук эҳтиром туйғуларидан мутаассир бўларди. Уйланиш туфайлди ҳаётида ажабтовур, умидбахш ўзгаришлар юз беражагини ҳам билмас эди-ю, аммо Харуконинг ҳусни малоҳатли эканидан ташқари қадами қутлуғ қиз эканини кўнгли сезарди. Алоҳа у ўзича Харукога ҳеч қачон озор бермаслик керак, деган қарорга келади.

Кухаранинг улфатлари Харукодек гўзал қиз нега шу пайтгача турмушга чиқмаган экан, дея гаранг бўлишарди. У кўринишидан йигирмаларга чиққанга ўхшар, аслида эса ёши йигирма еттида эди.

– Дунёда ҳалиям бунақа бебаҳо гуллар бор экану билмай юрган эканмиз, биз ҳам бахтимизни синаб кўрсак бўларкан, – дея ич-ичидан ҳавас қилганини яширмоқчи бўлиб, жўралари ҳазил қилишарди. Кухара эса ўзини эшитмаганга олиб жилмайиб қўярди. Унинг қиёфаси бахт кулиб боқадиган замонлар келишини сабр-тоқат билан кутаётган саодатманд кинининг кўринишини эслатарди. У Харуконинг бунчалар кеч турмушга чиқаётганининг сабабини ҳеч кимга айтмасди.

Ўша кезлари Кухара совчилар билан орасида бўлиб ўтган галати бир суҳбатни тез-тез эсларди.

– Уни ўзига айтмай қиз кўрарга бир неча бор олиб чиқишган экан, – дея ҳикоя қилиб берган эди совчилардан бири. – Ҳар сафар учрашувга чиққан куёв ёқтириб кетаркан-у, қиз томон унамас экан.

– Ота-онаси Харуконинг эрга тегмаслик қарори қатъий ва усталик билан уюштирилаётган қиз кўришлардан фойда йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, охир-оқибат куёв ажратишдан воз кечишга ва кейинги ўн йил мобайнида унинг олдида бу мавзуда гапиришни ҳам лозим топишмас эканлар.

– Аммо сизга келганда жаноб Кухара, кутилмаганда ўзгариб кетди, – деган эди совчи.

– Улар гўё театрда тасодифан учрашиб қолишди. Кухарани қизга институт касалхонасида довланаётган онасини алоҳида муолажа қилган врач сифатида таништиришган эди. Қисқаси, худди илгари бир неча бор ўтказилган қизкўрар бу сафар ҳам бинойидек чиройли тарзда уюштирилган эди. Лекин бу гал Харуко икки оёғини бир этикка тиқиб олмади, унаштиришларига қаршилик билдирмади.

Бамисли узоқ давом этган тун охирлаб, тонг ота-ётгандек ота-онасининг қувончдан бошлари осомонга етди.

– Харуко Кухарага айтиб беришим зарур гапларим бор эди, дея совчилардан айттириб юборди.

Гап ўзининг ҳажрида куйиб, оламдан ўтган йигит ҳақида экан.

Совчи эшитганларини ҳазил аралаш Кухарага сўзлаб берди:

– Умуман олганда қизнинг ишқида ёна-ёна тоқати тутаган йигит енгилтакларча ўзини ўлдирган, шекилли.

Кухара хангу манг бўлиб қолди: наҳотки, шу сабабали Харукодек ҳар жиҳатдан бенуқсон қиз ёшлигини хазон қилган бўлса.

– Нафсиламрга айтганда, у қизнинг фидойилигига қойил қолган, айнан шу икром унга уйланиш ниятини мустаҳкам ва барқарор қилган эди. Ҳолбуки, унгача Харукога совчи қўйган бошқа йигит ҳам қиз ҳақида худди шундай фикрда бўлишган экан.

– Кечирасиз, агар шундай деб ўйласангиз у ҳолда... – совчи таъзим қилди, – буларнинг ҳаммаси ўтган гаплар. Бунда қизнинг заррача гуноҳи йўқ. У ҳатто сал бўлмаса тарки дунё қилиб монастирга кетмоқчи бўлган экан...

Шундай бўлса ҳам Кухаранинг ўша йигит ҳақида Харуконинг ўзидан эшитгиси келди. Бир тўхтамага келиш учун эмас, йўқ, у ич-ичида аллақачон уйланишга қарор қилиб қўйган, қолаверса, бўлажак рафиқасининг ўтмиши ҳақида сўраш ўзи тенги йигитларга муносиб иш эмаслигини биларди. Шунчаки бунақанги ажойиб қизнинг ўзи ҳақида гапириб беришга мажбур қилишини олдиндан кўз олдига келтириб ҳузур қила бошлаган эди.

## II

Харуконинг ота-онаси тўйгача қизларига Кухара билан учрашиб туришга рухсат беришди. Аслида айтиш мумкинки, йигирма етти ёшли қизларининг куёв билан учрашиб туришга рози бўлганини кўриб ота-онанинг шодликдан боши кўкка етганди.

Зеро, улар худо кўрсатмасин, Кухаранинг совчилари айниб кетса, Харуко бахти очилмай қариқизлигича ўтираверади, деган хавотирда ҳаммасига чидашга тайёр эдилар.

Кухарага келсак, бошиданоқ қизнинг нигоҳида ифбатли, ҳаёли экани уни мафтун этган ва у анави ғамгин саргузаштни айтиб беришни Харукодан сўрашга сира ботинолмас эди.

– Совчилар шу чоққача нега турмушга чиқишдан бош тортиб келганингиз ҳақида гапириб беришди, – дея гап бошлади бир куни у.

Харуко бош қимирлатди ва худди бу мавзуда гап очилишини анчадан бери кутаётгандек шундай ёқимли ифодалар балқидики, Кухара дафъатан тугилиб қолди ва ўзи истамаган ҳолда гапни бутунлай бошқа томонга буриб юборди.

– Шундай экан нега аҳдингиздан қайтиб мен билан учрашишга рози бўлдингиз?

Бу ножўя савол эди.

– Ўзим ҳам билмайман. Балки врач бўлганингиз учундир.

– Врач бўлганим учун?!

Харуконинг соддадиллик билан берган жавобини эшитган Кухара довдираб қолди. Дабдурустан, балки мени лақиллатаётгандир, деб ўйлади, у.

– Чиндан ҳам врачга турмушга чиқсангиз ёмон бўлмайди, – деди бироздан сўнг. Бир врач сифати-

да шуни айтишим мумкин, сизнинг эрга тегишдан безиллаганингиз ўта таъсирчанлигингиздан бўлса керак. Аммо хотиржам бўлинг, бу ўткинчидир. Кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Харуко унинг ҳазилини тушунмади, шекилли, хаёлга толди.

Кухара ташвишга тушди: у восвос ёки савдойи эмасмикин, ишқилиб?!

Ўз жонига қасд қилган йигитнинг тақдири Харуконинг қалбида унутилмас армон бўлиб қолган, дея тахмин қилди Кухара.

Қизнинг ўша йигит ҳақида бор гапни очиқ-ойдин айтиб бериши учун Кухара бир йўлини қилиши керак эди, ана шунда у қизнинг юрагига бир дунё таскин ва тасалли бахш эта олар ҳамда дардига малҳам топарди.

Кухара сизга бутунлай ишонаман, кейинчалик ҳам турмушимизга шубҳа-гумонлар раҳна солмаслигини истайман, холос деб бир неча бор такрорлади.

– Кўнглингизда сизни қийнаётган неки армон бўлса айтинг, енгил тортасиз, мен сизга ёрдам бераман, – деди у.

– Хўп. – Харуко маъқуллаб бош ирғади. – Ўзим ҳам сизга ҳаммасини айтиб бермоқчи бўлиб юргандим. Кейин нима қилсангиз ихтиёрингиз...

– Кўрқманг, менинг қарорим қатъий. Сизга ҳамдард бўлишни истаяпман, холос.

– Тушуниб турибман, лекин... – Харуко яна ўйга толди, кейин ўзига тикилиб турган Кухарага кўзи тушиб лоладек қизариб кетди ва бошини қуйи солганча деди:

– Мендан?! Аввал?... – Кухара довдираб қолди.

Харуко бош қимирлатди. Унинг бармоқлари билинар-билинемас титрарди.

– Хўп, нимани айтиб беришим керак?

– Наҳотки, ҳаётингизда арзигулик бирон нима юз бермаган бўлса?! – дея ажабланиб сўради Харуко. – Тўғри, тушунаман, сизнинг ҳурматингизга сазовор бўлиш учун аслида, аввал мен бошимдан ўтганларни айтиб беришим керак эди. Лекин сиз туриб, аввал мен гапириб беришим ғалати туйиларкан.

– Менга ишонаверинг, ростдан ҳам гапиришга арзимаиди, – деди. Очиғи, бу иқрори ғалати ва ишонини қийин эканини ўзиям сезди.

– Ишонинг, яширадиган гапим йўқ, – дея такрорлади у ва яна ҳам ноқулайроқ аҳволга тушди.

– Агар сиз истамасангиз, жаноб Кухара, мен ҳам ўзим ҳақимда гапириб беролмайман. Сиз мени жуда ноқулай аҳволга солиб қўйдингиз. Нима десам экан, худди мени хижолат чекишга мажбур қилаётганга ўхшайсиз. – Кухаранинг назарида ўзи учун ногаҳон Харуко қалбининг аллақандай даричалари ёпилгандек бўлди.

Ўша куни уларнинг гаплари ичларида қолиб кетди.

Очиғини айтганда, Харуко ҳақ: тўрт мучаси саломат, бўйдоқ йигитнинг ўттиз олти ёшгача биронта аёлга илакишмаганига ишонини қийин эди. Харуко шу маънода Кухарани кечиришга ҳам тайёр эди. Чунки унинг ҳам ҳаётида ўзини деб жонига қасд қилган йигит бўлган-ку! Эҳтимол, шунча пайт уylanмай юрган Кухаранинг қалбида ҳам қандайдир битмас жароҳати бордир? Модомики, бир ёстикқа бош қўйишар экан, буларни яширишдан нима фойда?! Харуко ўзича шундай деб ўйлар эди.

– Балки у бир-бирига тасалли бера оладиган, бир-бирини кечирадиган мушатарак тақдирларнинг қовушиши учунгина эрга тегишга рози бўлгандир?!



– Харуко ҳаммасини айтиб беради, мен эса унга ҳеч нима айтмайман, дея хаёл қилган Кухара чакки ўйлаган эди.

Кухарани беғубор, покдомон йигитлардан деб бўлмасди, аммо модомики, гап оила қуриш ҳақида экан, у ишонч билан ташлаб кетиб, сўнг қийналган ёки пушаймон бўлган биронта аёлни учратмаганман, дея бемалол айтиши мумкин эди.

Бунинг сабаби табиатан аёлларни ёқтирмаслиги ва уларга ишонмаслиги эмасди. Балки шу чоққача кўнгли сув ичадиган қизни учратмагани эди.

Вақт-соатида уйланмагач, оила қуришдан, умуман аёл зотидан совиб кетгандир?! Юракда бу нарсаларга ўрин келмагандир? Эҳтимол, шу сабабли у сўққабош юришни афзал кўриб, охир-оқибат илмга берилгандир? Балки мана шу феълени яхши билган таниш-билишларига унинг уйланиши фавқулодда ҳодиса бўлиб кўрингандир?!

Бўйдоқлигида Кухара эмин-эркин юрарди. Илгари аёллардан омади чопмаган бўлса энди, Харукони учратгач, унга бахт кулиб боққан эди. Шунга қарамай Харуконинг илтимоси уни эсанкиратиб қўйди ва шу боис, у ўз ўтмиши ҳақида ўйлаб кўришга қарор қилди.

Тўғриси, кўнглида яширадиган сир-асрори йўқлигидан у ўзича ғурурланиб ҳам қўйди. Лекин ажабо, шундай экан нега қизга буни очиқ айтишга ботинолмади? Демак, мен софдил, самимий инсон эмас эканман, деган андишада дилига ғашлик чўқди.

Балки у ёмон яшагандир? Ундай бўлса, Харуко ишонмай тўғри қилган чиқади. Кухара шуни кўнглидан ўтказиб ўзича кулиб қўйди.

Шунга ҳам ота ғўри қозихонами! Харуко биринчи бўлиб ўтмишдаги гуноҳларини бўйнига олишни

шарт қилиб қўйган экан, Кухара ҳам иложи борича ишонарли бир ишқ можаросини ўйлаб топишга аҳд қилди.

### III


У ўзи таниган барча аёлларни, ёшлигидаги дўстларидан тортиб то ҳамширалару касалхонада ўзи даволаган бемор хотинларгача бирма-бир хотиридан ўтказиб, Харукога айтиб бериш учун фавқулодда ишқий саргузашт ўйлаб топишга киришди.

Бу жуда бачкана ва куракда турмайдиган машғулот эди. У ўша аёллар билан қаллиғи Харукони хаёлан таққослаб кўрар, уларнинг ҳаммаси фэйзсиз, фариштасиз туйилди. Лекин барибир Харуконинг қулфи дилини очадиган бир жўяли воқеа ўйлаб тополмади.

Харуконинг ўз жонига қасд қилган йигит ҳақидаги ҳикояси эса ҳар ҳолда – қиз ҳаммасини Кухарага айтиб берди – одатий, ҳатто айтишга арзимас воқеа экан. Ўша йигит Харукодан икки ёш катта бўлиб, унинг тоғаваччаси, у билан ёшлиқдан бирга ўсишган экан. Кейинчалик йигитнинг отасини Токиодан анча олисдаги қишлоққа ишлагани юборишгач, ёшлар хат ёзиб туришган экан. Таътил пайтида йигит билан Харуко ёзда чўмилгани денгизга боришар, қишда чанғи учгани тоққа чиқишар, бирга бўлишган чоғларида ўзларини ниҳоятда бахтиёр сезишар экан. Ўрта мактабни тугатиш арафасида йигитнинг мактублари тобора ишқий тус ола бошлабди. Сўнгра, коллежга ўқишга кирғач, Токиога кўчиб келиб, Харуколарникида яшай бошлабди.

Улар ҳар куни кўришиб туришаркан. Кўп ўтмай йигит унга муҳаббат изҳор этган. Харуко қариндошлигини рўкач қилиб рад жавобини берган. Ўша

У-9046/2



йили қишда йигит чанғи учгани бир ўзи тоққа жўнаган ва бўрон пайтида тоғдан йиқилган. Унинг жонини сақлаб қолишибди.

Бироқ кўкрак қафаси лат егани учун узоқ вақт касалхонада ётибди.

Кўп ўтмай йигит Харукога видолашув мактубини ёзиб, ўзини-ўзи ўлдирган экан. Ўша мактубнинг айрим лавҳалари ўз вақтида газетада ҳам эълон қилинган экан. Агар у касалхонада қазо қилганда бу ҳақда овоза қилишмас экан, бироқ йигит ўзини денгизга ташлаган, касалхона маъмурияти жавобгарликдан қочиш ниятида унинг ўлими олдидан ёзган мактубини редакцияга элтиб беришган. Шу тариқа йигит гўё ишқ дардига чидаёлмай ўзини-ўзи ўлдирди, деган гап тарқалган.

– Ўша пайтда неча ёшга чиққан эдингиз, Харуко? – деб сўради Кухара қизнинг ҳикоясини тинглаб бўлгач.

Бу севги достони шунчалар жўн ва оддий эдики, аввалига унинг ишонгиси ҳам келмади. Бунга ўхшаган воқеалар ҳақида газеталарда бир неча бор ўқиган эди.

Аmmo ҳар қандай ишқий саргузашт ҳақида ўзгалар тилидан эшитганда озми-кўпми бачкана бўлиб туйилса, ажаб эмас.

Зеро, хуноби ошаётган Кухара назарида Харуконинг эрга тегишдан қатъий бош тортишларига фақатгина кутилмаган, фожеавий ҳодиса сабаб бўлиши мумкиндек эди.

Қиз боланинг қалбини вайрон қилишга бир неча сатр ҳам кифоя.

Лоп этиб аланга олган фидойи муҳаббатдан фарқли ўлароқ тоғаваччаси билан ўрталаридаги муносабат Харуко қалбида гўзал хотира сифатидагина

қолган ва узоқ вақтдан буён унинг хотирасини тарк этмай келаётган эди.

– Харуко, ўша йигитга кўнглингиз борми, – дея сўради Кухара.

Харуко бош қимирлатди.

– Ҳозир ўйласам яхши кўрган эканман... Аммо у пайтларда жуда ёш эдик.

– Ўша ҳалокатдан кейин ота-оналарингиз юз кўрмас бўлиб кетишмадимиз?

– Тоғам билан опоқим мени бирон нарсада айблайдиган одамлар эмас.

– Шунинг учун унга садоқатли бўлмоқчи эдингизми?

– Садоқатли дейсизми?.. Эҳтимол...

– Аммо Харуко очиқ айтиши мумкин бўлган гапларининг ҳаммаси шулардангина иборат эмасди.

– Тоғаваччаси ўз жонига қасд қилганда Харуко ўн тўққиз ёшда эди, икки йил ўтгач, уйларига совчи келди. Харуко розилик билдирди, бироқ тўй тадори-ги келишиб олингандан кейин икки кун ўтар-ўтмас, бўлғуси куёвнинг ота-онаси ўзини ўлдирган йигит ҳақида хабар топди-ю, тўй бузилди.

Бу воқеа Харукога тоғаваччасининг ўлиmidан ҳам ёмонроқ таъсир қилди: у куёв Катакирини астойдил севиб қолганга ўхшарди.

Харуко пешонамга эр ёзилмаган экан, дея ўшандаёқ бор умидини узган эди.

Тўғрисини айтганда Харуконинг биринчи муҳаббати тоғаваччаси эмас, Катакири эди. Катакирига бўлган мана шу муҳаббати кейинчалик ҳалок бўлган қариндошининг хотираси билан қоришиб кетган эди.

Харуко кейинги унаштиришлар ҳам худди шундай тугайди дея қўрқарди. Тўғри, ўша пайтда у Ка-

такирига турмушга чиқишига ишончини бутунлай йўқотган эди, куёвнинг ота-онаси тўйни бузгандан кейин ҳам улар пинҳона – атиги бир марта учрашган, Катакири ота-онасини кўндиришга ваъда берган эди.

Харуко Катакири билан боғлиқ воқеаларни Кухарадан яширмоқчи эмасди, фақат Кухара ўтмиши ҳақида яна бирон нима сўраб қолса айтиб бермоқчи эди.

Бироқ сиёқига қараганда тоғаваччаси ҳақида айтиб берганларидан Кухара қаноат ҳосил қилган ва бошқаси қизиқтирмаётганга ўхшарди, шунинг учун Харуко Катакирини эслатишни лозим кўрмади.

Дарҳақиқат, Катакири ҳақида гапириш унга ҳам оғир, ҳам аламли эди: Кухара Харукога совчи қўйганда Катакири аллақачон оила қурган ва бундан хабар топган Харуко ўзини таҳқирлангандек сезарди.

#### IV

Кухара билан Харуко турмуш қуришди. Тўй сафарининг иккинчи куни мусофирхонага жойлашганларида ўз жонига қасд қилган тоғаваччаси Харуконинг тушига кирди.

Улар қишлоқдаги уйимиди ёки ўзларининг уйими – Харуко аниқ билолмади. У хонага қирганда тоғаваччаси эшикка орқа қилиб ўтирарди. Кутилмаганда ўгирилиб қаради-ю, Харуко қотиб қолди. У дафъатан яланғоч опасини сезиб қолганди... Харуко ўзининг овозидан чўчиб уйғониб кетди.

Унинг юзи номусдан ловуллаб ёнарди.

Харуко титраб-қақшаб Кухаранинг тунги кимониси енгидан ушлаб олди.

Тушида марҳум тоғаваччасини кўргани ҳақидаги хаёлдан у даҳшатга тушди.

– Мени кечир... – дея шивирлади у ва бутун вужуди титраб эрининг пинжигига суқилди.

Ўша кечаси Харуко эрга тегиб, марҳум тоғаваччасининг руҳига хиёнат қилгандек узоқ ўйга толди. Бундан ташқари назарида кўрган туши жуда-жуда беҳосият эди.

Бироқ вақт ўтиб элас-элас ёдида қолган, тоғаваччаси билан Катакирининг қиёфалари бора-бора унутилиб кетди. Харуконинг қалбида куртак ёзган муҳаббат гуллари кечикиб бўлса ҳам барқ уриб очилди ва бу гулларнинг тароватини у Кухарага инъом этди.

– Бизга ўхшаб вақт-соатини сабр-тоқат билан кутиб турмуш қурганларни худонинг ўзи қўллайди, – дер эди баъзан Кухара.

Шундай лаҳзаларда Харуко ўтмишини эсламасликка ҳаракат қиларди.

Харуко гул-гул очилиб Кухаранинг орзу ҳавасларини тинглар ва хонадонларига бахт тилагани-тилаган эди.

Кунларнинг бирида Кухара беғараз оҳангда сўраб қолди:

– Тоғаваччанг ўлими олдидан ёзган мактубининг баъзи ерлари жуда ғалати-я, аҳамият бердингми?

– Бўлиши мумкин, сиз бекорга гапирмайсиз, – деди Харуко хотиржам.

– Ростданам-да. Гап шундаки, у ётган касалхонада бир ўртоғимнинг таниши ишлайди. Мен тоғаваччангнинг ўлими сабабларини суриштирдим. Маълум бўлишича, унинг асаблари тамом ишдан чиқиб, қандайдир вос-вос, телбанамо бўлиб қолган экан. Мен унинг касаллик варақасини ҳам кўрдим. Шулардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, у сен туфайли ўзи-

ни ўзи ўлдирмаган. У шунчаки соғайишига кўзи етмаган, – унинг ўпкаси тамом бўлган. Ўлганни устига тепган дегандек руҳий хасталикка чалинган, буни кўтаролмаган. Иродаси шунақа бўш экан. Унинг ўлимида сенинг мутлақо гуноҳинг йўқ.

– Буларни қачон билақолдингиз?

– Анча бўлди.

– Ярамас, нега шу чоққача индамадингиз? – деди Харуко гинахонлик билан. Кўнглидан эса буни илгарироқ билганимда, балки Катакири билан тўйимиз бузилмасди, деган ўй кечди.

– Бу фикр Харукога шунчалик таъсир қилдики, боёқиш довдираб қолганини яшириш учун синиққиниб кулимсиради.

– Лекин шуни эсдан чиқармаслик керак, ўша телбанинг шарофати билан биз турмуш қурдик, – деди фаросатсизларча Кухара.

– Шуни айтинг-а!

– Сен бўлсанг, Харуко, ўзингни-ўзинг қийнаб юрибсан. Бир гап айтайми, бунинг учун сендан янаям хурсандман.

Ўшандан буён Харуко жувонмарг бўлган тоғаваччасини тез-тез эслайдиган одат чиқарди. Шундай дамларда кўз олдига ёз фаслидаги мовий денгиз ҳамда қор босган тоғлар келарди.

Лекин афсуслар бўлсинким, унга ато этилган неъмат – ўзгаларга бахт келтириш иқтидори сусайиб борарди.

## АНОР

Изғиринли куз кечаси битта қолмасдан тўкилган анор барглари бута атрофида доира ҳосил қилиб тўшалди. Дераза табақаларини ланг очиб юборган Кимико анор бутасининг яйдоқ шохларига кўзи тушиб, ҳайратдан бармоғини тишлади. Анор япроқларини шамол учириб кетиб, ҳар томонга сочиб юбормасдан бир ерга тўплаб қўйгани уни янаям ҳайратга солди.

Дарахтнинг қир учида чойнакдек анор осилиб турарди.

– Ойи, ойижон, қаранг, анави анор бунча ажойиб бўлмаса!... – деди Кимико ҳаяжонини яширолмай.

– Ростдан ҳам... Аноримиз борлиги менинг эсимдан ҳам чиқиб кетибди. Онаси дарахтга бир қараб қўйди-да, ошхонага кириб кетди.

Онасининг «Аноримиз борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетибди», дегани ҳеч кими йўқ одамлардек ғарибу бенаво яшаётганларини Кимиконинг ёдига солди. Улар ҳатто шундоққина олди очиқ айвонлари қаршисида ўсаётган анорнинг пишиб етилганини унутишибдими, турмушлари қандай кечаётганини тасаввур қилса бўлади.

Ўн беш кунча аввал холасининг ўғли уларникига келган эди. У кириб келган заҳоти анорни кўриб, дарахт тепасига чиқиб кетди. Кимико жон-жаҳди билан юқорига тирмашиб чиқаётган етти яшар жиянидан қувонч тўла кўзларини узолмади.



– Ҳов ана! Тепароғида яна бор. Каттакон! – ҳаяжонланиб қичқирарди Кимико.

– Кўрдим, – деди бунга жавобан бола. – Агар ўша ерга чиқиб, анорни узиб олсам кейин қанақа қилиб тушаман.

Дарҳақиқат, иккала қўлида анор бўла туриб қанақа қилиб тушсин, дея кўнглидан кечирди Кимико ва унинг дарахтдан тушаётганини кўз олдига келтириб, кулиб юборди. Шунақаям ёқимтой бўладими бола!

То шу ёш бола кўрмагунча ҳовлиларида анор борлиги ҳеч бирларининг эсига келмаганди. Мана аҳвол-тирикчилик: жияни кетгач, она-бола яна унутиб юборишибди.

Холасининг ўғли келганида дарахтнинг қир учидаги ўша анор ҳали қуюқ япроқлар орасида унчалик кўринмасди, бугун эса у мовий осмон саҳнида оч қизил қўланка янглиғ яққол кўзга ташланаяпти.

Кимико ҳовлига тушиб, узун бамбук таёғи билан анорни уриб туширди. Пишиб, бироз тобидан ўтган анор хиёлгина ёрилган эди: то обдан етилгунча узоқ пайт ичида тўпланиб қолган ҳарорат бамисли тошиб чиққан, дейсиз! Кимико анорни олиб, очик айвон саҳнига қўйди. Ёрилган анорнинг ақиқдек дончалари қуёш нурида жилоланар эди.

Кимико ёрилмасидан аввалроқ анорни узиб олмаганига ўзини айбдор ҳис қилди.

У иккинчи қаватдаги хонасига чиқиб, шоша-пиша ишпечини қўлга олди. Соат ўнларга яқин пастдан Кэнкитининг овози эшитилди. Кўча эшик очик қолиб, у тўғри ҳовлига кириб келган, шекилли, онасига бир нималарни тушунтирмоқда эди.

– Кимико, ҳой Кимико, пастга туш! Кэнкити келди, – дея баланд овозда чақирди онаси.

Қиз ҳовлиққанича игнани ипдан ажратиб, жажжи ёстиқчага санчиб қўйди.

– Фронтга жўнашингизни эшитгандан бери Кэнкити, Кимико сиз билан кўришиб, хайрлашиб келишга рухсат сўраб, эси кетди, ҳоли жонимга қўймаётганди, лекин ўзи сизникига боришга уялди, аксига олиб сиз ҳам шу пайтгача бир марта кўргани келмадингиз. Ё қўлингиз тегмадими?... Уйга кирсангизчи, кираверинг, тортинманг, – дея куйиб пишарди онаси.

У Кэнкитининг узоқроқ қолишини истарди, шунинг учун бирга овқатланамиз, дея дастурхонга таклиф этаётган эди, аммо Кэнкити вақти зикроқ эканми, ичкарига кирмади.

– Аттанг... – деди онасининг ҳафсаласи пир бўлиб. – Унақада лоақал мана шу анорни енг кўнглим учун! Ўзимизни боғдан.

Онаси Кимикони яна чақирди.

Қиз то зинадан тушгунча Кэнкити ундан кўзини ололмай қараб турди, унинг нигоҳида порлаган интизорлик шу қадар кучли ва таъсирчан эдики, азбаройи Кимиконинг оёқлари чалишиб йиқилаёзди, бу ёғига, зинанинг қуйи поғоналаридан тушгани юраги бетламади.

Кэнкитининг илиқ бир меҳр ва самимият ила боққан кўзлари бамисли юлдуздек чарақлар эди. Ҳаяжонланганидан унинг бармоқлари титраб қўлидаги анор ерга тушиб кетди.

Иккови бир лаҳза бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди ва иккови бараварига жилмайди. Кимиконинг ёноқлари лов-лов ёнди. Кэнкити шошиб ўрнидан турди.

– Ўзингни эҳтиёт қил, Кимико! – деди Кэнкити.

– Сиз ҳам, Кэнкити! – дея шивирлади Кимико, аммо худди шу онда, аксига олиб Кэнкити хайрлашгани онасига ўтирилганди.

Кэнкити чиқиб кетди, Кимико эса яна бир мунча вақт кўча эшикка термулиб қолди.

– Бунча ҳовлиқмаса бу йигит! Одам ҳам шунақа бўладими? Шундай анорниям емасдан кетди-я! – деди онаси куюниб. У айвон чеккасидаги панжарага кўксини тираб энгашдида, ерда ётган анорни олди.

Ҳали Кэнкити Кимикони кўриб, кўзлари меҳрдан чарақлаб кетганини сезганида йигит анорни иккига бўламан, деб қўлидан тушириб юборган эди. Анор ерга тушиб ҳам ёрилмаганди.

Онаси ошхонага кириб анорни ювиб чиқди-да, қизига узатди:

– Ма, сенинг насибанг экан, Кимико.

– У ерга тушган-ку, – деди олгиси келмай Кимико норози оҳангда.

Сўнг бирдан қип-қизариб кетди ва шоша-пиша анорга қўл узатди.

Афтидан Кэнкити анорнинг ёрилган еридан тишлашга улгурган эди.

Онасининг ўзига тикилиб қолганини кўрган Кимико, йўқ дейишни одобсизликка йўйдими, анорни олиб, кўнгил учун ёрилган еридан шима бошлади. Анор суви нордон эди. Назарида ана шу шарбат томирларига қуйилиб, ич-ичларига оқиб киргандек ва ботинда жўш урган қувонч ҳисларига аламнинг аччиқ таъми қўшилгандек бўлди.

Кимиконинг ҳолидан беҳабар онаси бамайлихотир айвонни тарк этди.

Тошойна ёнидан ўтаётганда у ўзини ойнага солди ва бирдан кўрқиб кетди.

– Вой турқим қурмасин! – дея чапак чалаёзди у. – Шу аҳволда Кэнкитини кузатиб қўйдимми ҳали? Вой тавба, бу нимаси эди?

У тошойна қаршисига ўтириб сочларини тарай бошлади.

– Отангнинг вафотидан кейин, – секин гап бошлади онаси, – анча вақтгача сочларимни тарамай қўйдим, нега десанг сочимга тароқ тегдими, бас, хаёлим қочар, негадир юрагим гаш бўларди... Шунинг учун сочимни тарагани юрагим бетламасди. Гўё отанг ёнимдан кетмай, сочимни тараб бўлишимни сабр-сизлик билан кутаётгандек бўларди. Мен қўрқувдан қалт-қалт титраб, ўзимга келолмасдим.

Кимико отасидан қолган овқатни онаси еб тугатиб қўйишларини эслади.

Дафъатан юрагини чуқур бир армон чулғади ва шунинг баробарида ўзини шунчалар хушнуд ва хуррам сиздики, беихтиёр кўзларига ғилт-ғилт ёш келди.

Онасининг ҳуда-беҳуда исрофгарчиликка тоқати йўқ эди. Отасидан қолган овқатни охиригача еб қўйиш одати ҳам шунинг оқибатидир балки?! Эҳтимол, шу боис Кэнкитининг назари илмаган анорни онаси Кимикога берган бўлса, ажаб эмас!

Кимико кутилмаганда вужудини чулғаган пинҳоний қувонч туйғулари учун ўзини онаси олдида гуноҳкор сизди.

Бироқ у ҳеч нарсадан гумонсирамаган Кэнкити билан хайрлашув чоғида юрагида пайдо бўлган ҳиссиётнинг жўшқинлигидан ўзини ўта масрур сизди ва мен уни умрбод кутишга қодирман, дея хаёлидан ўтказди.

Кимико кўз қири билан онасига қаради ва орқа тарафига кўзгу ўрнатилган пардеворни қуёш нурлари қанчалар ёритаётганини кўрди. Сўнгра этагида ётган анорга хомуш назар солди ва кўнглидан, энди уни ўлақолсам тишлолмайман, деган ўй-хаёл кечди.

## АРИГАТО

Бу йил куз тоғларда ажойиб келди, хурмо ғарқ пишиб етилди.

Ярим оролнинг жанубий қисмида унчалик катта бўлмаган кўрфаз. Автобус станциясининг иккинчи қаватидан арзон-гаров ширинликлар жойлашган дўконча ёнига сиёҳранг ёқали сарғиш камзул кийган шофёр тушиб келди. Ташқаридаги рейсда қизил автобус радиаторига сиёҳранг байроқча илинган эди.

Станция ёнида оёқларини ўйнатиб, қўлида пакет – балки арзон карамель билан тўла бўлса керак – бир кекса аёл турарди. Унинг ёнида – ёшгина қиз.

Шофёрнинг тартиб билан боғланган бошмоқларига қараб аёл бошини кўтарди, сўнг деди:

– Демак машинани ҳайдаш навбати сизники эканда, Аригато-сан? (Қачон қараманг «рахмат» деб жавоб қайтардиган шофёрни таниш-билишлар Аригато-сан, яъни Жаноб Раҳмат, деб аташарди). Бу яхшилик аломати. Модомики, бизни сиз олиб кетар экансиз, менинг қизимга ҳам бахт кулиб боқса, ажаб эмас.

Шофёр қизга қараб индамади.

– Бошқа чўзиб ўтириш яхши эмас, – деб давом этди гапида аёл. – Бу аҳволда аччиқ ичакдек чўзилиб кетиши мумкин. Бунинг устига эрта-индин қиш киради. Совуқда эса уни бунақа узоқ жойларга олиб боришга ачинади одам. Олиб бориш шарт эканми, яхшиси ҳавонинг авзойига қараган маъқул. Шунинг учун бугун олиб боришга қарор қилдим.

Шофёр жимгина бош ирғади ва шахдам одимлар билан автобуси томон кетди.

– Ўтиринг хола, олди қаторга ўтиринг. Йўл узоқ бу ўринда унчалик чайқатмайди.

Аёл бу ердан олтмиш километр нарида, бошқа шаҳарлар билан темир йўл орқали боғланган шаҳарчада жойлашган исловатхонага қизчасини олиб кетаётган эди.

Тоғ йўли ўнқир-чўнқир эди. Қизча дарҳол шофёрнинг орқасига ўтириб олди ва атрофни, айниқса пешин қуёшида шофёрнинг тик бурилишларда дам ўннга, дам чапга қийшаяётган елкаларига ҳавас билан қаради. Унинг сарғиш камзул кийиб олган азамат елкалари қизга кенг олам бўлиб кўринарди. Назарида, икки тарафдаги йўлкаларни эгаллаган тоғларни йигит шу азамат елкалари билан суриб тургандек туйиларди.

Улар шунақа тоғлардан, тоғ ўнгириларида ўтишлари лозим эди. Автобус юк ортилган аравани қувиб ўтди. Аравакаш аравасини йўл четига бурди.

– Аригато! – Жарангдор овозда қизилиштонга ўхшаб гўзал овози билан миннатдорона бош ирғади шофер.

Олдинда хари ортилган арава кўринди. У ҳам йўл четига ўтиб турди.

– Аригато! – деб яна қичқирди шофёр киракашга тенглашиб.

Кейин катта юк араваси четлашиб йўл берди.

– Аригато!

Сўнг рикша.

– Аригато!

Кейин отлиқ бир киши.

– Аригато!

Агар шу ўн беш минут ичида йўлда ўттизта арава дуч келганда эди, у ўттиз марта «рахмат» деган

бўларди. У тўрт юз километр йўлни босиб ўтганда ҳам бу хушмуомалалик қондасини тарк этмасди. У унинг учун шунчалик содда ва оддий криптомерия дарахтининг адл қоматидек табиий эди.

Улар кўрфаздан чиқишгач, орадан уч соат вақт ўтди. Шофёр чироқларни ёқди. Ҳар сафар арава ёки биронта отлиқ рўпарадан чиқиб қолса, у чироқларни ўчириб ёқар, таъзим қилар ва «рахмат» деб қўярди.

Олтмиш километрли трассадаги юк ташувчилар, аравакашлар ва отлиқлар уни энг яхши ва хушфёъл шофёр деб ҳисоблашарди.

Онаси билан қизи кечқурун станцияда автобусдан тушишганда қиз бошдан-оёқ титрар, оёқлари қалтираб, боши айланарди.

– Шошмай тур бироз, – деди аёл ва шофёрнинг ортидан эргашди.

– Менга қаранг, – деди унга. – Менинг қизим сизни яхши кўриб қолибди, ўзи айтди. Ажабланадиган ери йўқ! Ҳар қандай шаҳарлик хоним сиз билан қирқ километр юрса, ошиқу-беқарор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Камбағал қиздан нима кутиш мумкин!.. Сиздан илтимос қиламан... Тасаддуғингиз кетай... Эртага эрталабдан бошлаб у ҳар хил қаланғи-қасанғи ва қирчанғиларнинг эрмаги бўлади, уларни қиз бечора кўрмаган, қўймаган бўлса...

Эртасига барвақт шофёр алмисоқдан қолган, эски уйдан – мусофирхона ёки оддийгина ётоқхонадан чиқиб, ўзининг шахдам одимлари билан майдон бўйлаб кетди. Орқада она-бола тез-тез юриб келишарди. Сиёҳранг байроқ илинган катта қизил, муайян йўлга қатнайидиган автобус ҳозиргина келган поезддан тушган йўловчиларни кутарди.

Қиз биринчи бўлиб автобусга чиқди ва тилининг учи билан қуруқшаган лабини ялаб, шофёр ўтиради-

ган қора чарм ўриндиқни силаб-сийпади. Онаси эрталабки совуқдан ўзига келолмасди.

– Хўш, қизни орқада олиб кетамизми? – деди у шофёрга. – Бугун эралабдан йиғлашга тушди, сиздан ҳам сўкиш эшитиб олдим. Бунақа бағритошлик қилмаслигим керак эди. Майли, бўлар иш бўлди. Орқага қайтамизми, бўпти. Баҳоргача чидаб турамиз-да энди. Қиш совуғида олиб келишга ачинасан киши. Кунлар исиб кетгунча уйда яшасин, кейин хоҳласанг-хоҳламасанг олиб келаман...

Поезддан дастлаб тушган уч пассажир автобусга ўтирди.

Шофёр автобус ўриндиғидаги ёстиқни тузатди. Орқасида ўтирган қиз яна унинг елкаларига, жудаям қадрдон ва иссиқ кўринаётган елкаларига қаради. Эрталабки куз шамоли унинг юзларини силаб-сийпади.

Автобус аравага етиб олди. У йўл чеккасига ўтиб турди.

– Аригато! – миннатдорчилик билдирди шофёр.

Кейин у юк ташийдиган аравага етиб олди.

– Аригато!

Кейин отликқа.

– Аригато!

Автобус кўрфазга ярим оролнинг жанубий қисмидан қайтиб кирди, узоқдаги далалар ва тоғлар олтмишинчи километрдаги шофёрнинг овози билан кўмилди.

– Аригато!

– Аригато!

– Аригато!

Бу йил куз тоғларда авжига чиққан ва хурмо ғарқ пишган эди.



## БАМБУК САДОСИ, ШАФТОЛИ ГУЛИ

Қачондан бери у бамбук садоси билан шафтоли гулини ўз вужудида ҳис қила бошлади?

Эндиликда бамбук садосини эшитибгина қолмай, у бу товушни кўраяпти ҳам, шафтоли гулидан баҳра олибгина қолмай, бу латиф гул юрагининг қат-қатларида қулф урмоқда.

Бамбук садосини тинглаётганингда нима учундир баъзан қарағайнинг саси ҳам қулоғингга чалингандек туйилади. Баъзан эса шафтоли гулига қараб турсанг, эндигина ғунчалаётган олхўри дарахтининг нафис новдалари кўз олдингга келади. Инсон ҳаётида шунақаси ҳам тез-тез рўй бериб туради, аммо бу ҳиссиёт Хисао Миякава қалбини асир этганида у ошини ошаб, ёшини яшаб қўйган эди.

Миякава ўтган йилнинг баҳорида, уйлари яқинидаги тепаликда ўсган қарағайга қўнган лочинга кўзи тушганди, назарида уни ҳозир ҳам кўриб тургандек...

Пастаккина тоғ тизмаси Миякава уйининг орқа тарафида, эриган шам қолдиғи янглиғ бўртиққа ўхшаганнамо дўнглик билан тугарди. Тепалик этагидаги қорамтир қоятош бошдан-оёқ тропик папоротниклар билан қопланган. Ёнбағирда баланд ўсган биронта дарахт кўзга чалинмасди, аммо майдабаргли буталар шунчалар ҳам зич, қалин ўсгандики, бамисли яшил гиламдек товланар эди. Фақат тепаликнинг чўққисида қуриёзган қарағай ёлғиз қад ростлаб турарди.

Қуриган қарағайнинг танаси-ю, игналаригина қолган, унинг майда-чуйда шохларидан ному нишон қолмаган эди. У кўп замонлардан бери фалакка санчилган найзадек қотиб турарди.

Қарағай тепасидаги лочинга кўзи тушган Миякава юраги ҳаприқиб бирданига қичқириб юбораёзди. Бу ёқларга лочин учиб келганини у етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. Бу аллақандай ишониб бўлмайдиган мўъжиза эди. Бироқ қудратли ва жасур лочиннинг қарағайда ўтиргани айна ҳақиқат.

Лочин келиб қўнғач, баҳайбат қарағай худди кичрайиб қолгандек бўлди. У мағрур кўксини кўтарганча қимир этмай ўтирарди. Миякава қушни завқ билан томоша қиларкан, вужудига лочинворий ғайрат оқиб кираётганини сизди.

Баҳор оқшоми эди. Қуриган қарағай оч пушти ҳовур қоплаган осмон кўксига санчилган қоп-қора найзани эслатарди. Баланд чўққи узра гўё атрофга ҳеч бир алоқаси бўлмаган сирли ҳодисалар бўлаётгандек ажиб бир ҳолат ҳукмрон эди.

«Йўқ, лочин кечаси туман тушганда учиб келмаган, – дея ўйларди Миякава ҳамда ўз хаёлидан ўзи ажабланганча йиртқич қушдан кўзини узмасди. – У мени деб келган, ҳозир қўниб ўтирган шохга тўғри учиб тушган... Энди ҳеч қаяққа кетмайди...» Унинг тасавбурида худди гуриллаб ёнаётган гулхан ўртасида улкан оқ нилуфар очилгандек бўлди. Аслида туссиз баҳор осмони ҳеч бир жиҳати билан гуриллаб ёнаётган алангани эслатмас, лочин билан оқ нилуфар ўртасида ҳам бирон муштараклик, уйғунлик йўқ эди. Шундай бўлса ҳам қуриёзган қарағай тепасида ўтирган қудратли қушдан алоҳида бир осойишталик аланга ичида барқ уриб очилган оппоқ нилуфаргагина хос осойишталик тараларди. Оппоқ нилуфарга хос...

Унинг юрагини хапқиртириб юборган ҳайрат билан муқаддас изтироб аста-секин лочиннинг учиб келиши яхшиликдан нишона, деган ишонч туйғуларига айлана борди. Миякава ич-ичида битмас-туганмас хушнудлик туярди.

Илгари денгиз соҳилида жойлашган бу шаҳарчага на лочинлар учиб келганини кўрган, на бу ҳақда бировдан эшитган эди. Мана лочин рўпарасида турибди! Ажабо, уни қайси шамол учирди? У тасодифан манзилдан адашиб нафасини ростлаш учун қарағайга келиб қўндимикин? Ким билсин, балки унинг тайинлик мақсади бордир?! Хуллас, уни айнан шу қарағай тепасига қўнишга нима мажбур этди?

Миякава буни тасодифга йўя олмасди. Унинг назарида худди шундай бўлиши шарт ва бу илоҳий қаромат эди. Ҳатто лочин бирон воқеадан ўзини огоҳ этгани учиб келгандек туйилди.

«Яхшиям шу чириган дарахтни кесиб ташламаганим-а, – деб ўйларди у. – Лочин тепаликнинг чўққисида баҳайбат дарахт борлиги учун қўнмаганмикин? Агар шу қарағай бўлмаганда, ким билсин, лоақал бир марта ҳам уйимиз олдида лочинни кўриш насиб этмасмиди?!»

«Яхшиям қарағайни кесиб ташламаганим, – дея Миякава қайта-қайта кўнглидан кечирарди. – Неча марта чоғланган эдим-а!»

Бир пайтлар Миякава уйларининг орқа тарафида ўз хонадонини балою офатлардан асрамоқчидек қад ростлаб турган қарағайнинг қуриб қовжирашини ичи ачиб кузатиб юрар эди.

Қарағай электричка келиб тўхтайдиган темир йўл бекатидан ҳам кўриниб турар эди. Миякава ҳам бошқа қўни-қўшнилари билан вагонга чиқаётганда ёки сафардан қайтаётганда қарағайга, албатта, бир

марта назар ташлаб қўйишарди. Бу ҳол кетаётганда хайрлашув ва қайтаётганда саломлашувдек одатга айланган, лекин, афсуски, бошқа пайт Миякавадан ўзга ҳеч ким эсламасди. Ваҳоланки, бир замонлар ҳавас қиларлик даражада кўркам бўлган, темир йўл бекатидан туриб қарағайга бир қараган кишининг баҳри дили очилиб, юраги орзиқиб кетар эди. Мана шу ҳовлига кўчиб келганда Миякава бир кам элликда эди, ўтган йили эса у етмишга кирди, бироқ қарағай мана шу узоқ давр ичида мутлақо ўзгармагандек эди. Тавба, унинг ёши нечада бўлиши мумкин? Ҳар ҳолда юз эллиқдан кам эмасдир.

Ҳовлини шилқим ва бетакалуф кишилар нигоҳидан яшириш учун девор ёқалаб экилган эман билан дафна ҳам, боғнинг қоқ ўртасида кенг қулоч ёйган ҳинд настарини ҳам жуда баҳайбат эди-ю, лекин минг қилганда ҳам тепаликдаги қарағайга тенг келолмасди. Нима сабабдан тепаликда қарағайдан бошқа йирик дарахт ўсмас экан? Ким билади, балки бир пайтлар ўсгандир, фақат улар аллақачон қуриб, бир ўзи қолгандир?

Шубҳасиз, қарағайнинг ёши Миякавадан кам деганда икки баравар катта эди. У мана шу ҳовлига кўчиб келган йили қарағай мендан кейин ҳам яшайди, деб ҳисобларди.

Болалигида ўрмон бўйлаб сандироқлаб юрар экан, Миякава мангулик тимсолидек қад ростлаган баҳайбат, кекса дарахт олдида тўхтаб қолар, уларга таъзим қилгиси келарди. Бу дарахтлар унга инсон умрининг ҳаддан зиёд қисқа ва ўткинчи эканини эслатмас, балки, аксинча, бундай оғир хаёллардан халос қилар ва назарида ўз жисми, руҳи билан тупроқнинг теран қатламларига қадар томир ёйган азамат дарахтлар танасига қўшилиб, сингиб бораётгандек туйиларди.

У тепаликда ўсган қарағай юрагининг азиз парчасига айланганини сеза бошлади. Тепалик ёнбағри тик бўлиб, унинг чўққига олиб чиқувчи бирон бир сўқмоқ йўқ эди. Миякава ўзи чиқа олмагани учун дарахтдан хабар олиб туришни боғбондан ҳам илтимос қила олмасди. Афтидан, ниҳоллигидаёқ қарағайнинг ёввойи экани маълум бўлгач, боғдаги дарахтларга қўшиб уни парвариш қилишмаган эди. Лекин шундай бўлса ҳам унинг қадди тик – адл, шохлари беўхшов тарвақайлаб кетмаган эди, ундан ташқари қари дарахт бўлса ҳам ёқимсиз ва хунук туйилмасди. Ҳатто бўрон маҳали унинг шохлари синиб тушмасди.

Шохлари-ку у ёқда турсин, ақалли биронта игна-сига зиён-заҳмат етмас эди. Бўрон кўтарилиб жала қуйган чоғларда эгилиб, тинимсиз чайқалишини Миякава сомонхона даричаси орқали кўп кузатарди. Ёнгарчилик кунлари барча деразалар тақатақ ёпилганидан тепаликда нималар бўлаётганини фақатгина шу дарча орқали кўриш мумкин бўларди. Ана шунда Миякава қарағайдан хавотир тўла нигоҳини уза олмасди. Жала даричага тарсиллаб урилар, ёмғир сувлари ойнада эгри-бугри чизиқлар қолдириб оқиб тушарди. Дарахтлардан узилган сербар яшил япроқлар ташқи ҳовлига тушарди. Фақат ёлғиз қарағайнинг игналари тўкилмаётганга ўхшарди. Балки унча-мунча тўкилар, бироқ дарича орқали кўринмагани учунми, Миякавага қарағай шохларидан биронта игна учиб тушагандек туйиларди. Тепалик ёнбағридаги дарахтларнинг шохларини шамол муттасил эгади, япроқларини юлқиб узади, тепаликдаги қарағай учлари эса сезилар-сезилмас даражада силкинади, шунинг учун Миякава қарағай теграсида бўрон хуруж қилмаяпти, шекилли, дея гумонсирайди. У дарича олдида тураркан, баъзан бағрига

босмоқчидек беихтиёр қарағай томонга қўлларини чўзарди.

Миякаванинг хотиридан бир манзара ҳеч кетмасди: оппоқ хризантеманинг гулбарглари сассиз тўкиляпти. Ҳарир никоҳ кўйлагига келинчак бир даста гул кўтариб, меҳмонхона йўлагига бораётир. У тўйга ёки унаштириш маросимига ошиқаётган бўлса керак. Кўйлагининг этаги полда судралади. Бирин-сирин гулбарглар тўкилади. Келинчакни кузатиб чиққан аёл оч яшил гиламга тўкилган оппоқ гулбаргларни териб олиш учун дам-бадам эгилади.

Бу манзарага у бир замонлар меҳмонхона йўлагидан ўтиб келаётганда кўзи тушган эди, аммо ҳануз эсидан чиқмайди. Аёл гулбарглар нечоғлик сассиз тўкилса, шунчалик оҳиста териб олиш учун энгашади. Қизиқ, сулув келинчак қўлидаги гулдастандан гулбарглар тўкилаётганлигини пайқаганмикин ўшанда?! Ҳар ҳолда у сир бой бермаганди. Келинчакка шундай муқаддас айёмда сўлиган хризантема гулларини дасталаб берган боғбоннинг ноинсофлиги ҳақида ўйлаганида Миякаванинг кўнглидан буларнинг барчаси фожиавий асар учун ажойиб бир сюжет бўлар экан, деган фикр кечарди: турмуш тўфонлари келинчак ҳаётидан юлқиб олаётган чечаклар каби сассиз тўкилаётган оппоқ хризантемаларнинг гулбарглари...

Темирйўл бекатидан шаҳарга кираётган чоғингда тепалик билан қарағайни уйлар тўсиб қолади. Аммо муюлиш биқинидаги яшил томонга бурилишинг ҳаммоно қарағай яна тўлқинлар орасидан қалқиб чиққан қайиқдек пайдо бўлади ва ажабо, кейин то Миякавалар ҳовлисига етиб боргунингча кўздан йўқолмайди.

Қарағай денгиз томондан ҳам яхши кўринарди. Қизи Каё илк бор севгилисига билан кемада очик денгизга чиқиб, анча олислаб кетганларига қарамай,

туман чулғаган сохил аранг кўзга чалинаётган ма-софадан ҳам қарағайни кўрганлиги ҳақида Миякавага гапириб берган эди. Каё қарағайни кўрибди-ю, йиғлаб юборибди.

Миякава қизининг тўйи куни шуни эслади. Куёв, Каё билан денгиз сайрига чиққан ўша йигит эмасди. Бошқа эди. Ўша кезларда Миякава қизидан қарағайни кўргач, нега йиғлаб юбординг, дея сўрагани истиҳола қилган эди. Кейин эса бунинг мавриди келмади сира.

Миякава бир кун келиб, орқа тарафидаги тепаликда, қарағай ўсаётган ҳовлига кўчиб келишини қанчалик тасаввур қилолмаган бўлса, бу дарахтнинг кўзи очиклигида қуриб қолишини шунчалик ақлига сиғдиролмас эди. Зеро, у юз йиллик қарағайнинг ўзи билан учрашишни орзиқиб кутганлиги ҳақидаги кароматни калласидан сира қувиб чиқаролмасди. Бинобарин, Миякавани кўрмагунча қарағай завол топиши мумкин эмасди. Ахир у Миякавани деб яшамаганми?

Ҳозир Миякава дарахтнинг қайси шохлари аввал қурий бошлаганди – юқоридагими, ўртасидагими эслай олмасди, балки анови пастки шохларидан бошлангандир?! Айтганча, қўни-қўшнилар ҳам бу хусусда турли-туман тахминлар айтишарди.

Миякава қарағай игналарининг сарғая бошлаганини кўрганида, бу дарахт таназзулидан нишона эканлигини фаҳмлаган эди. Ўзининг боғбони бўлмагани учун у ёрдам сўраб узоқ танишига мурожаат қилган. Боғбон келишга келди-ю, совуққина қилиб, қарағайнинг куни битибди, деди. Сўнг, дарахт илди-зини қурт-қумурсқалар кемираётгандир, модомики, игналари сарғая бошладими, уни сақлаб қолиш мумкин эмас, деб қўшиб қўйди. Буни эшитиб довдираб қолган Миякава бир илож топишни илтимос қилди, аммо боғбон чорасиз равишда қўл силтади.

Ҳамма ердан – уйдан ҳам, ҳовлидан ҳам, кўчау станциядан ҳам куни битиб қолган дарахтга қараш бир хилда оғир эди. Ўлим талвасаси узоқ давом этди. Қарағайнинг биронта ҳам яшил игнаси қолмади, аммо бу сарғайган игналар нима сабабдандир тўкилмасди. Гоҳо-гоҳо қуриган қарағай Миякаванинг кўзига шумшук ва бедаводек кўриниб кетарди. Шундай кезларда у: «Эй тавба, кўрмаям, куймаям эди», – деб кўнглидан ўтказарди-ю, аммо ўзи бу хаёлга қарши ўлароқ дарахтга қайта-қайта қарайверарди. Охири қалбидан юлқиб ташлаш учун эмас, йўқ, зинҳор ундай эмас, балки унутиб юбориш учун дарахтни тезроқ кесиб ташлаш керак, деган хулосага келди.

Орадан яна бир неча йил ўтди. Сарғайган игналар тўкилиб битди, майда шохчалар чириди, катта-катта бутуқларнинг ҳам кўпи синиб тушди.

Энди Миякава қуриган қарағай ҳақида ҳам, ҳатто уни кесиб ташламоқчи бўлганлиги ҳақида ҳам эсламасди. Қишда дарахтнинг жонсиз шохларини қор қоплади. Шу билан гўё дарахтга янги қиёфа бахш этган эди. Қор остида қолган шохлар шак-шубҳасиз муздек эди-ю, бироқ ора-чора улардан ҳаётбахш бир ҳовур, ҳарорат таралаётганга ўхшарди...

Мана, ниҳоят, у қарағай тепасидаги лочинни кўриб қолди. Бу парранда Миякава бир вақтлар кесиб ташламагани учун қарағайга келиб қўнган эди. Қарағай эса азбаройи тепаликка чиқиш осон эмаслиги ёки эҳтимол, ялқовлиги туфайлигина омон қолган эди. Уяммас-буяммас қарағай ҳануз тепаликда қўр тўкиб турар, унинг қир учида эса лочин кўниб ўтирарди.

Лочин қимир этай демасди. Миякава нафасини ичига ютиб, ундан кўз узмай турар экан, худди лочинворий бир ғайрат – қудрат вужудига оқиб кира-



ётгандай, ҳамда бу қуш ўз куч-қувватини қуриган дарахтга ҳам бахш этаётгандек туйиларди.

Миякава лочинни бир кўрса бўларди, деган хаёлда хотинини чақирмоқчи бўлди. Бироқ хотини эшитиб чиқиши учун баланд овозда чақириш керак эди, агарда шундай қилса, лочинни ҳуркитиб юбориши мумкинлигини эслаб фикридан қайтди.

Лочин бамисли ҳайкалдек кимир этмасди. Худди темир тирноқлари билан дарахтга санчилиб қолгандек.

Лекин парранда ҳам тирик жон, қачондир барибир учиб кетади. Қуриган қарагай эса ўз жойида қолади. Бироқ энди у оддий қарагай эмас, лочин келиб қўнган қарагай бўлади. Миякава лочинни атиги бир марта кўрди, илло у энди умрининг охиригача қалбини тарк этмайди.

Лочин Миякава учун қандай хабар келтирди? Мабодо, унинг бу ерда пайдо бўлиши хушxabар, хайрли толедан дарак берар экан, у ҳолда Миякавага марҳамат этилган саодат, қувонч нималардан иборат? Лочинни кўришдан иборат эмасмикин?

Бу воқеа ўтган йилнинг баҳорида юз берди. Ўшандай буён уй ортидаги тепаликнинг қир учида ўсган баҳайбат, қуриган қарагай деярли ўзгармади. Лочин эса бошқа келмади. Балки келгандир ҳам, аммо Миякава уни кўрмади.

Миякава лочин менинг қалбимда абадий қолди, дея тахмин қила бошлади.

Қани, шаҳарчага, шаҳарчагамиш, нақ унинг уйи ортидаги тепаликка лочин учиб келганлигини бировга айтиб кўрсинчи, ишонадиган анойи топилармикин?! Миякава бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка қарор қилди.

## ДАРАХТЛАР

Тепалик ёнбағирларидан бирида баҳайбат гинко дарахти ўсарди. Тепаликнинг қоқ ўрталаридан, энсиз тошлоқ нарвондан тушиб борсангиз учинчи уй Созданики бўлади

Ўттизинчи ноябрь кечқурун ишдан қайтган Соэда кираверишда хотини ва қизидан сўради:

– Биласизми, гинконинг ярми яланғоч, баргсиз? – У тепаликдаги аллея ҳақида гап очгани маълум эди, бироқ унинг гапини унча тушунмаганлари сезилиб тургани учун Соэда давом этди: «Мен уни эрталаб уйдан чиққанимдаёқ сезгандим ва жуда ҳайрон бўлгандим. Энг ғалатилиги барглар дарахтдан фақатгина тепаликнинг ярмидан пастроғидан тўкила бошлаган. Тепароқда ўсаётган гинколар биттаям баргларини тўкмаган.

– Ростдан-а? Мен ҳатто эътибор қилмабман, – деди қизи. Хотинининг юзида ҳам ажабланиш ифодаси зухур этди.

– Билишни истардим, нега барглар дарахтнинг пастидан тўкилган?

– Нега биз ҳеч нарсани пайқамаганмиз? Юр, ҳозир қараймиз, – онасига таклиф этди қизи. – Қоронғи тушиб қолди, лекин иккинчи қаватдан кўринар балки.

– Балки... Ажаб, бўлмаса ҳар куни деразадан қараймиз, аммо кўрмаганмиз, сезмаганмиз.

– Ҳар куни деразадан қараганимиз учун сезмаганмиз.

Енгил уй кийимини кийиб олган Созда бу кашфиётни хотинига етказолмаганига ҳайрон бўлди.

Эрталаб тепаликдан тушиб келар экан, Созда тасодифан ўгирилди ва ўша заҳоти кўрган нарсаси билан қотиб қолди.

Тепаликнинг пастки ярмида ўсаётган гинко дарахти энг чўққисигача шир яланғоч бўлиб қолганди. Улардан баланддаги дарахтлар қуюқ сарғиш япроқлар билан қопланган эди.

Гинко дарахтларини битта аниқ дарахт билан иккига айиришнинг иложи йўқ эди, бироқ тахминан айтганда, у тепаликнинг ўрталаридан ўтар эди. Бу ҳол ҳам Создани ҳайратга соларди. Нега энди айнан ўртасидан?

– Дадам тўғри айтаяптилар. Мен деразадан кўрдим, – деди қизи иккинчи қаватдан тушар экан.

– Демак, кўринаркан.

– Кўринади, лекин хирароқ. Мен тепалик томонга ўтай.

Созда билан чой ичишга ўтирган хотини қилт этмади.

– Сен, Икуко, бормаيسانми? Тўғри айтасан, эртага эрталаб кўриш мумкин. Яна ким билади, балки кечаси ҳамма баргини тўкиб юбориши мумкин.

– Ҳозир шамол эсаяпти деёлмайман.

– Нима бўпти? Охирги уч-тўрт кун ичида шамол бўлмадимми?

Тепалик шарқ томондан кўтарилиб келарди ва шарқдан эсадиган шамолга очик эди, бироқ барглар тепаликнинг пастки қисмини айланиб тўкиларди. Созда табиатнинг бу жумбоғига ҳайрон бўлар, сирни бировга тушунтиролмасди.

– Нима деб ўйлайсан, балки гинко барглари ниманидир сезиб тўкилар? – деди Созда. Лекин Ику-

ко бу суҳбатни эрининг кайфияти билан боғлиқ деб билди ва ўзининг гапини айтди.

– Бугун шунақа кўнгилсиз воқеа юз берди. Бизнинг Юко одамларга нисбатан жуда меҳрли-да... Жудаям меҳрли!

Тушлиқдан сўнг Икуко хизматкор аёлни олиб у-бу нарса сотиб олгани кетди, Юко эса бир ўзи қолди. У стулни айвонга олиб чиқиб свитер тўқий бошлади. Бирдан аёл кишининг овозини эшитиб қолди.

– Хоним, косметика ёки совун сотиб олинг. Яхши жун бор.

Юко аёлнинг шундоққина ёнида турганига ажабланди. Уйнинг атрофидан гуллаб ётган камелиядан ҳосил бўлган жонли ихотадан уйга кираверишда кичкина эшикча қурилган эди. Балки эшикнинг ўзи очиқ ёки аёлнинг ўзи уни очиб, сўрамай-нетмай ҳовлига кирган бўлса керак. Лекин ёшгина аёлнинг орқасидаги болани кўргач, Юконинг хушёрлиги йўқолди. Меҳмоннинг офтобда куйган юзи озгина шишинқирагандек кўринар, сочи эса жудаям текис таралган эди. Тўлачадан келган, бўйи унчалик баланд бўлмаган, лабларига арзон-гаров лаб бўёқ суртилган қизининг думалоқ юзида енгилгина кулги ўйнардди. Кўлида каттакон бўхча кўтариб олганди.

– Раҳмат, менда жун бор, бошқа керакмас, – деди ниҳоят Юко ва аёл шилқим бўлса ҳам қўрқмай хаҳолаб кулиб юборди.

– Назаримда, сизнинг жунингизга қараганда меники яхшироққа ўхшайди. – Аёл уйга олиб борадиган тош плиталарни босиб ўтди, остонада тўхтаб, сурбетлик билан Юкодаги жунга қаради, уни синчиклаб, пайпаслаб кўрди, бироқ у ҳақда ҳеч нарса демай боққа ўгирилиб олди. – Боғингиз чиройли экан. Мен шунақа уйда яшасам дердим.

– Мен ҳеч нарса сотиб олмайман, лекин сиз болангизни қўйиб, кетишдан олдин озгина дам олишингиз мумкин.

– Ростданми? – Аёл тугунини айвонга қўйиб, боласини елкасидан туширди. Таглик ҳиди тутиб кетди.

– Шунча йўл босиб келганда, ҳатто болани овқатлантиришним иложи бўлмади.

– Бунча ширин бўлмаса! Неча ойлик бўлди? – Юко айвончадан болани томоша қила бошлади.

– Ўн бир ойлик. Ўзи оғир бўлмаса ҳам кун бўйи елкангда кўтариб юриш қийин.

Аёл свитерини кўтарди, кўйлагини сал тушириб, кўкарган ва сутга тўла кўрагини тутди. Бола ҳарислик билан эма бошлади, ора-сира ютоқарди. Лабининг четидан тизиллаб оппоқ сут оқа бошлади. Сут ичаётганда бўйинчаси шундай ёқимли қимирлар эдики; аёлнинг тўла кўраги Юкода ҳеч қандай фикр уйғотмас эди. Аёлнинг ўзи ҳам уялмас эди.

– Сиз менга уни қайтадан йўргаклашга рухсат беринг, – деди у. Камдан-кам уйда кўрасан бунақа меҳрибон одамларни.

Юко аёлнинг нима қилганига караб турди-да, охирида болани қўлига олди. Унинг юмшоқ терисига тегиб Юконинг қалбида меҳр-муҳаббат уйғонди, болани қўлидан қўйгиси келмади.

– Сизни уйингизда балки ёш бола йўқдир? – деб сўради аёл.

– Йўқ.

– Ота-онангизни ёлғиз фарзандимисиз?

– Акам ҳам бор.

– Яхши яшаркансизлар. Мана шу уйда яшасам ўзимни бахтли сезардим, – деди аёл боққа нигоҳ ташларкан.

Юко боланинг отаси ҳақида сўрамоқчи бўлди, лекин буни ўзига эп кўрмади – яхши эмас деб ҳисоблади. Аёл йўлкадан юриб чакалак томон ўтди ва чуқур-чуқур ҳидлаб камелияни томоша қила бошлади.

– Ох, уларнинг чиройли гуллаштини айтинг!

«Қизиқ, бу гул унинг юрагида қанақа ҳиссиёт уйғотаяпти экан?» – деб ўйлади Юко; семиз, паст бўйли аёлнинг қадди қомати унинг раҳмини келтирди. Болани қўймай Юко меҳмонхонага кирди ва у ердан онаси билан рўзғор харажатларига ажратиб қўйган пулли ҳамённи олиб чиқди.

– Қанақа жун бор?

– Керакмас, бу ерда бизга дам берганингиз ҳам етади, – аёл шундай деб тугунини пала-партиш ечди. Унда атиги икки бўлак кўк ва пушти жун бор эди. Юко пуштисини танлади.

Бу орада гўдак айвонда эмаклар ва бир нималар деб гўдранар эди.

– Бўлди энди, жой кўп, қўйиб берса роса эмакласанг.

Юко болага печенье берса бўладими, деб сўради ва келтиргани уйга кириб кетди. У қайтиб чиққанида аёл кетишга чоғланиб болани орқасига осиб олганди. У миннатдорчилик билдириб, печенье пакетини пешонасига яқинлаштириб деди:

– Катта раҳмат сизга, хоним. Мен уйма-уй юраман-у, бунақа меҳрибон одамларни кам кўраман. Мен яна келаман сизникига хоним. Бирон яхши нарса бўлиб қолса, албатта, олиб келаман сизга.

Аёлни кузатиб қўйиб, Юко ҳозиргина сотиб олган жунни тиззасига қўйди-да, уни силаб-сийпаб, гўдакнинг майин баданини эслади. Кейин буталар орасидаги камелияни томоша қилди. У ҳар куни бу гўзал гулни кўради, лекин унинг қандай ўсишини билмайди. Гуллар ғаройиб тарзда кўп эди. Юко яна ғов

ёнига келгач, нақадар ғалати туйғуни ҳис қилганини ўйлади. Унинг мароқ билан тикилишини тасаввур қилди. Аёлнинг қиёфаси хунук бўлса ҳам Юконинг тиззасидаги пушти ранг жун гўзал ва мусаффо эди.

Ҳамён ҳақида Юко бир қанча вақтдан кейин эслади. Айвонда йўқ эди. У печенье олиб чиқишга кирганда яна меҳмонхонада мўъжаз қутида қолдирдим, деб ўйлади, бироқ яшиқларнинг биронтасида ҳамён чиқмади. Боғда ҳам йўқ эди.

Шуларни ҳаммасини Икуко Создага гапириб берди ва қўшимча қилди:

– Юко ҳамённи ўгирлашган деб ҳисобламайди. Айтишича, балки уни айвонда эмаклаётганда бола олган бўлса керак, онаси эса буни сезмаган, боласини олган-у, кетворган. Агар ҳаммаси шунақа бўлса, ҳамён боланинг қўлидан тушиб кетган, йўл четидами, бошқа ерда ётган бўлиши керак. Бола уни узоқ ушлаб турмаса керак. Юконинг гапига қараганда, ҳамма ёқни қараган.

Икуко шундай дегани учун Созда ҳамён топилмагани, топилмаслигини тушуниб етди.

– Юко ўйлаяптики, бола ҳамённи йўл-пўлда тушириб қолдирган бўлса, кимдир олган бўлиши керак.

– Аёлдан шубҳа қилмаяптими?

– Албатта, унда шунақа шубҳа туғилганки, у аёлни қўшгиси келмайди. У бундай ишни аёл қилиши гумон, у бунақа ишдан пок эмиш. Унинг назарида аёл бир тасодиф билан ҳамённи шерст билан ўраб олган бўлса, албатта, қайтариб беради. Аёл ана-мана ҳамён кўтариб келиб қолади, деб ишонади. Мен келгунимча ҳеч ўзига келолмай, қидирган эди. Агар аёл олиб келмаса, боладан кўради у, йўл-пўлда тушириб қолгандир, деб ўйлайди.

Қизимни уришмайман, деб ваъда берган Созда бўлиб ўтган воқеа ҳамда ўз фикрини айтиб ўтирмади. Юко ҳамённи ўғирлашди, деб ҳисобламайди, уни тасодифан бола ўзи билан олиб кетганига ишонади. Созда ҳатто ўзининг хаёлига келган, бола олиб кейин тушириб қўйган, деган фикрдан бироз бўлсада, юмшади.

– У ерда қанча пул бор эди?

– Жунни олгандан кейин икки минг олти юз ё икки минг етти юз иен қолувди.

Созда бир куни кечқурун таксига пул бераётганда қоронғиликда минг иен ўрнига беш мингталик бериб юборганини эслади. Унинг калласига ҳам келмади, ҳайдовчи ўзига тегишли минг эмас, беш минг иен олаётганини пайқамагани. Созда ҳамонки мен ўзим буни сезмаган эканман, ҳайдовчи бемалол билмай қолиши мумкин, деб ҳисобларди. Ўшанда у Икукога бўлиб ўтган воқеани гапириб берганди. Ҳозир индамади.

– Юкони ҳеч қачон бирон нарсасини ўғирлашмаганми?

– Бегоналар унинг нарсасини олмаганлигини назарда тутаяпсанми? – деди Икуко. – Биласанми... Юко нарсаларни... Негадир эслолмайман. Назаримда... Йўқ, йўқ.

Қайтиб келаётган қизнинг шошилинич қадам товуши эшитилди.

– Мен ҳаммасини яхшилаб қарадим, – деди у емакхонага кирар экан. – Дадам айтгандек эмас экан, лекин минг қилганда ҳам ажойиб манзара!

– Нимаси ёмон экан?

Яланғоч шохчалар билан ғуж барглар босган шохчалар ўртасидаги чегара қоқ ўртасидан ўтмайди. Пастда баъзи дарахтларда яна сариқ япроқлар бор, юқорида мутлақо яланғоч шохчалар учрайди.



– Нима бало, сен ҳар битта дарахтни кўриб чиқдингми?

– Ҳа, ой чиқди, осмонда юлдузлар кўп, яхши кўринаяпти, – деди Юко отасидан кўз узмай туриб:

– Дада, ҳамён ҳақида эшитганирсиз?

– Биламан ҳаммасини.

– Мени кечиринг, дада, – деди у Соэда жавоб қилмасдан олдин кечирим сўрагандек ёлвориб давом этди. – Мен бугун икки марта тепаликни айланиб чиқдим. Кундуз ҳамённи унинг пастки қисмини, кечқурун эса – тепа қисмини қараб чиқдим. Ой чиққунча изладим, фойдаси бўлмади.

Соэда жимгина кулиб турди.

– Лекин кундузиям бош устимдаги шохлар ялнғоч пайтида ҳам излаб тополмадим. Гарчи япроқлар тўкилиб бўлган бўлса ҳам.

– Қизим, илгари ҳам шунақаси бўлганмиди? Тепага қараганда пастдаги барглар тўкилганмиди? – Эрининг бу саволига Икуко фақат бошини қуйи солди ва ҳеч нарса демади.

Улар гинко дарахтлари билан кўп йиллардан бери бирга яшар эканлар, шу йиллар ичида шунақа ўзгариш бўлганми-йўқми эслолмас эди.

– Сира тушунолмаяпман, – дея Соэда тўнғиллаб қўйди.

– Зарари йўқ, кейинги йили яхшилаб кузатамиз, – деди Икуко, шундай деди-ю, уни тўсатдан ғусса босди; келгуси йили, бир йилдан кейин Юко борми-йўқми? Кел, Киотага Синьитига ёзиб юборамиз, ундан сўраймиз. У кўпинча тоғларга боради, ўсимлик дунёсини яхши кўради, балки у билар.

– Эртага аллеяни суратга тушириб унга юборсакчи? – таклиф қилди Юко.

Эрталаб Икуко Соэдани тепаликнинг этагига кузатиб борди, яна ўша ерларни кўрмоқчи эди. Юко улар билан борди ва олдинга югуриб чиқиб ота-онасини дарахтлар фонидида суратга олди. Ноёб расм чикди ўзиям.

Орадан уч кун ўтказиб кечаси кузги яйдоқ шамол эсди. Декабрь кирди. Соэда билан Икуко ўринда ётишаркан шамолнинг чийиллашига қулоқ солишар ва эртага эрталаб дарахтларда биттаям барг қолмаслиги ҳақида гаплашишарди.

– Боғда яна барглари ер билан битта бўлади, – деди Икуко.

– Уни супуриб ташлаймиз доим, шунинг учун эсимдан сира чиқмайди. Увол...

Дарахтларнинг шовқини уларга эшитилиб турарди. Улар деразалари остида, шамолда гинко дарахтлари чайқалаётганига шубҳа қилмасдилар. Шамолда улар рақсга тушиб, ҳавода айланаётган гинко дарахтидан тўкилаётган япроқларнинг енгил шовур-шувури қўшилаётгандек туйиларди.

– Юко ўз вақтида расмга олди-да. Уни қишки каникулга келганда Синьитига кўрсатамиз. Уям ҳечам бунақасини кўрмаганман, деб ёзаяпти.

Нима учун шамолнинг шовқини Икукога ўғлини эслатганини Соэда биларди. Бугун эрталаб улар ундан ҳам жавоб олдилар. У гинко дарахтдан аввал қайси барглари тўкилишини аниқ билмайман, деб ёзарди.

Соэда энсасининг музлаганидан муздек тунги шамол дарахтларнинг охирги баргларини тўкаётганини ҳис қилди. Балки Синьитига фотографияни чинданам кўрсатиши керакдир ва у билан Икуко айтганидек гаплашиши мумкин.

Синьити Киотога жўнаб кетди ва ота-онасининг иродасига қарши ўлароқ, университетга ўқишга кирди. Соэда нега ўғлим Токиодаги университетлардан бирини танламади, деб ҳозиргача ажабланади. Япониядаги Киото ва Нара шаҳарларини яхши кўриши, студентлик даврининг ўзи бизнинг тасаввуримиздан кетмайди, деб юрарди.

Ўғли ҳақида ўйлар экан, Соэда кутилмаганда хотинининг ўзига яраша хулқини эътироф этди. Дўконда мева-чева кўпайганда, Икуко улардан рангига қараб олади доим. Масалан, олманинг қизилини яхши кўради, мандаринни эса сарғиш рангини ёмон кўради. Тўғри, мандаринни ейди. Магазинда мевалар қалашиб кетмаса, Икуко уларни сотиб олади, уларга бўлган иштиёқини кўрсангиз, ўшанда пештахталар бодринг ва бошқа сабзавотларга тўлиб-тошиб кетган маҳал безовталиқ сезади, уларни мутлақо харид қилмайди. Гоҳо, баъзида инжиқ бўлиб, улардан кўнгли қолади.

Онасидан бу хусусиятларни Синьити мерос сифатида олмаганми? Уям ўлгудек ўжар ва қашшанг.

– Нима ҳақда ўйлаяпсан? Ухламаяпсанми? – деб сўради Икуко.

– Ўзингчи, нима ҳақда ўйлаяпсан?

– Синьитининг Киотодаги хўжайкаси ҳақида.

Ўтган йили Икуко ўғлини кўриб келгани бориб, Киотодаги ёдгорликларни кўрмоқчи эди, кўрди, маза қилди, қайтиб келиб, Соэдага Синьити хонани ижарага олган аёл ҳақида гапириб берди.

– У етти ёшга кирганда бобоси ўлган, унинг кулини оиланинг даҳмасига қўйишган экан. «Сени ҳеч қачон бу ерга қўйишмайди, – деди қизига онаси дафн маросимида, – чунки сен эрга тегиб, бошқа оилага кетасан». Онасининг сўзлари қизнинг кўнглини

вайрон қилган экан. «Бироқ кўриниб турибди, бу қишлоқдаги даҳмада ётиш мен учун тақдир экан», – кула-кула гапириб берибди аёл.

Бу ҳикояни Созда яхши эсида сақлаб қолибди.

Синьитининг хўжайкаси Икукодан ўн ёш кичик эди. Эри урушда ўлган, улар бефарзанд эдилар, аёл ота-онасининг уйига қайтиб кетишга мажбур бўлибди. Кейин олти-етти йил ўтиб, уч болали кишига турмушга чиқибди. Болаларни жуда яхши кўраркан, ёш болалар шуни сезган ҳолда унга дарҳол боғланиб қолибди, ҳатто у билан ётиш учун уришиб кетишар экан. Тўғри, катта қизи бошқача экан. Бир сафар эрининг илтимосига биноан аёл ҳеч ким яшамайдиган хонадаги эски тортмани очмоқчи бўлибди, қиз унинг орқасидан югура келиб, елкасига қаттиқ туртибди ва йиғламосираб қичқирибди: «Йўқ, йўқ! Бу онамники! Онам уйда нимаики бор меники дерди, тега кўрма!» Аёл ҳар қанақасига қиз билан муносабатини яхшиламоқчи бўлибди, бироқ ҳеч нарсага эришолмабди ва охири у ердан кетибди. Мана энди Киотода беш хонали уйни ижарага олиб, уларни студентларга бериб юрар экан.

Хотинининг фикри ўғлидан кетиб унинг хўжайкасига, ундан Юкога кўчиб ташвишлантираётгани, уйку бермаётганлигини фаҳмлабди.

– Киотода ҳам, балки бугун кечаси шамол бўлар.

– Ҳа. Балки, – Икуконинг фикри ўзгарди. – Эрта-лаб учовимиз гинконинг баргларига нима бўлганини бориб кўрамиз.

– Ҳаммаси тўкилиб битгандир.

Эрта билан улар Икуко айтганидек тепаликка боришди. Тунги бўрондан кейин дарахтлар ачинарли аҳволга келганди. Юқори қисмида япроқлар қол-

ган, лекин улар жуда кам эди. Совуқ кучайди. Ҳали япроқларини сақлаган дарахтлар орасида бутунлай яланғочлари учради ва улар Соэда кўрган ғалати манзара патарат топди. Тепаликнинг қуйи қисмидаги баргини тўкиб юборган дарахтлар ҳали-замон юқоридаги гинколарнинг сап-сарик фонидаянада ажойиб кўринарди. Пастда ҳам, қаердадир камдан-кам барглр кўзга чалинарди. Соэдага улар яланғоч шохлардан ана-мана кўтарилиб, осмонга учиб кетадигандек туйиларди.



## Д И Л

У ўзини яхши кўрмаган эридан мактуб олди. Хат узоқдан ёзилгани билинар эди, кетганидан икки йил ўтиб, ундан олган мактуби эди бу.

У «Болага копток ўйнатма» деб ёзарди. «Коптоқнинг зарбалари менга етиб келиб, юрагимга азоб бераяпти».

У тўққиз ёшга кирган қизидан коптогини олиб қўйди.

Эридан яна мактуб келди, янада узоқ жойдан.

«Қизча чарм пойабзалида мактабга қатнама-син, – деб ёзарди эри, – оёғидан чиққан товушлар менгача етиб келаяпти, худди мени юрагимда от ўйнаётгандек туйилаяпти».

Она қизига чарм пойабзал ўрнига юмшоқ, мовут сандал кийгазди. Қизча йиғлади, оқибат мактабга бормай қўйди.

Бир ойдан сўнг иккинчи хатдан кейин эри яна битта мактуб жўнатди. Ёзуви қийшиқ-қинғир, қарияларга хос текис эмасди. У:

«Қизчага чинни идишда овқат берма, – деб ёзарди. – Идишдан чиқаётган овоз менинг юрагимни пора-пора қилаяпти».

Ва у қизини уч яшар болани боқаётгандек бўлди, ёғоч чўплар билан овқатлантира бошлади. У қизи уч ёшга кирганда эрининг қувноқ ва мамнун ҳолда юришларини эслади. У ҳали улар билан бирга яшарди.

Ундан рухсат сўрамай бир куни қизчаси шкафчанинг олдига келиб, ўзининг идишини олди. Ота-си қизчанинг қўлидан чинни идишни олди-да, уни боғчага улоқтирди. Идиш тош йўлкага урилиб чилчил синди. Унинг назарида эрининг юраги синди. Қовоғини уйиб, у ўзининг идишини эшик ортига улоқтирди, худди шундай овоз келди. Балки, ўзининг юраги сингандек бўлди. Кейин овқат ейдиган столини отди, уям боққа учиб тушди. Унинг товушини қаранг.

Бамисли эсдан оғгандек у қоғоздан ясалган тўсиққа отилди, уни қўллари билан муштлилай бошлади ва ўзининг оғирлиги билан уни йиртиб, полга йиқилди.

– О-йи! – унга ўзини отди қиз. – о-йи...

У ўрnidан турди-да, қизининг бетига шапалоқлаб урди.

– Эшит, эшит, эшитяпсанми бу овозни, ифлос қиз, – деди.

Эри яна хат юборди. Бу янаям узоқдан юборилган эди.

Эри ёзарди: «Сизлар ғинг деган товуш чиқарманг. Сизлар энди эшик ва сёдзини очманглар ҳам ёпманглар ҳам. Сизлар соатни бураманг, токи унинг чиқиллагани эшитилмасин. Сиз нафас ҳам олманг»...

– Сиз олмаслигингиз керак... Олмаслигингиз керак. Олмаслигингиз лозим. – шивирлайди у ва кўз ёшлар ёноқларидан тинимсиз оқди. Уйдан бошқа ғинг деган товуш чиқмади. Бир сўз билан айтганда улар нафас олмай қўйдилар.

Бироқ, ажабо, ёстикда ўлган аёлнинг ёнида ўлган эри ётарди.

## ИТАЛИЯ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Уни бошдан-оёқ аланга қамраб олган эди. У жон аччиғида дод солар, ирғишлар ва жазава ичида қўлларини силтарди. Худди аланга қанотларини куйдирган парвонадек...

Дастлаб жуда қаттиқ портлаш овози эшитилди, зум ўтмай тажрибахонадан йўлакка бамисли гуриллаб ёнаётган улкан машъала отилиб чиқди...

Хоналаридан югуриб чиққан одамларни ёнаётган кимсадан кўра, унинг ақл бовар қилмас даражада баланд-баланд ирғишлашлари ҳайратга соларди. Худди чигирткани ўтда куйдиришаётгандек атрофга чирс-чирс учқунлар сачрарди. Ўт-олов ичида қолган жон қандай қилиб бўлса ҳам бу азобдан халос бўлишга талпинмоқда эди.

Бир пайтлар баландликка сакраш бўйича профессор Ториига тараф топилмас, у ҳатто олимпия ўйинларида ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлган эди. Ёру-биродарлари билан ҳамкасблари шунга ишора қилишиб, профессорнинг шашти жуда баландда, дея аския қилишарди. Лекин ҳозир ҳазилнинг ўрни эмасди. Профессорнинг жон азобидан типирчилаши юракларни ларзага солар, унинг дод-фарёди тилка-пора қилинаётган дарранданинг ваҳшиёна фарёдини эслатарди.

Профессорнинг эгнидаги оппоқ халат куйиб, қоп-қора увадаси қолган, ёниб тугаёзган кўйлаги қора қурум сингари учиб тушарди. Куйган афтига



қараб бўлмасди, оғриқ зўридан қорачиқлари кенгайиб кетган кўзлари саросима ичида ёнар ва косасидан отилиб чиқай, отилиб чиқай дерди.

Профессорнинг устидан спирт тўкилиб кетиб, у росмана машъала каби гуриллаб ёнмоқда эди.

Тажрибахонадан буралиб-бурсиб қуюқ тутун чиқарди. Аланганинг аёвсиз тили йўлакка ҳам етиб қолган эди. Ичкарида кимёвий моддалар солинган шиша идишлар қасира-қусур ёриларди. Ёрдамга ошиққан ҳамкасблардан бири шошиб камзулини ечди-да, чойшабдек ёйиб, профессорнинг устига ташлади. Унга эргашиб яна бир неча киши шундай қилди. Профессорни авайлаб полга ётқиздилар.

Ҳамма ёқдан бақирган-чақирган овозлар эшитиларди.

– Ўт ўчирув баллони қани? Ўт ўчирувчиларнинг енгчасини топинглар!

– Тезроқ қоғозларни олиб чиқинг!

– Огоҳлантириш тугмасини босинг!

– Врач! Врач қани! Тезроқ! Чақиринг!

– Ўт ўчирувчилар бошқармасига хабар беринглар!

– Вой, Сакико қани?! Сакикога нима бўлди?!

– Вой, Сакико эсимиздан чиқибди-ю! – Йигитлардан бири шундай деганча, ўзини гуриллаб ёнаётган тажрибахонага урди. Ичкаридан кетма-кет палахмондан отилган тошдек бир каламуш отилиб чиқди. Чамаси бу каламуш тажриба учун сақланган қафасдан қутулиб чиққан эди.

Сакико тақдирга тан бергандек, қотиб турарди. У тириклайин ёниб кетишга шай бўлиб турганга ўхшарди. Деразадан тушаётган тонг қуёшининг жилвагар нурлари унинг елкаларини ёритарди. Дераза ортида шивалаб ёққан ёмғирда чайилган покиза, ям-яшил япроқлар оҳиста чайқаларди.

Сакиконинг этаги ёниб, аланга биланглаб юқорига кўтарилмоқда эди. Қиз ҳайкалдек қотиб турар, аланга аёвсиз қизнинг кофтасини қамраб олганди.

– Эсинг жойидами, – дея қичқирди бояги йигит ва бир тортиб унинг юбкасини, сўнг жон-жаҳди билан тутай бошлаган ич кўйлагининг этагини юлқиб олди.

Сакико бирдан уйғониб кетгандек илкис чўққайиб олди-да, қўллари билан яланғоч оёқларини яширмоқчи бўлди, бироқ улгуролмай ёнбоши билан йиқилди-да, хушидан кетди.

Йигит Сакикони кўтариб тажрибахонадан йўлака олиб чиқди.

Пайсалга солмай жароҳатланганларнинг икковини ҳам касалхонага олиб кетишди.

Профессор Тории баданининг қарийб учдан икки қисми куйиб кетган эди: бундай одамнинг соғайишидан умид қилиб бўлмасди, лекин шунга қарамай профессор ҳеч кимнинг кўмагисиз касалхона йўлагига бўйлаб палата томон йўрғалаб кетди. Унинг эски кадрдони бўлмиш телефонда огоҳлантирган врач унга пешвоз чиққанида профессор Тории аудиторияда гапиравериш одатланиб қолган тарзда тушунарли ва лўнда қилиб дўриллади:

– Келганинг учун ташаккур. Тажрибахонага ўт тушди. Ҳаммаси ёниб кетди. Мен ҳам чакки қовурилганим йўқ, шекилли.

Профессор ўзини бардам ва тетик тутаётгани билан барибир унинг кўриниши одамнинг ўтақасини ёрарди: қошлари билан киприги батамом куйиб тушган, қавариб, гўштлири чиқиб қолган қип-қизил юзининг бадбуруш ниқобдан фарқи қолмаган эди.

Профессорни каравотга ётқизганларида у қақшатқич оғриқдан инграй бошлади.. Лекин бу узоқ чўзилмади, кўп ўтмай у алаҳлашга тушди. У энди инг-

рамас, балки ўзини у ёқдан-бу ёққа отиб дод соларди. Дастлаб ҳамма ёғига қалин қилиб малҳам суртишди, кейин бошдан-оёқ бинт билан ўраб-чирмаб ташлашди. Ҳолбуки, бу малҳамнинг шифобахшлигига врачларнинг ўзи ҳам ишонмасди. Яширишдан фойда йўқ – қон қуйишдан ҳам нажот кутмасдилар. Кейинчалик виждонлари қийналиб юрмаслиги учунгина бу чораларни қўллашган эди. Қўшни полкдан ўн чоғлик ёш-ёш солдатларни чақиртириб, ҳаш-паш дегунча уларни текширишди, сўнг уларнинг қонидан олиб профессорга қуйишди, аммо бу ҳам ёрдам бермаслигини жуда яхши билишарди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, тери касалликлари бўлимининг бошлиғи келиб кетгач, жароҳатланганларни текшириб кўриш учун терапия бўлимининг бошлиғи ташриф буюрди. Аммо бошдан-оёқ бинт билан ўраб боғланган бемор алаҳсираб ўзини тинмай у ёқдан бу-ёққа отаётгани сабабли терапевт яшилаб текшириш у ёқда турсин, лоақал томир уришига ҳам қулоқ сололмади.

Борди-ю бунинг иложини қилди ҳам дейлик, аммо қўлидан нима келади? Бемор бошида атиги икки минут ўтирган терапевт унга умидсиз назар солди-да, индамай палатадан чиқиб кетди. Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда профессор Ториининг ажали етган эди.

Сакиконинг палатаси билан профессор ётган палата ораси унчалик узоқ эмасди, шу сабабли унинг инграшлари бемалол эшитилиб турарди.

Ундан, унинг аҳволидан хабар олгани келган дугоналари бир овоздан:

– Фалокат ёмон нарса, лекин юзинг қилчалик ҳам куймадими, шунга шукур қилавер, – деб кўнглини кўтарган бўлишди.

Сакико юзини ёстикқа буркаб хўнг-хўнг йиғлади.

Унинг ўнг оёғи човига қадар бинт билан ўралган эди. Шу оёғи жонсиз, ёғоч оёқдек туйиларди-ю, бироқ шу билан бирга оёғи ҳам қақшар, ҳам ачишар ва қизгина оғриққа чидаёлмай тишини-тишига босиб ётарди. Наҳотки у оёғидан ажраб ногирон бўлиб қолса?!

Сакико илк маротаба эрга тегиш ҳақида ўйлади. Бу фикр бамисли бир игна сингари миясига санчилди-ю, сиқилиб кетганидан юрагида оғриқ қўзғалди.

Устидаги кўйлаги ёна бошлагач, у бирдан ҳам жисман, ҳам руҳан улгайиб қолгандек бўлди ва айна чоқда алланечук ёш болага ўхшаб қолганди. Бу ҳиссиётлар ўз ҳолича алоҳида-алоҳида жунбушга келар, бир-бирига бўйсунмас эди.

Чамаси, мана шу туғён туфайли у қаттиқ жазавага тушмоқда эди.

Руҳий талваса ва изтиробдан кейин Сакико бирдан ҳаётни тўла ҳис қилмоқ лаззати ва қувончи бутун вужуди-ла туйди.

Алҳол унинг гам-ғуссага ботган ва аянчли дунёси ёришиб кетгандек бўлди-ю, барибир дили равшан тортмади. Унинг учун ҳаётнинг маъниси куйган баданидаги оғриқдан иборат бўлиб қолган.

Профессор Ториининг саломатлиги ҳақида у кўп ҳам куйинавермасди. Унга ачинарди, лекин унинг учун сиқилмас эди. Уни энди ўзининг шахсий ҳаёти қизиқтирарди.

Сакико шу йил баҳорда мусиқа билим юртининг вокал бўлимини тугатган, бироқ ҳеч қутилмаганда илмий ходим, ҳарбий врачнинг ёрдамчиси бўлиб қолганди. Бу ақл бовар қилмайдиган воқеа эди, лекин бизнинг замонамизда, айниқса, аёллар орасида учраб туради.

Шунга ўхшаш воқеа профессор Ториининг ҳаётида ҳам юз берган эди. Спортга ниҳоятда берилиб кетганига қарамай, у айримларга ўхшаб ўқишни ташлаб юбормади. Эҳтимол, хусусий эмас, давлат билим юртида ўқиганлиги сабаб бўлгандир. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам илмга бўлган интилиш юксак ақл-идроқдан дарак беради, дегани эмасди. Спорт соҳасида ҳам у бирон-бир яхши натижага эришмаганди.

Ажойиб кунларнинг бирида ҳамманинг жон-дили бўлиб қолиши учун айнан нима ёрдам берди – оғир-вазмин феъл-атворими ёки табиатими, – айтиш қийин эди. У киши билмас равишда спорт соҳасида кўтарилиб кетди. Мусобақаларда шахсан қатнашмагани билан ташкилотчи ва раҳбар сифатида шуҳрат қозонди. Спорт машғулотларининг илмий системаси ҳаммадан бурун спорт медицинасига таяниши керак, деган фикр унинг кашфиёти эмасди, бироқ кўпинча бундай антиқа, фавқулодда фикрни мен ўйлаб топганман, деб ўйларди. Аслини олганда унинг бирдан-бир хизмати, бу соҳага дарҳол жону-дили билан аҳамият бергани эди. Йирик олимлар менсимаган ва аҳамият беришга арзимайди, деб ҳисоблаган статистика фикру хаёлини эгаллаб олди. Ушбу соҳа статистик спортни ривожлантиришга озми-кўпми наф берди.

Шундай қилиб, у машҳур бўлиб кетди. Етакчи газеталар спорт бўлимида унинг суҳбатларини эълон қилдилар.

Спорт билан уруш жуда катта куч ва ирода талаб этади. Шу жиҳатдан буларнинг орасида аллақандай умумийлик мавжуд. Бунинг устига мамлакатда бағоят оғир шароит юзага келиб, уруш кайфияти кучая бошлаганидан бери қурол-яроғ ва захарли газлар соҳасидаги илмий текширишлар билан бир қаторда

илм-фаннинг ҳарбий медицина, деб аташ мумкин бўлган соҳаси ҳам ривожлана бошлади. Аста-секин бу соҳанинг ўз мутахассислари пайдо бўлди. Илмий тадқиқот олиб бориш учун медицина факультети кафедраларига жўнатилган ҳарбий врачларнинг сони ҳам кескин кўпайди. Ўз навбатида олий медицина билим юртлари алоқа тиклаш учун ўз олимларини армияга юборадиган бўлдилар.

Профессор Ториининг бу йўлдан бориш нияти йўқ эди, аммо кунларнинг бирида у ўз-ўзидан ҳарбий медицина бўйича ёш мутахассислардан бирига айланди-қолди. Ўтган умрига назар сола туриб, Ториини ҳайратдан ёқа ушламоғи даркор эди, бироқ ҳар бир нарсанинг моҳияти билан қизиқавермайдиган шахс бўлгани учун ортиқ бош қотириб ўтирмай, бутун вужуди билан замонанинг муҳим муаммоларини ҳал этишга киришди.

У шов-шув кўтарса бас, бир сантиметр баланд-роққа сакраб жонидан кечишга ҳам тайёр бўлган спортчилар сирасига мансуб эди.

Спорт медицинаси бўйича фан доктори илмий унвони ва профессор, деган фахрий номга эга бўлиш амри маҳол эди. Лекин ҳарбий медицинада илмий унвон ва даража ҳаддан зиёд осон бериларди.

Ториининг қўлёзмаси билан бор-йўғи биргина профессор – илмий кенгаш раиси танишиб чиқди, холос. Профессор диссертациянинг мавзуси ҳарбий сир ҳисобланади, шунга кўра, уни эълон қилиш мумкин эмас, бироқ ушбу диссертация жанг олиб бориш муаммоларини ишлаб чиқишга жуда катта ҳисса қўшувчи тадқиқот эканлиги учун ниҳоятда қимматли, деб ахборот берди. Профессорлар кенгаши Ториинга докторлик илмий унвони берилишини бир овоздан маъқул, деб топди.

Ториининг илмий иши ҳаво жангида инсон ҳатти-ҳаракатининг физио-биологик ва неврологик хусусиятларига тааллуқли эди.

Тории махсус ясалган самолёт макетларига тажриба учун сақланаётган сичқон ва қуёнларни жойлаштириб, бу макетларни тўхтовсиз равишда сиртмоқсимон доира ясаб учишга мажбур қиларди. Шубҳасиз, унинг ўзи ҳам аэродромга қатнар ва қирувчи самолётларда парвоз қиларди. Ёши ўзидан анча катта бўлган ҳарбий ҳаво кучлари офицерининг елкасига генералларга хос равишда уриб-уриб қўяркан, дерди:

– Сен билан менинг ўша сичқонлардан фарқимиз йўқ, оғайни...

Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган ҳаво ҳужумига қарши мудофаа машғулотлари яқинлашиб келарди, табиийки, ғарбий қўмондонлик Ториига тадқиқотини тезроқ тугатишини қисталанг қилишарди. Шу сабабли махфий территориялардан бирида жойлашган тажрибахонада кечасию кундузи тинмай иш олиб бормоқда эди.

Машғулотлар тугагач, унга чет элга йўлланма ваъда қилишган эди. У Оврупода биринчи жаҳон уруши даврида ҳандақлардаги физиологик шарт-шароитлар, солдатларнинг ҳулқ-атвори, руҳияти таъсирига алоқадор муаммоларни ўрганмоқчи эди. Уйқусизлик, тунги диққат бўлиш профессорни толиқтириб қўйганди. У хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш заруратини унутганди.

Ўша куни эрталаб Сакико тажрибахонага одатдагидан эртароқ келди. Чой дамлаш мақсадида сув қайнатгани газ плитасини ёқди. Профессор эса шу пайт плита ёнида туриб, тунука идишдаги спиртни шиша идишга қуя бошлаганди. Бирдан спирт лоп этиб аланга олди-ю, тунука идиш портлаб кетди...

Авжи ёз маҳали касалхоналар болалар билан тўлиб-тошади. Ота-оналар таътил ойдан фойдаланиб, сурункали дардга мубтало бўлган болаларини муолажа қилиш пайига тушадилар. Томоқ безларини олдирувчи ҳамда «ширинча» билан оғриган болалар кўп бўлади. Таажжубланарлиси, буларнинг кўпчилигини қизлар ташкил этади.

Ҳозирги замон япон миллатига хос масъум, жиддий, нозик-ниҳол қизчалар йўлакларда жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб юрадилар.

Бу нимжон қизчалар касалхона муҳитига ўзгача тус-тароват бағишлаб, ўзидан алланечук нур таратаётгандек туйиларди. Бу ўсмирлардан атрофга қандайдир оғир хуш ҳид таралар эди. Улар бирпасда ўзаро тил топишиб, шаҳарлик оймтиллалардан бўлак ҳеч кимни давраларига қўймасди.

Бодомча безини олиб ташлаш осон эди, бироқ операциядан кейин жароҳат ўрни битиши учун томоққа муз солинган резина халта боглаб қўйиларди. Худди аслзода хонимлар марваридларини ўйнагани каби улар ҳам халтачаларининг бўшашиб, осилиб қолган боғичини ўйнаганча, катталарнинг кулгисини қистатиб бир-бирларига: «Қара, қандай бежирим-а?» – деб қўйишарди.

Бу шаҳар болалари орасида йўл-йўл кўйлак-иштон кийиш расм бўлган чоғи. Оддий бўз халат кийишдан улар ор қилишарди; кимники пижамаси бўлмаса, у ўзини бечораҳол ва ғариб сезарди. Шунинг учун касалхонага келган кунининг эртасига ёки индинига ҳаммаси пижама кийиб пўрим бўлиб оларди.

Улар маълум соатларда жуфт-жуфт бўлиб, музқаймоқ егани емакхонага боришарди.

Касалхонада яқин уч ойдан бери кўтара савдо қилувчи ўрмонфуруш ётарди, йиринг боғлаган шиш



унинг ёноғини шунчалик ўйиб юборган эдики, азбаройи юз суяклари очилиб қолганди. Япончасига жиҳозланган қўшни палатада, томоқ безлари олиб ташланган тўрт нафар нимжон қизчалар ётарди. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлимида жой йўқлиги сабабли уларни вақтинчалик шу ерга ётқи-зишга тўғри келган эди.

Ҳар куни ўрмонфурушнинг сон-саноксиз қариндош-уруғлари ёғилиб келарди. Улар ўртасида мерос учун кураш борарди. Бемор бефарзанд эди, қариндошлари хотинига эмас, балки ўз ака-укаларига тегишли улушни ажратиб, бутун меросни жиянига қолдириши учун уни ҳол-жонига қўймасдилар. Шу сабабдан худонинг берган куни касалхонага келишар ва иложи борича беморнинг хотинини ғийбат қилишар, ҳатто қуруқ тухматдан ҳам тойишмасди. Васиятномани ўз фойдаларига мувофиқ ёзиб қолдириши учун беморни кўндириш йўлида барча ҳийла-найрангни ишга солардилар.

Лекин бемор ўзини ҳали ажали етган, деб ҳисобламасди.

Очиғини айтганда, рафиқасининг ҳам васиятно-мани ўз номига ёздириб олишга эришиш учун астойдил куюнишдан бўлак иложи қолмаганди. Табиийки, бу ҳақди у эрига очик айтолмасди.

Қариндошларининг тухмат-бўхтонларига учган ўрмонфуруш хотинини куракда турмайдиган сўзлар билан сўкар, бироқ ўша заҳоти ҳаммага даҳмаза бўлиб қолганидан нолишга тушар ва унинг қўлларини меҳрибончилик билан силаб-сийпашга тушар, бироқ у яна қовоғини уюб оларди.

Қўшни хонада касал боқувчи аёллар жойлашган бўлиб, ҳар кеча уларга ўрмонфуруш хотинининг ўқсиб-ўқсиб йиғлагани эшитиларди.

Кундузлари палатада ўтириб, сиқилиб кетганда ўрмонфурушнинг хотини йўлакка чиқиб, у ёқ-бу ёққа юрар, ювиниш хонасига, кирхонага бош суқар ва ўша ерда беморни боқиш учун қариндошлари ёллаган ҳамширалар билан ҳасратлашарди.

Эллик яшар фариштали хоним бошини хиёл ёнга эгиб, беозоргина кулиб гапирарди:

– Озгина тежайман, деган хаёлда дастлаб касалхонага трамвайда қатнаб юрдим. Бекор қилган эканман, менга барибир ҳеч нарса тегмас экан, бировнинг пулини тежашимдан нима фойда? Энди ўлсам ҳам трамвайда юрмайман. Йигирма йил бир тийин ортиқча сарф қилишдан андиша қилиб келдим, тежайвердим, тежайвердим, мана оқибати. Ҳеч вақосиз чапак чалиб қолавераман, шекилли. Алам қилмайдимиз?!

Ёшлигида у бениҳоя чиройли бўлган бўлса керак. Бироқ ҳозир ўзининг ҳусн-таровати билан мақтанолмасди, шу важдан юраги ўртанар, лекин минг қилганда ҳам бир замонлардаги ҳуснини ифтихор билан эслар, буларнинг бари ўзини сипо ва эркин тутишида ҳам сезилар ва ҳамшираларни ийдириб юборарди.

– Лекин хоним, – дейишарди улар, – бировнинг қўлига қарам бўлиб яшамаслигингиз учун эрингиз бирон нарса қолдирар, ўлдими?

– Кўзим етмаяпти, – дея хира пашшани ҳайдаб туриб жавоб қиларди ўрмонфурушнинг хотини. Дераза ортидаги кечки осмон фонида қорайиб кўринаётган теракларнинг уч-учларига разм солиб қараркан у яшириқча жамғариб қўйган пуллари туғадиган даромадга яшай олиш-олмаслигини хаёлида ҳисоблаб чиқди.

– Уч ойдан бери шу ерданман, – деди у нафасини ростлаб. – Кир юваман, деб шундай тураверсанг, оёқда оёқ қоладими?

– Гапингиз тўғри, хоним, – деб гап қўшарди касал боқувчи аёллар. – Кўпчилик бир ойдан ортиқ чидолмайди, келмасидан кетиш пайига тушади... Сиз сабрли экансиз чидаяпсиз, лекин озиб-тўзиб кетаяпсиз...

– Мен эримдан аввал ўламан, шекилли.

– Қўйсангиз-чи, хоним. Нима кераги бир бунақа гапларни, бекорга бундай деяпсиз... Ёшсиз ҳали...

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – Ўрмонфурушнинг хотини кулимсиради. – Ким билсин, сиз ҳақдирсиз балки... – Аёлнинг кўзлари остида яшил-қора доғлар бор эди. Унинг ўзи ҳам бедаво дардга мубтало бўлганга ўхшарди.

– Биласизми, – дея сўзида давом этди у. – Ҳозир касалхонада болалар кўп. Иккита боланинг ота-онаси бадавлат одамлар экан, фарзандларига тарбиячи бўлмайсизми, дейишяпти. Астойдил таклиф этишяпти. Бу гап, илтимос, орамизда қолсин...

– Наҳот шу рост бўлса?

Касал боқувчилар чайилган кирни сиқа туриб ҳақиқатдан шундай фойдали иш борми ёки бизни лақиллатяптими, дегандек ажабланиб аёлга тикилиб қолишди.

Профессор Ториининг пайдо бўлиши касалхонадаги зерикарли ҳаётга шаҳарлик рамақижон қизчаларнинг ёғилиб келишидан ҳам кўпроқ жонланиш ато этганди.

Беморларнинг у билан қизиқиши учун кечаю кундуз тўхтамаётган дод-фарёди кифоя эди. Бундан ташқари унинг палатаси ёнидан келиб-кетувчилар – дам ҳарбийлар, дам спортчиларнинг кети узилмасди. Баъзида улар шундай кўпаярдикки, азбаройи йўлақдан ўтиб бўлмай қоларди.

Кунлар бениҳоя исиб кетганди, хоналарнинг эшик-деразалари ланг очиб юборилганидан ҳамши-

ралар келиб-кетиб турган машхур спортчиларнинг исми-шарифини эшитиб хайратдан ёқасини ушласа, қизчалар олифта офицерлар ортидан гала-гала бўлиб эргашиб юришарди.

Профессор қайтиб ўзига келмади, у ҳамиша алаҳлаб ётар, фақат ахён-ахён инграр ёки бир балолар деб гўнғиллар эди. У тинмай қайт қилар, қон аралаш ичи суриб азоб чекарди. Алоҳа у беҳуш ётар, нафас олиши тобора оғирлашиб, ҳаёти қил устида турарди.

Беморлар бора-бора профессорнинг аҳволига қизиқмай қўйишди. Уларнинг эътиборини ўз-ўзидан яшаб кетиши муқаррар бўлган Сакико жалб этди.

Профессор ўттиз беш ёшга чиққанига қарамай, ҳануз бўйдоқ эди. Касалхона аҳли бу соҳибжамол ассистент қиз унинг қаллиғи эдими, хушторими, ҳаммадан бурун шуни билгиси келарди.

Профессорнинг тақдирига Сакико нечоғлик қайгураётганидан бохабар бўлиш учун ҳаммалари унинг палатасига ўғринча мўралашарди. Бу сулув қизга ҳамма, албатта ачинарди, чунки у ёнғинда ўлиб кетишига оз қолди, касалхонага оёқ-қўллари куйган аҳволда ётқизилди. Бироқ шу билан бирга унинг ёш профессор билан ўзаро муносабати уларни беҳад қизиқтирарди. Улар буни қизнинг кайфияти орқали билишга уринардилар. Эртасигаёқ Сакикони кўргани тўрт-беш нафар дугонаси келди, улар йўлакка қараган дераза билан эшикка гулдор парда тутиб қўйдилар.

Кимдир Сакиконинг мафтункор овози бор, ажойиб қўшиқ айтаркан, деган миш-миш гап тарқатди.

Қарама-қарши палатада қирқ кундан бери қовуғига тош келган бир мўйсафид азоб чекиб ётарди. Бу аллазамонлар ясаган буюмлари билан донг тарат-

ган машҳур темирчилик устахонасининг хўжайини эди. Олти йил муқаддам жинсий безлари катталашиб унга азоб бера бошлаган эди. Мана шу даврда сийдик пуфагида тош йиғилган экан. Энди битта-мас, иккитамас бутун сийдик пуфаги тўла тош эди. Операция ёрдам боролмас, афтидан эскича даволаш усулларида ҳам нажот йўқ эди.

Темирчининг касал эрини боқавериби кўникиб кетган қари хотини навбатчи ёш врач унинг сийдик йўлига найча суқиб, кейин дам-бадам турли-туман темир ва резина найчалар ёрдамида қайта суғуриб олаётганини норозилик билан кузатиб ўтирарди. Ҳозир қайси бирини қўллаш лозимлигини врач у билан маслаҳат қилиши шарт эди.

Чол кун бўйи мудраб ётар, кечаси эса оғриқдан шикоят қила бошларди.

– Менга қара, чол, – дерди кампир, – бунақа азобдан кўра тинчгина оёқ узатган маъқул эмасми?

– Нимасини айтасан, – деб жавоб берарди чол.

– Йўқ, шошмаслик керак, – дерди кампир. – Яшашга нима етсин.

– Тўғри айтасан, – дерди бунга жавобан чол.

Нари-бери елпиғич билан елпиниб ўтирган чол-кампирнинг гапларини эшитиб ҳамшира кулиб юборишдан ўзини аранг тиярди.

Чол етмиш икки яшар, кампир эса олтмиш саккизга чиққан эди.

– Менга қара, чол, – давом этарди кампир. – Бу ерга бугун олиб келишган ёшларнинг аҳволидан хабаринг борми?

– Нима бўпти?

– Йигит жуда қийналаяпти, аҳволи оғир, ана кетди, мана кетди бўлиб ётибди. Қиз эса ҳеч гап бўлма-

гандек қўшиқ айтаяпти. Бирам хушовоз эканки! – Пинакка кетган чол жавоб қилмади.

Офтобнинг тикка тушаётган нурлари ёритган дераза токчасида, қанотларини порт-порт қилиб каптарлар гувиллашарди.

– Қизчалар нега ҳе йўқ, бе йўқ бирдан ўзларига оро бериб қолишибди?! Худди товусдек товланиб коридорда юришларини-чи.

– Ҳм... қўявер...

– Ҳадеб ухлайверма, чол! Кундузи обдон уйқуга тўйиб оласан-да, кечаси уйқум келмаяпти, деб яна зорланасан.

– Ухлаётганим йўқ, кўзимга чироқ тушиб очирмаяпти.

– Сен ўз уйингда жон беришни истардинг, тўғрими?

– Тўғри.

– Ўғлимиз бўлса, аввал шу ердаги дўхтирларга иложи борица қаратиб даволатаман, то касалхонадагилар нимаки қўлимиздан келса, қилиб кўрдик, бундан ортиқ ҳеч нарса қилолмаймиз, демагунича уй тугул остонага йўлатмайман, деяпти. Бемехр чиқди ўғлимиз. Сен нима дейсан, билмадим-у, пешона тери билан топган-тутганини унга қолдирмоқчи бўлаяпсан, тагин, менимча, у бунга арзимайди...

– Қўявер, ўйлаб кўрамиз ҳали, – деди чол кўзларини юматуриб.

– Бугун тушда бу ердаги амбулаторияга бориб эсим оғиб қолди. Кўрмайин ҳам, куймаям дедим. Аёллар консультациясидан бирма-бир қизчалар чиқиб келяпти, дегин, ҳали она сути оғзидан кетмаган-ку, ҳаммаси қорнини дўппайтириб олибди. Лоақал биттаси уялса-чи?! Қаерда! Замон ўзгариб кетганини қара!

Унинг гапига жавобан оҳиста хуррак товуши эшитилди.

Кампир ўрнидан туриб, дераза олдига борди-да, ҳовлида юрган каптарларга нон увоқларини ташлай бошлади.

Эртасига эрталаб ўрмонфуруш ўз одатига хилоф равишда каравотда чордана қуриб ўтирар ва рўпарасида ранги қув ўчган қўйи қўл қовуштириб турган ишбошиси билан хизматчиларга хўмраяр, телбалардек болдиридаги жунларини юлар эди.

Маълум бўлишича, тунов куни ярим кечаси унинг тахта омборига ўт кетган экан.

– Минг лаънат, – деди у лаблари пир-пир учиб, унинг бинт билан ўраб ташланганидан юзи кўринмасди. – Бу ёниб кетган нусхаларни олиб келишганда кўнгли ёмон аломатлигини сезганди. Мана, омборга ўт кетибди. Аммо улардан бири бугун кечасиёқ нариги дунёга равона бўлади, мени айтди дерсан!

Мерос талашиш оқибатида омборга ўт қўйишганмикин, деган шубҳада полиция ўрмонфурушнинг умр йўлдоши билан қариндош-уруғларини маҳкамга сўроқ қилгани чақирди.

Хизматчилар хавотир ичида кўз уриштириб олишди, худди шу лаҳзада дафъатан Сакиконинг қўшиғи эшитилди. У оҳиста қуйларди, аммо ўктам ва ширали овозида ҳаётнинг чинакам шодиёнаси ошкора янграрди.

Ҳамшира чироқларни ўраб қўйиш учун палата-ма-палата юриб, қора лахтак тарқатди. Касалхонанинг ишчиси нарвон кўтариб олганча, йўлакдаги чироқларни ўраб чиқди.

Ҳали туш пайтидаёқ портлашлар ва отишмалар бошланган, сиреналар чинқирарди.

Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа машқлари ўтказиладиган кун эди бугун.

Чироқларни ўраш шартлигидан ташқари, уларни полга қадар тушириб қўйиш даркор эди, шу сабабдан палаталар қоп-қоронғи бўлиб қолди.

Ичкари ҳовлидан ёруғлик билан чалғитиш учун берилаётган команда товушлари эшитиларди.

Кўп ўтмай ойсиз самода самолётлар гўнғиллай бошлади. Самолётларни қайсики, жисмоний тайёргарлиги профессор Тории тадқиқотининг мавзуси бўлган учувчилар бошқарардилар.

Касалхонанинг зим-зиё йўлагига бамисли ажал элчиларидек қора шарпалар қимир этмай саф тортиб туришарди. Профессорнинг палатасида унинг бинт билан ўраб ташланган кўкси оқариб кўринарди, холос. У оғир-оғир нафас олар, кўксидан қандайдир ваҳший парранданинг ваҳимали какиллашига ўхшаган хириллаш отилиб чиқарди.

Врач қаламнусха чўнтак фонарчасини олди-да, беморнинг юзини ёритиб, унинг кўз қорачиқларига разм солди. Профессор у ёнбошидан бу ёнбошига ўгирилиш учун чиранди ва атрофини қуршаб олган зулмат пардасини тилка-пора қилмоқчидек бир талваса ичида қўллари билан човут соларди.

– Чироқни ёқинглар, – дея шивирлади беморнинг бош томонида ўтирган одам. – Ҳеч бўлмаса ёруғликда жон берсин.

– Хўп бўлади, жаноб олийлари! Лекин қандай бўларкин?

– Ҳар қандай жавобгарликни ўз зиммамга оламан.

– Хўп бўлади!

Кичик офицер чироққа ўраб қўйилган қора латтани ечди. Илкис палата яна кундузгидек ёришган



махал профессор Тории ўзини орқага ташлади-ю, жони узилди.

Одмигина миллий кийим кийган генерал ўрнидан туриб яна чироқни қора латта билан ўраб қўйди.

Куп ўтмай профессорнинг жасадини зим-зиё йўлак бўйлаб олиб кетишди.

Токиони бошдан-оёқ зулмат қоплаган эди.

«Ширинча» билан оғриган ёш «хонимча»лар осуда уйқуга кетган эди. Фақат темирчининг хотини эри билан эзмаланиб ўтирарди.

– Уйни жудаям соғиндинг, шекилли, чол? Шуям ишми, касалхонага ўз оёғинг билан келиб, қазо қилсанг-да, уйга мурданг борса?!

– Нимасини айтасан.

– Анави профессор ҳаммани безор қилиб юборганди. Энди дод-вой қиладиган сен қолдинг.

– Ёшмиди?!

– Ҳа. Қандай гўзал қизни ташлаб кетганини кўрсанг эди!

– Болалари бор эканми?

– Қаёқда. У профессорнинг хотини эмас, маъшуқаси экан.

– Шунақами?..

Ўрмонфуруш дами ичига тушиб, мурдани кузатиб қолди.

– Лекин дафн этиш маросимини асасая дабдаба билан ўтказсалар керак, – деди хотини, бироқ ўрмонфуруш жавоб бермади.

Сакико ҳамширанинг елкасига таяниб остонага-ча ҳақкалаб борди.

Профессорнинг жасади солинган замбил ёнига етиб келганида чинқириб юборди:

– Сэнсэй!

Ҳамшира ишора қилиб, замбилни тўхтатди.

Сакико, баайни марҳум билан видолашаётгандек қўллари салгина олдинга узатди ва ўша заҳоти замбилкашларга:

– Миннатдорман, кетаверинглар, – деди.

Сўнгра у ҳамширанинг елкасига юзини босиб илтимос қилди:

– Энди ўрнимга бориб олай, ёрдам бериб юборинг, – деди.

Бироздан кейин эса қўшиб қўйди:

– Ёш боладек талатайиб кетибман. Ҳолбуки, энди ўзим юра оламан...

Сакико профессор билан ораларида бўлиб ўтган бир суҳбатни эслади. Профессор яқин орада мени чет элга юборадилар, сени ўзим билан олиб кетаман, агар бирга кетсак, ўша ерда қўшиқ айтишни ўргана-сан, ўша ерда – бегона юртда, албатта, турмуш қура-миз, деган эди.

Сакико шуни эсладию, дафъатан, нима учундир: «Италия ҳақида қўшиқ»ни айта бошлади.

У куйлар эди-ю, шашқатор кўз ёшлари юзини ювиб оқарди, унинг кўз ёшлари кучайиб борган сари овози шунчалар мусаффо, шунчалар пурғам ва қўнғироқдек янграб борарди.

## КАМБАҒАЛЛАР СЕВГИЛИСИ

Лимон у ўзига лозим кўрадиган ягона зийнати ҳисобланарди. Шу лимон эвазига териси силлиқ, оппоқ бўларди, хушбўй ҳид келарди ундан. У лимонни тўртга бўларди, бир бўлагидан туалет суви тайёрлар, бу унга бир кунга етарди. Қолган уч бўлагини эрта-индин ишлатаман, деб юпқа қоғозга ўраб қўярди. Терисини лимон суви билан ювиб, тонгнинг нақадар масъумлигини ҳис қиларди. Бугун, эридан яширинча у кўкраги билан бўксасини ювди...

Уни эркалаган эркак хитоб қилди:

– Лимон! Сен лимон дарёсида чўмилганга ўхшайсан. Ҳой қиз, мен лимон ялагандек бўлдим, пўртахолни хоҳловдим.

– Ҳозир, – дея жавоб қилди у ва беш сен олиб, пўртахол ҳидидан ўзини энсаси қотса ҳам уни олиб келгани кетди. У ваннадан кейин лимон ҳиди терисидан келиб туришини истаган эди. Тангалар ва лимон ҳидидан бошқа уйда ҳеч нарса йўқ эди.

Стол ўрнини босаётган журналлар уюми эркак ундан ҳеч ким сотиб олмаётган узундан-узоқ пьеса ёзарди.

– Биринчи сахна лимонзорда бўлиб ўтади – бу махсус сенга бағишланган. Тўғриси айтсам, лимонзорни ҳаётимда кўрмаганман, лекин Кида бир марта тепаликда ўсган мандаринзорни кўрганман. Узоқ куз кечалари одамлар уларни томоша қилгани ҳатто Осакадан келишарди. Ойдин кечада мандаринлар

адашиб юрган оловни эслатади – қарасанг, бутун бошли афсонавий денгизга ўхшайди! Лимонлар мандаринларга нисбатан ёрқинроқ бўлади, уларнинг ранги иссиқликни кўрсатади... Ҳароратли сарғиш шўълар... Шу манзарани сахнада кўрсатсанг борми...

– Ҳа-я.

– Қизиқ эмасми сенга? Ҳозирги кунда мен ёруғ, жануб колорити билан бирон пьеса ёза олармиканман? Аввал муваффақият қозониш лозим, машҳур бўлиш керак бунинг учун.

– Нега барча одамлар, албатта, муваффақият қозониши шарт?

– Чунки бошқа иложлари йўқ. Тўғри, мени ҳозир бирон бир муваффақият қозонишдан умидим йўқ.

– Менга бундай муваффақият керакмас. У нима беради менга?

– Бу бир янгилик! Сен ҳозирча студентлар каби фикр юритаёпсан. Улар ўзлари оёқ босиб турган ерни ёмон кўришади. Ёмон кўрмаса ҳам, жиллақуриса уни бутунлигича, шикаст етмаслигига ишонишмайди, қачон бўлмасин унинг харобага айланишига ишонишади. Бу фундаментни хароб қилиш керак деб ҳисоблашади ва қачон бўлмасин, шундай кун келади, деб умид қилишади. Ҳаётда муваффақият қозонмоқчи бўлганлар шу турмуш пиллапояларида кўтарилиб борадилар, йиқилиб нобуд бўлиши аниқ фундаментда турганларини биладилар. Амалпараст юқорига кўтарилган сари, унга хавф-хатар таҳдид солади. Шуни билган ҳолда, одам амали ҳамда ўйлаган сари барибир судралиб бўлса ҳам чиқишга ҳаракат қилади – уни ўраб олган муҳит ва шахсан ўзининг фаолияти туфайли бунга сабаб бўлади. Ҳозир карьеризм виждоннинг йўқлиги билан ўлчанади. Карьеризм – бу даврнинг белгиси бўлиб қолди ва

мен зулмат ва қашшоқликда яшаган ҳолда ўзимни карьеризм муҳиби деб биламан. Сен ҳам қашшоқ, лекин лимон меваси сингари ёруғ бўла туриб, афтидан, бу муаммога бошқача қарайсан.

– Аммо мен бор-йўғи камбағалларнинг маъшуқасиман. Барча эркаклар ҳаётда олам-олам ютуқларга эришаверсин – улар ахир фақат шу ҳақда орзу қилдилар, шунга интиладилар. Аёллар бошқа гап. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин – камбағалларнинг ва бойларнинг маъшуқаси.

– Вой-бў, сен буни ўзингча тўқигансан!

– Сиз, албатта, амалга эришасиз! Менинг дилим айтаяпти – ҳамма нарсани олдиндан айтиб бераман ва ҳеч қачон янглишмайман. Рост айтяпман: сиз муваффақият қозонасиз, албатта!

– Мен сени ташлаб кетаманми?

– Шак-шубҳасиз!

– Унақада амални бошимга ураманми.

– Ундай демаслик керак. Мен ҳар бир йигитни муваффақиятига хурсанд бўламан. Назаримда, гўё мен карьера тухумини қўядиган қуш уясиман.

– Бас қил, бунақа тентакона гапларни ва умуман шуни унутма: менга сенинг ўтмишдаги эркак учун қилган ишларингни эшитиш ёқмайди. Сенинг қилиқларинг танноз хонимларга ўхшаб лимондан фойдаланишингни эсга солади.

– Нималар деяпсиз, менга қаранг?! Хонимлар нима қипти? Лимон ўн иен турса, мен уни тўртга бўламан. Бутун маъсумлик мен учун икки ярим сенга тушади.

– Яхши-яхши! Сен ўлганингда қабринг тепасига лимон дарахтини экиб қўяман.

– Раҳмат шунга ҳам. Мен кўпинча орзу қилардим: қачон мен ўлсам, менинг қабрим тепасида ёдгорлик

бўлмади, уни тепасига арзимас лавҳ осиб қўйишди, бироқ таъзим қилгани машиналарда фусункор йигитлар визиткалари билан ташриф буюришади.

– Келишган йигитлар ҳақидаги гапларингни қўй. Менинг амалга минишим ҳақида гапларни каллангдан чиқариб ташла.

– Аммо мен биламан, тез орада сизни муваффақият кутмоқда.

– Унинг ишонч-эътиқоди тақдири сингари барқарор эди. У хатога йўл қўймасди сира. Қайси йигитга муваффақият (карьера) келади, у ҳеч бир янглишсиз айтиб берар, фақатгина шундай йигитларни танлар, ўзига маъбуб этиб тайинлар эди. Унинг биринчи яхши кўргани амакиси эди. Ўзининг бой хонадондан бўлган қаллигини ташлаб, шу аёл билан бир чеккадаги аянчли уйда яшади. Иккови ҳаддан ташқари камбағал эди, бироқ йигит университетни тугатиб, дипломатик амаллардан учинчи ўринни эгаллаган Римга бориш ишлашга рухсат олди, собиқ хотинининг отаси таъзим бажо келтириб хузурига келди ва қизини унга ҳурмат-иззат билан топширди. Маъшуқаси қаршилик қилмади. Иккинчи маъшуқаси камбағалгина студент медик эди. Охир-оқибат у қизни ташлаб кетди, касалхона қурган пудратчининг қизига уйланди. Учинчиси радиоприёмник сотувчи эди. У қизни ёмон кўзли, деб айблади, шунинг учун у билан яшаса бойимаслигини айтди. Натижада йигит уни ташлаб кетди ва ўзининг дўконини шаҳар чеккасидан аввалги бой маъшуқасига қарашли уйга кўчириб келди. Тўртинчи маъшуқа... Бешинчиси...

Унинг навбатдаги севгани – камбағал драматург – ўзининг узундан-узоқ пьесасини радикал кайфиятдаги социолог-олимлар жойлашгач тугатди. Драматург унга берилган ваъдани бажарди ва пьесага

лимонзор ҳақидаги сахнани кўшди. Тўғри, ҳақиқий ҳаётда ёрқин лимонзорни излаб топиш унга насиб этмади. Лимонзор эпилогда пайдо бўлади, у тилга олган асосий лимонзор бузилиб кетади. Эркак ва аёллар шу лимонзорда тинч ва осойишта суҳбат қурадилар. Ўзининг пьесаси туфайли у замонавий театрнинг қаҳрамонлари билан танишади ва алоқага киришади. Худди илгари юз берган, яхши кўрган лимонзор чеккасига чиқади. Унинг башорати амалга ошади: драматург ҳар ҳолда муваффақит қозонади. У пиллапоялардан зўрға бўлса-да, юқорига чиқади.

Унинг кейинги маъшуқаси уста, у драматургнинг уйида бўлган ва нутқ қилишни жуда яхши кўрган. Бироқ... У худо берган ҳаётда муваффақият қозониши мумкин бўлган эркак зотини танлай билиш табиий қобилиятдан маҳрум, уста ҳаётда карьера қилмаган. Бу ҳам етмагандек, уни ташвиқоти учун ишдан бўшатиб юборишган. Аёл ўз топгани билан яшайди, уни йўқотгач, ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Балки, у муваффақият қозонишни башорат қилишдан чарчагандир, балки, бу сафар тузатиб бўлмас хатога йўл қўйгандир...

Унинг жанозаси куни драматургнинг биринчи асари сахнада ижро этилди. Бош ролни ижро этган энг сўнгги маъшуқасининг монологада, «лимон аёли»нинг оҳангига таклид этилди. Томошабинларнинг гулдурас қарсақлари остида томоша тугаганда, у эпилог сахнасини безаган лимонларни машинага ортди ва камбағал маъшуқасининг қабрига борди. Лекин ундан олдин кимдир борганининг гувоҳи бўлди: қабртоши олдида бирин-кетин ўн учинчи тундаги ойдек думалоқ лимон рангидаги чироқлар осилиб турарди.

– Демак, бу ерда ҳам ўзининг лимонзори бўлган экан, – деди у ўзига ўзи.

## КЕМАЧАЛАР

Акико бир челақ сувни гулбахмал ёнига қўйди, олхўри остида ўсган пастаккина бамбукнинг баргларидан узди-да, улардан бир нечта кемача ясади ва челақка солди.

– Ў! Кемачалар! Зўр-ку!..

Чордона қуриб олган болақай бошини кўтариб Акикога ёқимли кулимсиради.

– Яхши кемачалар, тўгрими? Ақлли боласан, шунинг учун опанг сенга ясаб берган. Шу ерда ўйнагин.

Шундай деб, боланинг онаси уйга кириб кетди. Бу ўша Акико турмушга чиқиши керак бўлган йигитнинг онаси эди.

Нафсиламбрига айтганда, бўлғуси қайнона Акиконинг отаси билан нима ҳақдадир гаплашиб олмоқчи эди, қиз кетмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, бола хархаша қилиб қолди ва Акико уни ўзи билан боғчага ола кетди. Бола қаллиғининг энг кичик укаси эди.

Кичкина қўлларини челақдаги сувга солиб, бола кучининг борича тўлқинлар қилиб сувни чайқатарди.

– Опажон! Бу денгизда жанг бўлаяпти – қувнок кичқирарди у кемачаларни бир ерга тўплаб.

Акико нари кетиб, ювилган ёзги кимоносини сиқиб уни қуритиш учун ингичка таёққа осарди.

Уруш аллақачон тугади. Бироқ куёв негадир қайтиб келмасди ҳалиям.

– Жанг боряпти! Қани бўш келманг. Қани, қани!...



Бола тобора қизишарди, у қўллари билан сувни шапиллатар, сув афт-ангорига сачрарди.

– Э-э, бу аҳволда бўлмайди! – уни тўхтатди Акико. – Ахир юз-кўзинг ҳўл-ку.

– Улар нега сузмаяпти, – деди шикоятомуз бола.

Кемалар чинданам сузмас, фақат сувда тебраниб туришарди.

– Сен тўғри айтаяпсан. Майли. Юр дарё бўйига борамиз. У ерда сузишади.

Бола кемачаларни олди. Акико сувни сепиб ташлади ва челакни ошхонага олиб борди.

Улар дарёдан ўтиш учун қўйилган тошларга ўтиришди ва Акико бирин-кетин кемачаларни оқимга қўя бошлади. Болакай хурсанд бўлганидан чапак чалиб юборди.

– Ура, ура! Меники олдинда!

Ўзининг бошқаларни орқада қолдирган кемачасини кўздан қочирмай бола қирғоқ бўйлаб югура кетди.

Акико қолган кемачаларни сувга ташлаб боланинг ортидан қувиб кетди. Лекин ўша заҳоти ўзининг жароҳатланган оёғини эслаб эҳтиёт бўлиб юра бошлади.

Болаликда бошдан ўтказган паралич (шол) туфайли у товонини босолмас эди: товони кичкиналиги устига юмшоқ бўлиб, чап оёғи жудаям баланд кўтариларди. Акико арқон ўйнолмас ва узоқ сайр қилолмасди.

У умр бўйи жимликда, ёлғиз яшашга одатланган эди. Аммо уни кутилмаганда эрга бермоқчи бўлишди. У эрки ва орзуси ёрдамида жисмоний камчилигини енгишга ҳаракат қиларди. У жиддий бўлиб қолди, жисмоний ишлар билан шуғулланишга, қандай бўлмасин товонида туришга ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. Оёқ кийими – кетасининг қайиши оёғини бир пасда шилиб юборар, бироқ Акико чидар, ҳаракат қилаверар

эди. Бироқ урушдан кейин у бу одатини ташлаб юборди. Оёғидаги қайишнинг ўрни куйганга ўхшаб қолди.

Болакай қаллиғининг укаси бўлгани учун Акико ўзининг ногиронлигини яширар, ҳозир товонида юришга ҳаракат қиларди. Анча бўлди бунақа юрмаганига.

Энсиз ирмоқ уйларнинг ортидан оқиб ўтарди. Ўсиб кетган супурги ўт сувнинг устида осилиб ётар ва бир неча кемача унга илиниб қолган эди.

Йигирма метрча берида турган бола сузиб келаётган кемачаларни кузатиб, Акиконинг яқинлашиб келганини сезмади. У шунчалик берилиб кетганидан Акиконинг оёқ ташлашига эътибор қилмади. Бола ён томондан акасига ўхшар ва Акико уни қучоқлаб, бағрига босгиси келди.

Шу пайт боланинг онаси келиб қолди. Акикога миннатдорчилик билдириб, болани ўзи билан олиб кетди.

– Хайр! – деди бола ташвиш чекмай.

«Ё куёв урушда ўлган, ё тўйни тўхтатмоқчи бўлишяпти, – деб ўйлади Акико. – Ногирон қиз билан унаштириб қўйиш ҳам балки кўнгилчанликдир, уруш йиллари одамлар шунақа бўлиб қолишган бўлса бордир».

Акико уйга кирмай шу атрофда қурилаётган янги бинони кўргани кетди. Бунақа катта бинолар бу атрофда ҳали қурилмаган ва у ўтган-кетганнинг эътиборини ўзига тортар эди. Уруш йиллари қурилиш тўхтаб, майдончани супургиўт қоплаган эди. Ҳозир эса қурилиш тез суръатлар билан борарди. Дарвозаси олдига иккита ажойиб қарағай экилганди.

Акикога бу бино жиддий ва ҳашаматли кўринди. Лекин ойналар кўплигидан ғалати, қандайдир фэйзсиз ва совуқ туйиларди.

Кўни-қўшнилар орасида бу уйга кўчиб келади-ганлар ҳақида ҳар хил гап-сўз юрарди, бироқ аниғини ҳеч ким билмасди.

## КУЗ ЁМҒИРИ

Тушимда кузнинг алвон либосига чулганган тоғлардан, гўё ёрқин шуълалар тўкилаётган эмиш.

Бу оловранг шуълалар тубсиз қаърида дарё шарқираб оқаётган дарага ёғиларди. Дарё узра тикка кўтарилган баланд тоғ чўққилари аро бир парча осмонни кўрмоқчи бўлган одам бошини орқага ташлаб қараши лозим эди. Зангори осмон қош қорая бошлагани учунми, секин-аста ранги ўзгара бошламоқда эди. Дарё ёқасидаги оқиш харсангтошлар устига тўшалаётган соялар билан тоғ ёнбагрини қоплаган ёрқин рангларнинг сўниб бораётгани ҳам оқшом яқинлигидан далолат берарди. Дарё суви кўм-кўк эди. Мен, заранг дарахтининг оловранг япроқлари мана шу кўм-кўк сув сатҳида акс этмаяпти экан, дея ажабланиб турганимда ногаҳон, зангори сувга ёғилаётган қирмизи шуълаларга кўзим тушди.

Аввалига, назаримда гўё юқоридан чўғдек қизил шуълалар учиб тушмаётибди-ю, балки сув юзидан сон-саноқсиз шуълалар жилоланиб оқаётгандек туйилганди. Йўқ, аксинча! Зеҳн солиб қарасам, чинданам оловли учқунлар юқоридан ёғилаётган экану, фақат сувга тушиб, ўша заҳоти ўчиб қолаётган экан.

Оддийгина шуълалар тоғлар орасидан тушиб келаётганда оловранг куз япроқлари орасида яхши кўринмай қолар экан. Аммо бошни орқага ташлаб чўққилар узра ясланган бир парча осмонга узокроқ тикилиб турсангиз шу мовий осмон фонидан бағоят

тез суръатда учиб тушаётган беҳисоб шуълаларни кўриб қолиш мумкин эди. Эҳтимол, шуълалар кети узилмай тўкилаётгани учун гўё водийни қуршаб олган тоғ чўққилари – қирғоқ, улар орасида кўзга чалинаётган мовий осмон парчаси дарё каби туйилаётган бўлса ажаб эмас.

Тунги тезюрар поездида Киото сари мудраб кетаётганимда шундай манзара тушимга кирди.

Мен бундан ўн беш йил муқаддам, жигаримда пайдо бўлган гуручдек тошчаларни олдириш учун ўша ердаги касалхонада ётган кезларим танишиб, ҳамон ёдимдан чиқармаган икки нафар қизчалардан – ҳозир кап-катта бўлиб қолишгандир – бирини кўришга Киотодаги маҳаллий меҳмонхонага бораётган эдим.

Қизчаларнинг биттаси у пайтлар ҳали деярли гўдак эди. Туғилганидаёқ унинг ўт йўли найчаси беркилиб қолганди. Бу ахволда узоғи билан бир йил чидаши мумкин экан. Шунинг учун операция қилиб, ўт пуфаги билан жигарни боғлаб турадиган сунъий найча ўрнатишга қарор қилишганди. Операциядан кейин коридорда унинг онасини учратаган эдим. У қизчасини қўлида кўтариб ўтирганди. Мен кўнгил сўрашга ёнига бордим.

– Операция яхши ўтибди, хурсандман. Қизингиз бирам ширин экан!

– Худо мартабангизни улуг қилсин, лекин афсуски, умид йўқ, врачларнинг айтишига қараганда, қизимни яна бир ёки икки кунлик умри қолибди, уйдагилар келиб қолишармикин, деб кутиб ўтирибман, – деди она бояқиш паст, сўник овозда.

Қизча онасининг қўлида беозоргина ухларди. Операциядан кейин боғлаб қўйилган қорни узра камелия гулларидан нақш солинган кимоноси дўппайиб турарди.

Ноўрин гапларимдан юрагим ғаш бўлди.

Жарроҳлик бўлимида юрагини операция қилдиришга келган ёш-ёш болалар кўп эди. Улар шовкин солмай ўйнашар ва лифтда учиб юришар эди. Мен улар билан гурунглашиб ўтиришни яхши кўрардим. Туғма юрак иллатини болаликдаёқ операция қилиш керак, акс ҳолда, одам узоқ яшамай ёшлигидаёқ дунёдан кўз юмади. Шу сабабли, касалхонада, асосан, беш ёшдан саккиз ёшгача бўлган болалар кўп эди. Уларнинг орасида бир қиз менинг диққатимни ўзига тортган эди. Ҳар сафар лифтга чиқдим, дегунча у ҳам шу ерда ҳозир нозир бўларди. Бурчакда қўнишиб лифтда кетаётган катталарнинг оёқлари орасидан хўмрайиб қараб ўтирарди. У нари борса беш ёшда эди. Жиддий кўзлари юлдуздек порлар, лаблари эса доим қимтилган бўларди. Мен у ҳақда ўзимга қараётган ҳамширадан сўрагандим. Ҳамширанинг айтишича, ҳар куни тинмай, гоҳ уч соатлаб лифтда учиб юраркан. Кунлардан бир куни уни бир ўзи диванда ўтирганини кўриб қолдим. Унинг юз ифодаси доимгидек одамни жиғига тегадиган даражада жиддий эди. Мен уни гапга солишга ҳаракат қилиб кўрдим, лекин у саволларимга жавоб қайтармади.

– Жуда ўжар бола экан, – дегандим ҳамширага.

Шундан сўнг қизча ғойиб бўлди.

– Уни операция қилишган бўлса керак, хабарингиз борми, операция қанақа ўтибди? – деб сўрадим ҳамширадан.

– Қизча операция қилдиришдан бош тортиб уйига кетди. У ёнидаги каравотда ётган ҳамхонасининг жон бераётганини кўриб қолган, кейин операция қилдиришга кўндиришга қанча уринишмасин, барибир: «Йўқ, истамайман! Керакмас менга! Уйимга

кетаман!» дея бир гапда туриб олган. Охири, жавоб беришдан ўзга илож топиша олмаган.

– Тушунарли! Ишқилиб, худо умрини узоқ қилган бўлсин, – дея минғирлаб қўйдим уни эшитиб.

Мана, пировард-оқибатда уни кўргани Киотога кетаяпман – у кап-катта қиз бўлиб қолгандир.

Ёмғир томчиларининг вагон дарчаларига бир маромда урилишидан уйғониб кетдим, тўғрироғи, ширин хаёллар билан туш оралиғидаги мудроқликдан сергак тортдим. Хаёлий манзаралар ғойиб бўлди. Ҳали уйқу киприкларимни тарк этмасидан аввалроқ шариллаб ёғаётган ёмғир шовқини қулогимга чалинди. Ёмғир кучайгандан кучаярди. Ойнага тирсиллаб урилаётган томчилар шаклини ўзгартирмай қиялаб оқиб тушарди. Айримлари дарича ойнасининг бошидан охирига қадар чизик ҳосил қилганча оқиб тушарди. Гоҳо бир он қотиб қолгандек тўхтар ва сўнг яна йўлида давом этиб оқар эди. Юқоридаги томчилар қуйироқдаги томчиларга етиб олар ва қўшилишиб жимжимадор нақшинкор из ҳосил қилишарди. Улар гўё олдиндан белгилаб қўйилган меъёр маромидан оғишмай оқиб тушаётганга ўхшарди. Мана шу маромдан оҳанг таралаётгандек туйиларди.

Фаҳми ожизимча, ойнага бир текисда урилиб, оқиб тушаётган ёмғир томчиларининг навоси куз либосига бурканган тоғлар оралаб сассиз тушиб келаётган қирмизи шуълалар ёмғирини ҳаёт кўзи билан кўришимга имкон яратган эди.

Икки кундан сўнг «Киото» отелининг катта залида янги йил кимоноларининг кўрик-намойиши очилди. Шу маросимда қатнашиш учун мануфактура магазинининг эгаси мени таклиф этганди. Либосларни намойиш этувчилар рўйхатида Рицуко Беппунинг исм-фамилияси ҳам бор эди. Мен касал-

хонадаги ўша қизчанинг исмини унутмагандим, бироқ у манекеншица бўлиб кетганидан беҳабар эдим. Мен Киотога куз фаслида, япроқлари олтиндек қизарувчи заранг дарахтларини томоша қилиш мақсадида эмас, Рицуко билан кўришиш ниятида келгандим.

Ёмғир ҳамон тинай демасди. Куннинг иккинчи ярмида телевизор кўргани тўртинчи қаватнинг кутиш залига тушдим. Бу ерда меҳмонлар учун чиройлигина жой тайёрлаб қўйишганди. Сал чеккароқда тўй зиёфатига таклиф этилган одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланиб туришарди. Маросим ўтадиган залга аллақачон келиб олган ёш келин-куёв менинг орқа тарафимда эсдалик учун суратга тушмоқда эдилар. Мен дам-бадам ўгирилиб уларга қараб қўярдим. Шу пайт таниш дўкондор пайдо бўлди-ю, келиб мен билан кўришди. Ундан Рицуко Беппу, шу ердами, деб сўрадим. У чурқ этмай бир қизни кўрсатди. Қиз ойналаридан ёмғир томчилари оқиб тушаётган дераза олдида турар ва суратга тушаётган ёшлардан кўзларини узмасди. Унинг лаблари маҳкам қимтилган эди. Демак, у тирик қолган, улгайибди ва чинакам бўлиб етишибди. У мени эслармикин? Шу топда уни шундай чақиргим ёки ёнига боргим келди-ки, асти қўяверинг, аммо бундай қилгани ботинолмадим.

– Эртага Рицуко келинлар кимоносини намойиш этади... – дея қулоғимга шивирлади дўкондор танишим.

## КЎЗГУДАГИ ОЙ АКСИ

Кунлардан бир кун Кёконинг хаёлига кафтдекки-на полизни кўзгу орқали касалманд эрига кўрсатиш фикри келди. Эри анчадан буён иккинчи қаватдаги пешайвонда кўрпа-ёстик қилиб ётар, афтидан унинг қалбида ҳаётга нисбатан янги ҳавас туйғусини фақат шу мўъжазгина кўзгу қайтадан уйғотиши мумкин-дай туйилар эди.

Дарвоқе, Кёко бу кўзгуни тут ёғочидан ясалган бежиримгина пардоз жавони билан бирга тўйдан сўнг эрининг хонадонига олиб келган. Унинг дастаси ҳам, гардиши ҳам тут ёғочидан ишланган. Келинлик даврида оройиш бергани ва энсасига турмакланган сочини кузатиш учун кўзгуни баланд кўтариб қараган чоғлар кимоносининг кенг, ҳилпираган энги сирғалиб, қўли тирсагига қадар очилиб қолганида, хўп уялганлари ҳамон ёдида.

Айниқса, ювиниб чиққан эри: «Ўҳ, бирам ношуд аёлсанки, берақол, мен ушлаб тураман», дея қўярда-қўймай қўлига олиб, Кёконинг бўйин ва энсасига дам ўнг, дам чап томонидан тўғрилаб турарди. Баъзан бу машғулот эрига ҳузур бағиш-лаётгандек туйиларди. Ким билсин, балки ҳар сафар кўзгуга қараб, у ўзи учун бирон янги нарса кашф қилар? Сирасини айтганда, Кёко ҳечам ношуд аёл эмасди, эри орқасидан разм солиб турган чоғида, нима қиларини билмай, жунжикиб қоларди, холос.



Ўшандан буён кўп вақт ҳам ўтмади. Чунки бу орада ҳатто жавон тортмасида ётган кўзгу дастасининг ранги ҳам ўзгармаганди. Лекин бу орада талайгина воқеалар юз берди: уруш, сафарбарлик, эрининг касалга чалиниши... Эрига полизни кўрсатишга қарор қилган куни Кёко қараса, кўзгу анча хира тортибди, чанг қоплаган тутқичи уринибди. Бироқ ундан бемалол фойдаланиш мумкин эди, шунинг учун Кёко бу майда икир-чикирларга аҳамият бермади. Энди бемор кўзгуни доимо бош томонида сақларди, бекорчи ҳамда бетоб одамларга хос саботу бардошнинг кучлилиги боис кўзгуни тинимсиз артавериб, оқибат ойнасини ҳам, гардишини ҳам ярқиратиб қўйди. Кёко, кўпинча, зиғирча заруратсиз эрининг топ-тоза кўзгуни уҳ-уҳлаб дам-бадам артаётганининг гувоҳи бўларди. Шунданми, бир эмас, бир неча марта гардишнинг кўз илғамас, митти ёриқларига, эҳтимол, сил инслари ўрнашиб қолаётгандир, деган хаёлга борган. Гоҳо у бемор сочларига камелия гулининг хушбўй мойидан озгина суртиб қўяр, сўнг нозик бармоқларида қолган мой юқини гардишга суртиб ишқар эди. Шу туфайли, пардоз жавони анчайин хира тортиб, исқирти чиқиб кетгани ҳолда, кўзгу гардиши ҳаммавақт жило берилгандек йилтирар эди.

Эри шу ётганча қайтиб турмади, қишга бориб узилди. Кёко иккинчи марта эрга тегиб, бу жавонни ўзи билан бирга олиб кетди. Тобутга қўйилган кўзгу эса жасад билан қўшилиб ёнди. У гардиши камакура усулида ўйиб ишланган янги ойна сотиб олди. Кейинги эри бу ҳодисалар ҳақида ҳеч нарса билмасди.

Кўз очиб кўрган эри қазо қилгач, дарҳол унинг қўлларини чалиштириб тобутга ётқизганларида, бояқиш Кёко кўзгуни қаерга қўйишини билло-

май гарангсиб қолди. У кўзгуни эрининг қўлларига тутқазиб қўйиш ниятида эди. Кёко негадир бир оз каловланди, кўзгуни эрининг юрагига яқинроқ жойламоқчи бўлди, аммо ўша заҳоти бу галати фикридан қайтди ва: «Сенинг хаста кўксингга бу оғирлик қилади», дея шивирлади-да, кўзгуни майитнинг қорни устига суриб қўйди. Эрим тириклигида кўзгунинг турмушимизда жуда қадри бор эди, деб ўйлаган Кёко ҳозир, шунинг учун аввал беихтиёр юрагига яқин ерга қўйгандирман, дея кўнглидан кечирди. Кёко эрининг қариндош-уруғлари тобутдаги кўзгуни пайқаб қолишини сираям истамасди. Шунинг учунми уни оқ хризантеманинг гул япроқларига кўмиб юборди. Жасад ёқиш маросими тугагач, суякларни йиғиштираётганларида, кимдир кул орасида чамбараги эриб, юзини қора қурум босган қийшиқ кўзгуни топиб олди-ю, ҳаяжондан ўзини босолмай:

– Бу шиша қай гўрдан келиб қопти, – дея қичқирди.

– Зотан Кёко тобутга бир эмас, иккита кўзгу солиб қўйганди. Кўзгуларнинг иккинчисини қимматбаҳо сафар андозлари дастасидан ажратиб олганди. Бу тухумсимон шаклдаги кафтдек кўзгуга иккала томондан қараш мумкин эди. Дарвоқе, агар уруш халал бермаганида, у анжомларни ўзи билан бирга тўй сафарига ола кетмоқни орзу қилганди: бахтга қарши унинг орзуси армонга айланиб қолди. Биринчи эри билан кечирган қисқа ҳаётида Кёко, лоақал бир маротаба бўлсин, булардан фойдаланмабди.

Кейинги эри билан эса Кёко никоҳ сафарига ҳам чиқди. Қараса, эски пардоз буюмларининг ғилофини чирк босибди, у ҳеч иккиланмай янгисини сотиб олди. Буларнинг орасида кўзгу ҳам бор эди.

Йўлга чиқишгач, биринчи куниёқ эри Кёконинг билагидан ушлади-да, кўзларига тикилиб туриб:

– Жонгинам, сен ҳали гўдак экансан-ку, – деди.

Унинг сўзлари замирида мазах ёки масхара эмас, аксинча, кутилмаган, чуқур ҳис қилинган се-винч оҳанглари мавжуд эди. Эрга ёш қизалоқлардек кўриниш яхшими, ёмонми – Кёко билолмади, бироқ айтилган шу икки оғиз сўз кўксига наштардек санчилди. Унинг кўзларидан шашқатор ёш оқди ва қаттол бир ҳасратдан бағри хун бўлди. Балки, унинг бу қилиғини эри кўриб, чинданам ёш бола экан-ку, дея кўнглидан кечиргандир?!

– Кёко ўз қадригами ёки дунёдан бевақт кўз юмган эрига аза тутиб йиғлаяптими, дафъатан англаёлмасди. Чунки, бу аёл ўзини усиз ҳеч тасаввур қилолмасди. Бироқ кейинги эрининг кўнглига келиши мумкинлигини фаҳмлаб, Кёко бирор жўяли жавоб қайтаришни лозим топди.

– Нималар деяпсиз ўзи, ахир қандай қилиб ёш қизларга ўхшашим мумкин.

– У шундай дейишга деди-ю, ўзининг ношудлигидан уялиб кетди. Эри буни сезмади, у кўринишидан анча мамнун эди.

– А, сен ҳали фарзанд ҳам кўрмагандинг-ку?!

Унинг ўйламай айтган гаплари баробарида яна бояги алам ханжари юрагига санчилиб, Кёконинг кўксига кучли оғриқ турди. Аввалги эрига мутлақо ўхшамаган соғлом, бақувват эркак ёнида ўзини айни чоқда жуда-жуда ночор, муте ва ҳатто бир қадар хўрланган ҳис қилди. У дафъатан эътироз билдирмоқчи бўлиб лаб жуфтлади. Аммо оғзидан бутунлай бошқа, ўзи кутмаган гап чиқди:

– Шундай бўлса ҳам мен барибир ўзимни ҳамма вақт бола боққан аёлдек... ҳис қилганман. – Узоқ вақт кўрпа-тўшак қилиб ётган эри ўлимидан кейин Кёкога боладек туйилаётган эди.

Бироқ Кёко бир нарсанинг тагига етолмасди: ўлим ҳақ эканини била туриб, ўз ҳиссиётини кишанлайверишда нима маъно бор?

– Биласанми, мен Марини фақат поездда кўрганман, холос. Менимча, жуда гўзал шаҳарча бўлса керак, – дея эри Кёконинг она шахри ҳақида гап бошлаб қолди ва уни яна оҳиста кучоқлади. – Атрофи гир айлана ўрмон экан. Сен у ерда кўп яшабмидинг?

– Мактабни тугатгунимча яшаганман, кейин Сандзёдаги аслаҳа заводига ишга киргандим.

– Сандзё дейсизми? Биладан, бир пайтлар Сандзё қизлари жуда сулув бўлади, деб айтишарди. Демак, Кёко, бу гап сенга ҳам тааллуқли-да.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз, – Кёко беихтиёр ёқасини ушлади.

– Чиройли қўлларинг билан келишган оёқларингга қараб, баданинг ҳам гўзал бўлса керак, деб ўйлагандим.

– Йўқ, йўқ, – Кёко қизаринди, кўйлаги ёқасини тутамлаб турган қўллари ўзига халақит бераётгандек туйилди.

– Биласизми, агар аввалги эрингдан боланг бўлаганида ҳам, барибир сенга уйланардим. Болангга оталик қилардим, уни ўз зурриётимдек кўрардим. Агар у қиз бўлса, нур устига нур эди, – дея Кёконинг қулогига шивирлади. Афтидан, у ўзининг ўғли борлиги учун шундай деяётганга ўхшарди. Аммо ўз туйғуларини бу тахлит ифода қилиши Кёкони таажжублантирди. Балким яна ўн кун давомида уйда ёлғиз қоладиган ўғли ҳақида қайғураётгани учун шундай деяётгандир, яна ким билсин?!

Эрининг сафар анжомлари ажойиб, қимматбаҳо теридан ишланган ғилофда сақланарди. Саёҳатга кўп чиққаниданми ёки тез-тез тозалаб артилаверганиданми, хуллас, ғилоф ялтираб кетганди. Буни пай-

каган заҳоти Кёконинг хаёлига ўзлари бирор марта фойдаланмаганликлари туфайли моғор босган пардоз буюмлари келди. Дарвоқе, фақатгина кўзгу марҳум эрига асқотувди, у ўшаниям нариги дунёга ўзи билан бирга олиб кетди. Ўша оловда эриёзган ойна парчалари бир жуфт кўзгу экани Кёкодан бошқа ҳеч кимсанинг хаёлига келмади. Рост, Кёко бу ҳақда чурқ этмади ва бу ғалати куйинди кўзгу эканлигини бирор кимса билмади, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверди.

Кёконинг кўнглида эса гўё бу кўзгу билан бирга уларда акс этган мафтункор ҳаёт манзаралари – ўзга бир олам ҳам изсиз йўқолиб кетгандек ғалати бир хиссиёт уйғонди. Буюмдан айрилиш унинг учун бевақт вафот этган эридан жудо бўлиш сингари оғир эди. Эрига полизни кўрсатишга аҳд қилгач, унга пардоз жавонидаги кўзгуни келтириб берганди. Гарчи у кўзгуни кўпинча ёнида сақлаган бўлса-да, бошқа пайтлари – Кёко полизда ишлаётганда, уни кўзгуда кўраман дея кўтаравериб қўли толиқиб қоларди. Шунинг учун ўқтин-ўқтин унинг елкаси билан қўлини уқалаб қўйишга тўғри келарди. Охири Кёко эрига жажжигина, енгил бир кўзгу сотиб олди. Умрининг сўнги дамларига қадар эри кўзгуда нимаики акс этса, ўша бир парча дунёга боғланиб, қаноат қилиб, ўшандан баҳраманд бўлади. Кўзгудаги бир парча олам Кёконинг полизидангина иборат эмасди, унда осмон, қор, ёмғир, олисдаги тоғлар, яқингинадаги ўрмон ҳамда ой, далаларда қулф уриб очилган гуллар, кўкда қанот қоққан қушлар ҳам бор эди. Кўзгудаги йўлдан одамлар қатнарди. Мўъжазгина боғда эса болалар ўйнарди. Баъзан Кёконинг ўзи ҳам кўзгуда акс этган оламнинг бепоёнлиги ва беҳад гўзаллигига қойил қоларди. Ҳолбуки, кўзгулар жудаям оддий

буюмлар эди: бири упа-элик сургандагина асқотади-ган матоҳ, иккинчиси эса – фақат юзи ва сочларига оройиш бериш учун ярайдиган нарса эди. Бироқ ажа-бо, улар бемор учун навқирон олам, бекаму кўст ҳаёт сингари таъсир этарди. Кўпинча Кёко эри билан бирга кўзгуда акс этган дунё ҳақида узоқ-узоқ суҳбат қуриб ўтирарди. Бора-бора ҳақиқий, ўзи кўриб, ҳис қилиб юрган ҳаёт билан кўзгудаги ҳаёт орасидаги тафовут-ни ажратолмайдиган ҳолатга тушди. Энди унинг учун бир-бирига мутлақо ўхшамаган иккита одам мавжуд эди. Зотан у, кўзгудаги ҳаётни кашф этгач, эҳтимол, ҳақиқий ҳаёт шудир, деган тўхтамга келди.

– Қара, кўзгуда осмон кумушдек жилоланаяпти. Бу балким, сен...кўзгуни тозалаб артганинггадир-а?

Бемор қандай ётган бўлса ўшандай ётаверди, кимир этмади. Бошини хиёл буриб, осмоннинг бир парчасини кўролди, холос.

– Биласанми, осмоннинг ранги одамнинг, ай-тайлик, кучукнинг ёки чумчуқнинг кўзига турлича кўринади. Қизиқ. Унинг ҳақиқий рангини кўриш кимга насиб этаркан-а?

– Кўзгуда эса... бутунлай ўзга... Бу... Кёко «муҳаб-батимиз кашф этаётган осмон» демоқчи эди-ю, дафъатан айтолмади. Кўзгудаги дарахт япроқлари ҳақиқийсидан кўра яшилроқ, нилуфарларнинг ранги богда очилганларига қараганда янаям покизароқ ва тиниқроқ кўринарди.

– Буни қара, Кёко, бармогингнинг изи тушиб қо-либди, – эри унга кўзгунинг бир четини кўрсатди. Кёко, вой, эсизгина, деб кўзгуни қўлига олди-да, бар-моқ изларини яхшилаб артди.

– Қўявер, керакмас, эсингдами, биринчи марта полизни кўрсатган пайтингда ҳам бармоқларинг-нинг изи қолувди.

– Мен бунга эътибор қилмабман.

– Сен чинданам пайқамовдинг, лекин биласанми, мен мана шу ой туфайли сенинг бармоқларингдаги ҳар бир чизикни эслаб қолганман. Менимча, бундай машғулот – хотинининг бармоқ изларини синчиклаб ўрганиш билан фақат узоқ вақт кўрпа-ёстиқ қилиб ётган одамларгина шуғулланса керак.

Дарҳақиқат, улар турмуш қурганларидан бери эри ёстиқдан бош кўтармаган эди. У фронтга ҳам бормади. Уруш тамом бўлишига озгина қолганида уни ишчилар батальонига олиб кетишди. Ўшанда у атиги бир неча муддат аэродромда хандақ қазиб, касали хуруж қилгач, уйга қайтиб келганди.

Эрининг касали зўрайиб, ўша маҳалда тоғ ёнбағридаги қишлоққа кўчиб боришди. Илгари бу ерда – улар кўчиб келган уйда – эвакуация қилинган бир оила яшаб, уруш тугагач, Токиога қайтиб кетган эди. Бу одамлардан ўт-ўлан босиб ётган қаровсиз бир парча ер – мана шу полиз қолганди, холос.

Гарчи бу қишлоқда истаганча мева-чева сотиб олиш мумкин бўлса-да, Кёко қаровсиз полизга экин экди. Дарвоқе, экиб тикишни, ўз қўли билан ҳосилни йиғиб олишни Кёко жуда яхши кўрар, бир чеккаси полизда эрига кўз-қулоқ бўлиб, ўз иши билан шуғулланавериши мумкин эди, булар бир-бирига сира халал бермас, аксинча, у ёлғиз қолгач, бирмунча вақт умидбахш ва гўзал орзуларга берилиб, эркин нафас олиши учун имконият туғилар эди. Бир ҳисобда боғда ишлаш жараёнидагина у эрига меҳру муҳаббати ҳақида узоқ хаёл сура олар, бинобарин уззукун хаста эр ташвишларидан ортмаган Кёко фақат мана шу боғда ўзлигига қайтар: илгарги гўзалликка ва ҳаётга ташна қалбини мана шу ерда топгандек туйилар ҳамда унутилаёзган туйғуларини ҳис қилиш орқали

жисму жони турмуш ташвишларидан фориғ бўлиб, ором олар эди.

Улар бу уйгача сунбуланинг ўрталарида кўчиб киришди. Кўп ўтмай, шаҳарликлар ўз уйларига қайтиб кетишгач, дилгир, салқин ва серёмғир куз кунлари бошланди. Худди ана шундай бир айёмда, оқшом чоғида, жажжигина қушчанинг тиниқ овози янгради, булутлар тарқаб осмоннинг сержилва жамоли юз очди, қуёшнинг порлоқ нурлари боғни ёритди, ям-яшил майсалар ял-ял ёнди. Кёко чўққиларни қоплаб ётган уқпар қор уюмларидан аксланиб қайтаётган майин, пуштиранг ёғдуга махлиё туриб қолди. Шу чоқ тепадан эрининг дардчил овози келди-ю, ҳовлиққанидан лой теккан қўлларини ҳам ювмай унинг ёнига югурди. Бемор оғир-оғир нафас олиб ётарди.

– Чақирганимни эшитмадингми?

– Кечиринг, эшитмай қолибман.

– Полизда шунча ишлаганинг етар энди, қараб тур. Яна беш кун шундай бақирсам борми, адои татом бўламан. Кёко, шуям, ишми, қаердалигингниям, нима қилаётганингниям кўролмаяман.

– Мен ҳозир доим боғдаман. Полиздаги ишлар тугаб қолган.

Эрининг кўнгли жойига тушди.

Читтакнинг қандай сайраганини эшитдингми? – деб сўради.

Афтидан эри Кёкони шуни сўраш учунгина чақирганди. У ҳали гапни тугатмаёқ хув пастликдан, қирмизи шафақ яллиғида қорайиб бораётган дарахтзор томондан яна читтак овози келди. Қушчанинг кумуш жарангидек сайроғи негадир Кёконинг хотирига михланиб қолди.

– Келинг, яхшиси бирорта жиринглайдиган буюм сотиб оламиз. Кўнғироқчами ёки бошқа бирор нар-



сами...яхшиси бош томонингизга бирор нарса қўйиб қўяй, керак бўлиб қолсам, шуни пастга ташлайсиз.

– Жуда қизиқ гапларни гапирасан-да. Бўпти пиёлани отаман...

Хуллас. Кёко полизда ишлайверди. Полизни кўзгу орқали кўрсатиш фикри унинг хаёлига қаҳратон киш ўтиб, энди-энди баҳор майсалари ниш ура бошлаган чоқда келган эди.

Тиниқ, навқирон баргчаларнинг секин-аста жонланаётганини кўзгуда кўрган бемор юрагида ҳаётга нисбатан янги шавқ уйғониб борарди. Баъзан Кёко полизда юриб, баргларга ширадек ёпишган ҳашаротларни териб олар ва митти қурт-қумурсқалар кўзгуда кўринмаса керак, деган андишада уларни ушлаб, эрининг олдига олиб чиқарди. Бир сафар, у ер ағдараётган пайтда, эри: «Биласанми, ёмғир чувалчанглари ойнада ҳам кўринаркан», деди.

Гоҳо-гоҳо шомга яқин, полизда ишлаб юрганида, туйқусдан Кёконинг дили ёришиб, иккинчи қаватга тикилиб қолар, эри эса унинг мана шу ҳолатини ойнага тушириб, узоқ томоша қилар эди.

Кёко эри унинг ҳар битта ҳаракатини кузатаётганини билар ва бу ҳақда баъзан ўйлаб, баъзан ўйламай ишлайверар эди. Келинлигининг дастлабки кунлари ўзига оройиш бераман деб, қўли тирсагига қадар очилиб кетиб, уялганидан сўнг қанча сувлар оқиб ўтгани ва бу орада жуда кўп нарсалар ўзгарганлиги ҳақида ўйлашнинг ўзиёқ Кёко қалбига битмас-туганмас шодлик бахш этарди. Гарчи Кёко ўзининг юриш-туришига эътибор берувчилар тоифасидан бўлса ҳам, уруш йиллари пардоз-андоз қилишга қўли тегмаганди. Уруш тугади ҳамки эри дардга чалиниб қолди, кейин эса мотамсаролик... Фақат қайта турмушга чиққандан сўнггина у ўзига

оро бера бошлади. Кёко келишган, барно аёл эканини яхши биларди. Шунинг учунми, никоҳ кечаси иккинчи эри: «Қоматинг гўзал экан», деганида, у ичидан мамнун бўлган эди.

Эндиликда Кёко чўмилиб чиққач, ойнадаги яланғоч баданига қарашдан истиҳола қилмасди. У чинданам гўзал аёл эди. Хонадаги тошойнадан ўзига сулув аёл паришон нигоҳ ташлаб турарди. Устига-устак биринчи эридан кўзгу туфайли гўзалликка нисбатан алоҳида муносабатда бўлиш одати юққан эди. Аммо уни ўша, кўзгудаги гўзалликка ишонмайди, деб бўлмасди. Билъакс ўз бадани билан осмон орасидагичалик чуқур тафовут борлиги сезилмас эди. Ким билсин, бунинг сабаби орадаги масофанинг фарқига боғлиқдир?! Балки, бемор эрининг ҳаяжони ва соғинчи кўзгуга муҳрланиб қолгандир?! Во ажабо, пешайвондан қараб ётганида, унга полизда ишлаётган Кёко қанчалар гўзал кўринганикин?! Кёко бу хусусда ҳозир ҳам, илгари ҳам бирон бир тасаввурга эга эмасди. Эри то сўнгги нафасигача қўлидан қўймаган кўзгуда Кёконинг қиёфаси мангу аксланиб қолган эди. Унда хатарубус дарахтининг мовий гулларию оппоқ нилуфарлар жилваланар, далада қишлоқ болалари қувнаб ўйнашарди. Аста кўтарилиб келаётган қуёшнинг олтин нурларида тоғ чўқиларидаги қорлар ярқирар, у мана шу олам – эри билан ўзи кашф қилган ажойиб, гўзал ҳаётни эслаб хўрсинар, уни муттасил қўмсар эди. Бироқ ўзининг бу туйғуларини ошкор этмас, янги эридан пинҳон тутар, назарида кўзгудаги бу дунё илоҳий бир хилқат сингари даҳлсиз ҳамда оддий одамлардан йироқ бўлиши керакдек туйилар эди.

Кунларнинг бирида субҳидам чоғи ёввойи қушларнинг товуши эшитилди. Май ойи эди. Радио

орқали бир вақтлар эри билан яшаган водийни ўраб турган тоғлар ҳақида ҳикоя қилинаётганди. Ўша кун эрини ишга кузатгач, Кёко кўзгуни олди-да, беғубор, мусаффо осмоннинг бир парчасини томоша қилди. Сўнгра ўзининг кўзгудаги аксига тикилди ва бирдан ажойиб кашфиёт қилди: унинг ҳақиқий чехрасини кўзгу орқалигина кўриш мумкин экан. Кёко худо нима мақсадда инсонни ўз чехрасини кўра олмайдиган тарзда яратган экан, дея узоқ ўйга толди: «Ким билсин, бизлар ўзимизни кўра олганимизда ақл-заковатимиз ҳам бошқача бўлармиди?! Шунда бизлар ҳам ҳеч нарсани ҳал қилолмасдик. Эҳтимол, одамларнинг қиёфалари ўзгаравериб-ўзгаравериб охири шунчаликка бориб етгандирки, улар ўз афт-ангорларини ойнада танимай қолгандирлар. Қизиқ – дея ўйлади Кёко, – чигиртка ёки хонқизи ўз қиёфасини кўра олармикин? Эҳтимол, ҳар биримизнинг бошқа нарсалардан кўра кўпроқ ўзимизга тегишли ва мутлақо ўзимизга қарашли қиёфамиз фақат атрофимиздаги одамларга ўзимизни намоиш этиш учунгина керақдир?!»

Кёко кўзгуни пардоз жавонига қўя туриб, камакура услубидаги нақшнинг тут ёғочига ҳечам ярашмаслигини сизди. Илгариги кўзгу кўз очиб кўрган эри билан нариги дунёга равона бўлгач, жавон ҳам ўзи сингари ёлғиз қолгандек туйилди.

Минг қилсин, барибир эрига кўзгуни бериб, Кёко катта хатога йўл қўйганди. Боёқиш эри аҳволи кун сайин оғирлашиб бораётганини кўриб-билиб, титраб-қақшар эди. Унинг учун бу ҳол ўз жонига қасд қилиш билан баробар эди. Кёко эрининг руҳий қотилига айланиб қолганди. Бир кун худди шу айбни тушуниб қолган Кёко беморнинг қўлидан ойнани тортиб олмоқчи ҳам бўлганди, эри бунга йўл қўймайди.

– Сен ахир мени нимадан жудо қилаётганини биласанми, – дея эътироз билдирди у. – Йўқ, мен токи тирик эканман, ниманики кўра олсам, ўшани севиб яшамоқни истайман. – У ҳатто кўзгудаги оламнинг сақланиб қолиши учун ўз ҳаётини қурбон этишга ҳам тайёр эди. Баъзан улар, жала қуйиб ўтгач, кўзгу орқали жимир-жимир кўлмак сатҳида қалқиб турган ой аксини бирга томоша қилишарди. Кёко ҳозир ҳам ўшанда ўзлари «андаракс» деб номлаганлари – кумушранг ойни аниқ тасаввур этди.

Кёко кейинги эри, соғлом муҳаббат фақат соғлом кишиларга хос, деган чоғида, уялибгина бош қимирлатиб, гўё тасдиқлаган бўлар, аммо қалбининг туб-тубида унинг бу фикрига асло қўшилмас эди. Аввалги эри вафот этгач, у негадир иккови ҳам бир-бирларидан ўз туйғуларини яширганликлари ҳақида жуда кўп ўйлаб кўрганди, кейинчалик бу хаёл муҳаббат ҳақидаги аччиқ хотирага айланди. Аммо шунда ҳам у афсус чекмас, балки бу муҳаббат ҳамон ўз юрагини тўлдириб турганини хис қилар эди. Бироқ иккинчи эри ҳам аёл кишининг муҳаббатига бефарқ одам деб айблаш қийин эди. Бир куни Кёко ундан: «Нега сиз шундай меҳрибон, олижаноб инсон бўла туриб ўз хотинингиздан ажрагансиз», деб сўраганида эри жавоб бермаганди. Кёко қайнағасининг талабига биноан бу кишига теккан, улар тўйгача уч ой учрашиб туришган, бу киши ундан беш ёш катта эди.

Кёко ҳомиладор бўлиб қолганини билгач, бирдан кўрқиб кетди. У эрининг пинжига суқилиб, нуқул: «Кўрқаман, кўрқаман» дерди.

Врачлар уни касалхонага ётсин дейишди. Кёко аввалига сираям кўнмади. Бироқ охири илож йўқ эканлигини тушунтиришгач, ортиқ саркашлик қилмади.

– Майли, мен розиман, – деди у эрига, – аммо касалхонага ётишдан аввал ота-онаминг ёнида бир-икки кун бўлсам деддим.

Эри уни ота-онасиникига элтиб қўйди. Эртасигаёқ, Кёко уйларида бесўроқ қочиб чиқиб, қачонлардир аввалги эри билан бирга яшаган маконга жўнади. Сунбуланинг бошлари эди. Хув ўша кузда эса улар бугунгидан ўн кун кечикиб келишган эди. Поездда Кёконинг кўнгли айниди. Боши айланиб, кучли ҳаяжон босиб, ўзини вагондан ташлаб юборишига оз қолди. Аммо ўша бекатга етиб келгач, мусаффо, қандайдир таниш, муздек тоғ ҳавоси юзига урилди-ю, енгил тортди. Гўё вужудини банд этаётган ёвуз руҳдан бирдан халос бўлгандек ўзига келди. Кёко тўхтади ва водийни қуршаб олган тоғларга тикилди. Яшил тоғларнинг тўқ кўк аралаш қирралари осмон бағрида ярқирар эди. Кёко ўз атрофида ҳаёт чечаклари барқ уриб ётганини ҳис қилди. У оҳистагина кўз ёшларини артиб, қадрдон эски мактаблари томон юрди. Майин, пуштиранг шафақ шуъласида қорайиб кўринаётган ўрмон томондан худди ўша чоқлардагидек читтакларнинг сайроғи эшитилди.

Уйда одамлар яшаётган экан: иккинчи қаватнинг деразасида оқ тўр пардалар кўзга ташланарди. Кёко жуда яқин бормай, хиёл наридан уйга қараб тураркан, ногоҳ ўзига-ўзи гапириб юборди:

– Болам сенга ўхшаса-я?!

У шундай деди-ю, секин ортига ўгирилиб, изига қайтди. Унинг қалби сокин ва мунаввар эди.

## ҚИЗИЛ ОЛХҶРИ

Манқал ёнида ўтирган қари ота-онаси яккам-дуккам гуллаган қари олхўри дарахтига қараб баҳслашарди.

– Ўн йилдан ошди кузатиб келаман, қизил олхўри остки шохларидан гуллайди. Бу олхўри сенга уйланганимдан буён заррача ўзгармаган.

– Унинг қанақа бўлганлигини нима учундир эслолмаяпман, – деди бунга жавобан онаси.

Онасининг жавоби отасига ёқмади.

– Сенга тегибманки, шу қизил олхўрингни кузатиш учун бир минут бўш вақтим бўлмаган, – дея илова қилди онаси.

– Беғам, беташвиш, ҳеч нарсани ўйламай ҳаёт кечиргансан-да, – эътироз билдирди отаси.

Унинг кекса қизил олхўрининг умрга қиёслаганда инсон ҳаётининг бир зумда ўтиб кетиши ҳақидаги мулоҳазаси чамаси шу билан хотима топди ва суҳбат ўз-ўзидан бошқа мавзуга ўтди.

Отаси иккинча январь куни янги йил байрамида «Фугэцудо» қандолат магазинидан ширинликлар сотиб олгани ҳақида гап очди. Онаси эса бўлмаган гап, дея унинг оғзига урди.

– Гапимни эшит, аниқ эсимда, машинани дастлаб «Мэйдзи сэйка» нинг олдида тўхтатдим, ундан кейин йўлакай «Фугэцудо»га кирдим, айтяпман-у иккала қандолатхонадан ширинликлар олиб келганман деб. Яхшилаб эслаб кўргин.

– Тўғри, «Мэйдзи сэйка»га киргансан, лекин мана шу уйга келганимдан бери лоақал бир марта бўлсин «Фугэцудо»дан ширинлик сотиб олганингни ўз оғзингдан эшитмаганман.

– Буниси энди ўтиб тушди жудаям!

– Жилла қурса, менга олиб келмагансан (мен кўрмаганман олиб келганингни)

– Бу ёғи қанчадан тушди! Мақтаб-мақтаб еганларинг эсингдан чиқиб кетдими?

– Бўлди-е! (Бас қил!) Ёлғон-яшиқ гапларингдан кўнглим кетадиган бўлиб қопти.

Ошхонада овқат тайёрлаётган қизлари ота-онасининг даҳанаки жангларини эшитиб турарди. Ҳаммаси аслида қандай бўлганини у жудаям яхши биларди, бироқ уларнинг баҳсларига аралашишни истамади, индамай декчани кавлай туриб мийиғида кулиб қўйди.

– Айнан уйга олиб келганингни аниқ эслайсанми? Ҳайрият, онаси лоақал «Фугэцудо»дан ширинликлар сотиб олганимга ҳар қалай тан бермоқчи, шекилли. Лекин мен уларни кўрмадим-да!

– Бўлиши мумкин... Балки машинада унутиб қолдиргандирман?

– Бўлиши мумкин эмас... (эхтимолдан йироқ...) Мабодо машинада қолганда эди, шофёр, албатта, келтириб берган бўларди. Фирманинг машинасимми ахир, шофёр журъат қилолмасди уйига олиб кетишга.

– Гапинг тўғри, менимча ҳам шундай.

Қизи ташвишга тушди.

Нима бўлганлиги онасининг ёдида қолмагани ажабланарли эди. Майли, лекин онасининг ўжарлиги туфайли отаси ўзига бўлган ишончини йўқотиб бораётгани ундан ҳам ажабланарлироқ эмасми, дея кўнглидан ўтказди у.

Отасининг иккинчи январь куни машинада бо-  
риб «Фугацудо»дан анча-мунча гуруч унидан тайёр-  
ланган ширин кулчалар келтирганини у яхши эслар-  
ди. Онаси ҳам еб кўрганди ўшанда.

Бир неча дақиқа сукунат ҳукм сурди. Алоҳа, она-  
си бир нималарни эслаб қолди, шекилли, ҳозиргина  
бўлиб ўтган кўнгилсиз гап-сўзларни ҳам унутиб ёхуд  
орада ҳеч нима бўлмагандек деди:

– Бўлди-бўлди, эсладим, эсладим, гуручдан пи-  
ширилган ширин кулчаларни айтаяпсанда, а? Тўғ-  
ри – ростданам олиб қолгандинг.

– Ана кўрдинг, ахийри эсингга тушди.

– Ўшанда угуисумати билан дороякидан шуна-  
қаям кўп олиб келгандингки, қаерга жойлаштира-  
ман шунча нарсани деб бошим қотганди.

– Бу бошқа гап. Уйга олиб келганим аниқ эсида  
эди-да.

– Ўша арзон-гаров ширинликлар наҳотки «Фугэ-  
цидо»ники бўлса?

– Ҳа.

– Ана энди бутунлай эсладим Бир қанчасини қоғоз-  
га ўраб кимгадир бергандик. Кимга берувдим-а?!

– Тўппа-тўғри, берувдинг. – Отасининг елкаси-  
дан тоғ қулагандек енгил тортди. Овоз ҳам жаранг-  
лаб чиқа бошлади, – янглишмасам, Фусаэга эҳсон  
қилувдинг, шекилли.

– Балки, Фусаэга бергандирман. Ўшанда болалар-  
га кўрсатмаслик керак, деб қоғозга ўраб берган эдим.

– Мен нима деяпман, албатта, Фусаэга бергандинг.

– Эҳтимол, шундай бўлган бўлса бордир. Ҳа, ҳа,  
Фусаэ эди.

Даҳанаки тортишув тугади. Икковлари беҳуда гап  
талашиш келишув билан тугаганлигидан мамнун бў-  
лишганга ўхшар эди.



Бироқ аслини олганда, бунақа бўлмаганди. Ширинликни собиқ оқсочлари Фусаэга эмас, қўшнининг боласига беришган эди.

Онам буни ҳам эслаб қолади деб кутди у. Аммо ота-онаси чой ичиб ўтирган хонада жимжитлик ҳукм сурар, бу жимликни тунука чойнакнинг жингиллаши бузарди, холос.

У таомни олиб кирди ва манқалдон устига ёпилган патнисга қўйди.

– Ёсико, бизнинг гапларимизни эшитдингми ҳозир? – деб сўради отаси.

– Ҳа.

– Мен қариб эса кирди-чиқди бўлиб қолган онангнинг алжирашларидан чарчадим. Бунинг устига ўжарлигини айтмайсанми, ўзиникини маъқуллайверади! Ёсико, унга ёрдам берсанг бўлармиди, дейман. Бирон нимани унутиб қўйганини кўрсанг, эслатиб юбор дарров.

– Мени қўявер, ундан кўра отангга кўз-қулоқ бўлиб турганинг маъқул. У ҳали ўзига етгунча. Бўйнимга оламан, қандолатлар тўғрисида янглишдим, бироқ... – онаси ўз норозилигини давом эттиришни лозим топмади.

Ёсико Фусаэ хусусида икковлари ҳам янглишмаётганларини айтмоқчи бўлди, лекин индамади.

Бу суҳбат отасининг ўлимидан икки йил аввал бўлиб ўтганди. Унга қадар бироз тоби қочиб фирмага бормай қўювди.

Ҳар йили баҳорда қизил олхўрининг дастлаб остки шохлари гуллайди. Авжи гуллаган маҳал кўпинча ота-онасининг «Фугэцудо» қандолатхонаси ҳақида тортишиб ўтиргани Ёсиконинг хаёлидан ўтади. Бироқ лоақал бир марта бўлсин буни онасига эслатмади. Онаси эса ўша воқеани унутиб юборганга ўхшайди...

## МЕҲРҚУШ

Тонг ёришар-ёришмас меҳрқушнинг чирқиллагани эшитилди.

Дераза эшикларини очишганда яқин ўртадаги қарағайнинг остки шохида ўтирган қуш пир этиб учиб кетди, бироздан сўнг яна қайтиб келди-ю, то нонушта қилиб бўлишгунча чирқираб хит қилиб юборди.

– Қуш ҳам шунақа хира-хандон бўладими, – деди укам ва ҳайдаб юборгани ўрнидан турди.

– Тегма унга, – дея уни раъйдан қайтарди бувим. – Шўрлик боласини қидирапти. Уясидан тушиб кетган бўлса керак. Кунбўйи, қош қорайгунча шу ерда учиб юрди, лекин барибир топилмади, шекилли. Мана бугун ҳам тонг қоронғисидан келибди. Бунақа оналарни садағаси кетсанг арзийди.

– Буларни қаердан биласиз, буви? – деб сўради Ёсико.

Бувисининг кўзи яхши кўрмасди. Ўн йил муқаддам буйрагини шамоллатиб қўйганини айтмаса, у дард нималигини билмасди. Фақат ёшлигидан кўзига парда тушиб, қийналарди, ҳозир фақат чап кўзи эвазига, шунда ҳам хира кўрар эди. Ҳатто чинни пиёла билан овқат ейдиган чўпларни тўғридан-тўғри қўлига тутқизиб қўйишмаса эплаб овқатланолмасди. Бувиси аллазамонлардан бери яшаб келаётган уйдагина бир амаллаб, ўзгаларнинг ёрдамисиз мустақил ҳаракат қила оларди, лекин зинҳор-базинҳор ёлғиз ўзини боққа чиқаришмасди.

Баъзан у ойнаванд эшик олдида тўхтаб қоларди-да бармоқларини ойнадан тушаётган қуёш нурларига солиб узок кўздан кечирарди. Унинг ҳаётга бўлган бутун иштиёқини мана шу нигоҳига жо-бажо қилгандек туйиларди. Шундай пайтларда Ёсиконинг бувисига жони ачиб хавотирга тушар, шу вазиятдан халос қилиш учун уни чақирмоқчи бўлар эди-ю, бироқ, бунга ботинолмас, аксинча кўздан йироқ ерда яширинганича жимгина кузатиб турарди.

Ёсико кўзлари қарийб кўрмайдиган бувиси қандай қилиб меҳрқушнинг биргина чирқиллагани орқали худди уни доим кузатиб юргандек гапираётганига ажабланди.

Уйларининг орқасидаги боғда каштан билан уч туп хурмо ўсарди. Уларга қараб туриб Ёсико ёмғир ёғаётганини пайқади. Ёмғир шунчалар ҳам майдалаб ёғар эди-ки, уни фақат қуюқ япроқлар фониди илгаш мумкин эди.

Меҳрқуш каштан дарахтига учиб ўтди, сўнгра қанотлари ерга теккудек пастлаб боғни айлана бошлади. Ҳар сафар у яна каштанга қайтиб келар, шохга қўниб, тинимсиз чирқирарди.

Учиб кетмадими, демак, боласи шу яқин атрофда эканини сезяпти.

Ёсико қанотлари чипор бу қушга ачинганча ўзининг хонасига кириб кетди. У ўзига оро бермаса бўлмайди: тушдан кейин бўлажак қайнонасини кутиб олишга тайёргарлик кўриши шарт.

Ёсико тошойна қаршисига ўтириб тирноқларидаги оқ доғчаларни диққат билан кўздан кечира бошлади. Тирноқда оқ доғ пайдо бўлса, яхшиликка дейишади. Қайси бир газетада бу доғлар одам организмида С витамини камайиб кетганини билдиради, деб ўқиганини эслади. Ёсико пардоз-андоз қи-

либ бўлгач, юз-кўзига суқ билан тикилди, айниқса, қалам, қоши билан ғунчадек лабидан қониқиш ҳосил қилди. Назарида, айна шу дамларда унинг бир ҳуснига ўн хусн қўшилгандек эди. Кимоносини кийиб у ўзини яна ойнага солди.

Аввалига Ёсико ишдан қайтиб келгач, онам кўмаклашиб юборар, деб ўйлаганди. Ҳозир эса ҳеч кимнинг ёрдамисиз эплаганига хурсанд бўлди.

Отаси билан онаси – тўғрироғи, ўгай онаси, алоҳида туришарди. Отаси Ёсико тўртга, укаси иккига чиққанида онаси билан ажрашганди. Онаси чиройли кийинишни яхши кўрар, бунинг устига ўлғудек исрофгар аёл эди, бироқ фақатгина шу сабабли отаси ажрашмаганини у ғира-шира фаҳмлар, назарида бунинг бошқа, жиддий сабаблари бор эди.

Укаси ҳали ёш болалигида тасодифан онасининг сувратини топиб олган ва уни отасига кўрсатган эди, отаси жаҳлдан қайнаб тошмаган бўлса ҳам, афт-башараси бужмайиб сувратни йиртиб-йиртиб ташлаганди.

Отаси ўгай онасига уйланганида Ёсико ўн уч яшар эди. Бу аёлга уйлангунга қадар отасининг ўн йил бадалида сўққабош яшагани ҳақида у кейинчалик бот-бот эслаб юрди. Ўгай онаси саронжом-сароштагина экан турмушлари тинч, осойишта давом этиб келаяпти.

Лекин укаси ўрта мактабнинг иккинчи босқичига ўтиб ётоқхонада яшай бошлаганида унинг ўгай оналарига нисбатан муносабати кескин ўзгарди.

– Опа, мен онамизни учратиб қолдим. Турмушга чиқиб, ҳозир Адзабуда яшаётган эканлар. Шунақаям чиройли бўлиб кетибдилар-ки... Мени кўриб, хурсандликларидан ўзларини қўйгани жой тополмай қолдилар.

Ёсико бу кутилмаган хабарга нима деб жавоб беришини билолмай қолган ва азбаройи қўрқиб кетганидан лаблари титраб, ранги қув ўчганди.

Қўшни хонадан ўғай онаси чиқиб, уларнинг қаршисига келиб ўтиргани эсида.

– Ўзингни бос, Ёсико,– дея қизни юпатган бўлудди ўшанда ўғай онаси. – Уканг оқ сут берган онаси билан учрашибди, бунинг нимаси ёмон?! Бир кунмас бир кун шундай бўлишини билардим. Қайтанга эшитиб хурсанд бўлдим.

Ёсико ўғай онасига қараб туриб ачинди: унинг зоҳироти кўнгилдагидек эмасди, у ҳатто бир қадар озган ва чўккандай туйилди.

Укаси шартта ўрнидан туриб, чиқиб кетди. Шу лаҳзаларда Ёсико уни ғажиб ташлашга тайёр эди...

– Аҳамият қилма, унга гапирсанг ўчакишиб баттар қилади, – деди ўғай онаси базўр.

Ёсиконинг кўзларида ёш ғилтиллади.

Шу тариқа отаси укасининг ётоқхонада ётиб юришига чек қўйди. Уйга олиб келди. Ёсико энди бунақа кўнгилсиз воқеалар такрорланмайди, деб ўйлаганди, йўқ, янглишган экан. Пировардида отаси билан ўғай онаси бошқа уйга кўчиб ўтишди ва ўша ерда ўзлари алоҳида яшай бошлашди.

Ёсико буни юрагига оғир олди. Эркак кишининг ё қаҳри-ғазаби ёки аламининг кучи уни янчиб ташлагандек бўлди. Ҳатто отаси, укасига қўшиб ўзидан ҳам нафратланадигандек туйилди, ким билсин, буларни кўриб олдинги хотини эсига тушаётгани ёқмаётгандир балки. Укасининг бағритошлиги ва қайсарлиги отасидан мерос бўлиб ўтгандир ёки эркаклар шунақа бўлади, шекилли, деб ўйлади.

Айни чоқда, отаси то ўғай онасига уйлангунча ўн йил давомида қанчалар қийналганини, энди тушунди.

Отаси уйланмоқчи бўлганини айтиб унга маслаҳат солганида Ёсико беҳад ажабланган эди.

– Кечир, қизим, мени деб кўп қийналдинг, доимо кўнглимга қараб келдинг, сендан мингдан-минг розиман. Бўлғуси қайнонанга ҳам чеккан захматларинг ҳақида гапириб бердим ва ундан сизнинг оилангизга келин бўлиб тушгач, шу чоққача сен маҳрум бўлган шод-хуррам ҳаётни бахш этишларига бош-қош бўлишини зорланиб сўрадим.

Бу сўзларни эшитган Ёсиконинг кўзларига ёш келди.

Бу сўзларнинг замирида яна Ёсико турмушга чиққач, қаровчисиз қоладиган бувиси ва укасини отаси билан ўғай онаси ўз қарамоғига олишлигига ишорат бор эди. Биринчи навбатда айнан мана шу нарса қизнинг юрагига таъсир этганди. Отаси кўз очиб кўрган аёли билан бахтли турмуш қуролмаганидан бохабар бўлгани учун эрга тегиш ҳақида ўйласа юраги орқасига тортиб кетадиган Ёсико ўзи шу хусусда гап очганлигидан сўнг ўша кўрқувдан халос бўлди.

Пардоз-андозни тугатиб, Ёсико бувисининг ёнига кирди.

– Буви, кимоноимдаги қизил доғни кўраяпсизми?– деб сўради у.

– Кўраётгандекман, лекин қандайдир хирароқ. Қани, берироқ кел-чи. Қиз ўзига яқин келганда унинг кимоноси<sup>1</sup> билан оби<sup>2</sup>сини кўздан кечирди ва хира кўзлари билан тикилиб қолди.

– Кўринишинг, қанақа эканлигинг эсимдан ҳам чиқиб кетган,

Ёсико, қани, бир кўрай жамолингни, бувинг айлансин.

<sup>1</sup> К и м о н о – япон миллий кийими.

<sup>2</sup> О б и – кимоно устидан боғланадиган белбоғ.

Бувисининг қўллари тегиб, Ёсиконинг қитиғи келди, бироқ у чидаб турди ва унинг боши билан елкаларини силаб қўйди.

Ёсико ичига сиғмас, юраги ҳаприқарди, шу сабабли онаси билан меҳмонларни ўша ерда кутиб олиш учун боққа чиқди. У кафтини узатиб, савалаб ёғаётган ёмғирга тутди, сўнг кимоносининг этагини липпасига қистириб, буталар билан бамбук ниҳоллари орасидаги майсазорни кўздан кечира бошлади. Дафъатан, бир туп хаги остида ўтирган полапонни кўриб қолди.

Юраги тез-тез уриб кетди-ю, қуш боласи ёнига яқинроқ борди. Полапон типирчиламас, хурпайиб олган эди, уни ушлаш қийинчилик туғдирмади. Афтидан бу нимжон қушчанинг ҳоли йўқ эди. Ёсико атрофга аланглади. Меҳрқуш кўринмади.

Ёсико уйга югурди.

– Буви, мен қушнинг боласини топиб, ушлаб олдим. Шунақаям нимжон эканки, – хаяжон ичида қичқирди у.

– Нимжон дейсанми? – деб сўради бувиси. – Унга сув бериш керак.

Ёсико пиёлани тўлдириб сув олди-да, жўжанинг тумшуғини тикди. Қушча жониқиб ича бошлади. Ичига озгина қувват кирди, шекилли, зорланиб чийиллаб юборди.

– Чжи-чийқ, чжи-чийиқ...

Онаси унинг товушини эшитиб, ўша заҳотиёқ учиб келди, тўғри унинг ёнига келмади, томдаги симга қўниб, чирқиллаб юборди. Полапон Ёсиконинг қўлида потир-потир қилди-да, яна чийиллади:

– Чи-чжиқ-чи, чжик...

– Иш деган мана бундоқ бўпти, – деди бувиси. – Энди онасига бер тезроқ.

Ёсико боққа чиқди. Мехркуш симдан гилос дарах-тининг қир учига учиб ўтди-да, қизнинг ҳар битга ҳаракатини кузатиб, ундан кўз узмай турди. Ёсико қўлини баланд кўтариб кафтидаги полапонни она қушга кўрсатди-да, эҳтиёткорлик билан ерга қўйиб юборди.

Ўзи эса уйга қайтиб кирди ва ойнаванд эшик орқали кузата бошлади. Полапон бошини юқорига кўтариб зорланди. Онаси секин-секин шохдан-шоҳга тушиб унга яқинлаша бошлади. Қарағайнинг энг остки шохига деярли боласининг ёнига тушганда полапон жониқиб жажжи қанотчаларини силкитди-ю, олдинга талпинди, бироқ ўзини эплаёлмай ёнбоши билан йиқилди.

Онаси эса эҳтиёт шарт, дарҳол унинг ёнига тушмади.

Бир оздан кейингина хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилдимиз, боласининг ёнига учиб тушди.

Полапон бошини шодон силкиб, қанотчаларини потир-потир қоққанча онасига эркалана бошлади. Она қуш тумшуғида боласи учун емиш келтирган бўлса керак.

Ёсико бўлса, ич-ичида отаси билан ўгай онаси тезроқ келиб, шу манзарани кўришга улгуришларини истарди.





## МУҲАББАТ КҮРФАЗИ

Таэ отасининг ҳузурига кириб, сизни бир нота-ниш аёл сўраяпти, у билан ўттиз икки йил муқаддам Кюсю оролидаги Юмиура шаҳрида учрашган экансиз, деб хабар берди. Кадзуми қизига меҳмонни ичкарига таклиф қилишни буюрди.

Кутилмаганда вақт-бевақт нотаниш мухлисларининг ташриф буюриши ёзувчи Кадзуми Сиёэскэ учун фавқулодда ҳодиса эмас. У бунга кўниккан, зотан, ҳозир ҳам унинг ҳузурида уч нафар меҳмон бор эди. Улар гарчи олдинма-кейин кириб келган бўлсалар ҳам, айна пайтда ўзаро гурунглашиб, ўтган-кетгандан гаплашиб ўтирардилар.

Декабрь ойининг илмилик кунларидан бири, қоқ пешин чоги эди.

Аёл йўлақда Кадзумига дуч келиб, таъзим бажо қилди, у хиёл очиқ эшик тирқиши орқали ичкаридаги меҳмонларни кўришга улгурган, шекилли, хижолат чекарди.

– Келинг, хизмат, – деди Кадзуми.

– Тўгрисини айтсам, узр, мен бир қадар хижолат бўлаяпман, ахир орадан шунча вақт ўтди... – деди аёл. Унинг овози ҳаяжондан титраб чиқмоқда эди. – У пайтда фамилиям Таи эди, ҳозир эса бошқа фамилиядаман, Мураноман. Балки эслолмассиз?

Кадзуми аёл руҳсориға назар ташлади. Аёл чама-си элликларга борган-у, аммо кўркам қиёфаси, малоҳати туфайли бирмунча ёшроқ кўринар эди. Унинг

ёноқлари текис, силлиқ, қирмизранг эди. Кўзлари (эхтимол, шу ёшдаги кўпчилик аёлларга ўхшаб, семириб кетмаганлиги туфайлидир) катта-катта, ҳамон чақнаб турарди.

– Хайрият, мен янглишмабман, сиз ўша мен билган Кадзуми. – Аёл интизор этган бахт туйғусидан чарақлаган кўзларини ундан узмас эди.

Аёлни мутлақо таний олмаётган Кадзуми хижолатдан ўзини йўқотиб қўйди. Аёлнинг қора ҳошияли одми кимоно билан обиси эскирган, ювилавериб, ранги ҳам бир оз униққан эди.

– Сиз Юмиурага бундан ўттиз йилча аввал келгандингиз. Эслайсизми, кўрфаз байрами куни кечқурун хонага, менинг ёнимга киргандингиз.

– Наҳотки? – Кадзуми ўша вақтларда шубҳасиз гўзал бўлган қизнинг хонасига кирганлигини эшитиб, яна барчасини бир бошдан эшлашга уриниб кўрди. Ўттиз йил илгари у йигирма беш ёшли йигит эди.

– Сиз Кида Хирози ва Акиама Хисоолар билан бирга келгандингиз. Эсингизда бўлса, учовингиз Нагасакига бораётиб, йўл-йўлакай маҳаллий газеталар чиқиши муносабати билан Юмиурага қўниб ўтгандинглар.

Кида Хирози билан Акиама Хисоо омонатларини топширганларига анча вақт бўлди. Иккови ҳам ундан ўттиз ёш катта эди. Буларнинг орасидаги дўстлик Кадзуми йигирма уч ёшларга чиққанида бошланган эди. Ўттиз йил муқаддам улар энг атоқли ёзувчи сифатида тилга олинарди. Дарвоқе, чиндан ҳам, тахминан ўша маҳалда улар биргаликда Нагасакига сафар қилишганди. Кадзумининг хотирасида йўл таассуротлари, ўша саёҳат билан боғлиқ ғаройиб ҳодисалар сақланиб қолган.

Кадзуми ўша кунларни эсларкан, бир нимага тушунолмасди: қандай қилиб у – ҳаваскор қаламкаш, машхур ёзувчилар билан Нагасакига бирга бориб қолган экан? Унинг кўз олдида Кида билан Акиамаларнинг қиёфаси гавдаланди.

Кадзуми бу икки улкан адиб билан яқинлиги ҳамда ўзи учун улар қанчалик жон куйдириб яхшиликлар қилганлигини хотирларкан, кўнгли анча илиди. Унинг юз ифодаси ўзгарди, шекилли, аёл бир қадар майинроқ оҳангда сўради:

– Энди эсладингизми? Ўшанда мен эндигина сочимни калта қилиб қирқувдим. Мен уятдан нафасим тиқилиб, энсам музлаб қолади, дегандим. Ҳазонрезги эди... Шаҳарда газета нашр этила бошлаганида, мен редакцияга ишга кираман, деб сочимни қирққан эдим. Худди кечагидек ёдимда. Сочларимга қизиқиш билан қараганингизда, бехос чаён чаққандек, қочиб кетган эдим. Кейин эса уйимизга кузатиб қўйганингизда, сизга сочбоғлар турадиган ғаладонни кўрсатган эдим. Ким билсин, ўшанда ўзимча уч кун бурун сочларим узун-узун бўлганини исбот қилгим келувди, шекилли. Сиз эса ранг-баранг сочбоғларимнинг бунчалар кўплигидан ажаблангандингиз.

Хонадаги бошқа меҳмонлар одоб юзасидан сукут сақлашарди. Аёлнинг келишидан аввалроқ улар ўтган-кетгандан айтишиб, қаймоқлашмоқда эдилар. Шу маънода Кадзумининг янги меҳмон билан алаҳсигани табиий бир ҳол эди. Бинобарин, аёлнинг кайфияти уларга шундай қаттиқ таъсир қилгандики, улар сўзларини бирдан тўхтатишиб, суҳбатга қулоқ сола бошладилар.

– Эсингиздами, байрам тантаналари тугагач, бизлар қўл ушлашиб, энсиз, ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб денгиз бўйига тушгандик. Ўша оқшомги шафақ ман-

зараси шундайлигича кўзларим пардасига нақшланиб қолган... ўшанда сизнинг «қара, томлардаги черепица ял-ял ёнмоқда, сенинг ёнокларинг эса лолагун...» деганингиз ҳануз эсимда. Мен, умуман Юмиура Японияда ўзининг оқшомги шафақлари билан машҳур, деб жавоб қайтаргандим. Бизлар ана шундай гўзал оқшомларнинг бирида, шафақ лолазор янглиғ қирмизи тусга кирганида учрашгандик. Бу шаҳарчани «Юмиура – денгиз қўлтиғи» деб аташади. Ёй шаклини эслатувчи тошлоқ соҳилларнинг ботиқ ерига шафақнинг қип-қизил яллиғи қуйилади. Ўша куни парқу булутлар билан қопланган осмон шунчалик паст, уфқлар ҳам шундоқ қўл узатсанг етгудек яқин, шаффоф кўринар эди. Ўткинчи қора қушларнинг галаси эса бир зумда булутлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўларди. Гўё осмон денгиз ойнасида акс этмаётгандек, балки ўзининг бутун алангаранг ёғдусини мўъжазгина кўрфазга ёғдираётгандек туйиларди. Байроқлар билан безатилган кемада бу тантананинг иштирокчилари, болалар, сурнай билан ноғора чалишарди. Сиз ўшанда, агар уларнинг қизил кимоноларига гугурт чақиб юборсанг, лоп этиб денгизу, осмонга ўт кетади, деган эдингиз. Наҳотки эсингизда бўлмаса?

– Ҳмм...

– Эрга теккач, менинг ҳам хотирам ёмонлашди. Шуни эсласам ҳали-ҳали кўнглим ғаш тортади. Эслашга-ку арзигулик воқеа ҳам йўқ асли. Лекин Кадзуми-сан, сиз ҳаётда яхши-ёмон кунларни кўп кўрган одамсиз. Аммо доимо банд бўлганингиз туйфайли эслолмайсиз. Ким билсин, эҳтимол, бу арзимас нарсалар ҳақида бош қотириб ўтиришнинг ҳеч кераги йўқдир? Бироқ Юмиура... ҳаётимдаги энг гўзал хотиралар билан боғлиқ.

– Юмиурада кўп турганмисиз? – деб сўради Кадзуми.

– Йўқ, сиз билан учрашганидан сўнг, орадан ярим йил ўтгач, турмушга чиқиб кетдим. Иккита болам бор. Каттаси ўғил, кичиги қиз. Ўғлим институтни тугатиб, ҳозир ишляпти. Қизимнинг бўйи етган. Ўзим Сидзуокода туғилганман, кейинчалик ўгай онам билан чиқишолмай Юмиурадаги қариндошларимникига кўчиб бордим. У ерда ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, редакцияга ишга кирдим. Бундан хабар топган отам зудлик билан уйга қайтишимни талаб қилди. Сўнгра эрга берди. Хуллас, мен Юмиурада уч ой яшабман.

– Эрингиз-чи?

– У ибодатхона руҳонийси.

Бу жавобни эшитиб, ажабланган Кадзуми яна аёлнинг рухсорига боқди. Аёлнинг сочлари чиройли тарзда манглайига тушиб турар, афтидан, бу ҳозирги русумдан анча йироқ эди.

– Аввалига унинг маоши билан кун кўриб юрдик. Уруш бошлангач, турмушимизга путур етди. Кун сайин топган пулининг баракаси қочиб, орамизга совуқчилик тушди. Болалар доимо ёнимни олиб, арзимас гап учун ҳам у билан талашиб-тортишардилар.

Кадзуми меҳмон аёлнинг оилавий турмушида нотинчлик рўй берганини сизди.

– Нумадзудаги ибодатхона Юмиурадаги байрам куни бизлар зиёфат қилган ибодатхонадан анча катта. Шунга кўра, ташвиши ҳам кўп. Эрим ўз ҳолича, ҳеч ким билан ҳисоблашмай Криптомаридан ўнтасини сотиб юборган экан, ҳозир уни жинойий жавобгарликка тортишяпти. Шунинг учун мен Токиога қочдим.

– А-а?!

– Хотиранинг бори яхши-да, барибир. Инсон ҳар қандай шароитда ҳам бошидан ўтган воқеаларни унутмайди. Буни мен худонинг инояти деб тушунаман. Ўшанда бизлар Юмиурадаги тепалиқдан тушиб келаётганимизда, сиз ибодатхонани айланиб ўтишни таклиф қилувдингиз, мен камелия бутасига илиб қўйилган идишдаги бир қанча ажойиб гулларни кўришга улгургандим. Ҳатто ҳозир ҳам баъзан-баъзан бу камелияни эккан одам қанчалар олижаноб, оқкўнгил экан-а, деб қўяман.

Бу аёлнинг Юмиура ҳақидаги хотираларининг асосий сабабчиси Кадзуми эканлиги аён эди. Бу бир-биридан шоирона, маҳзун ҳикоялардан мутаассир бўлган ёзувчининг хаёлида ўша кўклар таровати ҳам, Юмиура кўрфазидаги ўша шаҳар ҳам жонлана бошлади. Бироқ бу хотиралар орасида Кадзуми аёлни сира учратолмас, у билан бирга бўлолмас, негадир бу оламда у билан учрашиш мумкин эмасдек, бунинг иложи йўқдек ва бу ҳол тириклар билан марҳумларнинг учрашолмаслиги каби муқаррардек туйиларди.

Рост, кейинги пайтларда Каадзумининг хотираси анча сусайди, гоҳо юзтаниш киши билан узоқ қангомалашар, хайрлашгач эса минг уринсин, унинг номини сира эслолмас эди. Шундай дақиқаларда у нафақат афсус чекар, балки даҳшатга тушарди. Мана, ҳозир ҳам бу аёл билан боғлиқ ҳодисаларни эшлашга уринди-ю, аммо хотироти зулматида адашиб, азобланиб, лол турар эди. Ниҳоят, бошида оғриқ турди.

– Камелияни эккан одам ҳақида гапира туриб, мен Юмиурадаги уйимизни ниҳоятда шинам ва озода сақлашга тиришганларимни гапириб берувдим. Бизнинг уйга сўнгги марта кирганингиздан бери орадан мана, ўттиз йилча вақт ўтди. Ўшанда хо-

намдаги ҳар бир безакдан ёш, ғўргина қизларнинг иси келарди.

Кадзуми бу сирли хонани мутлақо тасаввур қилолмасди: эслолмай қийналганидан пешонаси тиришди ва бу диққатпазлик туфайли қовоғи уйилиб, қошлари орасида тугунчак ҳосил бўлди. Жувон ўрнидан турди.

– Сизни ташвишга қўйганим учун узр. Мен анчадан бери сиз билан учрашишга аҳд қилиб юрардим. Начора, учрашувимиз ноқулай вазиятда ўтди. Мени авф этарсиз деган умиддаман. Яна келсам бўладими?

– Ҳа, тортинмай келаверинг.

Аёл яна бир нималардир демомоқчи эди-ю, бироқ зиёратчилардан истиҳола қиларди. Кадзуми уни кузатиб чиққач, эшик ёпилиб, улар ёлғиз қолганлари ҳамано аёл ўзини анча эркин тута бошлади. Кадзуми унинг худди севгилиси билан учрашгандек титраётганини кўриб, кўзларига ишонмасди.

– Мени ичкарига таклиф қилган сизнинг қизингизмиди?

– Ҳа.

– Рафиқангиз билан рўбарў келишни истамасдим.

Кадзуми индамай даҳлиз томонга ўтди. Жувоннинг дзорисини кийишига қараб турди-да:

– Сизларнинг Юмиурадаги уйингизда бўлганман, шундайми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди аёл елкаси оша қараб. – У ерда менга уйланмоқчи эканлигингизни айтувдингиз хонамда...

– Йўғ-э?!

– Бироқ мени ҳозирги эрим билан унашиб қўйганлари учун рад қилувдим. Кейин нега бундай бўлганини сизга тушунтириб берувдим.

Нимадир қаттиқ санчилди-ю, Кадзумининг юрагида оғриқ қўзғалди. Ажабо, хотираси ҳар қанча суст бўлса ҳам одамнинг бир қизга оғиз солганини унутиши ва ўша чоқдаги айтган гапларини мутлақо эслолмаслиги мумкинми?.. Кадзуми ўзининг ҳозирги аҳволдан ажаабланмади, балки нафратланиб кетди. Ёшлигида у кўча-кўйда орқа-олдини суриштирмай, дуч келган қизга оғиз соладиган йигит эмас эди-ку.

– Нима учун таклифигизни рад қилганимни тушунгандирсиз, – деб давом этди аёл... Унинг катта-катта кўзларига ёш қуйилди. Титроқ бармоқлари билан сумкасини очиб, бир сурат олди. – Булар – менинг болаларим. Қизим ҳозир мендан анча баланд, лекин юз-кўзи қуйиб қўйгандек худди ўзим.

Кафтдеккина суратдан кўзлари юлдуздек чақнаган чиройли қиз қараб турарди. Кадзуми худди ўттиз йил илгари учрашиб, уйланмоқчи бўлган соҳибжамолнинг ўша, эҳтимол таниш қиёфасини излагандек суратга диққат билан узоқ тикилди.

– Иложини топиб, ўша пайтда менинг қандай бўлганимни билишингиз учун қизим билан бир келарман. – Аёлнинг овози ҳирқиради. – Сиз ҳақингизда болаларимга кўп гапириб берганман. Улар сизни яхши биладилар. Номингизни ўзларининг энг яқин кишиларидек ҳурмат билан тилга оладилар. Сиз Юмиурадани кетганингиздан сўнг, бир куни тўсатдан кўнглим беҳузур бўлди. Мен эсимни йўқотиб қўйдим. Кўнгил айнишлари ўтиб, ҳомила қимирлагач, мен ҳамиша, наҳотки бу Кадзуми-саннинг зурриёди, дея ўйлаб юрдим. Кунлардан бир кун ошхонага кириб, ошпичоқни олдим-да, уни обдон чархладим, сўнг... Бу ҳақда ҳам болаларимга айтиб берганман.

– Қўйинг-э, ахир мумкинмас... – Кадзуми бўлак ҳеч нарса деёлмади. Бу аёл уни деб шунчалар уқубат



чеккан, мана, алоҳа унинг оиласида ҳам кўнгилсизлик... Балки аёл бунчалик аччиқ ҳаёти давомида у ҳақдаги ширин ҳаёллар билан ўзини овутиб юргандир? Демак, Кадзуми ҳамиша, ҳатто оилавий ҳаётда ҳам аёлнинг доимий ҳамрози бўлган. Унинг юпанчи-га айланган?!

Ҳар ҳолда тақдир тақозоси туфайли Юмиурада Кадзуми билан учрашиб қолгани ўша ўтмиш ёди аёл учун ҳали унут бўлмаганди; бу муштипарга шунчалар кулфат келтирган Кадзуми учун эса ўттиз йил илгариги давр абадул-абад изсиз йўқолган эди.

– Сувратни сизга қолдирайми? – деб сўради жувон. Кадзуми бош чайқади.

Аёл кетди, унинг нозик қомати дарвоза ёнига бориб кўздан йўқолди. Кадзуми жавондан Япониянинг харитаси билан географик қўлланмани олиб меҳмонхонага қайтди. Учала зиёратчи унга ёрдамлашди. Ҳаммалари узоқ излашди. Бироқ на Кюсюда, на бошқа ердан Юмиура деган шаҳарни топа олмадилар.

– Ғалати, – деди Кадзуми ва бошини кўтариб, кўзларини юмганча ўйга толди.

– Урушгача Кюсю оролига борганлигимни асло эслолмаяпман. Мутлақо нотўғри. Мен у ерга Окинавада уруш авжига чиққан кезлари боргандим. Ўшанда мени ҳарбий денгиз кучларининг репортёрлари билан бирга Каноздаги жазо отрядига юборишганди. Самолётда боргандик. Кейин атом портлагандан сўнг, Нагасакига келувдим. Қизиқ, ўшанда мен ҳам ўша ерлик одамлардан бу шаҳарга ўттиз йил илгари Кида билан Акиама келганини эшигандим.

Меҳмонлар ҳозиргина келиб кетган аёлнинг ҳою-ҳаваси ёки алжираши ҳақида ҳазиллашиб, кулишиб, турли тахминлар, латифалар айтиб ўтиришди.

Охири, балки унинг эс-ҳуши жойида эмасдир, деган тўхтамага келдилар.

– Эҳтимол, менинг ҳам эсим жойида эмас, – деди хўрсиниб Кадзуми. – Бўлмаса, унинг чўпчакларига ҳам ишониб, ҳам ишнолмай, бутун суҳбат чоғида ниманидир эслашга уринармидим?

Юмиура деган шаҳар ҳеч қачон бўлмаганлигини мутлақо унутган Кадзуми ўтмиши ўзга одамлар хотирасида қай тарзда сақланиб қолажаги ҳақида ўйга толди. Эҳтимол, ўзидан анови ҳозиргина келиб кетган, Кадзумининг вафотидан кейин ҳам бир вақтлари – ўттиз йил аввал Юмиурада Кадзуми-сан ўзига оғиз солганига қаттиқ ишониб юрувчи аёл қалбидаги ёрқин излар каби ажойиб хотира қолар, ким билсин?!



## ОДАМГА БАХТ КЕЛТИРИШ

Кадрли опажон! Узр, анча бўлди ёзмаганимга. Ишончим комилки, ишларинг чакки эмас, соғлиғинг яхшилиги, бу дунёда катта бахт экан. Сиз томонларда, Кисюда совуқ тушган бўлса керак. Бизда эса ҳар куни йигирма градус совуқ, баъзан ундан ҳам ошиб кетади, шундай кунлари уйларнинг деразаси музлаб қолади. Саломатлигим яхши. Фақат нима десам экан, қўлларим совуқдан баъзан увишиб қолади, сира исимайди, товонларим ёрилиб, юришга қийналаман – ачишиб оғрийди. Ҳар куни барвақт, соат бешларда тураман – гуруч қайнатаман, сув иситаман, мисодан<sup>1</sup> шўрва қиламан. Олтида нонушта. Нонушта қилиб бўлгач, стол устини йиғиштириб, идиш-товоқ юваман совуқ сувда. Мактабда дарслар тўққизда бошланади, саккиз яримгача ҳар хил уй юмушларини бажариб қўяман. Энг ёқмайдигани, қийини уй йиғиштириш билан бадрафхонани ювиб тозалаш, ҳамма нарсани совуқ сувда юваман, бошқа иложим йўқ.

Дарслар икки яримда тугайди, баъзан учгача чўзилади. Агар ўқишдан кейин ярим соат ичида уйда бўлмасам ёки кечки овқат кечикса, бошимда ёнғоқ чақишади.

Уйга келиб биринчи қиладиган ишим супуриб-сидириш, эртасига ёқиш учун ўтин ёриб қўйиш. Ҳаммаёқ қор. Шамол турганда қор осмонга кўтарилиб, ҳеч нимани кўролмайсан. Оёқ-қўлинг музлаб, қақшаб оғрийди. Муздай қор ёқангдан ичингга тушганда биласан

<sup>1</sup> М и с о – ловия қайласи (пастаси).

қаттол совуқни. Кафтингни ёрилган еридан қон сизиб оқади, мен кўпинча йиғлаб юбораман – шунақа оғрийдики, асти қўявер. Кечки овқат соат бешда. Сўнгра столдаги идиш-товоқларни йиғиштириб ювиб қўяман, ана ундан кейин то ухлаб қолмагунча Сабурони аллалаб ўтираман. Дарс тайёрлагани вақт қоладими бунақада?

Якшанба кунлари ўзимнинг шимим билан ота-онамизнинг пайпоғи-ю, қўлқопларини ювишга тўғри келади – ҳаммаси ўша-ўша совуқ сувда ювилади! Бўш қолсам бўлди, Сабурога қарашга мажбур қилишади. Ҳар кун шу аҳвол. Мактаб учун ўқув қуроллари сотиб олишимга йигирма сендан ортиқ пул беришмайди – яна қанча маломат билан! Нима бўлади бу йигирма сен? Бу ёқда муаллимам мактабда ҳали унинг йўқ, ҳали бунинг йўқ, деб кўзимни очирмайди. Кейинги пайтда ўқишинг пасайиб кетди, деб гап эшитадиган бўлиб қолдим, бу ёқда саломатлигим ҳам жойида эмас.

Янги йил байрамида ҳам ҳоли-жонимга қўйишмайди, эртадан кечгача тиним нималигини билмайман, миннатдор ҳам бўлишмайди. Ота-онамининг ўзлари ҳар хил ширин-шакар нарсалардан ейишди роса, менга эса уч кун байрам давомида бор-йўғи бир дона мандарин беришди. Бегим кунлари бунақа нарсани тушимда ҳам кўрмайман. Иккинчи январда пишираётган гуручим озгина тагини олгани учун, шунақаям бошим, елкамга уришдики, азбаройи оташкурак қийшайиб қолди. Ҳалигача бошим оғрийди.

Золим отамиз бувам билан бувимнинг бағридан юлиб олиб, мени шу совуқ Маньчжурияга олиб келганига ҳам ўн йил бўпти. Худога нима ёзибманки, шўрлик бошим бунақа кўргиликлардан чиқмайди?! Худони берган кун ҳеч нарса қилмаган бўлсам ҳам итдай савалашади!

Хаммаси ўгай онанинг хоҳишига кўра! Шунинг учун ўзимча аҳд қилдим: бир ойдан сўнг, мактабни тугат-гач, бу зулм даргоҳидан қочаман. Осакага бориб, ишлаб пул топаман ва кечки мактабда ўқишимни давом эттираман.

Бахтимга соғ-саломат бўл, бувам билан бувимга менинг номимдан салом айтиб қўй...

То қўлидан тортиб олган мактубни ўқиб бўлгунча Кацуко чурқ этмай ўтирди.

– Наҳотки уни шу қўйга солишгани рост бўлса? Ота-она ўзининг боласига қийноқларни раво кўради, деб ўйламагандим?! – дея қайта-қайта такрорларди у бутун норозилигини шу саволлар орқали изҳор этмоқчи бўлиб. – Сенам Маньчжурияда яшагансан, шунақа қийналганмидинг?

– Бешбаттар азоб чеккандим.

У Кацуконинг ўн уч ёшида Маньчжуриядан Кисюга қайтиб келишига нима мажбур қилганини энди англаб етди. Унга қадар қизнинг қатъиятига ўзича қойил қолиб юрарди.

– Энди нима қиласан?

– Укамни мактабга бераман. Нима қилиб бўлса ҳам уни ўқитаман.

– У ҳолда билет олиб йўлга тушиши учун тезроқ пул жўнатиш керак.

– Ҳозир бунинг иложи йўқ. Биринчи станциядаёқ поезддан олиб қолишади. Поезддан тушириб қолдиришмаса, кемада тутиб ота-онасининг қўлига топширишади. Отам, бошланғич мактабни тугатди дегунча сотиб юбораман, деб кўрқитиб қўйган. Мениям сотиб юбораман деб деярли ҳар куни қонимни ичарди. Менинг фикрим, кимга сотмоқчи эканини билиб, ўша одамга пул юбориш лозим, укамизни сотиб олиш учун.

– Калланг жойидами ўзи! Агар укангни Маньчжурияда сотишса, уни ким олади, ҳозир кимни қўлида эканини қаердан биласан?

– Хўп, лекин нима қилай? Агарда уни ушлаб олиб ота-онасининг қўлига топширишса отам ўлдиради-ю! – Кацуко бошини қуйи солди.

У оғир касалга чалинган бўлиб, мана бир йилдан ошди, Кацуко унга қараб туради (?). Шу давр ичида ундан айри яшай олмаслигини тушуниб етди. У уйланган бўлиб, Кацуко билан бирга яшаши қизнинг бошига кулфат келтириши мумкинлигини жуда яхши тушунарди. Бироқ била туриб ҳам ўзини сира қўлга ололмас, чунки қизни чин кўнгилдан яхши кўрарди. Мана энди, кутилмаганда унинг укасидан мактуб келди. Мактубни ўқиб чиққач эса ўйланиб қолди. Ахир бошига тушган шунча кулфатлардан кейин Кацуконинг ҳаётини, истиқболини захарлашга ҳаққи йўқлигини, шундай қилса бу қилмиши учун худонинг олдида жавоб беражагини тушунди. Унинг то Кисюга қочиб келишига юрагида куч топа олгунча олис Маньчжурияда нақадар қийналганлари, укасидан бешбаттар қийноқларга чидаб яшанликларини ўйлаб хаёли қочди.

Ана шунда у ич-ичида, соғайиб оёққа турган бўлсам, куч-қувватим етарли, Маньчжурияга бориб, болани отаси билан ўтай онасининг зулмидан халос этиб, бу ерга олиб келаман, мактабда ўқитаман, дея аҳд қилди.

Ўзини бу аҳдидан беҳад рухланиб кетди. Агар Кацуконинг укасига ёрдами тегса, қизнинг ҳаёти ҳам маъно касб этади ва бинобарин, Кацуко бахтиёр бўлса, бу бахтнинг ягона сабабчисига айланади, қандай яхши! Ундан ташқари унинг бир ўзи, бировдан ёрдам кутмай болани кутқаради-ю! Умрида лоақал битта инсонга бахт келтиришнинг ўзи бахт эмасми?

## ОҚ ГУЛЛАР

Уларнинг тўйлари оддий ва ўзлари кутгандек эди. Бундай аҳвол улар учун оддий эди, турмушларида доимо учрарди. Унинг барча қадрдонлари сил касалидан ўлиб кетганди.

Унинг ҳам кўкраги ботиқ эди. Агарда бирон-бир эркак уни қучоқлаб олса, у албатта, қўрқиб кетарди.

Бир машҳур аёл унга шундай деган эди: «Эрга тегмоқчимисан, каллангни ишлат, баланд бўйли йигитларни қўй. Фақат нимжон йигитлар ва саломатлиги яхши қаллиқлар яхши, териси оқ бўлса – сил бўлмайди. Мени айтди дерсан. Тўғри ўтиргани маъқул, вино қуйиб ўтирмасин, у ёқимли кулимсирасин».

Лекин қизнинг ўзи улкан ва кучли йигитларни орзу қиларди. Қучоқласа, бағрига босса суяклари қисирлаб кетса...

Гарчи нигоҳи мусаффо бўлса ҳам, қандайдир ҳалокатга маҳкумдек яшарди. Худди кўзларини чирт юмиб ўзини тўлқинлар қаърига ташлагандек, баайни шамол хоҳлаган томонга олиб кетсин мени дегандек. Мана шу нарса унга алоҳида малоҳат бахш этарди.

Ўгай акасидан хат келди. У йўталаётгани ҳақида шикоят қиларди. «Бу тақдирнинг тайёрлаб қўйган кунидан дарак беради. Мен хотиржамман. Фақат мен ачинадиган битта нарса бор. Нега мен саломат бўлганимда, бир марта бўлсин, сени ўпмаганман? Сенинг лабларинг бу шикаста маразни билмагани маъқул!»

Мактубни ўқиб, у дархол акасининг олдига жўнади. Уни денгиз бўйидаги сил касалликлари санаторийсига юборишди. Ёш доктор бу ерда унга ягона пациент шу йигитдек шифохонада ундан бошқа ҳеч ким йўқдек қараб турарди. У ҳар куни болалар коляскасига ўхшаган замбилини бурун охирига олиб борарди. Бамбукзорда у ерда доим қуёш нури ёритиб турарди.

Тонг. «Сиз бутунлай тузалиб кетдингиз. Бутунлай. Мен шу бугунги кунни кутгандим» – дерди доктор ва уни қоятошни энг тепасида турган замбилда туришига ёрдам берарди. «Сизнинг ҳаётингиз янгидан бошланади – бугунги кунга ўхшаб. Нега кемалар шафтоли гули рангига бўялган елканларини кўтармадилар?» Мени кечиринг! Мен бугунги кунни юрагимнинг оҳлари каби кутдим. Биттаси сизни даволовчи врачим. О, мен бу кунни шунчалар кутдимки! Мен шунчалар азоб чекдимки, сенга нисбатан фақат севадиган киши сифатида, инсон сифатида қарамадим. Сен тузалиб кетдингми? Энди ўз туйгуларингни бошқара оласанми? Нега энди денгиз шафтоли гули рангига кирмадийкин?

У мамнуният билан врачга қаради. Кейин денгизга томон боқди ва кута бошлади. Уни ғайратга солган нарса маъсумаликнинг йўқолиши ҳақидаги фикрнинг барбод бўлиши, ажабо, уни ташвишга солмади. Болалигиданоқ қиз ўлимини кутарди Шунинг учун у вақтнинг мавжудлигига ишонмасди. У вақтнинг давом этишига ҳам ишонмасди. Шунинг учун бирон маъсумалик унга шунчаки йўқ эди.

– Сен балки, мен сенинг баданингга қандай туйғулар билан қараганимни сезгандирсан. Шу билан бирга мен унга айна чоқда врач сифатида қарашим керак эди. Врачлар учун сенинг баданинг бир лаборатория.



– Нима-нима?

– Ажойиб лаборатория! Агар мен врач бўлмаганимда, мен сен учун узоқ ва олис келажакни ўлдирмаган бўлардим.

Буни эшитиб у нафратланди. У орқасини ўгириб олди, кўзларини кўришни истамасди.

Кейин у билан ўша санаторийда даволанаётган ёзувчи гаплашибди. «Бир-биримизни табриклайлик! Кел, бу ердан бир кунда чиқиб кетамиз!» Касалхона дарвозасидан чиқиб, улар автомобилга ўтиришибди ва қарағайзордаги ўрмон йўлдан кетишибди.

Ёзувчи уни қучоқламоқчи бўлиб мўъжаз елкаларига қўл ташлабди. У енгил ва кучсиз экан – ўша замони унга суянибди. Улар бирга сайр қилишибди.

«Бу шафтолиранг тонготаринг бизнинг ҳаётимиз. Мен учун отган тонг бор, лекин сени тонготаринг ҳам бор. Бу жуда антиқа. Мана шу тонглар учрашади. Ҳа, худди шундай. Чакки айтмаган. Мен роман ёзмам ва уни «Икки тонготар» деб атайман.

У ёзувчига боқди. Унинг кўзларида бахт нури ярқирарди.

– Мана, қарагин, мен сен ҳақингда ёздим. Майли иккаламиз ўлсак ҳам, мана шу саҳифаларда яшаб қоламиз. Энди эртанги тонг отди. Мусаффо, ҳеч нарса билан оғуланмаган гўзаллик. Баҳор гуллари янглиғ сенинг, сенинг муаттар ҳаётинг бор. Гўзаллик менинг романимда шундай тушунчага боғлиқ бўлади. Аммо буни сўз қудрати билан тушунтириш нақадар қийин! Кафтимга қўй бироз қалбингни! Чақнасин, нурга тўлсин – бамисли биллур! Ана ўшанда мен бу романи ёза оламан.

– Нима-нима?

– Ажойиб материал! Агар мен ёзувчи бўлганимда узоқ ўтмишни сен учун яратиб беролмасдим.

Буни эшитиб, у нафрат туйди ва унинг юзини кўрмаслигини ўйлаб, тескари қараб олди.

У бир ўзи хонасида утирарди. Акаси аллақачон ўлган.

«Шафтоли гулининг ранги, шафтоли гулининг ранги», – у ўзининг оппоқ баданига қараб шуни эслади. Эслади-ю, кулиб юборди. «Кимгадир унга кераклигимни айтсам борми, ҳамма нарсага тайёр эканимни билдираман», – дея ўйлади ўзича.



## ОЛОВГА ТИК БОРАЁТГАН АЁЛ

Узоқ-узоқда кўл заифгина жилва қилади. Кўл суви қаровсиз боғдаги ташландиқ ҳовуз суви ойдин кеча кўйнида қандай кўринса шундай кўринади. Унинг нариги қирғоғида дарахтлар гуриллаб ёнарди. Аланга деярли кўз очиб юмгунча ёйилмоқда эди.

Қирғоқ ёқалаб худди ўйинчоққа ўхшаган буғ насоси у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Кўлнинг ойнадек силлиқ юзида унинг акси яққол кўзга чалинарди.

Тепалик ёнбағри юқорига чиқиб бораётган сон-саноксиз одамлардан қорайиб қолгандек эди.

Ҳаво сокин, дим ва мусаффо эди. Шаҳарнинг тепалик этагига туташ қисми ланғиллаган алангада қолган эди.

У юқорига чиқиб бораётган одамлар издиҳоми орасидан ўтиб, тепалик ёнбағридан тушиб келар эди. Ёлғиз пастга ошиқарди.

Борлиқ ажиб бир сукунат оғушида эди.

Тўппа-тўғри ўт-олов дарёсига тушиб келаётган аёлни кўриб мени ваҳима босди.

Беихтиёр хаёлимда унга мурожаат қилдим: «Нега бир ўзинг пастга тушиб келаяпсан? Оловда куйиб кул бўлмоқчимисан?» – «Куйиб кул бўлмоқни истамайман, бироқ сен яшаётган уй ғарб томонда жойлашгани учун шарқ тарафга кетаяпман».

Аёл ланғиллаб ёнаётган аланга ичидан қора нуқталардек кўринаётган кўзлари билан тешиб

юборгудек тикилганидан юрагимда оғриқ турди-ю, уйғониб кетдим.

Кўзларим жиқ-жиқ ёш эди.

Ҳаммаси равшан: у ҳатто менинг уйим жойлашган тарафга юришдан ҳам хазар қилар эди! Нима ҳам қилардим, билганини қилсин! Фаҳми ожизимча мендан кўнгли бутунлай қолганди. Бироқ зоҳиран тақдирга тан берган бўлсам менга нисбатан қалбининг пинҳоний теранликларида зиғирча бўлсин, муҳаббат учқуни сақланиб қолганига ишонгим келарди. Мен ўзимнинг соддалигимдан кулганим билан, дилимда ана ўша учқуннинг аланга олишини истардим.

Шу билан бирга, ҳозиргина кўрган тушим тўғрисида ўйга чўмиб ўтирар эканман унга нисбатан юрагимда заррача меҳр-муҳаббат сақланиб қолган деб ишонч билан айта оламанми?

Туш менинг туйғуларим ифодаси эди. Мен тушимда унинг кўнглидан кечган ҳис-туйғуларни ўйлаб топган эдим. Аслида улар менинг ҳисларим эди. Маълумки, тушингда юрагингда уйғонган туйғулар ёлғон бўлмайди, улар самимий ва ҳақиқий бўлади.

Шу фикрлардан юрагим ғаш тортди.

## ХОЛ ҲАҚИДА МАКТУБ

Ўтган куни хол тушимга кирибди.

Қайси холни айтяпман, топинг-чи?! Ҳа, худди ўша, менга роса дашномлар эшиттирган холим бор эди-ю. Ўнг елкамдаги, янаям тўғрироғи, гарданимдаги хол! Эсладингизми:?

– Вой-бў, катталигини, ёнғоқдек келади-я! Ҳадеб ушлайверма, болалаб кетади, – деб жиғимга тегардингиз. Ростини айтайми, катталиги майли-ю, аммо бир иргамчик, бунинг устига шишинқираганми-ей, ликқо узумга ўхшарди. Мен ҳам бепаросатгина эканманми, ўрнимга ётдим, дегунча холимни юлқилаб ўйнашга тушардим, тавба. Ҳали болалигимдан шунақа эдим, шекилли. Биринчи марта шу одатимни сезиб қолганингиз эсингиздами, ўшанда шунақаям уялиб кетган, шунақаям уялиб кетган эдим-ки, асти қўяверинг! Йиғлайвериб, сизни хит қилиб юборганим-чи!

– Саёко, яна холингни ўйнаяпсанми? Менга қара, ўрганиб қоласан, қизим, кейин қийналасан ўзинг! Ушлайверсанг, катталашиб кетади, тегаверма, – деб уришардилар ойм. Бу ўн тўрт-ўн беш йилги – болалигимдаги гаплар. Танбеҳ эшитавериб, охири ёлғиз қолгандагина холимни ўйнайдиган бўлдим.

Сиз сезиб қолиб урушган пайтинғиз, ёшлигимга борибми, бошимни кўтаролмай қолардим. Шунақанги уялардим-ки, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам.

Эркаклар буни тушунишга қодир эмас, мен шунчаки номусдан эмас, балки гуноҳ қилиб қўйдим, деган хаёлда қийналар, ҳатто, эрга текканимдан пушаймон бўлиб кетардим.

Сизни олдингизда ножўя иш қилиб қўйгандек сезардим ўзимни. Тавба, ўшанда, эрим энди бир умр юзимга солади, дея қўрққандим, худога илтижо қилгандим мадад сўраб.

Кечалари, сиз ухлаб қолганингиздан кейин жим жит хонада шифтга термулиб ётганимда ўзимни бахтиқаро ва ҳеч кимга кераги йўқ одамдек сезардим, во ажабо, шу билан сабабини билмаган ҳолда андак енгил тортардим ҳам ва шу тариқа яна беихтиёр холимни ўйнай бошлардим.

Бир кўнглим, онам хавотир қилиб юрмаслиги учун: «Ойи, хотиржам бўлинг, холимни ўйнамаяпман сира» деб ёзиб юборай, дердим-у, лекин очиғи ёлғон гапиргани номус қилардим.

Бир куни сиз: – Бу хол эмас, бошга битган бало бўлди! – дедингиз очикдан-очик кўрслик билан. Мен ич-ичимда ўшанда гапларингиз тўғрилигига иқрор бўлган ва ҳатто бош ирғаб маъқуллаган ҳам эдим, энди эса шунча ват ўтгач, «кошки, шу дардисар одатим лоақал ғашингизга тегмаса олам гулистон эди, дея ўкиниб қўяман». Яшириб нима қилдим, бу холнинг оғир-енгили йўқ эди менга – кўйлагим ёқаси оша қараш кимнинг хаёлига кепти дейсиз! Тўғри, пинҳоний қусури бор қиз қулфлоглик сандикдек гап, одамларнинг қарагиси келаверади, бир кўрмагунча кўнгли жойига тушмайди, бироқ наинки қиз боланинг холи қусур ҳисобланса! Дарвоқе, ордона қолгур холни қачондан ўйнай бошлаганман-а?!

Айтингчи, бу қилиғимни нимаси ёқмасди сизга?

– Ана халос, ана халос – қачон қараса аччиғингиз чикқани етмай, яна: – Айтганча, нега уни чап қўлинг билан ўйнайсан? – деб сўраганингизга ўлайми?!

– Чап қўлим биланми?.. – мен бу хусусда илгари сира ўйлаб кўрмаганим учун довдираб қолгандим.

– Чап қўлим биланми?.. Ўзим ҳам ҳайронман, – деб беихтиёр гарангсиб чап қўлимга қаровдим, ўшанда.

– Холинг ўнг елкангда бўлгандан кейин ўнг қўлинг билан ўйнаганинг қулайроқ эмасми?

– Шунақа шекилли, – маъқулладим мен ва ўша заҳоти ўнг қўлимни узатиб кўрдим.

– Йўқ, ноқулай экан!

– Нимаси ноқулай?

– Ким билади, чап қўл билан осонга ўхшайди.

– Ўнг қўлинг яқинроғу?!

– Яқинликка яқин, бироқ...бу қўл бошқачароқ...

– Бошқачароқ?! Бу нима деганинг?! Тушунтириброқ гапир.

– Бошқачароқ деганимми?.. Қўлни олд томондан узатиб бориш бошқа, орқадан узатиш бошқа... – ўша пайтда энди-энди тилим чиқиб, сизга бемалол гап қайтарадиган бўлиб қолгандим. Лекин сизга кўрсатиб бераман деб, худди ёқтирмаган нарсасини зўрлаб тикиштираётганида қайтаришга уринган одамдек чап билагим билан юзимни бутунлай тўсиб олганимда бегонасираётганга ўхшаб қолар эдим. Шуни сезиб хижолат чекканларим, мулзам бўлганларим... Нима дейишни билмай, соддалигим қурсин, иложи бориचा хушфешлик билан савол берардим: – Чап қўл билан ушласа бирон нима бўладими?

– Ўнг қўлми, чап қўлми барибир, бу жуда хунук одат.

– Ахир...

– Ахир-пахири йўқ, врачга бориб куйдиртириб кел, деб сенга неча марта айтдим.

– Вой, уят бўлмайдими?!

– Сенга айтяпман, бу жуда осон, оғримайдиям...

– Холини олдириш учун докторга борадиганлар ҳам борми?

– Тиқилиб ётибди!

– Балки уларнинг холи бетидадир. Меникига ўхшаб ҳеч ким кўрмайдиган ерда бўлса боришмас. Врачни бошимга ураманми? Хўп, бордим ҳам дейлик, нима гаплигини эшитгач, эрингиз розими шунга, деб сўраб қолса, нима деб жавоб қиламан?!

– Сўраса, сўрайверсин! Холимни ўйнашдан қутулмайяпман, дейсан-қўясан.

– Намунча, – деб юборардим охири аламимга чи-долмай, – битта арзимаган холни деб одамни шунчалик ҳам сиқасизми?! Сизга нима оғирлиги тушар-япти?

– Оғирлиги тушаётгани йўқ. Ҳадеб ўйнайверма-гинда, демокчиман холос.

– Жўрттага ўйнаётганим йўқ...

– Ўлгудек ўжарсан-да! Хўп, деб шу ярамас ода-тингни ташласанг – олам гулистон!

– Хўп дейишга хўп дейман. Тор ёқали кўйлак ҳам кийаяпман.

– Кияр эдинг, ҳозир киймаяпсан, бўйнингга ол.

– Борингики, ўйнаяпман ҳам дейлик, нима қипти? Нимаси ёмон, тушунолмаяпман.

– Нима қипти эмиш?! Ўйнаётганингни кўрсам таъбим тирриқ бўлиб кетади, шунинг учун сендан илтимос, ўйнамай қўяқол.

– Нега таъбингиз тирриқ бўлади?

– Ия, сабабини тушунтириб ҳам берайми? Холни ўйнашдан фойда йўқ, тушундинг? Бу жуда ёмон



одат – қусур, яхшиси шартта унинг баҳридан ўтиш керак, тамом-вассалом!

– Йўқ, деётганим йўғ-у.

– Холингни ўйнаётганда ўзинг сезмайсан-да четдан кўрганингда эди бир марта! Одам ачиниб кетади: бир бефаросат, қўсқи ва меров хотинга ўхшаб қоласан.

– Бефаросат, дейсизми? – дилимдан балки чинданам шунақа кўринарман, деган фикр кечдими, тасдиқ ишорасида бош ирғадим. – Агар бундан буён холимни ўйнасам, аямасдан қўлимга уринг, хўпми?

– Бўпти. Лекин уч йил бўлди, арзимаган қилигингдан қутулолмаганинг, учун ўзинг уялишинг керак.

Мен нима учун «фаросатсиз хотинга ўхшаб кўринганим» ҳақида хаёлга чўмиб, жавоб бермадим, индамадим. Тўғри, қўлини ҳаёсизларча кўтариб холини қашлаётган аёл атрофдагиларда нохуш таассурот қолдирар, уларнинг энсасини қотирар, бироқ шунинг учун уни бефаросат ёки беҳаёга чиқариб қўйиш инсофдан эмас. У, эҳтимол, чинданам шундай таассурот қолдирар, яъни туйилар. Мен ҳам шу маънода, ўшандай лаҳзаларда ўзини қайсарлик билан оқлашга уринаётган расво хотиндек кўрингандирман. Лекин мен аслида унақа аёл эмаслигимни сиз билардингиз-ку! Қўшиламан, тўғри, ўша лаҳзаларда менга қараган одам бефаҳмроқ хотин, дейиши мумкин. Лекин бу фақат таассуротнинг ҳукми эмасми?

Қисқаси, шу тушунмовчиликлар туфайли ўрта-мизда тубсиз чоҳ пайдо бўлганди-ю ва мен дилимдагини тушунтириб беришга ожизлик қилиб қолардим. Бу иллат болалигимдан қолган, дедим. Шу сабаблими, беихтиёр холимни ушладим, дегунча ўзимни идора қилолмай қолардим. Ҳолбуки, ўша пайтда

мени билган одам борки, кўнглимдагини дарҳол фаҳмлаб оларди.

Сиз аслида мени ёқтирмасдингиз, акс ҳолда шу арзимаган ва беозор қилиғимни ҳа деса юзимга солиб, камситмас эдингиз. Мени яхши кўрганингизда, бунга ортиқча аҳамият ҳам бериб ўтирмай, ҳазилга йўярдингиз.

Баъзан-баъзан эзилиб, юрагимга ҳеч нарса сиғмай кетган пайтларда, шу қилиғимни ёқтирадиган эркак бордир дунёда, деб ўкиниб қўярдим-у, дафъатан бундай ноҳўя хаёлдан ўзим кўрқиб кетардим.

Эҳтимол, шу одатимни биринчи марта сезиб қолганингизда сиз, чамаси, менга ачинганингиз учун шу ҳақда гапирган бўлсангиз керак-а! Мен ҳозир ҳам, агар айтсангиз бўлди, бунга шубҳа қилмайман. Бироқ эр-хотин ўртасидан парда кўтарилдими, бас, ҳатто гапиришга арзимайдиган икир-чикирлар ҳам уларнинг турмушини заҳарлар, ораларига совуқчилик солар экан. Ваҳоланки, бир-бирига кўнгил қўйган эр-хотин бир-бирининг яхши-ёмон одат-қилигига кўникиб кетади. Тўғри, гоҳо улар ҳам бошида, маълум пайтгача чиқишолмай юради. Илтимос, тўғри тушунинг, мен зинҳор-базинҳор бир-бирининг одатларидан энсаси қотмайдиган эр-хотинларгина аҳил, тинч-тотув яшайди, бошқалари бир-бирини ёмон кўради, демоқчимасман, асло. Бироқ энди-энди ҳар ҳолда жуфти ҳалолингизман – икки оғиз ширин сўз билан кўнглимни кўтариб қўйсангиз асакангиз кетармиди, дея музтар бўламан.

Оқибат, сиз мени сира аямай дўппослайдиган бўлдингиз. Бунчаликка бормаслик лозим эди, чунки мени бор-йўғи гуноҳим холимни ўйнаш эди, холос. Шунга одамни бунчалар қийнаш инсофданми? Мен кўпинча бекордан-бекорга азоб чекканимга чидол-

май йиғлардим, бироқ ўшандаям сиздан астойдил хафа бўлмасдим ва «ҳеч бўлмаса ўзинг айт, сени бу одатдан халос этиш учун нима қилай?» деб куйиб-пишганларингизда бекорга хуноб бўлмаётганингизни ич-ичимдан ҳис қилардим.

Мени қон қақшатганларингизни битта-яримтага айтсам борми, аминманки: «Эрингиз бунча золим!» деб қаҳри келган бўларди. Лекин начора, «Осмон узоқ, ер қаттиқ», одам ҳаммасига кўникаркан. Бир куни «Мен бу одатимни ташлолмайман, шекилли, яхшиси қўлимни боғлаб қўйинг», – дедим-да худди ибодат қилаётгандек кафтларимни қовуштириб, қўлларимни узатдим. Ўзимча шу билан бутун инон-ихтиёримни сизга топширган эдим гўё, сиз мулзам бўлдингиз, бўзариб-гезариб белбоғимни ечдингиз-да, қўлимни боғлаб қўйдингиз.

Хурпайган сочларимни боғланган қўлларим билан тузатишга уринаётганимни кузатиб турганингизда, кўзларингизга қанчалик илинж билан термулганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ўшанда, шоядки одатимдан қутулсам дея ўйлаган ва шу заҳоти ох, қанийди, битта-яримта холимни силаб қўйса, деган истақдан капалагим учди.

Насиҳат билан одам қилолмаслигингизга кўзингиз етди, шекилли, мендан кўнглингиз совиб кетди. Сиз билганини қилаверсин, дегандек ўз холимга ташлаб, бошқа койимай қўйдингиз. Холимни ўйнаётганимда эса кўриб-кўрмасликка олдингиз.

Ажабо, шунча таънаю дашномлар, калтаклашлар фойда бермаган одат бирдан қолиб кетса! Мажбур қилишгани учун эмас, балки қандайдир осонгина, ўз-ўзидан...

Кунлардан бир кун, гўё бирдан эслаб қолгандек, сизга:

– Кейинги пайтларда холимни ўйнолмаяпман, – дедим.

– Ҳа-я, шунақами? – дедингиз бепарвогина.

Мен ўшанда ҳамонки бу холимни ўйнаш шунчалик аҳамиятсиз нарса экан, нега илгари бунчалар кўзимни очирмас эдингиз, деб сизга таъна қилмоқчи бўлгандим. Агар шундай деганимда, аминманки сиз, бу ярамас одатни ташлаш шунчалар осон экан, нега илгарироқ ҳаракат қилмагансан, деб жавоб қайтарар эдингиз. Минг афсус, бу гаплар айтилмай ичимизда қолиб кетди.

Кейинчалик сизнинг юзингизда холингни эртаю кеч ўйнайвермайсанми, менга нима, деган ифода аниқ-ошкор акс этадиган бўлиб қолгач, тўсатдан ҳафсалам пир бўлди. Рост, шундан сўнг сизнинг олдингизда жўрттага ўйнашга уриниб кўргандим, бироқ ажабо, сираям қўлим бормаган эди.

Кўнглим ўшанда бирам ғаш бўлган, бирам алам қилганди...

Шунда холимни сизга сездирмасдан ўйнамоқчи бўлдим, ажабо: қўлим ҳамон ўзимга бўйсунмасди.

Мен бошимни қуйи солиб, аламимдан лабларимни тишладим. «Хўш, қани айт-чи, холингни нима қилмоқчи бўлаяпсан?» дейишингизга шунчалар илҳақ эдимки ўшанда, асти қўяверинг! Бироқ ўша-ўша икковимиз бирон марта уни эслаб тилга олмадик.

Шу баҳона билан кўпдан-кўп хотираларимиз унутилиб кетди, шекилли...

Эсизгина, шу одатимни сиз илк бор дашном берган пайтларда ташлаб юбора қолсам бўлмасмиди?! Мен чинданам расво хотин эканман!

Мана оқибат ота-онамнинг уйида ўтирибман. Иттифоқо, бирга чўмилаётган пайтимизда, онам тўсатдан:

– Ўзингга қарамай қўйибсан, Саёко! – деб қолдилар. – Ёш ўтган сари шу экан-да!

Мен ажабланиб онамга қарадим. Онам аввалгидек дуркун, бадани текис ва оппоқ эди.

– Холинг эсингдан ҳам чиқиб кетгандир-ов?!

Онамга шу дардисар хол туфайли бошимга не кунлар тушмади, дея ҳасрат қилгим келди-ю, бироқ унинг ўрнига:

– Врач оғритмасдан холни кесиб ташлай оладими? – дедим.

– Менимча, врачларга қийин эмас, шекилли... Фақат чандиқ қолмасмикин ўзи, бир сўраб кўриш керак, – дея кўнгил учун азмойиш қилди онам. – Биз бўлсак доим Саёко эрга тегишга тегди-ю, ҳалиям холини ўйнаётган бўлса-я, деб ўтирардик.

– Ўйнардим.

– Биз ҳам шундай деб ўйлагандик!

– Бу ярамас одат эди. Айтингчи, одамнинг холи қачон чиқади?

– Дарвоқе, қачон чиқарди? Чақалоқларнинг холини ҳеч ҳам кўрмаганман.

– Боламнинг ҳам холи йўқ ҳалигача.

– Ана кўрдинг?! Лекин нима бўлганда ҳам катта бўлган сайин кўпайиб боради. Сенинг холинг жуда антиқа. Катталигини қўявер, у жимиттак, болалигинда чиққан эди. – Онам менинг бўйнимга қараб кулиб юборди.

Мен эса ўша дақиқаларда ўзимча, болалигимда холим нуқтадек бўлгандир-у онам, опам, укаларим вақтларини чоғ қилиш учун уни доим ўйнаган бўлсалар керак. Шу сабабдан холимни ўйнаш одат бўлиб қолгандир, дея ўйлардим.

Ота-онамнинг уйда яшаётганимда ҳар куни ўринга ётишим биланоқ яна холимни ўйнай бош-

лардим. Ким билади болалигим, қизлик давримни қўмсаганимдандир бу?!

Унга неча-неча йиллар қўл теккизмадим-а!

Ҳозир ёнимда йўқсиз. Мен тортинмасдан уни чимчилаб, истаганча ўйнашим мумкин. Аммо сира кўнглимга сиғмаяпти. Холимга тегишим биланок кўзларимга муздек ёш қуйилади.

Қизлик хотираларим ҳақида бир хаёл сураман, дегандим. Ёдимга сиз тушдингиз.

Вақтики келиб сиз, балки талоғимни берадиган ярамас хотин, бефаросат аёл кўрпага бурканиб, холини ўйнаганча сиз ҳақингизда ўйлаб ётса, ғалати туйиларкан, шундай эмасми?! Буни ўзим ҳам кутмагандим.

Кўз ёшларимдан ҳўл бўлган ёстиқнинг орқасини ўгириб ухлаб қолардим, ҳатто хол ҳақида туш кўргандим. Гўё сиз, мен ва яна нотаниш бир аёл аллақандай хонада – уйғонгач, қаердалигимни эслолмадим – ўтирган эмишмиз. Мен сакэ ичиб, сархуш бўлиб қолибман, шекилли, сиздан бир нима ҳақида ёлбориб сўрармишман.

Дафъатан, дардисар одатим хуруж қилиб, тирсагим билан юз-кўзим аралаш кўкрагимни тўсиб, чап қўлимни ўнг елкамга узатибман. Холимни ушлаганимни биламан, кутилмаганда у оғриқсиз, бошқасиз узилиб чиқибди. Бармоқларим билан эзғилай туриб, холни синчиклаб кўздан кечирдим. У қайнатилган қора ловиянинг пўстлоғига ўхшарди.. Холи-жонингизга қўймай уни бурнингиз ёнидаги хол устига ёпиштирасиз, деб туриб олибман.

Кейин ўзим ёпиштираман, деб сизнинг енгингиздан ушлаб тортибман ва қон-қон йиғлаб кўксингизга бош қўйибман...

Кўзимни очганимда ёстиқ ўнгимда ҳам дув-дув оқаётган кўз ёшларимдан жиққа ҳўл бўлган эди.

Менинг бутун вужудим қақшарди-ю, бироқ елкамдан тоғ қулагандек ўзимни хотиржам сезардим.

Балки, ҳақиқатдан холдан қутилгандирман, дея ўйладим оғзим қулоғимга етиб. Лекин барибир юрак ютиб, ушлаб кўришга ботинолмадим.

Сизга айтиб бермоқчи бўлганларим мана шулар. Ҳозир ҳам ўша қора ловиянинг пўстлоғига ўхшаган хол бармоқларим орасида тургандек.

Бурнингиз ёнидаги хол мени заррача ғашимни келтирмасди. Доимо кўриб турган бўлсам-да, бирор марта уни юзингизга солмаган эдим.

Агар майиздек холимни мошдек холингиз устига қўйсангиз ва у ўса бошласа, хўб ажойиб иш бўларди-да!

Мен кўрган тушни кўриш сизга ҳам насиб этганда борми, ўзимни шунчалар бахтиёр сезардимки, асти қўяверинг.

Тушимни айтиб бераман, деб баъзи нарсалар хаёлимдан кўтарилибди. Эсингиздами, ўринда холимни ўйнай бошласам, Сиз:

– Одамни хит қилиб юборасан-да... – дея нолирдингиз.

Ўшанда мен ўзимча азбаройи ачинганларидан деяптилар, деб қувониб кетардим. Гапимга ишонаверинг, ростдан ҳам шундай деб ўйлардим. Афсуслар бўлсинким, мен бу одатимдан ўшанда воз кечолмагандим. Ўзимни оқлаш учун онам билан опаларимни айблашдан ўзга чора ҳам, баҳона ҳам тополмасдим. Тўғрисиям, болалигимда мени кулдираман, деб холимни ўйнашаркан, балки шу сабабдан холимни ўйнамасдан туролмайдиган бўлиб қолгандирман?!

Бир куни:

– Эсингиздами, илгари холимни ўйнасам, роса жеркиб берардингиз, нима сабабдан шунақа қилардингиз? – дея онамдан гина қилгандим.

– Эсимда... бир пасда шунча вақт ўтиб кетибди-я...

– Айтақолинг, нега урушардингиз?

– Нега дейсанми? Бу ярамас одат бўлгани учун.

– Ғашингизга тегармиди?

– Нима десам экан?.. – Она хаёл сурганча бошини қуйи солди. – Биров кўрса уят қилади, деб ўйлаган бўлсам керак-да!

– Балки шундайдир... Аммо нимаси уят? Мен бефаҳм қизга ўхшаб кўринармидим... ёки қайсар аёлгами?

– Ким билади, бунақа хаёл ҳечам келмаган кўнглимга. Ўрганиб қоласан, деб қўрқардим, холос.

– Сиқилиб кетармидингиз?

– Ҳа, назаримда сен худди бефаҳм, шалтоқ қизларга ўхшаб қолардинг.

– Ойи, болалигимда опаларим билан холимни қитиқлаб ўйнармидингизлар?

– Ўйнардик, шекилли.

Балки, онам билан опаларим суйиб эркалаганларининг хумори тутиб холимни беихтиёр ўйнагандирман, бошида?! Мабодо, шундай экан, яхши кўрган меҳрибонлари эсига тушганда ўйнайди, деб фараз қилиш мумкин эмасмиди?

Сизга мана шуларни ҳам айтмоқчи эдим. Минг қилганимда ҳам одатимни ёқтирмай чакки қилгансиз.

Айтингчи, холимни ўйнаётган дақиқаларда нималарни ўйлаган бўлишим мумкин?

Ҳозир бўлса мен соддадил бу қилиғим – у шундай жаҳлингизни чиқарардики! – Сизга баралла айтиш-



га ботинолмаган севгимнинг ифодаси бўлса-я, – деб ўйлаб қўяман.

Хол ўйнаш айб эмас – ўлиб-кутилиб ўзимни оқлашга арзимаydi.

Лекин сизнинг «ярамас хотинингиз» ҳамиша кўнглингизга қарамоқчи бўларди. Бироқ шунда ҳам сиз менга дашном беришдан чарчамас эдингиз. Эҳтимол, мана шунинг учун ҳам сизга ўчакишадиган бўлиб қолгандирман.

Инкор этмайман, мен ҳам ўзимга етгунча қайсар, гиначи хотинман. Лекин нима қилай, ноҳақ тортган азоблар эсимга тушса, ўзимни тутолмай қоламан. Аммо шунга қарамай, барибир, мени тушунишингизни истардим.



## ХУДО БАРҲАҚ

Қоронғи тушгач, тоғ чўққиси узра бамисли ёрқин фонус каби чарақлаган юлдуз пайдо бўлди. У юлдузнинг бу қадар мунаввар ҳамда бунчалар яқин бўлиб кўринишини шу чоққача билмас экан. Юлдуз шуъласидан салқин таралаётгандек туйилди-ю, у дафъатан оппоқ тошчалар тўшалган йўл бўйлаб югургудек нари кетди.

Қайнарбулоқ суви билан тўлдирилган ҳавзага яқинлашганда, у апил-тапил ечинди-да сувга тушди. Ҳали қуриб улгурмаган иссиққина сочиқни юзига босиб турди, турди-да ниҳоят, юлдуз нурлари уфурган салқин совутган ёноқларига ҳарорат югурди.

– Совуқ тушиб қолди... Ҳоҳласангиз янги йил байрамига қола қолинг?!

У ўгирилиб қаради-ю, баъзан-баъзан меҳмонхонага келиб турадиган парранда сотувчини таниди.

– Ҳа, йўқ, кетаман, шекилли, довон орқали жанубга бораман.

– Минг қилса ҳам жануб – жануб. Бир неча йил муқаддам биз ўша ерда яшагандик, ҳозир ҳам қиш бошланди, дегунча жануб ёқларга кетгимиз келади. – Савдогар нима учундир унга юзини бурмай гапирарди. У ҳавзанинг нариги тарафига назар солди, савдогар тиззасига қадар сувга тушиб олганича сув ёқасида, зинада ўтирган хотинини чўмилтирарди.

Ёшгина жувон унга қулай бўлиши учун олдинга эгилиб олган кўйи сувдаги эрининг бошидан кўз уз-

масди. Унинг зўрға сезилаётган кичкина кўкраклари сакэ ичадиган оппоқ пиёлага ўхшарди. Бу сийналар, гўё хасталик туфайли сақланиб қолган нозик, қиз боланикидек қадди-қомати ҳамда аёл бокиралигининг навқирон тимсоли эди. Унинг гул бандидек нозик бадани гўзал рухсорининг гулга ўхшашлигини бўртириб намойиш этарди.

– Жанубга довон орқали биринчи боришингизми?

– Йўқ, беш-олти йил аввал у ерга шунақаси борган эдим.

– Қаранг-а!

Савдогар бир қўли билан хотинининг елкасидан кучоқлаб кўксидаги совун кўпикларини ювиб қўйди.

– Довондаги чойхонада бир қўл, бир оёғи ишламайдиган чол яшарди. Бормикин ҳозир? – деб сўради у савдогардан. У шундай деди-ю, ўша заҳоти қовун туширганини фаҳмлади: савдогарнинг хотини ҳам шол эди, шекилли.

– Чойхонада чол яшарди дейсизми, – деди савдогар.

– Мен уни танирдим, – гапга аралашди аёл. – Уч йилча бўлиб қолди қазо қилганига.

– Шунақами? – дея минғирлади у ва бирдан аёлга диққат билан тикилиб қаради-ю, шартта ўгирилиб юзини сочиқ билан ёпиб олди. (Ўша, айнан ўзи, – унинг чинқириб юборишига оз қолди.)

Агар иложини топса шом қоронғусида ҳавзадан булутдек паға-паға кўтарилаётган буғ тўзони ичига сингиб кетар эди. Виждонан айтганда у ўзининг ярим яланғочлигидан уялди. У савдогарнинг хотинини таниди, бир неча йил муқаддам, довон ортида, жанубда шу қизни таҳқирлагани эсига тушиб кетди. Шу ўтган йиллар давомида у ўша машғум воқеани унутолмай виждони қийналиб юрди. Алоғ-чалог

туш каби хотирида сақланиб қолган шу воқеани ҳар эслаганда ўзини ёмон кўриб кетар эди. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, шу ҳавзада ўша қизни тасодифан учратиб қолгани жуда оғир таъсир қилди – у ҳаво етмаётгандек нафас ололмай қолди-да, сочиқни юзидан юлқиб олди.

Унга бошқа эътибор бермай савдогар сувдан чиқиб хотинининг тепасига борди.

– Сенам энди бир шўнғиб чиқсанг ёмон бўлмасди, – деди у хотинининг қўлтиғидан беозоргина қучиб. Аёл бамисли сезгир мушук сингари суяқдор тирсақларини хиёл кўтарди ва оёқларини букиб олди. Сув мавжланиб унинг даҳанига қадар кўтарилди.

Савдогар ўзини сувга отди, сўнг сочлари тўкилиб ялтираётган бошидан ҳовучида сув олиб қуя бошлади.

У аёлни зимдан кузатишга ўтди. Сув хийлагина иссиқ бўлгани учун бўлса керак аёлнинг қошлари чимирилиб, кўзлари қисилиб кетди. У бир замонлар, ҳали қизлик маҳалида таҳсинлар ўқиган қуюқ ва хурпайган сочлари сув сатҳига тўкилиб, бамисли вазмин зеб-зийнат каби тўлганарди.

Ҳавза беҳад катталигидан, бу бошидан нариги бошига қадар дам олмасдан сузиб бориш анча қийин эди, чамаси шу сабабдан, аёл нариги қирғоқда турган йигитни таниёлмади. У хаёлан аёлдан ўтиниб кечирим сўради. Эҳтимол, мен туфайли шу дардга дучор бўлгандир, дея ўйлади у. Назарида аёлнинг бутун аъзойи-баданидан чеккан азоб-уқубатлари сезилиб турар ва бамисли мени не қўйларга солганингни кўриб қўй дея ёзғираётгандек бўлар эди.

Шифобахш сувлар масдаридида ҳамма савдогарнинг шол хотинига кўрсатаётган чексиз меҳрибонлиги ҳақида гапирарди. Бу қирқ яшар эркакнинг

бедаво дардга йўлиққан хотинини садоқат намуна-сини намоиш этган каби минг бир эҳтиётлик билан сув ҳавзасига ҳар куни олиб келишида, ҳақиқатан ҳам, кўнгилни эритадиган алланима бор эди. Савдогар асосан қишлоқ ҳавзасидан фойдаланар, меҳмон-хонадагига деярли кирмас эди, шунинг учун бугунга қадар бу аёлни кўриш насиб этмаган, ўз-ўзидан бир замонлар яқиндан билган қизчани учратолмаган эди.

Ниҳоят, савдогар сувдан чиқди ва худди яқин ўртада бегона эркак борлигини унутгандек ҳавзага олиб тушадиган зинада, хотинининг кийимларини бира йўла кийдиришга осон бўлиши учун тайёрлай бошлади. У аввал ички кийими билан кимоносининг енгини устки ёпқичга кийгизиб олди-да, сўнгра ҳавза ёқасига келиб, хотинини зина юқорисига кўтариб олди. Аёл яна боягидек зийрак мушукка ўхшаб оёқларини букиб олди. Савдогар уни ерга ёйиб қўйилган кийим-кечак устига ўтқазиб, ўрта бармоғи блан иягидан кўтарганча сочиқ билан бўйнини артди. Сўнгра тароқни олиб, сочларини яхшилаб таради ва худди гулнинг очилиб қолган оналигини гулбарглр билан беркитаётгандек уни кийинтира бошлади.

Кимоносининг устидан белбоғини боғлагач савдогар хотинини эҳтиёткорлик билан, уринтирмай опичлаб олди-да ой нурлари ёритган дарё ёқасидаги сўқмоқ бўйлаб йўлга тушди. Савдогар елкасидаги хотинини маҳкам тутган мушакдор билаклари олди-да аёлнинг шалвираган оппоқ бемажол қўл-оёқлари ҳаддан ташқари ориқ туйиларди.

У узоқлашиб бораётган савдогарнинг ортидан қараб турди-да дафъатан кўзлари ёшланиб, бу шукроналик, риққат ёшлари ёноқларидан оқиб тушди.

– Барҳақ эгам! – дея чин дилдан шивирлади у.

У, аёл менинг гуноҳим эвазига бахтиқаро бўлган, деб нотўғри ўйлаётганини англади. Инсон боласи ўзига ўхшаган инсонни бахтсиз қилишга қодир эмаслигини тушуниб етди.

Хаёлан ундан кечирим сўрагани хато эканлигини англаб етди. Таҳқирлагани учун ўзини айбдор санаб, ўша кимсадан оёқости қилгани учунгина ва шунинг учун хўрланган ҳисобланувчи одамдан кечирим сўрашнинг ўзиёқ – такаббурлик аломати эканини тушуниб етди. Инсон ўзига ўхшаган инсонни таҳқирлашга қурби етмаслигини тушуниб етди.

– Ё раббим, нақадар қудратлисан! – дея хитоб қилди у ва ажабо, назарида шарқираб оқаётган дарё сувлари худди унинг иқрорини тасдиқлаган-у, номаълум йироқларга етказиш учун ошиқаётгандек туйиларди.



## ЦЕРЕУС

Мана уч йилдирки, Комия ёз фаслида, кечаси очиладиган цереус гулини томоша қилишга рафиқасининг синфдош дугоналарини таклиф қиларди.

Бу сафар биринчи бўлиб Мураяма хоним меҳмонхонага кириб келди.

– Нақадар фусункор! Бирам чиройли... Бодроқдай очилган гулларини!.. Ўтган йилдагидан ҳам гўзал ва мафтункор! – дея завқланиб хитоб қилди у, – янглишмасам, ўтган йили шу маҳалда етти дона эди гули, бу йил нечтаси очилибди?

Эски европача услубда ёғочдан қурилган уй сингари кенг ва баланд шифтли қилиб ишланган хонада стол-стуллар бир чеккага суриб қўйилган, остига юмалоқ таглик қўйилган гултувакдаги цереус ўртада турарди. Гултувакнинг баландлиги Мураяма хонимнинг тиззасидан келмасди-ю, лекин барқ уриб очилаётган гулнинг ўзи одам бўйидан тикроқ эди.

– Қордек оппоқ, ғаройиб гуллар... Худди эртақлар оламидан келиб қолганга ўхшайди... – Мураяма ўтган йили ёзда ҳам гулларни шундай дея таърифлаганди. Нимасини айтасиз, бурноғи йили гулларни илк бор кўриб завқланганида ҳам тўлқинланиб шундай деган эди...

Мураяма хоним цереусга яқин бориб бир неча дақиқа унинг гулларини завқ билан томоша қилиб

турди, кейин Комияга юзланиб, таклиф этгани учун миннатдорчилик изхор қилди.

– Тосико, – деди Комиянинг ёнида турган қизга мурожаат қилиб, – шу бугунги оқшом олам-жаҳон ҳузур-ҳаловат туйиб, лаззатланишимга имкон яратиб берганлигинг учун сенга ҳам алоҳида ташаккур билдираман. Улғайиб, янаям очилиб кетибсан, кўзим тегмасин!.. Цереус ўтган йилдагиданам кўркамроқ, нафисроқ гуллабди... Сен ҳам Тосико, шу гулга ўхшаб етилибсан...

Қиз Мураямага қараб қўйди-ю, лом-мим демади. Унинг мусаффо нигоҳида на хижолат, на истехзо аломати акс этарди.

– Уни жуда катта меҳр билан парвариш қилган бўлсангиз керак, қаранг гуллаганини...– деди Мураяма яна Комияга юзланиб.

– Бугун кечаси цереус унуқа-мунақа гулламайди, – деди Комия ва кетидан, «шунинг учун бирдан сизни таклиф қилгим келиб қолди», демоқчи бўлди-ю, бироқ лозим топмадими, индамади.

Кугэнумадаги денгиз соҳилида жойлашган уйи Комиянинг Хаямадаги уйига яқин бўлгани сабабли, Мураяма хоним бошқалардан эртароқ келганди. Комия биринчи бўлиб: «Бугун кечаси гуллайди», дея унга қўнғироқ қилган эди. Мураяма ўша куниёқ Токиодаги дугоналарига қўнғироқ қилиб, бу хабарни уларга етказган эди. Бешта дугонасидан иккитаси ҳар хил баҳоналар билан келолмайдиган бўлишган, яна биттаси эрим келсин, бир гап бўлар, дея мужмал жавоб қилганди, ёлғиз Имадзата хоним билан Омори хонимнинг келиши аниқ. Улар борамиз, деб қатъий ваъда беришганди.

– Бундан чиқди уч киши бўлар эканмизда?! Ўтган йилдагиданам кам-а? – деди куйинчаклик билан



Омори хоним. – Бўпти, унақада Симаги хонимни таклиф қиламиз, нима дедингиз?

– Ростданам! Шу чоққача бир марта ҳам чақирмабмиз-а, ўзим ҳам ҳайронман.

– Мактабдошлар ичида битта шу Симаги ҳалиям эрга тегмаган, шекилли, – деди Мураяма.

Тосико ўрнидан туриб цереусни айланиб ўтди-да, эшикка қараб юрди.

– Тосико, – деб чақирди ортидан Мураяма, – биз билан гулларни томоша қилишни истамайсизми?!

– Мен томоша қилиб бўлдим.

– Эсиз, томоша қилишга улгурдингизми дарров?! Отангиз биланми? Гулларнинг қанақа очилганини бизга айтиб беролмайсизми?

Қиз хонимга жавоб беришни ҳам лозим топмай хонадан чиқиб кетди.

«Улар очилаётганда, гўё шабада эсиб, оҳиста тебратаётгандек бўлади, гулларга қараб тўймайсиз, худди нилуфарнинг гулига ўхшайди» – Комиянинг бурноғи йили шундай деб тушунтиргани Мураяманинг хаёлидан ўтди.

Чамаси, Тосико онасининг дугоналарини унчалик хуш кўрмасди.

– Балки, унга Сатикони эслашларимиз ёқмас... – деди Мураяма Комияга юзланиб, – менга қолса Сатикоингиз шу ерда бўлишини истардим, гулларни бирга томоша қилиб ўтирардик. Айтганча, жаноб Комия, агар Сатико сизни ташлаб кетмаганда, цереус ўстиришни хаёлингизга ҳам келтирмаган бўлардингиз, тўғрими?

–...

Иттифоқо бурноғи йили, ёз оқшомларининг бирида Мураяма хоним Комиянинг илтимосига биноан, уларникига келганди, ўшанда Тосиконинг

онасини уйга қайтариб келиш хусусида гаплашиб олишганди. Цереуснинг гуллашини у биринчи марта ўшанда кўрган ва Сатиконинг мактабда бирга ўқиган дугоналари билан яна келиб томоша қилиш учун розилик сўраганди...

Кўча томондан келиб тўхтаган машинанинг товуши эшитилди. Имадзата хоним келган эди. Соат миллари тўққиз яримни кўрсатарди. Цереус гуллари – бир кечалик гуллар. Улар кечқурун очилиб, тунги икки ё учларда сўлиб қоларди. Йигирма дақиқалардан кейин Омори хоним билан Сумико Симага ҳам етиб келишди. Мураяма Сумикони Комияга таништирар экан:

– У ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, – деди беғубор жилмайиб, – қаранг, ойдеккина, турмушга ҳам чиқмаган...

– Эрга тегмаганимнинг сабаби, соғлиғим кўтармайди, – деди Сумико гулларга мафтун бўлиб боқар экан. Меҳмонлар орасида гуллаётган цереусни ёлғиз Сумикогина биринчи кўриши эди. У гулни томоша қилар экан бамисли мўъжизага дуч келган одамдек ҳайратланарди.

Ҳар битта гул узун япроқ учидан ўсиб чиққан гулбандда жойлашган эди. Қордек оппоқ, йирик гулларланг очик деразадан кираётган енгилгина шабадада оҳиста чайқаларди. На гулбарглари узун-узун, оқ хризантемаларга, на оппоқ картошкагулларга ўхшамайдиган цереуснинг гуллари ниҳоятда бетакрор ва беназир эди. Улар бамисли хаёллар тўлқинида чайқалаётган ҳис-туйғуларни эслатарди. Бамбукдан тирговучлар қўйилган учта новданинг учида, шапалокдек ям-яшил япроқлар орасида, айниқса, ғуж-ғуж ғунчалар очилай-очилай деб турарди. Цереус – кактусга ўхшайди – тўкилган эски барглар ўрнига янги-

си чиқар эди. Хар бир гулнинг ўзагидан узун оналик уруғи ўсиб чиққан эди.

Гулларга махлиё бўлиб, Сумико ёнига келган Комияни пайқамай қолди.

– Эндиликда Японияда ҳам кўпчилик цереус етиштиряпти, – деди Комия, – аммо бир кечада ўн учта гул очилиши камдан-кам юз берадиган ҳодиса. Биз эккан цереус бир йилда олти-етти марта гуллайди, бугун эса, айниқса, шукуҳли.

Комия эндигина очила бошлаган нилуфарга ўхшаш йирик гунчани кўрсатиб, буниси эртага тунда очилади, деди, сўнг шаклан қизғиш ловияни эсла-тувчи бир нечта куртакларни ушлаб кўрди-да, буларидан барглар чиқади, ановиларидан эса гул ҳосил бўлади, дея тушунтирди.

– Бир ойдан сўнг митти куртаклар чаппар уриб очилган гулга айланади, – деди Комия.

Сумико чуқур нафас олган эди, гулларнинг чучмал ҳидидан боши айлангандек бўлди. Ҳид нилуфарнинг ҳидидан чучмалроқ ва ўткир бўлса ҳам кўнгилга урадиган эмасди.

Сумико стулга ўтирди ҳамки, цереусдан кўзини узмасди.

– Вуй, скрипка чалишяпти, шекилли!... Ким скрипка чалади уйингизда? – деб сўради куй оҳангларига қулоқ сола туриб.

– Қизим, – дея жавоб қилди Комия.

– Нақадар хушоҳанг мусиқа... Қанақа куй бу?

– Аниқ билмайман.

– Гуллаётган цереусга муносиб гўзал куй экан, – дея шивирлади Омори хоним.

Сумико шифтга боқиб хаёлга чўмди, бироздан кейин оҳиста юриб, боққа чиқди. Яқин атрофда денгиз чайқаларди. Хонага қайтиб кирганда у:

- Қизингиз иккинчи қаватнинг пешайвонида экан... Хайронман, у негадир денгизга тескари ўгирилиб олиб чалаяпти. Яна ким билади, балки кўнгли шуни тусаётгандир.



## ЧИРИЛДОҚ БИЛАН ЧИГИРТКА

Мен университетнинг ғишт девори ёқалаб бориб, мактаб биносининг қаршисидан чиқиб қолдим. Мактаб ҳовлиси энсиз тахта панжара билан ўралганди. Гуллари тўкилиб битган сақуранинг қорамтир шохлари остидаги қуриб-қовжираган ўт-ўлан орасидан чириллаган овоз эшитиларди. Мен қадамимни секинлаштириб, нафас чиқармай қулоқ сола бошладим. Сўнгра чирилдоқнинг сайрашини давомлироқ эшитиш учун, аввал ўнгга, кейин чапга бурилиб девор бўйлаб кетдим. Девор ортида атрофига апельсин дарахтлари экилган тепалик жойлашганди. Тепалик поёнига етиб борган заҳоти энтикиб, кўзларим қамашиб кетди: мен бораётган томонда қоғоздан ясалган ранг-баранг фонуслар камалакдек товларди – бамисли бир тупканинг тагида жойлашган кишлоқда байрам бўлаётгандек. Ҳали уларга яқинлашмасимданоқ фаҳмладимки, болалар чирилдоқ тутиш учун тўпланишган.

Фонуслар тахминан йигирматача эди. Улар орасида қизили ҳам, яшили ҳам, сариқ ранглиси ҳам бор эди. Биттаси беш хил рангдаги қоғоздан ясалганди. Яна бири, жажжигина қирмизи ранг фонус, шубҳасиз, фабрикада ишлангани сезиларди. Бошқалари эса – оддийгина, тўртбурчак, лекин ғоят чиройлиларини очиғи, болаларнинг ўзлари ясаганди. Бунақанги бор-йўқлигининг ҳеч кимга қизиғи йўқ тепаликда, ғаройиб фонус кўтариб олган йигирмата боланинг

тўпланишига ҳайратомуз ҳодиса рўй бериши керак эди. Мана масалан, айтайлик... Иттифоқо, кечки пайт бир бола тепалик бағрида чирилдоқларнинг чириллашини эшитиб қолади. У бориб дўкондан қизил фонус сотиб олади-ю, эртасига қош қорайган маҳал, чирилдоқларни излаб топиш учун шу ерга келади. Бир кундан кейин яна биттаси унга қўшилади. Унинг фонус сотиб олишга пули бўлмайди. Шунинг учун у картон қутича олиб, уни ёнидан қайчи билан қирқиб, тирқиш очади, сўнг ўша ерига юпқа қоғоз ёпиштиради. Кейин қутичанинг ичига шам ўрнатади ва ипга осиб қўяди. Қарабсиз-ки, фонус тайёр.

Шу тариқа қўшилаётган болаларнинг сони аввалига бешта, кейин эса еттитага етади. Энди улар қоғозга рангли суратлар чизишни ўрганиб олишади. Бу навқирон мусаввирларимиз қутичанинг ёнларида доира, учбурчак, ҳалқа шаклида исмлари ёзилган тирқишчалар қирқиш, буларнинг устидан гоҳ қизил, гоҳ яшил, гоҳ яна аллақандай рангли юпқа, ранг-баранг қоғозлар ёпиштириш мумкинлигини тушуниб қолишади. Улар ясаган фонуслар бағоят чиройли чиқади. Натижада фабрикада ясалган қирмизи фонусларнинг эгалари ўз фонусларини ахлатга ташлаб юборишади, бошқа болалар ҳам жўнгина ясалган қўлбола фонусларидан воз кечишади. Ҳаммаларининг назарида кеча ясалган фонус бугун ҳеч нарсага ярамайди, шу боис картон қути, қоғоз, мўйқалам, қайчи, қаламтарош ва мумнинг бозори чакқон бўлиб қолади – ўхшаши йўқ, фусункор нарса ясамаса бўлмайди-да энди! Фонусни кўриб барчанинг кўзи ўйнасин! Фусункор, бунинг устига одамнинг завқини тоширсин! Мана шунақа фонуслар билан болалар ов қилишга боришмоқчи эди...

Мен болаларнинг тепалик этагида тўпланиб туришларининг сабабини шундай, деб фараз қилдим.

Болаларни томоша қил: 5 турганимда, дафъатан бир нарсани сезиб қотиб қолдим. Тўртбурчак фонусчалар қадимий китоблар сингари суратлар билан безатилган эди. Лекин бу фонусчаларга фақатгина гуллар эмас, ундаги қоғозни қирқиб ёзилган болаларнинг исмлари ҳам алоҳида чирой бахш этарди. Исихико, Аяка... Булар дўконда сотилаётгани эмас, мутлоқо ўзгача фонуслар эди. Уларнинг ёни партондан бўлгани ҳамда туйнукча оғзи нақш чизилган ҳарир қоғоз билан тўсилгани сабабли шам ёғдуси фақатгина мана шу зийлардан таралиб чиқарди. Йигирмага яқин турли рангдаги доғлар ерда сочилиб ётарди. Болалар чўкка тушиб олганча уларни бир ерга жам бўлиб тўпланишга сабаб бўлган чирилдоқлар товушини тинглашарди.

«Мана чирилдоқ! Кимга берай?»– дея тўсатдан қичқириб қолди бола. У бошқа болалардан бир қаддамча нарироқда кўзлари билан майсалар орасида олма-кесак терарди. «Менга! Менга!» – деганча бир талай бола уни ўраб олишди, улар ҳам майсалар орасидан нимадир излагандек аланглашарди. Бола ўзига узатилган кўлларни итариб ташлади. У чап кўлидаги фонусни боши узра азот кўтарди-да боя яхши эшитмай қолган болаларга қарата яна қичқирди: «Чирилдоқ! Чирилдоқ! Кимга чирилдоқ!»

Унинг ёнига яна бир талай бола югуриб келди. Уларнинг биттаси ҳам ҳали чирилдоқ тутолмаганди.

«Чирилдоқ! Чирилдоқ! Кимга чирилдоқ!»

Болаларнинг бу издиҳомига яна бир-иккитаси қўшилди.

«Менга бер! Менга бер!» – дея қичқирди ҳам-манинг ҳавасини келтираётган боланинг ортидан

яқинлашиб келган қиз. Бола оҳиста ўгирилиб унга қаради, фонусини чап билагига ўтқазиб олди-да, ўша заҳоти бажонидил ўнг қўли билан майсалар орасини пайпаслай бошлади.

– Мана!

– Менга бер, берақол, илтимос!

Бола ўрнидан туриб қаддини ростлади-да, тантанали қиёфада мушт қилиб тугилган кафтини узатди. Қиз фонус боғланган чилвир ипни чап билагига осиб олди ва унинг муштини кафтлари орасига олди. Бола секингина кафтини очди. Қиз ҳашоратни бош ва кўрсаткич бармоқлари билан ушлади.

– Вой-бўй, катталигини! Қанақасига чирилдоқ бўлсин! Ростакам чигиртка-ку! – Жажжигина, жигарранг беозорликни кўриб, қизнинг кўзлари чарақлаб кетди. «Чигиртка, қора чигиртка!» жўр овозда қичқиришди болалар ҳасаддан ичлари куйиб. «Ростакам қора чигиртка!»

Қиз маъноли кўзлари билан валинеъматига бирровгина қараб қўйди-да, белига тугиб олган қутичани очди ва чирилдоқни солиб қўйди. «Ҳа, чинданам қора чигиртка», – дея минғирлади бола. У қизнинг юзига мўъжизакор қизил фонуснинг ёғдусини туширди – қиз қутичани кўзига яқин келтирганча ичидаги чигирткани завқ билан томоша қиларди.

Бола қизга тикилиб қолди. Бахтиёр табассуми унинг дилидагини билдириб қўйди. Мен эса бу манзарани боятдан бери кузатиб турган бўлишимга қарамай, унинг ниятини энди тушуниб етдим ва ўзимнинг бефаҳмлигимдан ҳайратга тушдим. Шу дақиқаларда яна бир марта ажабланишимга тўғри келди. Бунга қаранг-а! На бола, на қиз, на улардан кўз узмай турган ўртоқлари ҳеч вақони сезишмабди. Ваҳоланки, қизнинг кўксига оч яшил рангда Фуджио,



деган ёзув рўйи рост кўриниб турарди. Қутичани яхшироқ ёритмоқчи бўлган боланинг фонуси оппоқ кўйлагига жуда яқин тургани учун картонга иероглифлар билан ёзилган унинг исми – Фуджио – қиз кўксида яшил тусда жилоланарди. Қизнинг чап биллагига осилган фонус чайқаларди. Боланинг қорин қисмида қизғиш доғлар бамисли рақсга тушаётган каби иероглифлар тинмай тебранар, бироқ бу нурли рақсда озгина ҳафсала қилган одам қизнинг исмини ўқиб олиш мумкин эди. Унинг исми Киёко эди. На Фуджио, на Киёко яшил-қизғиш нурлар жилваси ичра буни кўришмади. Дарвоқе, бу оддийгина жилванинг ўзимиди?

Фараз қилайликки, Фуджионинг Киёкога чигиртка ҳадя қилганини болалар умрбод эсдан чиқаришмас. Бироқ ўзининг яшил рангли иероглифда ёзилган исми Киёконинг кўксида, «Киёко» деган қизил иероглифлар эса ўзининг қорнида акс этишини етти ухлаб тушида ҳам кўриши даргумон. Киёко кўксида «Фуджио» деган яшил иероглиф порлаб турганини, ўзининг қирмизи иероглифда ёзилган исми эса боланинг кўйлагига акс этишини ҳеч қачон кўрмайди...

Сендан ўтинииб сўрайман, болакай: балоғатга етганингда, албатта, «Мана сенга чирилдоқ» дегин-да, Киёкога чигиртка тухфа қилгин. Шунда қиз: «Наҳотки, шу чирилдоқ бўлса» десин. Сен эса, Фуджио, бу дам унинг шодлигига шерик бўласан ва икковингиз яна жилмаясиз. Шунда сен яна: «Мана чигиртка» деб такрорлайсан ва унга чирилдоқ тухфа қиласан. Киёко эса ҳафсаласи пир бўлиб: «Йўғ-е!» – дейди ва сиз яна жилмаясиз.

Яна. Гарчи, бошқалардан нарироқ бориб япроқлар орасини титкилашга фаҳминг етгани билан бари-

бир, мени айтди, дерсан, сен чигиртка тополмайсан, Фуджио. Ўрнига сен ўзинг учун чирилдоқ-қиз топиб олиб, уни чигирткага ўхшатишинг мумкин. Лекин охир-оқибат сенинг дилингга маҳзун хаёллар оралайди ва кунлардан бир кун хаттоки ҳақиқий чигиртка ҳам бор-йўғи чирилдоқдек туйила бошлайди. Мен эса сен ўз фонусингга хос кўкиш ёғдунинг нақадар мафтункорлиги ва Киёконинг кўксигадаги кўзга ташланмаётган нурли ҳалқаларнинг нажотбахш экани ҳақида ҳеч вақо билмаслигингни ўйлаб, ўкинч билан хаёлларга толаман.



## ТАҚДИР

Мен саёқ бир актёрнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман, буни сув муолажасига борганимда ўзининг оғзидан эшитган эдим. Эҳтимол, бу ҳикоя бироз ҳаётга тўғри келмас, қандайдир тўқилган, ҳаёлийдек туйилар, бироқ бу санъаткорнинг ҳаёти чинданам қадим афсонага ўхшар эди.

Шу йилнинг июнь ойида Ямагатага кетаётган чоқда йўл-йўлакай қайноқ булоқлар диёрига кириб ўтаман, деб ният қилгандим. Бунинг сабаби Ямагата вилоятидаги денгиз соҳилида жойлашган мана шу курортда бир замонлар марҳум дўстим кўпинча дам оларди. Борди-ю, шундай қилсам Токиога нарисибилан бир кун кечроқ келардим, ҳар ҳолда бу табаррук заминдан ўтаман барибир.

Дўстим бу ерлардаги қумтепаларнинг қуёш ботаётган паллада бағоят гўзал манзара касб этиши ҳақида кўп гапириб берган эди. Машинам қарағайзордан соҳилга чиқиб борганда кўзим тушган биринчи манзара чинданам қумтепалар бўлди. Мен ҳозиргина ўтиб кетган қарағайзор ҳам, теварак-атрофда ястаниб ётган замин ҳам қумлоқ эди. Шу заминнинг устки қисми юмшоқ ва тўлқинсимон эканлиги бир вақтлар бу ер ҳам қумтепалардан иборат бўлган, деб ўйлашга изн беради. Чамаси соҳилни ҳам, қарағайзорни ҳам, дала-даштни ҳам қум босган эди.

Меҳмонхонанинг иккинчи қаватидаги хонамга юкларимни жойладим-да, ўша заҳоти коридорга

чиқиб денгизни томоша қила бошладим. Қуёш ҳали ботмаган, бироқ кўз ўнгимда ясланиб ётган қумтепаларнинг гўзаллигини ҳис қилмадим. Аксинча, бу манзара менда ўта аянчли ва ғариб таассурот қолдирди. Гир айлана шумтол қад ростлаган, бироқ ҳали гуллаб улгурмаган эди. Ундан ташқари яна у ер, бу ерда хамаю бўлса керак, кўзга ташланар, лекин у ҳам эндигина гуллаш арафасида эди.

Менимча қумтепалар йилнинг маълум бир фаслида муайян соатда, аниқ бир ёруғлик бағрида гўзал кўринса керак. Гоҳи-гоҳида қумнинг ранги умумий манзарага алоҳида бир кўрк бағишласа керак, зеро қумнинг туси қандай бўлиши эса озгина бўлсин осмон жилвасига боғлиқ.

Ҳар келганда мириқиб дам олган дўстим, қумтепалар билан оқшомги шафақ ҳақиқатан ҳам бетакрор ва улуғвор гўзаллик зуҳр этган чоқларда табиатни кузатган бўлса керак. Шулар ҳақида мулоҳаза юритиб, денгизга хаёлчан тикилиб ўтарар эканман, дафъатан уфқнинг ғайритабиий равишда қорамтир экани эътиборимни ўзига тортди. Бу манзара мен Токионинг ғарбий ёки жанубий панорамаларида томоша қилишни хуш кўрган манзарадан ҳийла фарқ қиларди. Бу шимоли-шарқий ҳудуддан бошқа ерда бунақа қорамтир уфқни асло кўрмагандим. Дарахт япроқларининг ранги шамойилига қараганда бу ўлкада ёз фасли Токио сарҳадларига нисбатан бир ой кечикмоқда эди. Бироқ минг қилмасин, ҳозир июнь ойи, дам олувчилар ёзги кимоноларини кўз-кўз қилиб юришарди. Қолаверса, денгиздан ёз фаслининг таровати уфуриб турарди. Балки, шимол денгизларининг шундай бўлмоғи табиийдир.

Фақат уфқ эмас, денгизнинг ҳам ранги қорамтир эди. Хонамдан денгизни томоша қилиб ўтирар экан-

ман, марҳум дўстимнинг бу ерга жуда кўп келгани яна ёдимга тушди-ю, юрагимни бир ғусса чулғаб олди. Балки, бу ерлардаги шафақнинг жозибаси унга шимол ёғдусини эслатгани учун шу ҳақда кўп гапирармиди?!

Лекин кечки овқатни хонамга келтирган ходима билан гаплашсам марҳум дўстим деразалари денгизга қараган хонада туришни истамас, аксинча, денгизга таскари бўлган хоналарда истиқомат қилишни афзал кўрар экан. Таажжуб, одам атай денгиз бўйида жойлашган меҳмонхонага келса-ю, денгизга тескари хонада яшашни ихтиёр қилса, ғалати туйиларкан?! Даставвал мен ажабландим, аммо кейин, балки кимларгадир бу оддий ҳолдир, деган фикрга келдим-у, тинчидим.

– Дўстингиз яшаган хонани ҳалироқ кўрсатаман, – деди ходима. – Ҳозир у ерда бир артист турибди.

– Агар хижолатли бўлса, шарт эмас, – дедим бунга жавобан.

– Хижолатли жойи йўқ... Бу артист адабиёт мухлиси экан, шу сабабдан илгари Кисияма-сан тез-тез келиб турадиган хонада яшаётганини эшитиб жуда қувониб кетдим.

Ходима мижозлар учун тутилган дафтарга қараган бўлса керак марҳум Кисиямага ўхшаб менинг ҳам адиб эканимни билар экан, гапига қараганда Кисияма қачон шу меҳмонхонага келса унинг хизматидан фойдаланар экан, урушдан илгари ҳам, яъни ўн йил муқаддам бу ерга кўп келарди, бироқ ходима кўришишдан анча ёш эди.

– Кисияма-саннинг қизлари катта бўлиб қолгандир-а? – деб сўради у.

– Ҳа, шунақа, – дедим мен. – Ўтган йили фарзандли бўлди. – Кенжа қизи Америкада ўқийди, талаба. Катта қизининг тўйида мен ота бўлиб туриб берганман.

– Қаранг-а!.. Бундан чиқди, Кисияма хоним бир ўзлари яшар эканлар-да. Сиқилиб кетсалар керак битта ўзлари?!

Ходима чиқиб кетди ва кўп ўтмай суврат кўтариб кирди. Бу меҳмонхонага келган Кисияманинг оила аъзолари билан тушган суврати эди. Қизлари ҳали ёш, сочлари кесилган жажжигина қизалоқ маҳали экан. Мен улар орасида, бир чеккада турган ходимани танидим.

– Жудаям ёш пайтлари экан ҳаммалари... – дедим мен. – Катта қизи ҳалиям жуда чиройли.

Мижозлар дафтарида Кисияманинг ўзига хос дастхати билан: «Мингта чашмадан – ўн мингта оқим», – дея битилган ёзувни ўқидим, чап томонидаги бўш ерга: «Умидлар туғени армонлар давоми», деб ёзиб қўйдим-да, бир лаҳза ўйланиб тургач, илова қилиб қўшиб қўйдим: «деган эди бир кун Кисияма». Бу сўзлар унинг қаламига мансуб эмасди, Хитой шоирларидан бирига тегишли эди. Қачонлардир шу сатрларни эсдалик сифатида ёзиб берган эди менга. Ҳозир шу сўзларни эслар эканман, илк бор уларнинг нақадар теран ва сермаънолигини ҳис қилдим. Айни лаҳзаларда қизиқ вазият юз берарди, гўё ушбу меҳмонхонага биз Кисияма билан бирга келганмиз-у, бир пайтнинг ўзида ушбу эсдалик сўзларини ёзиб қолдирганмиз. Кисияма бундан етти-саккиз йил муқаддам дунёдан кўз юмганди, мен эсдалик дафтарида ёнма-ён битилган ёзувларга тикилиб туриб ғалати бўлиб кетдим. Кисияма ўлимга маҳкум кишилардан иборат отряд учун ҳарбий ҳаво базаси вазифасини ўтовчи аэродромда, сирли ҳолатда ҳалок бўлганди.

– Хўп, сиз жаноб Кисияма истиқомат қилган хонани кўргингиз келяптими? – деди ходима ва ме-

нинг хаёлларимни тўзителиб юборди. – Мен артистга айтиб қўйганман, у сизга ўхшаган ижодкорлар билан кўришишдан бошим осмонга етади, деди.

– У гастролга келган эканми бу томонларга?

– Шунақамикин... Қўшни шаҳарда томоша кўрса-тишганда шу ерлик пампан билан танишиб қолган. Труппадан кетиб, у ёлғиз бир ўзи қолганмиш, ўша аёл унга моддий жиҳатдан ёрдам бераётган бўлса керак. Жудаям келишган йигит... Кўча-кўйда ҳам-манинг кўзи унда. – Менинг дастхатим сиёҳи қуриди, шекилли, ходима эсдалик дафтарини тап этказиб ёпди-да, қўшиб қўйди:

– Ўша аёлга ўхшаганларни ҳозир пампан дейишади, илгари эса оддийгина қилиб фоҳиша дейишарди.

Мен ходима билан қуйи қаватга тушдим. У артист жойлашган хона эшиги олдига бориб баланд овозда гапиришга тушди:

– Урю-сан, ҳов Урю-сан, жаноб Ураката келдилар!

Ичкаридан қадам товушлари эшитилди ва сёдзи оҳиста сурилди-ю, илк дақиқаларда одамнинг юзи эмас, алланечук кўркам, оппоқ гул чиқиб келаётгандек бўлди. Хонага кириб ўтиргач, Урюнинг афт-ангори сунъий гулга ўхшар экан, деган хаёл кечди кўнглимдан.

Илтифот билан ҳол-аҳвол сўрагач, актёр гап очди:

– Мен бир пайтлар Кисияма-сандек инсон яшаган хонада яшаш бахтига муяссар бўлганимдан бағоят хурсандман. У зоти шарифларининг асарларини коллежда ўқиб юрган кезларим кўп мутолаа қилардим.

«Коллежни тугатган саёқ актёр. Таажжуб!» дея ўйладим мен, лекин бошқа нарса ҳақида сўз қотдим:

– Маъзур тутасиз-у, бироқ денгиз бўйидаги меҳмонхонага келиб денгизни кўриш иложи йўқ хонани танлаш ғалати эмасми?

– Ғалатиликка ғалати, – дея гапимни тасдиқлаган бўлди актёр. – Бироқ менинг шундай дардисар касалим борки, осмонга ҳам, денгизга ҳам узоқ тикилиб қаролмайман. Икки дақиқа ўтар-ўтмас кўз олдимда қора доғлар пайдо бўла бошлайди, пировардида ҳеч нарса кўринмай қолади. – Урю тўхтади ва кўзи ожиз одамга тақлидан киприкларини пирпирата бошлади. Унинг кўзларида ўзи истамаган ҳолда ўйин қилаётгани сезиларди. Бу кўзларнинг оҳанграбоси бор эди. Назаримда қаердадир, қачонлардир худди шунга ўхшаб кўзлари чаросдек товланган қизни учратганман-у, унинг мафтункор нигоҳи қалбимга бир дунё армон солиб кетгандек кўйга тушдим. Урюнинг кўзлари қиз боланинг кўзларига ўхшарди. Бу кўзларни мунгли бир парда қоплагандек эди-ю, айти чокда ҳам мусаффо, ҳам равшан юлдуздек чарақларди. Бу унинг нигоҳига бир жоду, бир риёкор тус бахш этар, сизга шу кўзларнинг ич-ичидан битта кўз тикилиб қараётгандек туйиларди. Ажабо, шу билан бирга мана шу ҳам чиройли, ҳам аломат кўзларда кўнгилсиз бир нима борлиги сезилиб турарди.

–... Аллақандай қора-қура доғлар кўз олдимда живирлаб тургандек бўлади. – дея такрорлади Урю. – Баъзан менинг ҳаётим, менинг гуноҳларим, менинг қалбим, қолаверса, шаънимни булғаган иснодлар гўё мана шу тарзда қора кўланкаларга айланган-у, мени безовта қилаётгандек туйилади.

– Ҳм... – деб қўйдим мен жавоб беришга шошмай. Сўнг столда ётган қизғиш гардишли қора ойнали кўзойнакка тикилиб турдим-да, сўз очдим: – Биласизми, мен ҳам энгилроқ даражада шу дардга



мубталоман, шекилли. Менам гоҳо-гоҳо кўз олдим хиралашиб, боя айтганингиздек, қора-қура доғлар живирлай бошлайди. Назаримда, Кисиямада ҳам бор эди бу...

– Агар янглишмасам, – деди Урю, – жаноб Кисияма ўзларини дзуйхицуларидан бирида кўз олдимда қандайдир қора чизиқлар узук-юлуқ ришталар сингари ёниб-ўчиб туради, деб ёзганди. Улар гир айланмаган ёки билангламаган, кўзойнакнинг ойнагига ёпишиб қолган зарралар каби тиниқ кўришга ҳалал берган.

– Тўгри, – дея тасдиқладим мен.

Ажабо, неча ёшга чиққаникин у? Бир текис, хиёл қизарган ёноқларига қараганда бу хушрўй йигит ҳали жуда ёшга ўхшарди. «Ўттизга ҳам чиқмагандир», – деб ўйладим мен ва ҳовлига кўз ташладим

– Наҳотки, Кисияма денгизга келиб, мана шу ҳовлини томоша қилиб ўтиришни маъқул деб ҳисоблаган?! – дедим дилимдагини ошқора қилган бўлиб. – Бу ерда ҳеч вақо йўғ-у томоша қиладиган?!

Ҳовли тор ва зах эди. Рўпарада яна битта икки қаватли бино қад ростлаган. Ҳовлида бир неча туп яхшилаб буталангани учунми, беўхшов қиёфага кирган дарахт ўсарди; манзара учун қўйилган тошлар анча кичкина эди. Ямагата вилоятида манзарали ҳамда бутасимон дарахтларни афзал кўришади, шекилли. Йўлда келаётган чогида ҳар қадамда яшнаб очилган гулларни кўриб завқи тошганди, бу ерда эса, умуман бир туп гул кўринмади.

– Менимча, Кисияма-сан ҳовлини томоша қилиш учун бу хонани танламаган. – деди Урю. – Бу дераза ёруглик тушиб туриши учун зарур бўлган, холос. Деразадан ҳеч диққат-эътиборни чалғитадиган бирон нима бўлмагани учун бу хонани яхши кўрган.

Мен қизиқарли суҳбат чоғида бу саёқ актёрни яна диққат билан кузатдим. У тик ёқали трикотаж кўйлак устидан янгигина ёзги кимоно кийиб олганди, эркакларга ҳозир худди шунақа кўйлак кийиш расм бўлган эди, бироқ менимча, кимоно билан сира тўғри келмасди. Урю кўйлагининг ёқасини тўғрилаб кўйган бўлди-да, бошини буриб дераза томонга қаради. Мен эркак кишининг бўйни бу қадар кўркам эканлигидан ҳайратга тушдим. Сал нозикроқ бўлганида аёл кишининг бўйнига ўхшарди, деган хаёл ўтди кўнглимдан.

– Демак, сизнингча Кисияма ҳеч нарса кўринмагани учун бу хонани яхши кўрган бўлса керак, шундайми? – дедим мен дона-дона қилиб. – Жуда ғалати ва шу билан бирга қизиқарли фикр! Лекин айтингчи, мана сиз актёрсиз, тўғрим, фақат кўрсатиш, намоёйиш этишни яхши кўрасизми ёки гоҳо-гоҳо бўлсин, томоша қилишни ҳам истайсизми?

– Нима десам экан... Мен ям-яшил майсаларни яхши кўраман, дов-дарахтларни ҳам...

– Дов-дарахтларни? Менам шунақа, фақат катта дарахтларни яхши кўраман.

– Мен кичкина ниҳолларни ҳам, катта-катталариниям яхши кўраман.

– Бироқ ҳеч нарсага қарамаслик тўққиз йил бадалида деворга қараб ўтирган Бодидармага тақлидан яшамоқ дегани-ку!..

– Кекса одамлар, очиғи шундай яшайдилар. Мен мункиллаб қолган, беш кунлиги борми, йўқми номаълум, ўлимини кутаётган чолларни назарда тутаяпман.

– Гапингизда жон бор, – мен унинг фикрига қўшилган бўлдим ўзимча.

– Менинг қишлоқдаги қариндошларим орасида тўқсон еттига чиққан чол бор. У қишлоғимизнинг

энг улуғи. Ўғли, биз уни «кичкина бува» деймиз, етмишдан ошган. Май ойида уларни кўргани бордим. Тўқсон етти яшар қария кун-уззукун ётгани учун қачон ухляпти, қачон уйғоқ, билолмайсиз. Ўн беш йилдан ошибди-ки, болахонада бир ўзи туради, унинг ҳолидан қари бир кампир хабар олиб туради. Урушдан кейин, биласиз, заминдорларнинг ерлари мусодара қилинган, бунақа ишлар билан одамларнинг куни ўтмай қолди. Шунинг учун қари энага кўпроқ далада қолиб ишлапти, чолга қарашга қўли тегмайди. Кўпинча болахонанинг деразасини очиб қўйишни ҳам эсдан чиқариб қўяркан. Баъзан, ўшандаям эсида турган бўлса қия очиб қўяркан-ки, ёруғ тушиб турсин деб. Ҳаво булут кунлари умуман очмас экан. Қишда очмаса хўп-хўп, тушунаман, кунлар исиб кетганда ҳам аҳвол шу. Мен буни айтмоқчи эмасман, ҳамма гап шундаки, чол кун билан тунни ажратолмай қолган. Ҳеч нарсани кўролмаслигининг исботи эмасми бу?!

– Эҳтимол, лекин кўзи хиралашиб қолган бўлса-чи?!

– Билмадим, лекин кўзига парда тушмагани аниқ, кўзлари мусаффо, ҳалиям чиройли. Менимча, кўзи ўткир. Кўришга кўради, кўзининг қуввати етар-у, боши кўрмаса керак. – Шундай дея туриб Урю қари одамнинг кўзларига тақлидан аланг-жаланг қилиб менга қаради: у тақлидчиликни жуда ўринлатарди.

– Кўзлари чиройлимиди, – дедим мен, – авлодингизга хос экан-да бу.

– Чолнинг кўзлари чинданам чиройли эди, бизнинг томиримизда айни шу чолнинг қони оқаётган бўлиши мумкин. Ёшлигида қариянинг териси оппоқ бўлган экан, дейишади, қариб, тоза ҳавога умуман чиқмайдиган бўлган, рангпар сариқ бўлиб қолган

экан: кўлини ушаласангиз муздек, терисининг ости-даги майда томирлари ёрилиб, қизғиш чувалчангга ўхшаб туради.

Шундан сўнг Урю қариянинг соч-соқоли кумушдек оппоқ экани ҳақида гапириб берди. Етмишдан ошган ўглининг соч-соқоли мош-гуруч экан. Отасида эса бир дона қора ёки сарғиш тук тополмас экансиз.

– Мана шу оппоқ бадани билан кумушранг сочининг фониди, – дея гапини давом эттирди Урю, – тим қора кўзлари алоҳида чарақлаб туради, кўрган одам борки, ҳайратга тушади. Ўйласам, мана шундай мафтункор кўзларнинг кўрмаслигига чидолмай, хўрлигим келиб, йиғлаб юбораман.

– Сизни тушунаман, – дедим мен ҳамдардлик оҳангида. – Бунақа узоқ умр кўришнинг ўзи катта бахт аввало – насаб, таъбир жоиз бўлса, Худо ато этган неъмат! Шу ёшга кириб, ўз ажали билан жон берадиган одамлар Бодидарма медитациясига муҳтожлик сезмаса ҳам керак.

– Тўғри, – дея маъқуллади Урю. – Уруш пайтида, тахминан ўн йил муқаддам, қария ҳам оғир дамларни бошидан кечирган. Мен... сизга айтсам, ўша кезлари, номи бор, ўзи йўқ дейишади-ю, Японияда шундай яшардим. Тириклар рўйхатида қайд қилинмаганман, ўлганлар рўйхатида йўқман – қисқаси, дом-дараксиз йўқолган эдим. Ўликманми, тирикманми, ўзимам билмасдим, ўз ажалим билан ўламанми, тутиб олиб отиб ташлашадими, Худога аён. Айни шунда, бир куни, қишлоғимни жудаям соғиндим. Кийимимни ўзгартириб йўлга тушдим. Ярим кечада, яширинча болахона томондан кириб бордим уйга. Мен шунчалар эҳтиёт бўлиб қадам босардимки, тавба, оёқ товушимни ўзим ҳам эшитмасдим. Уйнинг сурма эшиги тақа-тақ ёпиқ, нима қилай, бошим

қотиб қолди. Шу чоқ ичкаридан баланд овозда: «Ким у? Арвоҳмисан, ўғримисан? Ё Момосукэмисан?» деган овоз келди. Момосукэ менинг исмим. Мен нафасимни ичимга ютиб туравердим. Қария касал боқувчи энагани чақирди: «Ҳой кампир! Кампир деяпман! Эшикни оч! Момосукэнинг арвоҳи келганга ўхшайди». Ўтакам ёрилиб, тилим калимага келмай қолса денг! Орқа-олдимга қарамай, урра қочдим. Мени келганимни чол қаердан била қолдийкин? «Момосукэнинг арвоҳи келганга ўхшайди...» Шу сўзларни эшитгандаги аҳволимни кўрсангиз эди. Ўша манзара умрбод эсимдан чиқмаса керак.

– Ўзимни тириклар рўйхатидан ўчириб ташладим дедингиз, қочдингизми?

– Йўғ-э! Мен аёл кишининг қиёфасига кириб олдим, – деди овози пасайиб Урю. – Момосукэ деган йигит дом-дараксиз ғойиб бўлди-ю, ўрнига...

– Аёл киши пайдо бўлди... – Мен шундай дедим-у, ич-ичимда бир нарсага иқроп бўлдим. – Урю чинданам аёлга ўхшарди. Мен бу мавзуни давом эттирмай бошқа нарса ҳақида сўрадим.

– Ўша, сиз тилга олган қария сизга ким бўлади?

– Қариндош бўлади, яқин қариндош, борди-келди узилиб, бир-бирини йўқламай қўйишган.

Урюнинг ҳикояларидан шу нарса маълум бўлдики, унинг ота-онаси киндик қони тўкилган ерларни ташлаб кетишган. Буваси Токиога кетиб, у ерда давлат идораларидан бирига хизматга кирган. Чорбоғини сотган, уйларини йиғиб, Токиога келтириб қурган. Урюнинг айтишича, ҳаво ҳужуми пайтида уйларига заррача шикаст етмаган экан. Урюнинг отаси ҳарбий хизматда бўлган. Момосукэ бувасига тортган – у ҳам ота-онасининг қаршилигига қарамай уйдан кетиб қолган. Шу сабабли отаси, артиллерия подполковни-

ги истеъфо беришга мажбур бўлган ва ҳарбий саноат вазирлигига қарашли корхонага ишга кирган.

– Отам, – деди Урю, – мендан шунчалик хафа бўлганки, ҳатто айтишадикки, харакири қилишига озгина қолган экан. Аммо ҳозир, Япония урушида енгилгач, ҳарбий соҳадан кетгани, яъни истеъфо бергани жонига оро кирган. Жиллақурса, кўчада қолиб кетмади-да!.. – Шу йилнинг март ойида, ҳикоясини давом эттирди Урю, – отам қариндош-уруғларини зиёрат қилгани қишлоғига борди. Ўша ерда қарияни кўргани кирибди. Чол ухлаб ётган экан. Кейинги пайтда камдан-кам ҳолларда кўзини очади, дебди кампир. Бироқ худди шу лаҳзада чол ухлаб қолибди. Отам бир неча бор баланд товушда исмини айтиб чақирибди. Қария эса сўрармиш: «Ким дединг? Тораносукэ? Қайси бири? Кўприкдагимми? Нима бўлган бўлса ҳаммасини эсимдан чиқардим», дермиш. Шундан сўнг яна уйқуга кетган. Отам билан «кичик бувамиз» бош чайқаб изларига қайтиб кетишган. Мен ўшанда отам билан бирга кирмагандим, бу воқеани бир ойдан кейин қишлоққа борганимда «кичкина бувам» айтиб берганди.

Момосукэнинг гапларига қараганда отасининг фамилияси ҳам Урю бўлган. Бироқ қишлоқда худди шунақа фамилияли одамлар кўплиги сабабли уларни кўприкдаги Урю ёки қисқароқ қилиб Хасимота – кўприкдагилар, деб аташаркан. Ота-боболари туғилиб ўсган қишлоқ унчалик катта бўлмаган қўлтиқда жойлашган эди. Улар тепалик ёнбагирларидан бошланиб то соҳилга доғур қуриб ташланган эди. Ям-яшил тепалик билан мовий денгиз суви бу ерда ғаройиб тарзда, тўқ рангда кўринар эди. Узокдан қараганда қишлоқ ранг-баранг бўёқ билан бўялган хушманзара суратга ўхшарди. Қишлоқ аҳолисининг

ярми дехқончилик билан, қолган ярми эса балиқчилик билан шуғулланарди. Экинзорлар тепалиқда жойлашган эди. Тўқсон етти ёшли Урюнинг оиласи балиқчилик билан шуғулланмасди.

– Нима бўлган бўлса – бўлиб ўтди, мен ҳаммасини унутиб юбордим, – дея Урю қариянинг гапларини такрорлади ва қўшимча қилиб: – Агарда биз ҳам шундай дея олсак... – деди ва кўрсаткич бармоғини силкитиб давом этди: – Кўп тушунмовчиликлар, иддао ва хусуматлардан халос бўлардик, менимча.

– Тўғри айтасиз, – дедим мен. – Лекин баралла айта оладиган пайтимизгача ҳали қирқ йилча бор-ов! Демак, ҳали узок кутишга тўғри келади. Жуда узок. Лекин мархум Кисиямадан фарқли ўлароқ, биз ҳали тирикмиз; бинобарин, биз учун белгиланган вақтга қўшилади икс. Бу қанча давом этади, ёлғиз Худога аён.

Урю негадир қошини чимириб қўйди-да, яна гапга тушди.

– Қария, «Мен март ойида ўламан, албатта, март ойида», – дерди нукул. Уйдагилар эса кулимсираб эътироз билдиришарди: «Майда денг, буважон, яна бир ойга суринг, қорлар эриб, кунлар исиб олсин. Ҳеч бўлмаса сакура гулласин». Қария қовоғини уйиб жавоб қиларди: «Йўқ, мартда дедимми, мартда ўламан». Ўша йилнинг мартада у қаттиқ шамоллаб қолди, иситмаси анча пайтгача тушмади, оқибат ҳолдан тойди, шундай аҳволга тушдики, ҳаммамиз паймонаси тўлди, деб ўйладик. Ёши бир ерга бориб қолган бўлса, бунинг устига мартда ўламан, деб кўп гапирарди, биз тайёргарликни кўриб қўйдик, иссиқ жон ахир! Илгаригидек тепасида гирдикапалак бўлишлар йўқ... Лекин чол секин-асталик билан ўзига кела бошлади. Ҳатто врач ҳам ҳайрон, бу қандайдир мўъжиза, деди. Чоли тушмагур соғая бошлага-

нини эшитиб, отам билан кўриб келгани қишлоққа йўл олдик. Энди у мартда ўламан, деган иддаолар қани?! Умуман ўлим ҳақида ўзгалар тугул чолнинг ўзи бир марта бўлсин эслашмади. Балки, ўз ажали билан ўлиш дегани шудир?! Бироқ чол илгаригидан ҳам узоқроқ ухлайдиган бўлиб қолди. Иштаҳаси эса яхши. Лекин у емай шунчаки кавшаниб ўтирганга ўхшарди. Шунинг учун унга нима беришяпти, бирон тансиқ таомми ёки нон-понми ёинки заҳар-заққумми ажратолмайди, деб ўйлаш мумкин эди. Ширинми, бемазами – фарқи йўқ, фақат мўл бўлса, бас! Уйдагилар шундай деб фикр юритишарди. Бироқ иттифоқо бир куни оғзига арзон-гаров печенье солиб қўйишганда ўша заҳоти кўзини мошдек очиб: «Бирон ширинроқ егулик йўқмиди бошқа», деб сўраганди аччиқ билан. Бундан чиқди, овқатнинг таъмини билар экан, тўғрими? Қишлоқда эса чол ақлдан озибди, нима қилаётганини билмасмиш, яна бошқатдан боладек бўп қопти, деган гап тарқаган.

– Яна бошқатдан боладек бўп қопти!.. – Одамлар роса топиб айтишади-да?! – дедим мен жилмайиб.

– Чол мен ҳақимда гапириб, «Момосукэнинг арвоҳи келди», дегандан сўнг ҳар доим юрагим сиқилиб ёки бирон нимадан хафа бўлсам уни эсламан. Бояқиш қария... Кисияма-сан эса шунақа ажойиб, шунақаям одамохун, истеъдодини айтмайсизми, қисқаси шундай улуғ одамнинг умри шунчалар қисқа бўладими? Ўйласанг яшагинг келмай қолади. Ҳали яшаса бўлмасмиди! Мана шу меҳмонхонага яна ва яна келиб юрмасмиди?! Тўқсон еттига киргунча яшаса бўлмасмиди?! Яна бошқатдан боладек бўп қолса...кошки эди.

– Ҳм... – дедим мен бош силкиб, – тўқсон етти ёшга кириб яшаш ўн беш миллион одамдан биттаси-



га насиб қилса керак. Мабодо шу ёшга кириш менга насиб қилса, мен ҳам беихтиёр бир замонлар ёзган нарсаларимнинг ҳаммасини бутунлай унутганман, десам керак?!

Битта мавзуда гапиравериб (яна қанақа мавзу денг!) чарчадим, шекилли, ҳам қизиқсиниб, ҳам бошқа – дунёвий ишлардан гаплашиш мақсадидами дабдурустдан савол бердим:

– Боя сиз аёл кишига айланиб яшадим, дедингизми?! Театрларда аёллар ролини ижро этганингиз учун шундай дедингизми?

У чиройли кўзлари билан ерга боқиб жавоб берди:

– Фақатгина шунинг учун эмас, маълум пайт шундай тарзда яшашимга тўғри келган.

– Қанақа қилиб? – бундай аҳмоқона савол оғзимдан беихтиёр чиқиб кетди, ўзим ҳам билмай қолдим. – Нега? – ичимда эса ўша пайтда Урюни учратиб қолсам ажратолмаган бўлардим мен ҳам дея ўйладим.

– Ҳарбий хизматга бормаслик учун шундай қилдим. Солдат бўлишни ёмон кўрардим. Урушга юборишади, деб кўрқардим.

Урю ҳиссизгина, тўхтаб-тўхтаб гапирарди. Мен саволим билан унинг оғриқ ерига тегиб кетдим, шекилли.

– Мен, – дея сўзини давом эттирди у, – коллежда ўқирдим, ўз-ўзидан заҳира полк рўйхатида исм-фамилиям қайд этилган эди... Шунинг учун...

– Хўп, тушундим, лекин қандай қилиб? Эплашга эплабсиз, лекин яшаш керак-ку?!

– Ҳа, десамам бўлади. Чунки солдат бўлмадим охир-оқибат...

– Шундай денг?

– Менга ўхшаганларни у вақтда газеталарда Американинг жосуслари деб ёзишарди. Лекин хо-

зир асирга тушганлар ҳам бошини баланд кўтариб юрадилар. Фикри ожизимча, урушга боришдан бош тортганлар ҳам ҳар хил таъналардан озоддирлар. Қолаверса, дезертир пайтимда чеккан азобларимни айтинг?! Айбимни ювишга шулар ҳам етса керак.

– Лекин ўша пайтда ҳаётингиз ёмон ўтмагандир?! Окопда ётгандан яхшироқ бўлгандир?!

– Мен вилоятлар ва қишлоқларда гастролларга юрадиган труппада эдим. Уруш тугагач, кўпчиликнинг ҳаёти издан чиқиб кетди. Улар бутунлай ўзга нарсаларни орзу қилишарди. Менга ўхшаганлар жуда оз эди.

– Сиз... «актриса» бўлган пайтингизда труппада ишлаган бўлсангиз, наҳотки ҳеч ким сирингиздан воқиф бўлмаган?!

– Шунақага ўхшайди. Буни фақат труппа раҳбари биларди. Бошқалар сезиб қолмасин учун раҳбарнинг ишончига киргандим, у билан бир уйда яшардим. Айниқса, сахнага чиқишдан олдин, кийимимни ўзгартиришга тўғри келиб қолганда қийналардим. Чунки ўзингизга маълум... Энди бу ёғини айтиш шартмикин?!

– Ташқи кўринишингизнинг ҳам маълум даражада ёрдами теккан бўлса керак?

Урю ўрnidан турди-да, бориб чироқни ёқиб келди. Ташқарида оқшом нафаси сезиларди.

– Гап ташқи кўринишда эмас, аслида менинг тийнатимда ҳар доим юмшоқликми, нафисликми устун эди. Уруш бўлмаганда бу нарса қолиб кетарди балки. Уруш, менинг урушга бормаслик учун ўйлаб топган ҳийлам ўша хусусиятларни кучайтириб юборди. Ўшанда сизга ўхшаб менга худди сизга ўхшаган қизни кўрганман, деганларам бўлган. Қисқаси, не-не савдоларни кўрмади бошим.

– Куёш ҳам ботаяпти шекилли, – дедим мен, – Кисияма бу ерларда кунботарда уфқ ниҳоятда гўзал бўлади, дерди. Ҳеч кузатдингизми?

– Йўқ. – Шу мавзудаги суҳбатга чек қўйиш учунми қисқагина жавоб қилди Урю, аммо кутилмаганда ўзи давом эттирди: – Сиз-чи, шафақни томоша қилмоқчи эдингизми? Кечирасиз, эзмалик қилиб вақтингизни ўғирлаб ўтирибман-а!... Эртага томоша қиларсиз энди.

– Иложи йўқ, эртага эрталаб жўнаб кетаман.

– Нима, эртага дедингизми? – Урю қоп-қора кўзларини қисиб менга қаради. – Мен бошқатдан ўтган воқеаларни охиригача эшитсалар керак, деб ўтирибман.

– Жоним билан эшитардим, бироқ мен атиги бир кунга, шунда ҳам марҳум дўстим ёқтирган ерлар экани учун кириб ўтгандим.

– Тушунаман, – дея бош ирғади Урю. – Биласизми, соат тўққизда шу ерда мен битта пампан билан учрашишга ваъдалашиб қўювдим. У ўнгача келиб кетаман, девди. Ана ундан кейин сиз билан соҳилда тонготар гаплашиб ўтиришимиз мумкин. Лекин сиз эрталаб барвақт йўлга тушсангиз керак-а?!

Пампаннинг келиши ҳақида сўз очганда мен озгина бўлсин хижолат чекса керак, деб ўйлагандим, йўқ, ҳеч нарса бўлмагандек, унинг юзида зиғирча хижолатпазлик аломати сезилмади. Афтидан, унга моддий ёрдам бериб юрган аёл келса керак!

– Сизни актриса бўлиб юришга нима мажбур қилди?

– Мен ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимдаёқ театрни яхши кўрардим. Яхши кўрардим, деган сўз озлик қилади – телбаларча севардим. Мактаб сахнасида қўйилган барча спектаклларда менга аёллар

ролини топширишарди. Чурқ этмай ўйнайверардим. Коллежда ҳам драма тўғарагида қатнашардим. Киши билмас аёллар ролига мос актёрга, актрисага айланиб қолибман қарасам. Уруш йилларида вилоятларга сафарга чиқиб спектакль қўядиган труппаларда одам етишмасди, шунинг учун мени пайсалга солмай сафларига олишди. Саёқ артистларда хоҳ эркак, хоҳ аёлдир уй дафтарида кўчириб олинган қоғоз бўларди, паспорт ўрнига ўтарди ҳам ўша қоғоз. Шу тариқа маълум муддат етиб келганда ҳарбий ёки меҳнат батальонларига чақириқ қоғози олишарди. Менда ана шунақа қоғоз йўқ эди. Момосукэ – йўқ, у – ўлган ёки дом-дараксиз кетган! Биласизми, саёқ актёрлар шамол бандидан узиб ташлаб учуриб кетган япроқларга ўхшайди, ҳеч ким уларнинг ҳаёти билан қизиқмайди. Уларнинг ўзлари ҳақида айтиб берган киссаларнинг кўп қисми тўқилган бўлади.

– Ўзингизни аёл сифатида кўрсатиб, яна тагин аёллар ролини ижро этишингизни нима дейиш мумкин, икки ёқлама мунофиқлик эмасми?

– Икки ёқлама мунофиқликми... Эҳтимол. Бирок ўша кезлари мен буни сезмаганман, мабодо сезганимда ҳам бунақа деб ўйлаб, уни алдаб юрганманки далли дунёси шунга муносиб дея. Сизга ўхшган қизни кўрганман деган студент эди, бу студент ўлимга маҳкум ўқувчилар отрядида хизмат қиларди. Бизнинг труппа ўша томонларда томоша кўрсатарди. Шу сабабли Кюсюда, ҳарбий ҳаво кучларининг махсус топшириқларини бажарувчи ҳужумкор отрядга томоша кўрсатиш учун боришга тўғри келарди.

Буғдойзор ёқасидан анҳор оқарди, нариги қирғоқни эса қуюқ аралаш ўрмон қоплаган тепалик. Мен анҳор бўйлаб кетяпман, қаршимдан эса ўша студент келарди.

Мен беихтиёр тўхтаб, турган еримда михлангандек қотиб қолдим. У ёнимга келди. Ундан кечаги спектаклни кўрган-кўрмаганини сўрадим. У кўрдим, спектакль менга жуда ёқди, деб жавоб берди ва дафъатан мен яхши кўрган қизга ўхшар экансан, деса борми?! Мен нима деб жавоб қилишим мумкин эди?! Бу ёғига иккимизнинг ўртамизда мана бундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

«Ўша қизнинг расмини кўрсатайми?»

«Бунинг учун сиздан хафа бўлмайдими?»

«Йўқ, сираям. Мана шу анҳордан ҳатлаб ўтоласанми?»

«О, йўқ, сакролмайман», – дедим шоша-пиша.

«Майли, – деди у, – унақада сени кўтариб ўтқазиб қўяман.»

«Керакмас, қўйинг», – дея норозилик билдирдим.

Хуллас, у қилди, бу қилди мени анҳордан кўтариб ўтқазиб қўйди, ўтлоқда бироз нафасимизни ростлаб турдик. Шунда у менга кўкрак чўнтагидан кафтдек келадиган суврат олиб кўрсатди. Бу яхши кўрган қизининг суврати эди, мен кулимсираб расмни олдим-да, унга разм солиб қарадим. Унда тим қора хумор кўзли қиз жилмайиб қараб турарди. «Чиройли экан», – дедим, лекин нимаси менга ўхшайди, деб сўрасам «кўзлари», деб жавоб берди у ва сувратни қўлига олиб узоқ термилди, сўнг кўкрак чўнтагига эҳтиёткорлик билан солиб қўйди-да, бир рухланиб, кўрқмайсанми, бу ерларни кўп бомбардимон қилишди, негаки аэродром яқин, деди. Мен кўрқаман, дедим, негадир кўзларимда ёш ғилтиллади. Жудаям оқкўнгил студент экан, эзилаётганимни кўриб, бошимни силади, юпатган бўлди. Икки-уч кундан кейин бир операцияни бажаргани кетаман, у ердан қайтиб келинмайди, деди. Мен ўшанда аёл қиёфаси-

га кирмаган бўлганимда, менинг қисматим ҳам шу тахлит кечарди, деб ўйловдим. У мени яна анҳордан ўтқазиб қўйди-да, хайрлашаётиб эсдалик учун деб бир совға берди. Нималигини биласизми, топинг-чи...

– Билмасам...

– Цианистий калий.

– Нима, заҳар бердимми?

– Ҳа. У яхши кўрган қиз мажбурий меҳнатга жалб қилинган бўлиб, заводда ишлар экан. У ҳар эҳтимолга қарши, кутилмаган вазиятда оғир аҳволга тушиб қолса ичиш учун берган экан. Урушнинг охирларида ишчи қизлар орасида бу одат тусига кирган экан. Студентнинг ёри чорасиз қолганда асқотар, деб унга ҳам озгина ўраб берган экан. Бироқ ўлимга маҳкум учувчи учун шарт эмас бу, деди студент, унга ўлим – ҳамиша нақд! Бундан чикди заҳарнинг унга сира ҳожати йўқ экан.

– Тўғри-да, – деди мен билағонлик қилиб.

– Қайтадан бола бўлиб қолган чолни кўришга борганимда яна студентни эсладим. Боя айтганимдек, бу вақтда мен яна асл ҳолимга – Момосукэ Урю деган йигитга айлангандим, тўғри уйнинг ёнидаги бинога бордим. Эшик қия очик, ичкари хона ғира-шира эди. Май ойи эди, лекин қария ётган каравот ёнида одатда хоналарда ишлатиладиган мўъжазгина манқалдон ёниб турарди. Мен билан ҳамроҳ бўлиб борган «кичкина бува» елпиб пашшаларни ҳайдади. Тўқсон етти яшар қария белига қадар чойшаб ёпиб қўйилган, ўнг қўлини узатганча донг қотиб ухларди. Оппоқ сочи билан кумушдек соқоли жудаям ўсиб кетган, юз-кўзида ҳасратли ҳамда жабрланган, қийналиб кетган одамнинг ифодаси бўлганда эди, уни аллақандай бир қаландар ёки дарвеш сифатида қа-

бул қилардингиз. Бироқ ўз тақдирини ирода эта олган қариянинг қиёфасида эса гўдакларга хос итоат-гўйлик ва маъсумлик зуҳр этарди. Қарияга тикилиб туриб, ўнг қўлининг бармоқларидан тирноқлари тушиб кетганини фаҳмладим. Унинг шарти кетиб парти қолган эди.

«Кичкина бува» энгашиб унинг қулоғига яқин келди-да:

– Дада! Кўприколдилик Момосукэ келди, – деб кичқирди.

Қария ингради ва кўзини очди-да, менга тикилди. Унинг ҳамон порлаб турган қора кўзларини кўриб, ҳайратдан ёқамни ушладим. Қария ўнг қўлини чойшаб билан олди-да, шу қўлига таяниб туриб ўтирди. Кимоносининг устидан кийиб олган нимча кўксига қадар кўтарилиб қолганди. «Тезроқ ўзингни танитақол», – деб мени шоширди «кичкина бувам». Бироқ фикру-хаёлим қарияда бўлгани учунми унинг гапларини эшитмадим, алоҳа қария қандай туриб ўтирган бўлса худди шундай осонгина, шовқинсиз чалқанча ётиб олди, ўнг қўлини мажолсизгина ёнига ташлаб яна пинакка кетди. Шу билан бизнинг кўришувимиз ниҳоясига етди. Тилим бормаиди, лекин бу сўнгги кўришув эди.

– Ҳа, шунақа бўлса керак, – дедим мен.

– Мен йиғлаб юбордим. Тўғри, қария ўз ажали билан, бола-чақаси, қариндош-уруғлари қўлида омонатини топширди. Анови студентга ўхшаб эмас... – Урю қошларини уйиб, қоп-қора кўзлари блан менга қаради ва қўшиб қўйди: – Менам табиий равишда, табиат ихтиёри билан яшагим келади, шунинг учун труппадан бутунлай кетдим. Ҳозир бир ўзим яшайман, ўзим хон, кўланкам майдон. Бу мен бир замонлар, уруш пайтида аёллар ролини ижро этиб юрган

труппа эмас, бошқа труппа эди. Эски труппа эса тарқалиб кетди. Лекин тасаввур қилингки, асли ҳолимга қайтганимдан кейин ҳам мен аёллар родини ижро этиб юрдим.

Ана-мана дегунча Урюнинг меҳмони келиб қолиши мумкин эди, шуни ўйлаб безовта бўла бошладим.

Урю эса беҳол, бўшашибгина бошини қуйи солиб ўтирарди. Унга тикилиб туриб хаёлга толдим. Дунёнинг тақдири нимага боғлиқ, асли ўзи ҳақиқий ҳаётнинг қандай кечмоғи дуруст, одамзод гўзаллик билан эзгулик измида яшагани маъқулми ёки тақдир измига бўйсуниб яшагани дурустми, деган хаёллар келарди шу он дилим-да.

Урю эса ҳалиям гулга ўхшарди-ю, бироқ энди у сўлиган гул эди.





## ШАРШАРА

Наодзининг акаларини уйланиши ғалати бўлди. Биринчисига Кэгон шаршарасига ўзини ташлаб ўз жонига суиқасд қилишга ҳалал берган ҳамширани хотинликка олишига изн беришди. Иккинчиси эса хотинидан кўнгилсизлик кўриб, уйдан қочганча жиннихонага келганда хизматкор хотинга уйланган.

Наодзи акаларидан анча ёш эди. У катта акаси хизматкор аёл билан яшаётганида студент эди.

Наодзи акаларини ёқтирмас, биттаси ўз жонига қасд қилишни инсценировка қилган, иккинчиси ўзини жиннилиikka солган деб ҳисобларди.

Мен бу оиланинг узоқ қариндоши эдим, Наодзининг адабиётга бўлган майли ортиб кетгач, у Токио университетларидан бирига ўқишга кирди, шундан бери тез-тез меникига келиб турадиган бўлди. Унинг ёши улуғроқ акаларидан бири ҳам Токиога ўқишга кетди, бироқ у ерда ўпкасига нимадир бўлди ва у олий маълумот ололмади. Иккинчи ўғилнинг соғлиғидан ташвишга тушган ота-онаси уни бошқа шаҳарга юбормасликка қарор қилишди, шунинг учун ўрта мактабни тугатгач, уни мулкдор отасига ёрдам бериш учун қишлоқда қолдиришди. Шундай қилиб, фақат Наодзи университетни тугатиб олди.

Афтидан, Наодзи ёзган романини келтириб, менинг фикримни сўрагани учун менга алоҳида ҳурмат билан қарарди, шекилли.

Қариндошимнинг адабиёт билан шуғулланиши мени ташвишга солиб қўйган ва ҳатто хавfli хоҳиш бўлиб туйилган, бунинг устига унга ёрдам беришини хоҳламас эдим.

Романнинг мавзуси ўзига хос бўлиб, бошқа асарлардан ажралиб турмасди. Унда Наодзи ўзининг севгисини тасвирлаган, бироқ катта акаларининг уйланишига ҳам тегиб ўтган эди. Мен романнинг мана шу жиҳатига эътибор қилган ва ўзимнинг фикрларимни айтган эдим.

– Сен бошиданоқ иккала аканини муғомбир, деб катъий таъкидлайсан-а. Менинг назаримда бу романинингга тузатиб бўлмас камчилик бағишлайди, бу сени ёзувчи сифатида пуч эканингни кўрсатади, – дедим мен.

– Наҳотки? – Наодзи нима учун бундай деётганимга сира тушунолмасди. – Аммо мен уларнинг фирибгар эканига шубҳа қилмайман. Катта акамини, масалан, айтишича, Кэгон шаршарасига ўзини ташламагани сабаби шаршара музлаб қолган экан. Шунақа бўлиши мумкинми?

– Мумкин, албатта.

Мен қаттиқ совуқлар пайтида Кэгон шаршарасида бўлмаганман, лекин бу дунёдан кетишни мўлжаллаган ёш йигит ва аёлни бутунлай кўрқув ва ҳайратга тушишини тасаввур қилишим мумкин, айниқса, шаршаранинг музлаб қолганини кўрганда.

– Наҳотки, уларнинг ўз жонига суиқасд қилиши учун шунақа совуқда Никконинг махсус бир қисмини танлаш жоиз бўлса? – ўз сўзида туриб олди Наодзи. – Ҳаётдан бирга кўз юмишга қарор қилганлар бунинг учун чиройли жойларни, бунинг устига қулай фаслни танлайдилар. Ҳеч ким ўзига суиқасд қилгани Кэгон шаршарасини, яна қаҳратон қишни мўлжалламаса керак.

– Эҳтимол, тўғридир гапинг, лекин ҳар қалай...

– Иккинчи акам билан боғлиқ воқеада кўп нарса шубҳа уйғотади: эси оққан одам ўз уйидан кетишга қодирми, бунинг устига ўзи билан хизматкор аёлни ҳам олиб кетиши мумкинми?

– Бўлмасамчи? Хизматкор аёл ўз ихтиёри билан у билан кетиши мумкин.

– Мени ўйлашимча у олдиндан хизматкор аёл билан жинни бўлишга келишиб олган.

– Қисқаси, сен бошиданоқ акаларим фирибгар, деб ҳисоблайсан ва бу билан романни муваффақиятсиз чиқиши учун замин ҳозирлайсан. Шубҳа туғилади: бунинг ҳаммаси атай ўйлаб қўйилган бўлиши мумкин – яна нима бўлиши мумкин, – дедим мен ва қўшиб қўйдим: – Сен бу ҳақда роман ёзмоқчи бўлсанг, ҳаётни тўлақонли билишинг керак, акаларинг билан бўлиб ўтган воқеа атай қилишганми йўқми, шуни билишинг керак. Акс ҳолда сенинг қаламингдан яхши асар чиқмайди.

Наодзи ушбу романида акаларига нисбатан бутунлай шафқатсиз бўлган, дейиш қийин. У иккала акаси ғайриоддий йўл билан пастбақа аёлларга уйлангани ва бу нарса ўзига яраша қишлоқда ҳукм сурган феодал мулкдорларнинг оила тартибига қарши қатъий норозилик бўлганини ва бу эски оила қоидаларини ҳалокатга олиб келганини ёзарди. Аммо ундан кейин иккови ўзини босиб олган ва қишлоқда тинчгина яшашган. Шу тариқа улар ёшлиқ чоқларида бир мартагина жасорат кўрсатишган.

Мен Наодзининг акалари билан камдан-кам муомала қилганман, шунинг учун на уларнинг хулқ-атвори, на ҳаёт тарзи ҳақида бирон фикр айтмайман, фақат ташқи кўринишлари билан улар

Наодзи айтганидек чинданам жимиб кетишдими, йўқми, айтиш қийин.

Афтидан, унга акаларининг хотини ёқмасди, у ҳатто уларни пасттабақадан чиққанлари ва тарбиясиз эканлиги учун ёмон кўрарди. Тўғри, романда у буни очиқ ёзмаганди, бироқ бу нарса акаларининг хотинлари ва ўзининг севиклиси тасвирида, уларнинг баъзи нарсаларда фарқ қилишида сезилиб турарди. Бундан ташқари, у отаси билан кўҳна оиланинг бошлиғи сифатида фахрланарди ва унинг ўз фарзандларидан ҳафсаласи пир бўлгани ҳақида гапирганда сўзсиз унинг гапларини маъқулларди.

Аммо агар янглишиб бўлса ҳам, романнинг ака-укага бағишланган қисмини қабул қилиши мумкин бўлса-да, уларнинг муҳаббати чинданам сийқаси чиққан эди. Балки, унинг севгиси бориб турган ўртамиёна севгилардандир. Токиодаги беҳисоб висол онларининг тасвири, Гинза бўйлаб қилинган сайрлар, кинотеатрлар ва ташриф буюришлар... Бу ҳақда ёзиш осон эмас.

Акаларининг машаққатли тақдири туфайли Наодзининг уйланиши анча қийин кечди. На онаси, на акалари унга бутунлай озодлик бахш этиб, унинг моддий аҳволига қарашмаган эди. У романида тасвирланган ўша қизга уйланганди.

Тан олиш керак, акаларини эмас, айнан Наодзининг оилавий ҳаёти жуда-жуда ғалати ўтганди. Эр-хотин ўртасида мунозара тинмасди. Тўғри, оддий эр-хотиннинг ҳаёти шундан иборат, деб ҳисоблаш мумкин.

Адабиёт Наодзининг вақтинчалик кўнгилхушлиги эди фақат. Университетни тугатгач, у ўзининг романини ташлаб бир ташкилотга ишга кирди. Кейин бошқа ишга ўтди, учинчисига, лекин ҳеч қайси бирида муваффақият қозонмади.

Ҳар бир жанжалда Наодзининг рафиқаси ота-онасиникига кетиб қоладиган одати бор эди. Унинг бу одати иккита болали бўлганида ҳам, ҳатто каттаси мактабга борганида ҳам қолмади. У болаларини эрига ташлаб, гарчи жиддий бўлмаса ҳам, ажралиш ҳақида гап очилиб, ота-онасиникига кетиб қоларди.

Бир куни хотини ҳар галгидек ота-онасиникига кетиб қолганида, Наодзи кўйлақлар осиглиқ турадиган шкафни очиб қараса, у ерда талайгина кимонолар етишмайди. У илгари ҳам ўзи билан ота-онасиникига кетаётганда, хотини олган тугуни қайтиб келганида ярмигача кичрайиб кетаётганини сезган эди, охири бунинг сабабини текширмоқчи бўлди.

«Балки, баъзи тақинчоқларини синглисига берар», деб ўйлади Наодзи, лекин унинг кайфияти бузилди.

Хотини уйга қайтганда у биринчи бўлиб шу ҳақда сўради.

– Мен ахир алмаштиришга кўйлагим бўлмай, ўз уйимга боролмайман-у, – дея эътироз билдирди хотини.

Бунақа изоҳ Наодзини ҳазилакам жаҳлини чиқарди, дейсизми. Ўртада катта жанжал чиқди ва хотини тағин ота-онасиникига кетиб қолди.

Жонимга тегди ҳаммаси, деди ўзига Наодзи ва маслаҳат қилгани олдимга келди. Мен унга акалари билан гаплашишни насиҳат қилдим.

– Мен ўзим ҳам шуни ўйловдим, – деди у аччиқланиб.

Яна бир неча кундан сўнг у мени олдимга келди. Унинг кўриниши ғоятда ташвишли, ҳатто бир мунча ақлдан озганга ўхшарди.

– Қишлоққа, унинг ота-онаси ёнига бордим. Болаларни ўзим билан олиб, ўша ерда қолдирдим.

– Хўш, акаларингнинг фикри қанақа?

– У менга олдиндан маълум эди. Энг катта акам, унга ҳаммасини айтиб берганимда хотинини чақириб, оёғидаги табини (японларнинг қалин матодан тикилган пайпоғи) ечиб ярасини кўрсатган. Улар муъжиза рўй бериб, Кэгон шаршарасида ўлимдан қолганларида акам оёғини музлатиб олган экан.

– Қаранг-а?!

– У мана шу хотинининг фидойиларча қараши туфайли тузалиб кетди, деб ишонади.

– Демак, бир вақтлар сен ўз романингда ёзганингдек бўлмаган экан-да!

– Ҳа. Бироқ агар ўша акам мени хотиржам қилмоқчи экан, бошқаси ҳайрон қолдирди. У менинг шикоятимни жимгина эшитиб, кейин: «Қара-я, шу хафа бўладиган нарсами! Биласанми, мени аввалги хотиним кўз олдимда хиёнат қилганди».

Мен эсанкираб унга тикилиб қолдим ва бошқа бирон сўз демадим.

Наодзининг ҳикояси менга қаттиқ таъсир қилганди.

У акасига ишонмаган экан. Биринчи хотинининг хиёнати укасининг савдойи бўлиб қолишига сабаб бўлибди. Бунинг акси бўлиши эҳтимолдан холи эмас, бу хаёлпарастлик унга кейинчалик таъсир қилиб ақлдан озгандек бўлиб қолгандир. У шу чоққача бу хаёлотдан қутулолмади, бошқача қилиб айтганда савдойилиқдан қутула олмади. Ёки балки у буларни мени шахтимни қайтариш учун ўйлаб топгандир, дея ишонқирамайди Наодзи. «Мен ўзимни ёмон ҳис қилиб, акам билан суҳбатни тугатдим», – деб гапига хулоса қилди Наодзи.

Кейин у катта акасида иккинчи акасининг илгариги хотини ҳақида очиқдан-очиқ сўрашга ботиноломаганини айтди ва ҳозиргиси ҳақида баъзи

нарсаларни билиб олишга қарор қилди – у собиқ хизматкор эди, унинг гап оҳангидан чинданам собиқ хотини кўз олдида бузуқлик қилганини билгиси келди.

Катта акаси назарида Наодзини хизматкор укаси билан унақа алоқада бўлмаганига ишонтиролди. Бор-йўғи у жиннихонага тушганида аёл унинг хизматини қилган ва тузалганидан кейин унга турмушга чиқишга рози бўлган эди, холос.



## ЯХШИ ВА ЁМОН КУНЛАР

Бон байрамининг охирги куни якшанбага тўғри келди.

Эри эрта билан барвақт туриб бейсбол бўйича учрашувни томоша қилгани мактабнинг спорт залига кетди. Туш пайтида бирровгина келиб, апил-тапил овқатланди-да, шошилганча яна чиқиб кетди.

Кечга яқин, уйда ёлғиз қолган Каёко эрининг келишига бир нималар тайёрлаб қўйиш ҳақида ўйлаб ўтирганда, дафъатан, нима учундир бугун ки-йиб чиққан ёзлик кимоносини ота-онасининг уйига яқин дўкондаги манекен эгнида кўриб, сотиб олгани хаёлидан ўтди. Каёко бу ердан бир кунда икки марта – эрталаб ишга бораётганда ва ишдан қайтаётганда ўтар эди.

Манекен ҳамиша бир хил ҳолатда турарди. Мавсумга қараб унинг устидаги либос ўзгарарди, холос. Каёко қачон қарамаса бир хил ҳолатда туришга маҳкум бу қўғирчоққа хаёлан ачинарди.

Каёко уни ҳар куни кўрарди, иттифоқо бир кун унинг юзидаги ифоданинг доим ўзгариб туришини пайқаб қолди. Ажабо, бир кун келиб ўша қўғирчоқнинг юзидаги ўзгарувчан ифода орқали ўзининг кайфияти қанақа эканлигини ҳис қиладиган бўлди. Энди эса ўша ердан ўтаётганда бамисли истиқболда ўзини нималар кутаётганини билмоқчидек, унинг юзига тикилиб қарар эди.



Каёко турмушга чиқаётган кезлари манекенга қанақа кимоно кийгизиб қўйишган бўлса, жилла қуриса ўша кунларни эслаб турар, дея ният қилиб худди ўшанақасини сотиб олган эди.

Ўша пайтлари фақат ёмон кунлар эмас, яхши кунларни ҳам кўрганлигини у гоҳ-гоҳ эслаб қўярди...

Эри келганда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. У кимоносининг этагини йиғиштириб белбoғига қистириб олганди. Гарданига довур тушириб қўйилган похол шляпаннинг кунгирадoр айвони остидан кўри-наётган юзи қип-қизариб кетган эди.

– Роса исидими кун! Бошим айланиб кетди-я, ҳатто, – деди у шикоятомуз оҳангда.

– Қора терга ботибсан ўзиям. Тезроқ ҳаммомга кириб ювиниб чиқақол.

– Ҳаммомда нима қиламан? – деди энсаси қотган эри тўнғиллаб. Унинг гапи Каёконинг қулоғига кирмади, аксинча қўлига совун билан сочиқ тутқазиб хонадан ҳайдаб чиқаргудек кўксидан итарди.

Хайрият, кўздан нари бўлиб турганида ишимни битириб оламан, – дея ўйлади Каёко – у эндигина бақлажон қовуриб олмоқчи бўлаётган эди. Одатда, эри уйда қолса унга, албатта, зиёни тегарди, ҳа деса қозон қопқоғини очиб қарар, пашшадан асрайдиган тўрни суриб қўяр, бунинг устига маслаҳат беравериб хит қилиб юборар эди. Бу қилиқлари Каёконинг ғашига тегаётганини ҳатто сезмас ҳам эди.

Ҳаммомдан чиққач, эри сочиқ билан совунни хона бурчагига улоқтириб меҳмонхонага кириб кетди ва бордонга чўзилди. Унинг юзи боягидан ҳам бўғриқиб кетган, ҳарсиллаб нафас олар эди. Каёко ёстиқ келтириб берганда унинг аҳволи яхши эмаслигини фаҳмлади.

– Пешонангга сочиқ ҳўллаб қўяйми? – деб сўради у.

– Хмм...

Каёко муздай сувга бўктирилган сочиқни сиқиб, уни эрининг пешонасига босди. Сўнгра тоза ҳаво кириши учун сёдзини суриб, ланг очиб қўйди ва каттакон, думалоқ елпиғич билан елпишга тушди.

– Бўлди, етар! Намунча жўшдинг?! – деди эри ва кўлларини кўксида бирлаштирганча тумсайиб олди.

Кёко елпиғични ташлаб, муз келтиргани югуриб чиқиб кетди.

– Яхми? Роса музлатса керак, – пўнғиллади эри Каёко унинг пешонасига муз солинган халтани қўйганида, лекин олиб ташламади.

Салдан кейин эри айвонга чиқиб ўша ерда қайт қилиб келди-да, яна бордонга чўзилди, Каёко пиёлада намакоб узатган эди, қайрилиб ҳам қарамади.

– Бирон нима есанг бўларди. Қорнинг ҳам очиб кетгандир, – деди у.

Эрининг юзидан қони қочиб, захил тусга кирди.

– Челақда сув олиб, айвон полини ҳўл латта билан артиб чиққин ундан кўра, – деб буюрди эри. Бир оздан сўнг тинчиб, охири ухлаб қолди.

Каёко ухлаб ётган эрининг юзига термулиб анча ўтирди. Сўнг уйғотиб юбормаслик учун идиш-товоқни тикирлатмасдан бир ўзи овқатлана бошлади. Жимжит хонада тунука томга тақирлаб урилаётган ёмғир томчиларининг товуши эшитилиб турди-да, кўп ўтмай жалага айланди.

Ёмғир шовқинидан уйғониб кетган эри кўзини очар-очмас ўзича эслатган бўлиб ўдағайлади:

– Ҳой, эсингдан чиқдим нима бало, орқа ҳовлига қуритгани нима осган эдинг?! Бор, йиғиштириб ол.

Каёко овқат ейдиган чўпларни хонтахтага ташлади-да, дорға ёйиб қўйган кирларини йиғиб олгани чиқиб кетди.

– Озгина сакэ қолган эди шишада, шуни ёпиб қўйганмидинг? – деб сўради эри, Каёко қайтиб кирган заҳоти.

Каёко бунни ҳам унутган эди. Эри афт– башарасини бужмайтириб, нима қиларини билмай атрофга аланглаб чиқди-да, лунжини шишириб уф тортди. Сўнг яна пинакка кетди.

Бугунги кун бехосият келди. Эрталабоқ кўнгилсиз воқеалардан бошланган эди, ҳалиям, ярим кечада ҳам давом этаяпти. Эҳтимол, у чивиндан сақлайдиган пардани кечроқ туширганми, нима бало, биттаси кириб олиб, ҳамма ёғини чақиб ташлади. Каёко уйғониб кетиб чироқни ёқди-ю, чивинни пойлаб қимирламай ўтирди. Бироқ искабтопар, ҳа, деганда келавермади. Каёко эрининг уйқусини бузмаслик учун шовқин кўтармай елпиғични олди-да, хонанинг бурчак-бурчакларига бориб елпиди. Чивин ҳеч қаерда йўқ эди. Шунда у қоронғида қаерда бўлса ҳам учиб чиқади, деган умидда чироқни ўчирди. Ниҳоят, чивин унинг пешонасига келиб қўнди, Каёко шап этиб урди-да, ўлдирди.

Барибир бу ёғига ухлолмади, ойнаванд эшикни очик қолдириб айвонга чиқди.

Ой тўлган кеча эди, шунга қарамай, осмонни булут қоплаганди.

– Ҳой, ярим кечаси нима қилиб юрибсан? Эрталаб тўп отиб ҳам уйғотолмайман сени! Кириб ёт! – норози бўлиб қичқирди уйғониб кетган эри.

Каёко пашшахонага қайтиб кирди.

– Йиғладингми, нима бало?

– Қаёқдан олдинг бу гапни?

– Йиғласанг яхши бўларди, енгил тортардинг.

– Нима сабабдан йиғлашим керак?

– Эри яна ухлаб қолган, шекилли, жавоб бермади.

## II

Кечки овқат чоғида танаввул қилган устрицалар эскирган эканми Каёконинг қорни оғриб қолди. Шунга қарамай у ўрнидан туриб эрининг рўпарасига бориб ўтирди. У ёлғондан пўписи қилиб, Митико билан ораларида бўлиб ўтган воқеаларни гапириб беришни қайта-қайта сўраб эрини хит қилиб юборди. Эри охири кўниб, шошилмай ҳикоясини бошлади:

– Бир куни унинг турмушга чиқиш-чиқмаслиги тўғрисида гап очиб қолдим-у, ўзингга муносиб куёв ахтарадиган пайт келибди, менга айт-чи, қанақа йигит бўлса тегардинг, деб сўрадим. Митико менга қуймоқ пишириб бераётувди, индамади. «Агар оғзингга талқон солиб олгандек тураверсанг қанақа йигитлар сенга ёқиши мумкинлигини билолмайман, ахир» – дедим. Шунда у юзини ўгириб: «Сизга ўхшаган йигитлар», дея шивирлаб жавоб қилди. Мен: «Балки, шундайдир, лекин мен ичаман-ку», дея эътироз билдирган бўлдим.

– Сизга ўхшаб ичадиган бўлса мингдан-минг рози эдим, – деди у ва бирдан югуриб хонасига кириб кетди... Ўшанда билувдим мени ёқтиришини.

Каёко бу гапларни илгари ҳам бир неча бор эшитган эди, лекин нима қилсинки, эридан амакисининг қизи Митико ҳақида бир нималарни сўрагиси келаверарди.

Мана ҳозир ҳам шу ҳикояни тинглаётганда қорнидаги оғриқни унутди.

– Хўп, шу воқеадан кейин Митико ҳақида нима қарорга келдинг?

– Ҳеч қанақа қарорга келганим йўқ. У минг қилганда ҳам амакимнинг қизи бўлса, синглимдек гап!

– Наҳотки, шундай ҳурилиқо қизнинг икроридан кейин ҳам юрагинг жиз этмаган бўлса! Сен ростдан ҳам бағритош экансан унда.

– Мени ўшанда мазам йўқ эди, бунақа нарсалар хаёлимга ҳам келмабди. Эрга тегишга кўндираётган қизнинг кўнглида бунақа гаплар борлигини мен қаёқдан билиб ўтирибман.

– Сенга пишираётган қуймоқ нима бўлди?

– Қуймоқми, нима бўларди?! Нимага шама қилаяпсан?

Пишгандан кейин паққос туширдим, нима қилардим бошқа!

Каёко ғалати вазиятни кўз олдига келтириб, хахолаб кулиб юборди: эри Митиконинг ёнида туриб олиб, қуймоқнинг қандай пиширилиши ҳақида маъруза ўқияпти. Унинг ўргатишларидан безор бўлган қиз иккинчи қаватдаги хонасига чиқиб кетади-ю, қуймоқни пишириш эрининг ўзига қолади.

– Кулишга бало борми, ундан кўра дўконга чиқиб керакли нарсаларни олиб келсанг бўларди. Соат ҳам тўрт бўлиб қолди..

– Эрининг астойдил жаҳли чиқди.

Каёко кўчада кузнинг муздек шамоли ғувиллаётганини эшитиб, қорнида боягидан ҳам қаттиқроқ оғриқ турди.

У аҳволини била туриб, шундай совуқда кўчага хайдаб чиқаргудек бўлаётган эрининг бераҳмлигидан ўкинди. Унинг ҳикоясини завқланиб иссиқ уйда эшитган қайда-ю, ўзини жуда ёмон ҳис қилаётган пайтда дўконга чиқиб келган қаёқда – наҳотки, шуни тушунмаса!

Кўчада Каёко эти увишиб, аъзойи-баданида қалтироқ туриб, нафасини ростлагани йўл ёқасига беҳолгина чўкди.

Митиконики соф туйғусини назар-писанд қилмаган бўлса чинданам тошбағир экан, дея ўйлади у. Лекин умрида атиги бир мартагина шундай илтифотсиз одамга бу қадар соддадиллик билан кўнглини изҳор эта олган Митико ҳам ўзига қараганда бахтлироқ туйилди. Ҳатто бир куни келиб, мени чиндилдан фақатгина Митико севар эди, дея дийдиё қилиб қолиши, эҳтимолдан йироқ эмас! Ундан кутса бўлади!

Каёко уйга қайтиб келганида, эри ҳаммомда экан. У кечки овқатга бирон нима пишириб қўяймикин, деган хаёлда ошхонага чиққанини билади, ошқозони шунақаям бураб оғридики, ҳеч нарса юрагига сиғмай, ётиб олди.

– Оғрияптими? – деб сўради ҳаммомдан чиқиб келган эри.

Иссиқ қилмадингми?

Каёко йўқ, деган маънода бош тебратди. Эри қайноқ сув солинган грелка келтириб, унинг қорнига қўйди. Каёко узр оҳангида кечқурун ейишга овқат пишириб ҳам қўёлмаганини эслатди.

– Бир иложини топарман, – деди бунга жавобан эри ва ётоқхонадан чиқиб, сёдзини суриб қўйди.

Ошхонадан келаётган шовқинни эшитган Каёко эри тядзукэ тайёрлаётганини фаҳмлади. Нимаики керак бўлса, ҳаммаси ошхона столида муҳайё эди, бироқ, чамаси маслаҳат беришдан роҳат қиладиган шинавандага пишириб-қуйдириш алоҳида бир ҳузур-ҳаловат бағишлаётганга ўхшар эди.

Альбомда сақланаётган сувратига қараганда Каёконинг соҳибжамол Митикодан фақат биттагина устунлиги бор эди: у соғлом аёл эди, чамаси, умр йўлдошликка эри фақат мана шунинг учун уни танлаган.

Бу хил ўй-хаёллардан унинг юраги безовта бўлди ва Каёко аҳволи қанақа бўлишидан қатъий назар ётоқчиламай эртагаёқ туриб кетишга қарор қилди. Лекин ошхона тарафдан эри еяётган тузланган турпнинг қарсиллашида қатъият ва хотиржамлик акс этарди.

Кейинги пайтда эри ёз пайтдагидек уни ҳадеб бекордан бекор айблайвермайдиган бўлиб қолганди...



## ЎЛИК ЧЕҲРА БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

– Тасаввур қиламан, бу бечорага қарашга сабрингиз етмаётганини, – деди қайнонаси уни ўлган хотини ётган хонага шошилинич кузатаркан. – Мана қаранг, ўлим уни нима қилди, – деди у оқ чойшабни марҳумнинг юзидан олмоқчи бўлиб.

Бироқ куёви кутилмаганда уни тўхтатди:

– Бир дақиқа тўхтанг. Мен унга бегоналарсиз қарай. Бир ўзим қолсам майлими?

Унинг илтимоси хонадаги қариндошларига ғалатироқ таъсир қилди. Ҳамма индамай сёдзини ёпиб чиқиб кетди.

У оқ чойшабни тортиб олди.

Аёлнинг жонсиз юзида уқубатли ифода қотиб қолганди. Қуруқшаган ёноқлари осилиб қолган, ярим очиқ оғзидан сарғиш тишлари туртиб чиққанди. Папирос қоғозини эслатувчи ингичка, ялтироқ юқори киприклари кўз соққасига ёпиштириб қўйилганга ўхшарди. Манглайдаги шишинқираган томирлар чеккан азоблардан дарак берарди.

Қимирлашга чўчиган эр мурданинг қийналган, хунук юзига термилиб узоқ ўтирди, кейин ўрнидан турди, марҳуманинг яқинига келди ва титраётган қўллари билан унинг жағини ёпиб қўймоқчи бўлди. Аммо қўлларини олиши билан марҳума яна тишларини тиржайтириб олди. У яна унинг оғзини ёпди, бироқ лаблари яна секин-аста иршайиб, бадбуруш тишлари олдинга туртиб чиқди. У бир неча мар-



та шундай қайтарди, аммо бу уринишлари бесамар кетди. Шунга қарамаёқ оғзининг атрофидаги чуқур, ғамгин чизикчалар нафисроқ, ҳалимроқ бўлиб бораётганини ҳис қилди.

У бармоқлари қизиб кетганини, худди баданига келаётган барча иссиқлик шунга сарф бўлаётганини ҳис қилди ва марҳуманинг манглайидаги аёвсиз ажинлар ва шишинқираган томирларни шиддат билан ишқай бошлади. То кафтлари ёниб кетгунча ишқайверди.

Шунда у марҳуманинг ёнига ўтирди ва кафтларининг иссиғидан қандайдир ҳарорат бахш этганини сизди ва шунданми унинг унча-мунча сокин, хотиржам ва меҳрибон бўлиб қолган унинг юзига тикилди.

Шу пайтда хонага онаси ва хотинининг синглиси кириб келди.

– Сиз, эҳтимол, йўлдан чарчаб келгандирсиз? Овқатланиб, дамингизни олинг.

Аммо онаси бирдан шашқатор ёшини тўкиб:

– Эй худойим! Инсон руҳи нақадар қудратли. Бечора қиз сиз келгунча ўлгиси келмаганди. Оқибатини қаранг, мўъжиза рўй берди, унга бир марта қаранг эдингиз, чехраси сокин, меҳрибон бўлиб қолди... Бояқиш тинчгина ухласин.

Марҳуманинг кичкина синглиси ўзининг тушуниб бўлмас даражадаги гўзал, ёрқин кўзлари билан унинг салкам телбаларча тикилган кўзларига қаради ва йиғлаганча чўккалаб қолди.

## ЭЛЕГИЯ

Нақадар оғир удумларимиз бор – марҳумлар билан дардлашиш эмиш! Кейинги пайтда бундай одат – тириклар ўз яқинларини ўлгандан кейин ҳам фоний дунёда қиёфалари қандоқ бўлса шундоқ яшашга мажбур этиш – айниқса, оғир туйилаяпти.

Номи эсимда қолмабди, бир файласуф шундай деган эди: «Элегия назариясининг азалий вазифаси инсон тақдири билан ўсимлик дунёсининг тақдири муштарак эканини тасдиқлашдан иборат...» Бу ҳикматли сўз интиҳоси нима билан бошланган-у, қандай яқунланган эди, эслолмайман, умуман ўсимликнинг ички дунёси ҳақида – бу хилқатнинг асл моҳияти нимадан иборат: гуллаб-яшнашиданми ёки хазон бўлмоғиданми ёинки бошқа пинҳоний сабаблари борми – мени ақлим етмайди, шундай бўлгач, бу хусусда муҳокама қилишим нодонликдан бошқа нарса эмас. Лекин шунга қарамай шу кунларда будда сутраларининг бетакрор мунгли оҳангларига мафтун бўлиб юрган чоғимда – сизлар марҳумлар билан суҳбат қила бошласам ҳаётлигинизда қандай одам бўлсангиз шундай қолган сизларга эмас, балки эрта кўкламдаёқ гуллаган бутасимон олхўрининг қирмизи ғунчаларига мурожаат қилишни истардим. Нега энди ўзим учун ғаройиб бир эртақ яратиб, алоҳа, сизларни хонамдаги тахмонда барқ уриб очилган олхўрининг қирмизи гули

сифатида тасаввур қилсам бўлмайдим? Дарвоқе, мен ҳеч қачон кўрмаган, билмаган ва олис-олисдаги номаълум ва нотайин юртда, борингки, Францияда бўлақолсин, очилган гаройиб бирон бир гул бўлақолсин. Фақат, албатта, гул бўлинг, сабаби мен сизни севардим, ҳамон севаман...

Мана шу тахлит Сиз билан суҳбатлаша бошладим-у, дафъатан ўша олис-олислардаги юртни кўргим келиб кетди. Ҳаракат қилдим, бироқ ҳеч нарса кўринмади, ёлғиз ўзим ўтирган хона ҳидини ҳис қилдим, холос.

– Вой, ахир у мархум-ку! – дедим ва кулиб юбордим.

Мен атир ҳидини кўтаролмайман ва ҳеч қачон ундан фойдаланмаганман, эсингиздами...

Ўша кечаси – унга ҳам тўрт йилдан ошди! – мен чўмилаётган эдим, бирдан кучли атир ҳиди ди-моғимга урилди. Унинг қанақа атир, қаердан келади бу ҳидлар – билганим ҳам йўқ, бироқ менинг яланғоч баданимга бегона ис тўлқинлари келиб урилганини ҳис қилиб уялганимдан ер ёрилмади-ю, кириб кетсам. Бошим айланиб кетди, мен ҳушимни йўқотдим. Бу ҳодиса Сиз олис-олисдаги меҳмонхонада эр-хотиннинг қордек оппоқ тўшагига хотинингиз атрини сепаетган лаҳзаларда рўй берганди. Сиз никоҳ саёҳатига чиққандингиз, Сиз қочиб кетгандингиз, Сиз мендан яширинча уйланган эдингиз. Мен анчадан кейин бохабар бўлгандим бундан, ўша пайтда эса ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди.

Ўша сонияда Сиз нима ҳақда ўйлагандингиз – мен ҳақимда эмасмиди мабодо – Сизнинг хотинингиз ўрнида мен бўлиб қолсам яхшимиди?

Оврупа атирларининг иси жудаям кучли, қанақадир ўткир ҳаддан зиёд «кучли» ҳид.

Бугун кечкурун ёшликдан кадрдон дугоналарим билан бизникида йиғилишдик. Карута ўйнашга қарор қилдик, бироқ ўйинимиз сира ўхшамади: мавриди эмасди, шекилли, чунки янги йил байрами кунлари ўтган, ўзимиз бу ўйинга энди ярамай қолган эдик балки, ҳаммамиз ахир улғайиб, бола-чақали бўлиб кетгандик. Хона баданимиздан чиқаётган хид ва ҳарорат туфайли чидаб бўлмас даражада хидланиб, димиқиб кетди. Ўзимиз ҳис қилдик буни. Отам хитойнинг мушк-анбар шимдирилган чўпларидан ёқди. Ҳаво бироз ўзгарди, лекин кайфиятимиз ҳамон паст эди.

Хотира – гўзал нарса, мен бунга аминман.

Лекин ўзингиз бир тасаввур қилинг-а, агар қирқ-эллик чоғли жувон шифти узра гул экилган иссиқхонада йиғилса-ю, хотирага берилса, нима бўлади?! Менимча гулларнинг бари сўлиб қоларди. Ҳар бир жувоннинг хотирасида алланечук манфур нарса қалқиб чиққани учун эмас, балки ўтмиш, бамисли эслаш мумкин тасаввурда жонлантириш осон, хуллас тасаввур қилиб бўлмайди.

Мен мана шунга ўхшаш ғалати нарсалар ҳақида хаёл сураётган чоғимда онам эсимга тушди.

Болалигимда мени қобилиятли дейишарди, бу карута ўйинидан бошланган эди.

Мен ҳали бешга кирмаган эдим. Ўқишни билмасдим, на катакандан, на хирагандан биронта ҳарф билмасдим. Тўсатдан ўйиннинг қоқ ўртасида онам менга юзланиб:

– Тацу-тян, – деб қолдилар, – сен ҳар доим ўйинимизни жимгина томоша қилиб ўтирасан... Ўрниб олгандирсан балки? – У менинг бошимни силаб қўйди-да, энғашиб савол назари билан қаради. – Қани ўйнаб кўргинчи! Бирдан олиб қолсанг-чи? Битта карта олиб кўр ҳеч бўлмаса...

Энди карта олишга чоғланган катталар ўша заҳоти ҳеч балони билмайдиган болага навбат беришди. Ҳамма менга тикилиб турарди.

Мен битта картадан ҳам кичкина қўлим билан кафтимни онамнинг тиззаларига яқин ерда ётган картанинг устига тап этиб урдим.

– Мана шуни олайми, ойи?

Биринчи бўлиб онам ҳайратга тушди, кетидан бошқалар «офарин, қойил» деб хитоб қила бошлади. Ойим шунда:

– Тўхтанглар, намуноча, – дея ҳаммани ўзига қаратиб жилмайди. – Бу шунчаки тасодиф бўлиши мумкин. У ҳали бола бўлса, ҳатто катакана нималигини билмайди-ю.

Бироқ атайин карута ўйнагани келган меҳмонлар ўйинни тўхтатишди. Нима бўлган тақдирда ҳам ёш болага ҳурмат юзасидан шундай қилган бўлишса керак. Ўйинни эълон қилиб турадиган бошловчи аёл менга юзланиб: «Тацу-тян, диққат билан эшит, диққат билан», деди-да, бир ўзимга чертиб-чертиб бир неча бор қайтарди. Мен яна битта қарта танладим, бу гал ҳам топдим. Сўнг яна биттасини олдим, яна омадим келди. Ўзимам ҳайронман. Омад кулиб боққани шу бўлса керак-да! Чунки, такрор айтаман, мен биронта ҳарфни танимасдим, қолганини қўяверинг. Мен таваккалига қўлимни узатар, онамнинг қўллари эса оламжаҳон қувонч бағишлаб бошимни силаб-сийпарди.

Менинг фавқулодда истеъдодим ҳақида мишмишлар яшин тезлигида тарқалди. Ана шундан кейин қаерга бормай, уйдаими, мактабдаими, фарқи йўқ, карута ўйнардим. Катталар қойил қолишдан чарчашмасди. Бироқ кўп ўтмай бу ўйиндан ҳам кучлироқ мўъжиза кўрсата бошладим.

Ҳозир эса уйда карута ўйини нақадар мураккаблиги ҳақида хаёл суриб ўтирибман. Мен «хиякунин-иссю» мажмуасидан ўрин олган барча шеърларни ёддан биламан, қарталардаги хирагандан олиб ёзилган жимжимадор ёзувларни бемалол ўқий олаяпман. Мен бир вақтлар илоҳий куч таъсирида ҳаммани ҳайратга солган кезларим болалигимга нисбатан карутани анча ёмон ўйнардим.

Ойи... Ойи... Ҳозир онам хаёлан худди Оврупо атирлари каби ёмон таъсир қилади менга. Ҳаммаси Сиз туфайли. Онам Сиздан мени қанчалар севишингизни амалда исбот қилишингизни доим талаб қиларди.

Аммо бу далил-исботлар етарли эди. Ҳатто истаганча топилар эди. Балки шунинг учун Сиз мени ташлаб кетгандирсиз, ҳолбуки биз бир-биримизни ҳаддан ташқари яхши кўрардик. Шунга қарамай, ҳамроҳини ташлаб кетган ҳамроҳдек кетиб қолгандингиз.

Ўша чўмилаётган чоғимда, олислардаги меҳмонхонада тўшагингизга сепилган анвойи атир иси менинг жисмимга урилган, тун юрагим дарчаларидан бирида абадий ёпилгандек бўлганди.

Сиз дунёдан кўз юмгач, мен Сизни бир марта ҳам кўрмадим.

Овозингизни ҳам эшитмадим.

Менинг фариштам қаноти синган эди.

Зеро, Сиз кўчиб ўтган ўликлар диёрига ҳижрат қилишни истамайман.

Лекин мен ҳаётни севмайман ва унинг қадрига етмайман ҳам. Сиз учун ундан воз кечган бўлардим, агар майсазорда ўсган мойчечакка айланиб қолсам эди, ҳаётдан бемалол кўз юмган бўлардим. Ў, пайсалга солмай ҳозироқ ортингиздан кетардим!

«У ўлган-ку», дедим-да кулиб юбордим. Ниманинг устидан? Ҳар қандай сунъий атир исларини ёқтирмаслигим устидан кўйдим ёки яқиндагина ўқиган ҳидлар ҳақидаги эртақлар устиданми?! Ҳатто хитойликларнинг мушки ёлғиз дафн маросими ҳамда буддодойларнинг ибодатхоналарида, худога сизиниш чоғидагина ишлатса ўринлидек туйиларди менга.

Хуллас, ҳиндулар ҳақида ўқиган ривоятлардан бири – «Имо» сутрасида баён қилинганди. Унинг маъноси шундай: муаттар ҳидлар диёрида ғаройиб дарахтлар ўсаркан ва ҳар битта дарахтнинг ўзига хос, алоҳида ҳиди бор экан. Дарахт остида донишмандлар ўтириб, анвойи ҳидларни искаб ҳақиқатни кашф қилишар экан. Қанча ҳид бўлса ҳақиқат ҳам шунча...

Агар илмсиз одам физикага оид дарсликни ўқиб чиқса унинг учун ранг, ҳид ҳамда товуш бир хил ҳодисалар, фақат уларни қабул қилиш учун инсоннинг турли аъзолари хизмат қилади, деган ҳаёл қилиши мумкин. Нимаям қилардик, алломалар ҳам инсонга хос қувват электрланган тўлқинларга ўхшаган ҳақиқатмонанд эртақлар тўқишади-ю...

...Ошиқ-маъшуқлар бор экан. Йигит тез-тез саёҳатга чиқаркан. Улар бир-бирларининг аҳволидан хабар олиб туриш учун почта сифатида каптарларнинг хизматидан фойдаланар экан. Каптарлар денгиздан, уммонлар оша ўтиб, йўлни қандай топиб келишар экан-а?! Севишганлар оёқларига боғлаб қўйилган мактублардаги севги-муҳаббатнинг таровати қушлар қанотига куч-қувват бағишлайди, деб ишониларди. Айтишларича, дунёда шундай, мушуклар мавжуд экан-ки, арвоҳларни кўра олар экан... Зеро, хўжайинга нима бўлишини олдиндан сеза оладиган жониворлар ҳам бор дейишади, эгаси эса

ҳеч нарса билмайди ва сезмайди... Мен Сизга итимиз – инглиз поинтери ҳақида айтиб бергандим, шекилли... Мен ҳали ёш бола пайтимда бир куни отам Идзуга ов қилгани борганда, уни бирга олиб кетганлар. Ит йўқолиб қолган, орадан саккиз кун ўтгач, бир аҳволда уйимизни топиб келган. У нима ҳақида ўйлаган ва нимадан умид қилган? Шунчалар олис жойдан уйимизни, Токиони қандай қилиб топиб келган? Фақат эгасининг қўлидан овқат ейдиган итлар тоифасидан бўлса керак, худди шу нарса уни йўлга солгандир...

Хушбўй ҳидлар диёри ҳақидаги эртақда донишмандлар турли-туман ҳидлар ёрдамида ҳаққа эришадилар. Қайдам, бу чиройли, шоирона тимсол эмасдир, балки... Реймонднинг Рухлар Салтанати эртагидаги алвон рангли одамларнинг маънавий-руҳий озуқаси ҳисобланади.

Кейин Лейтенант Раймонд Лодж сэр Оливер Лоджнинг кенжа фарзанди бўлган. 1914 йили у кўнгилли бўлиб армияга кирган, иккинчи жанубий-Ланкашир полкга қўшиб фронтга юборилган. 1915 йил 14 сентябрида Фуше истехкомини штурм қилиш чоғида ҳалок бўлган. Шундан кейин кўп ҳам ўтмай медиумлар орқали ( Лепрад ва Питерс хонимлар) нариги дунёдан бир талай, турли-туман маълумотлар бериб турган, унинг отаси профессор Лодж ўзининг икки жилдли китобида бу ҳақда бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилиб беради.

Реймонд бошқа художўйлар ёрдамида суҳбат қилган: Ленард хоним Фиди деган ҳинд қизи, Питерсга эса италиялик Мунстон номли анахорет кирган. Шу тариқа медиумлар инглиз тилида гаплашишган.

Ҳамиша Рухлар Салтанатининг учинчи ҳалқасида яшаган Реймонд бир куни бошқа ҳалқага кириб



қолган. У ерда алебастрга ўхшаган материалдан қурилган баҳайбат оқ бинога кўзи тушган.

Оппоқ ибодатхона ичи бамисли камалақдек товланарди. Бир порталда қизил ранг, бошқаси мовий рангда, қоқ марказдаги портал эса қизғиш тусда жилва қиларди. У ерлардан таралаётган ранг кўзни камаштирмасди, аксинча, ғаройиб бир тарзда юшоқ тараларди. «Қаердан келаяпти бу ранглар?» – дея ўйлади жаноб (Фида Реймондни шундай деб тилга оларди) ва синчковлик билан атрофни кўздан кечирди. Маълум бўлишича сербар деразаларга рангли ойналар солинган экан. Мархумларнинг руҳлари нур тўлқинларида ҳаракат қилишарди, баъзилари пуштиранг, бошқа бирлари мовий рангни танлаб олишган экан. «Нега бундай қилишди?» – деб ўйлади жаноб. Унга ўша заҳоти пуштиранг – муҳаббат, мовий – дилга шифо, қизғиш – заковат нури эканлигини тушунтириб беришди. Ҳар бир руҳ ўзига керакли рангни танлар экан. Бу жудаям муҳим, деди мамнунона оҳангда мутаржим, одамлар ҳали заминда яшаётган кезлари нур нима, ранг нима эканлигини фарқига боришмаган, бироқ бу ерда қисқа муддат ичида ранглар таъсирини нималарга қодир эканини тушуниб оладилар.

Сиз ҳозир балки кулаётгандирсиз. Ваҳоланки, биз заминдаги ётоқхонамизни ҳар хил ранглар таъсир кучи ёрдамида беамаган эдикми?! Дарвоқе, руҳшунос олимлар ҳам гулларнинг асаб системасига таъсири ҳақида бежиз гапиришмаган.

Реймонд биринчисидан унча фарқ қилмайдиган яна битта хидлар ҳақида эртак айтиб берди.

....Сўлиган гулларнинг ҳиди арши-аълога кўтарилади, курраи заминдагига ўхшаб худди ўшандай гуллар етишиб чиқади. Умуман, Руҳлар Салтанатида

жаъмики нарсалар ҳидлардан пайдо бўлади. Агар эътибор қилсангиз дунёдан кўз юмган ҳар бир инсон, ҳар бир чириб тугаган буюмнинг ўзига хос алоҳида хиди мавжуд эканини сезади. Чириган канождан тўкилган матонинг хиди чириб кетган мовут хидидан кескин фарқ қилади. Қуриган бамбук эса қуриган акас дарахти хидига мутлақо ўхшамайди. Ана шу ўлим хидлари самога кўтарилади. Улардан худди она заминдаги асл нусхаларга ўхшаган дов-дарахтлар, буюмлар ва одамлар пайдо бўладилар.

...Рух инсон жасадини ўша заҳоти тарк этмайди, балки липиллаб ўчаётган аланга янглиғ секин-аста тарк этади. Унинг хиди инжа ипак толаларидан ҳам нафисроқ бўлиб самога парвоз этади ва ўша ерда келган жисмидан бир мисқол фарқ қилмайдиган қиёфага киради. Бундай эврилишлар чоғида Реймонднинг ҳатто бир дона киприги ҳам тушмай бармоғидан бир бутуни ҳам ўзгармаган. Ҳатто ерда яшаган маҳалида чириган ва пломбаланган тишлари бус-бутун ҳолича сақланиб қолган.

Нариги дунёда Рухлар Диёрида барча кўзи ожизларнинг кўзи очилади, ногиронлар тузалади. У ерда ер юзида қандай бўлса, худди шундай суратда мушуклар, қушлар ва отлар юради. Ҳаводан ёки қандайдир ўлик хидларидан бунёд бўлган ғаройиб эссенциялар сигаралар, содали сув ҳамда вискилар бунёд бўлади... Сигара билан виски эмиш – соддалик ҳам эви билан-да! Рухлар масканида болаларнинг ўсиб-улғайиши давом этади. Раймонд у ерда гўдак маҳали ўлиб кетган укаларию сингилларини учратган. Улар балоғатга етиб, руҳан гўзал йигит ва қизларга айланишган, зеро фоний дунё уларни баркамол бўлиб ўсишларига ҳалал бермаган. Айниқса, эғнидаги либоси нурдан тўкилган, қўлида нилуфар

гул тутган сингилларидан бири бағоят ғўзал эди... Агар унига биронта шоирнинг кўзи тушса борми, бу малаксиймо қиз унинг абадий илҳом парисига айланарди.

Мен нариги дунё билан алоқалар ҳақида кўплаб асарлар ўқиганман, бирон муаллиф руҳий ҳаётнинг абадийлиги ҳақида Раймондчалик ҳаётий ишонч билан ёзмаган. Қайдам, севикли ёридан жудо бўлганлар қатори мен ҳам ўзим учун шу асардан таскин-тасалли излашим керакдир, балки. Бироқ таскин тополмай, ўрнига бир неча ибратли ривоятларга дуч келдим, холос.

Данте билан Сведенборг даҳо ижодкорлардан! саналади, бироқ марҳумлар дунёси ҳақида ҳикоя қилувчи буддойлар китобидаги мислсиз иллюзиялар олдида уларнинг асарлари ниҳоятда жўн ва ночор туйилади. Тўғри, баъзан Шарқ оламининг файласуфлари ҳам бу масалада четлаб ўтишни маъқул кўрадилар. Масалан, Конфуций бундай деган: «Мен ҳали ҳаётни тушуниб етмаган бўлсам, ўлимни қанақасига тушунай», лекин шунга қарамай, буддойларнинг айрим сутралари икки олам – бу дунё билан у дунё ҳақидаги мислсиз дoston сингари янграйди. Сўнги пайтда оламдаги энг ғўзал элегия поэзиясининг ажойиб дурдонаси сифатида ундан баҳраманд бўлаяпман.

Онам дунёдан кўз юмган лаҳзалар эсингизда бўлса керак?

Сиз мендан:

– Онанг ҳақида ўйлаяпсанми? – деб сўраганингизда нақадар ажабланганимни билмайсиз.

Ёмғир ёғмоқда эди. Теварак-атроф ниҳоятда мусаффо. Ёзнинг бошларига хос, қуёш нурлари ниҳоятда порлоқ. Борлиқ ҳам чароғон, жимжит ва по-

киза. Ташқарида замин узра кўтарилган енгилгина туман уфққа томон сузиб кетмоқда. Қуёш ҳам аста уфққа бош қўйяпти. Мен бағрингизда эркаланиб ўтирибман, узоқларда дарахтзор уни ҳозиргина осмон фонига қора бўёқ билан чизиб қўйишгандек. Дафъатан, уфқда заифгина ёғду пайдо бўлади. Мен ўзимча бу ботаётган қуёш билан замин узра тўкилаётган шафақнинг жилвасида тўкилган бир қатра нур, деб фикр қиламан.. Ва.. онам майса устидан оҳиста юриб келяптилар.

Мен ота-онамнинг иродасига қарши Сиз билан яшардим.

Бироқ ҳозир онамни кўриб ҳайрон бўлишга заррача уялмадим. Мен унга пешвоз чиқиш учун ўрнимдан турдим, аммо онам бир нима дейишга чоғланди-ю, чап қўли билан томоғини ушлади ва ғойиб бўлди.

Мен тиззаларим қалтираб оёқларингиз остига йиқилдим. Сиз эса:

– Сен онанг ҳақида ўйлаяпсанми? – деб сўрадингиз.

– Сиз ҳам кўрдингизми?

– Нимани?

– Онамнинг келганларини?

– Қаерга келдилар?

– Шу ерга, бизнинг олдимизга!

– Кўрганим йўқ. Ойингга бирон нима бўлдимми?

– Ҳа... Онам дунёдан кўз юмдилар. Шуни айтгани келган бўлсалар керак.

Мен ўшанда пайсалга солмай қизлик уйимга, отам ҳузурига боргандим. Онамнинг жасадини ҳали касалхонадан келтиришмаган эди. Мен қариндошуруғларимиз билан хат ёзишмасдим, шунинг учун онамнинг оғир дардга чалинганларидан мутлақо

бехабар эдим. Онам оғзидан сарамас бўлиб оламдан ўтган эканлар. Томоқларидан ушлаб бир нима димоқчи бўлганларида шуни айтмоқчи бўлгандирлар.

Онам кўзимга кўринган чоқда жонлари узилган экан.

Менинг онам чинакам мушфиқ оналардан бўлган, тавба, ҳатто шунақа эканликларини билиб туриб ҳам Урабонэ байрами куни меҳробда уларнинг ҳақиға дуо қилмаган эканман. Ва ҳеч қачон қоҳин орқали улар билан суҳбат қурмаганман ва нариги дунёдаги ҳаётлари ҳақидаги ҳикояларини тингламаганман. Мабодо онам билан гаплашгим келиб қолса, ўрмонга бориб, бирон бир дарахтга мурожаат қиламан. Онам чинданам шу дарахтга айланган бўлишлари ҳам мумкин-ку?!

Эҳтимол, сон-саноқсиз ўлим ва туғилишларни кўрган руҳ – исёнкор ва бахтиқаро руҳ бўлса керак. Сакья Муни инсон боласини қайта туғилишлар гирдобидан халос бўлиб, Нирванада ҳаловат топишига даъват қилганди. Лекин шунга қарамай, дунёда қайта туғилиш ҳақидаги таълимотга кўра, ғаройиброқ мароқлироқ афсона бўлмаса керак. Бу одамзод томонидан яратилган энг гўзал элегиядир.

Бу таълимотнинг илдизларини узоқ-узоқ асрлардан Шарқдан излаш керак, ҳар эҳтимолга қарши, Ҳиндистонда у ведалар даврига тўғри келади. Аммо Ғарбда ҳам эврилишлар ҳақидаги афсоналар сони юлдузлардан ҳам кўп. Инсон яшайди, ўлгандан кейин ўсимликка ёки жониворга ёхуд оққушга айланади. Қадимги Грецияда бунақа афсоналарнинг сон-саноғи йўқ. Ҳатто Гёте бояқиш қамоқда азоб чекаётган Гретхеннинг тилидан шу ҳақда ҳикоя қилади. Гретхен уни қандай ўлдиришгани ва кўмишгани, у эса ўрмон қуши бўлиб қанот қоқиб кетгани ҳақидаги кўшиқни куйлайди.

Барибир инсон ўзини табиатнинг бошқа барча кўринишларига қарши қўймоққа интилади, қадимги авлиёлар ва замонавий спиритлар, қисқаси ҳаётнинг сирли томонлари ва ўлим ҳақида ўйлар экан, умри давомида инсон қалбини ҳамма нарсадан – наботот ва ҳайвонот дунёсидаги нарсалардан устун қўяди, мана шунинг оқибатида инсон минг йиллар давомида, бир йўналишда кенг йўллардан юради, атрофга қараш унинг калласига ҳам келмайди.

Балки, шунинг учун одам боласи бу даражада ёлғиз ҳамда унинг қалби кимсасиз оламда, бир ўзи сарсон-саргардон кезади.

Ўйлашимча, қачон бўлмасин у ҳаммасини тушунади ва ўшанда унинг ортига ўгирилишга ва шу пайтгача йўл юриб келаётган узундан-узун сўқмоқлардан ортга қайтишига тўғри келади.

Сиз кулаяпсиз-а? Ўйлаяпсизки, мен қадим халқларнинг пантеизми ва ибтидоий қабилаларнинг одатларига қайтиб келаяпманми? Лекин замонавий олимларни эсланг, улар материя нимадан барпо бўлганини ўйлашмаяптими? Наҳотки, бу изланишлар тобора кенгроқ миқёсда давом этаётган ва бир пайтнинг ўзида қийинлашиб бораётган бўлса дунёнинг айланиш қонунига олиб келмайдими?

Хуллас калом, одамлар руҳнинг абадийлигини тан олар экан, нариги дунёни бизнинг ўзимизнинг оламини акси деб тасаввур қилишади. Улар инсон самовотдаги руҳнинг ердаги қиёфасин сақлайди, деб ишонгиси келади. Қанақа ночор хомхаёл ва одамлар унга шунчалар ёпишган! Нимаям дердинг, тушунарли, тирик одамлар жиллақуриса, тирикларга боғлиқ, улар бошқа жиҳатдан ҳаётдан кўз юмганларга алоқадор. Аммо мени ўлганлар нариги дунёда ҳам тириклигида қандай бўлса шундай бўлган, яъни ўзининг

севгиси ва нафрати билан шундай қолади, болалар – болаларга ва ота-оналар, акалар ва опа-сингиллар шундайлигича, ҳатто ер юзидаги ҳаётларида бирон ролни ижро этган нарсалар нариги дунёда ҳам давом этади, деган даҳшатли бир кайфият – тушкунлик қамраб олади. Қанчалар адолатсизлик! Демак, нариги дунёда ҳам барча нарсалар инсон атрофида чарх ураркан, ҳамма нарса унга хизмат қилар экан-да!

Ўзимга келсак, ўлимдан кейин яхшиси оқ кабутарга айланиб қолсам, рангпар арвоҳларнинг тушкун салтанатида юрсам эди. Агар шундай бўлса, ер юзидаги ҳаётда қандай беғам ва эркин яшардим!

Қадимги философия мактабларининг бири пифагорчилар гуноҳкор руҳлар ўлимидан кейин қушлар ва ҳайвонларга айланади ва бу қиёфада жониворларга аталган азоб-уқубатларни чекадилар, дейилади.

Исо Масих ҳақида эса мана бундай ҳикоя қилдилар: учинчи куни, ҳали чорчўпда ҳали қон қуриб улгурмай туриб, у осмонга кўтарилибди ва унинг қолдиқлари ғойиб бўлибди. «Ва иккови ёркин либосда хочнинг ҳар иккала томонида турибди. Ва улар кўрқувдан пастликка қулабдилар ва ўша одам уларга дебди:

– Нега сизлар тирикликни ўликдан излаяпсизлар? У бу ерда йўқ, чунки у тирилган. Унутманг, Галилейда унинг сизга айтган гаплари нимадан иборат эканини: инсон болалари, Сизга ҳақиқатни айтаман, у ўлажак, жинойтчиларнинг қўли билан хочга тортилади ва учинчи куни тирилади».

Раймонд эса самовотда худди шундай порлоқ либосга бурканган Исо Масихни учратди... Тўғри, у дунёда Раймонд одамларининг ҳаммаси нурдан бўлган либосларда, ялтираб юришади. Унинг фикрича бу

безаклар қалбнинг – ер юзида яшаган чоқда йиғилган жавоҳирлардан яралган... Нима дейиш мумкин, бу афсонада бизнинг олам тушунчалари акс этган.

Грек афсоналари бўйича борки, ер юзидаги илоҳий нарсаларни – гулни, юлдузни, жониворларни одамлар каби қаҳқаҳа урган ва фарёд чеккан худоларни одамлар руҳий саломат яшаб юрган, ҳаётлари тўлақонли ва гўзал, бамисли мусаффо осмон остида мутлақо яланғоч ҳолда рақс тушасан, одамларни куйлаган.

У ерда худолар гўё бекинмачоқ ўйнаётгандек табиий ва оддий гулларга айланади. Соҳибжамол ўрмон маъбудаси Харита ўзига ёқинқирамаган йигитчанинг севгисидан сақланиш учун дасторгул бўлиб олади. Қизлик иффатининг бокиралигини сақламоқчи бўлган ва бузуқ Аполлоннинг таъқибидан сақланиб Дафна лавр дарахтига айланади. Веpr томонидан тилка-пора қилинган Адонис тирилиб, уни севган Афродитани овутиш учун гул бўлиб уйғонади. Аполлон ўзининг маҳбубаси Гиацинтанинг азасида ғамбода ютиб, унинг қиёфасини гулга қиёслайди.

Мен ўйлайманки, балки менга ҳам Сизни менинг хонам тоқчасида очилган олхўри дарахтининг қирмизи гулларини кўриш насиб этса! Ман гулга айланган Сиз билан гул тилида гаплашмоқдаман...

Мўъжиза... Ланғиллаб ёнаётган оловда нилуфар ёнмоқда... Севги эҳтирослари буюк уйғониш-да...

Сиз қолдирган заминда мен анемоннинг қалбига етишаман. Агар мен бунга эришсам, агарда...

... Шамоллар худоси гўзал ўрмон маъбудаси Анемонни севиб қолибди. Буни гуллар маъбудаси билиб қолибди, у рашкдан ёниб кетибди ва ҳеч нарсадан беҳабар Анемонни ўз мулкидан ҳайдаб чиқарибди. Бояқиш кўз ёшларини дув-дув оқизиб,



бир неча кун ва тунини очик далада ўтказибди. Кейин бунақа азоб чекиб яшагандан кўра, яхшиси дала гули бўлиб, замин узра ҳукм сурган қалбимга ер юзи ва само ато этган неъматлардан қувониб яшай, деб ўйлабди ва анемон гулига айланиб қолибди. Айтишларича, бу бахтсиз маъбуда гулга айланиб қолган заҳоти юраги ёруғ ва ҳаловатли бўлиб қолибди...

Мана сиз мени ташлаб кетганингиздан кейин, Сизни мендан тортиб олган Аякога рашк қиламан, кечаю кундуз далагулига, анемонга айланиб қолиш ҳақида ўйлайман. Бу қанчалик қувончли бўларди!

Одамнинг кўз ёшлари – ғалати нарса. Сизга бугун кечқурун айтиб бераётганим янаям ғалатиروқдир. Дарвоқе, бу сира янгилик эмас. Миллион-миллион одамлар юз йиллар мобайнида шу ҳақда орзу қилмаганмиди?!. Балки қалбимда бамисли бир томчи кўз ёшида мунгли поэзия акс этгани учун мен аёл киши бўлиб туғилгандирман...

Мен Сизнинг сеvimли махбубангиз бўлган вақтимда бахтимдан кўз ёши тўкиб уйқуга кетганман.

Сиздек сеvimли одамимни йўқотганимда дастлабки пайтда эрталаб, кўзимни очган заҳотим кўз ёшларим ёноғимдан тинмай оқарди.

Сизнинг ёнингизда ухлаётганда, Сиз ҳеч қачон тушимга кирмас эдингиз. Сиз билан ажрашиб кетганда худди атайин қилгандек ҳар тун тушимга кирардингиз. Сиз мени кучоқлар эдингиз, мен тушимда йиғлар эдим. Шунинг учун эрталаб ғамбода ютиб уйғонардим. Менинг эрталабки кўз ёшларим, кечки қувонч ёшларимга сира ўхшамасди.

Мен ҳамиша ўйга толаман... Агар нариги дунёда гуллар ва ҳидлар руҳий озуқа бўлиб хизмат қилса,

муҳаббат аёл киши учун юрагининг булоғи бўлолмайди...

Эсимда бу қандай бўлгани... Қачонки Сиз менга тегишли бўлганингизда ҳамма нарса менинг ишққа тўла юрагимнинг ёғдуси билан порлаб турган. Бу нурда ҳатто мен универсал дўкондан сотиб олган ички кимоно ёқаси, ҳатто мен ошхонада бўлақларга бўлган окунь балиғи ҳам қандайдир алоҳида туйиларди.

Мен Сизни йўқотганда, юрагимда муҳаббатдан асар қолмади. Ҳаммаси бир зумда ҳувиллаб қолди. Қушларнинг сайроғи тинди. Гуллар сўлиди. Мени еру кўк билан боғлаб турган сўқмоқлар завол топди. Инонинг, ўзингни юрагингдаги муҳаббатни йўқотиш севган одамингни йўқотишдан кўра аччиқроқ.

Мен қайта эврилиш даври ҳақида марсия ўқий бошладим.

Ўқияпман-у, секин-аста шеъриятнинг гўзаллиги жалб этиб ўзимни ва Сизни беихтиёр шу қушлар ва ҳайвонлар, майсалар, дарахтлар узра топаман. Ажойиб дамларнинг бирида тўсатдан мен севгига лиммо-лим юрагим яна ўзим билан биргадек, яна оламдаги бор гўзалликка интилгандек бўлади.

Ҳа. Мен Сизни севардим. Жуда, жуда!..

Қачонлардир, қачонки Сизни эндиgina учратган, ҳали ишқимга иқрор бўлишга улгурмаган пайтимда, биласизми, нима тўғрисида дуо қилганман? Ҳозир худодан нимани сўрасам, ўша ҳақида, эндиgina гунчалаган нафармон олхўри гулларига сиғинаман – менинг қалбим эркин тўлқинлар каби шаффоф сувнинг оқими сингари Сизнинг қалбингизни ювиб, қаерда бўлманг унга қўшилиб кетишини истайман.

Эсингиздами? Мен онаминг шарпасини кўрганнимда Сиз дарҳол бир нимани сезгансиз. Ҳали мен ҳеч нарсани айтишга улгурмай Сиз онангга нима

бўлди, деб сўрадингиз. Рухларнинг бунақа яқинлиги, бунақа бир танлилигидан кейин бир замон келиб биз ажрашиб кетамиз, деб сира-сира ўйламаган эдим. Ана ўшандан кейин мен дафн маросимига жўнаб кетгандим.

Кейин эса мен Сизга хат ёздим. Бу бизнинг айрилиқдан сўнг илк йўқлашим эди. Мен ота уйимда қолган тошойнанинг ортида ўтириб ёзгандим:

«... Отам ғамдан адо бўлди. У бизни кечирди, бизнинг тўйимизга розилик берди ва кечирганини билдириш учун менга маросим либосини ҳадя қилди. Мен бироз ғам чеккандек сўппайиб, мотамда одам ўзини қандай тутиши лозим бўлса ўзимни шундай тутишга уринаман, лекин барибир жудаям чиройлиман, рост, рост! Қора либос менга жуда ярашади. Мени шу кўйлакда, шундай ойнада кўргандек кўришингни хоҳлардим. Қора ранг – бу, албатта, жуда чиройли, бироқ никоҳ маросимига ярашмайди. Мен отамга эркалик қиламан, балки у менга яна битта ёрқин, кўзни қамаштирадиган рангли кўйлак олиб берар. Сени жудаям соғиндим, сенсиз қийналаяпман, сенга бутун вужудим билан талпинаман, лекин ўттиз беш кун чидашга тўғри келади, агар ҳозир онамнинг ўлиmidан кейин мен яна илгаригидек уйдан кетиб қолсам яхши бўлмайди. Айбимни тузатмоқчиман, ҳозир айна пайти. Балки Аяко сеникида бўлар-а... Ундан кўра рўзғоринга ёрдам беришини ўйлай. Укам менинг олдимдан кетмайди, у шунақа кичкина ҳали, лекин ҳамма нарсани тушунади, акасини ҳимоя қилиб қўллаб-қувватласа керак...»

Сизнинг жавоб мактубингиз эртасига оқшом пайти келди.

«...Сен, эҳтимол, тобут олдида тунги бедорликдан ва бошқа ташвишлардан анча қийналгандир-

сан, ўзингин сақла. Мен ҳақимда ташвиш чекма, Аяко менга ёрдам беради, у жуда меҳрибон... Мен сенинг ойнанг бор-у, шуни эсладим – уни миссионерлик мактабида бир дугонанг совға қилганини айтувдинг, француз аёли, юртига қайтиб кетишидан аввал. Сен яна уни отангни уйида қолдирганинга афсус чекасан. У қандай сақланган у ерда? Бутунлигича ва тўлалигича фақат оқ бўёқ яшиқда қотиб қолган ва у тошдек... Мен сени ойнада кўраман – шунчалик рангпар ва қора либосда шунчалар гўзал... Мен сени тезроқ никоҳ тўйимиз либосида кўргим келади. Биз сенга ажойиб кўйлак тикамиз. Дарвоқе, сен отангга эрқалансанг янаям яхши бўларди, агар шундай қилсанг, у эриб кетиб сенга никоҳ маросимига безаклар совға қиларди, менимча бу унга руҳ бағишлайди. Менимча у бизнинг тўйимизга рози бўлади – ахир у ҳозир ғам билан адо бўлган, балки шунинг учун юмшок бўлиб қолгандир. Тўғри, бундан фойдаланиш яхши эмас, лекин нима қилиш керак... Тацуэ, сизни укангиз қалай, яхши юрибдими? Сиз бир пайтлар уни ўлимдан сақлаб қолгансиз-а?...»

Сизнинг хатингиз менинг мактубимга жавобан ёзилган эмасди, меники эса Сизга жавоб хати эмасди. Биз бир вақтда бир нарсани ўйлаб бир-биримизга ёзганмиз. На Сиз, на мен ажабланмаганмиз – бизда ҳар доим шундай бўлган.

Шунчаки бу бизнинг бир-биримизга бўлган муҳаббатимизнинг, бизнинг бир-биримизга жудаям яқинлигимизни билдиради. Биз бунга бирга яшама-сак ҳам бошиданоқ ўрганиб қолгандик.

Сиз кўпинча, токи сен билан бирга эканман, Тацуэ, мен ҳеч нарсани ташвишини қилмайман, менга балоям урмайди. Мен Сизга акамни қандай сақлаб

қолгани тарихини айтиб берганимда Сиз шу ҳақда такрор-такрор гапирардингиз.

Оиламиз ўша пайтда денгиз бўйида дала ҳовлини ижарага оларди. Мен кийимларимни ҳовлида, қудук ёнида ювардим, бирдан... Гумбурлаган момақалди-роқ, сарғиш осмон, тўлқинлар, йиртилган елкан ва менинг акам сувда бўғилиб бақиряпти. Ахир об-ҳаво ажойиб эди, ҳеч нарса бўрондан дарак бермасди. Лекин мен шошиб уйга югурдим ва онамни чақирдим.

Онамнинг ранги оқариб кетди, мени кўлимдан ушлаб соҳилга қараб югурди. Акам худди шу пайт яхтага ўтирмоқчи эди.

Оби-ҳаво ажойиб эди, бироқ улар орқага қайтаётганларида кучли шамол қўзғалди, сел қуйиб яхта йўлини ўзгартирмоқчи эди-ю, тўнтарилиб тушди. Бахтимизга ҳеч кимга зарари етмади. Учласи мачтага ёпишиб олди ва то қутқарувчи катер етиб келмагунча мачтани ушлаб туришди. Иккала қиз ёмон сузарди, ягона эркак – студент сўнгги кучигача уларга ёрдам берди, кичкинтой бола шу ерда бўлганда нима бўлишини тасаввур қиламан.

Онам ҳамиша менинг башорат қилишларимга ишонарди, шунинг учун уларни акам-ку, улар билан юбормагани.

Тўғри, болалигимда ва гўдаклигимда чинданам менинг қандайдир ажойиб қобилиятим бор эди. Эсимда бор, карута ўйини билан шуҳрат қозонганимда овозаси бошланғич мактабнинг директорига етиб борганди. У мўъжизакор боланинг бу лаёқатини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлибди ва онам мени унинг уйига олиб борибди. Мен ҳали мактабга бормасдим, юзгача санашни аранг билар, арабча рақамларни билмасдим, аммо кўпайтириш ва бўлишни қотирардим. Мен ақлим билан ҳисобламас, қандайдир ғойи-

бона куч таъсирида бир рақамни жавоб тариқасида айтар эдим. Худди шундай, ғойибона куч таъсирида тарих ва географиядан оддий саволларга жавоб берардим.

Лекин менинг мўъжизакор қобилиятим ёнимда фақатгина онам бўлсалар намоён бўларди.

Директор ҳар жиҳатдан ўзининг қойиллигини билдирарди; вой-войлар, оҳлар урар, ўзининг тиззасига тинмай урар эди. Онам эса бу ҳали ҳолва, у бундан ҳам ажойиб ҳунарларни кўрсатади, дерди. Мабодо, масалан уйда бирон нарса йўқолгудек бўлса, қизим, албатта, қаердалигини топиб беради.

Директор яна қойил қолганини билдирди. Лекин бу сафар бироз ишончсизлик сезиларди овозида.

– Аммо мана буни у топа олмайди, шекилли. – деди у бир китобни очаркан. – Айт-чи болагинам, нечанчи саҳифа.

Мен ҳеч нарсани ўйламай бир рақамни айтдим, турган гап, жавоб тўғри чиқди. Шунда директор кафти билан бир неча қатор сўзларни ёпди.

– Бу ерда нима ёзилган, биласанми?

– «...хрусталь мунчоқлар... глициний гуллари... олхўри гулларига қор ёғмоқда... Ёқимтой бир бола қулупнай емоқда...»

У нечоғлиқ ҳайратга тушди!

– Зўр-ку! Бемисл! Кароматчи, илоҳий бола!.. Бу китобнинг номи нима?

Мен бошимни эгдим, бир дақиқа ўйлаб қолдим, сўнгра «Макура-но-соси», уни Сэй Сенаган ёзган...

У ерда хиёл бошқача ёзилган эди: лабларини қулупнай қизартирган ажойиб кенжатой ва «гуллаётган олхўри учқунлаётган қор остида»... бироқ директор ҳозиргидек эсимда, ҳайратланиб ўзига келолмасди. Онам эса фахрланиб гул-гул ёнарди.

Ўша пайтлари мен кўпайтирув жадвалини ёд билардим, сеvimли одатим эса воқеаларни олдиндан башорат қилиш эди: масалан итимиз нечта бола туғади ва тукқан болаларининг жинси қанақа бўлади, бугун бизникига ким меҳмонга келади, қачон отамиз ишдан келади, бўлғуси хизматкоримиз қанақа кўринишда бўлади... Баъзан мен ғамгинроқ нарсани башорат қилиб олардим – таниш-билишлардан касал бир одамнинг ўлимини айтиб берардим. Очиғини айтсам, ҳамма айтганларим амалга ошарди. Табиийки, катталар ажабланар ва ҳайратланарди, мен эса назаримда ўзимнинг лаёқатим билан бироз фахрланардим. Аммо мен ҳали бола эдим ва ҳар қандай болалар каби оламда энг яхши кўрганим ўйин эди. Олдиндан айтиш ўйини менга ҳар қандай ўйиндан қизиқроқ ва мароқлироқ эди.

Лекин мен катта бўлган сайин болаликка хос бу одат восита ўз кучини йўқота борди, чақмоқдек баъзан-баъзан ўзини намоён этиб борарди.

Бир куни кечаси ғуслхонадан Аяконинг қаллиқлик тўшагида ишлатган атирнинг ҳидини сезиб қолдим ва менинг орзу-умидларим қанотлари қирқилди. Дарвоқе, мен бу ҳақда айтиб ўтгандим.

Ўша мактуб ҳаётимдаги энг ажойиб хатлардан бири эди, у қор ҳақида эди – эслайсизми? Мен уни жудаям ёш қизча пайтимда ёзгандим. Бу бир мўъжизага ўхшайди.

«...Токиода қорнинг қалин ёққанини қаранг!.. Бизнинг уйимиз олдидаги қорни бир киши кураяпти. Олдидаги ит унга қараб қутургандек акиллаяпти, ялтироқ ранг овчарка – ақлдан озай дейсан – занжирини шундай тортадики, яшил бўйинтуруқ узилиб кетай дейди. Наҳотки, менга ҳам шундай ҳурса. Мен унда Сизнинг уйингизга киролмайман-ку. Минг аф-

сус! Узоқ йўлдан кейин кўчада шундай қолиш яхши-ми!.. Бирдан қор кураётган кишининг орқасидаги бола йиғлаб қолди. Қўрқиб кетдим, бечора! Сиз уйдан чиқиб болани овута бошладингиз. Овутаяпсизу, ўзингиз ўйлаяпсиз – бунчалик аянчли. Тирриқ чолнинг боласи шунақа бақувват, соглом бўлса, қойил қолиш керак! Қария кекса чол эмас мутлақо, шунчаки, у оғир ҳаёт. Адоқсиз муҳтожликлар туфайли жудаям ночор кўринади. Қорни аввал Сизнинг хизматкорингиз курарди. Бирдан орқасига боласини ортмоқлаган бу киши пайдо бўлди. У етти букилиб таъзим бажо қилди ва шу ишни унга топширишни сўради. «Менга ёрдам беринг, илтимос... тўғриси айтганда, ҳеч кимни бунақа одамга иш бергиси келмайди, яна бола билан келибди, лекин мен нима қилай, бошқа иложим бўлмас... Бола эрталабдан бери ҳеч нарса егани йўқ, сутсиз, очликдан ўлади, мени ҳайдаманг»... Хизматкор Сизга қараб меҳмонхонага юрди. Сиз Шопеннинг мусикасини эшитардингиз. Сизнинг меҳмонхонангиз шунақаям ёруғ эдики... Деворлари оппоқ, унда иккита сурат – Харуэ Кога билан Хиросигэнинг қор тасвирланган суратлари осилган. Яна қушлар билан ҳинд гобелени бор. Оппоқ каминда соат, қандайдир ҳайвонларнинг ғалати ҳайкали. Столда альбом ётибди. Айседоре Дунканнинг грекча рақс тушаётганлар билан фотоси. Уйнинг кунжагида манзаравий токчада сўлиган чиннигул, у Исо таваллуди айёмидан бери турибди, ҳозир эса янги йил ўтди, бироқ Сиз уни ташлаб юбормадингиз – эҳтимол, бу бирон бир гўзал хонимнинг совғасидир. Деразадаги дарпардалар-чи... Вой, мен қанақа кулгули аёлман-а!.. Ўзимнинг хаёлимни сираям ичимда сақлаёлмайман-а. Ахир мен асло Сизнинг уйингизни кўрмаганман, меҳмонхонангизни ҳам...».



Эртаси куни мен газетадан кеча Токиода ҳеч қанақа қор ёлмаган эканини билдим. Якшанба куни ҳаво камдан-кам учрайдиган даражада иссиқ ва равшан бўлди.

Одамнинг кулгуси қистайди!

Тўғриси айтсам, Сизнинг меҳмонхонангиз қанақа кўринишда эканини ҳеч қачон тасаввур қилмаганман.

Сизга мактуб ёзишга ўтирганимда уйингиз ва меҳмонхонангиз ҳақида сўзлар ўзидан-ўзи ҳаводан келгандек келаверди.

Мана, ниҳоят мен қадрдон уйимдан кетдим, Сизнинг олдингизга бордим ва Токиога жўнадим. Поездда кетаётганимда Токиода қор ёлмоқда эди.

Мен ўзимнинг қор ҳақидаги хатимни мутлақо унутибман, у тўғрисида то Сизнинг меҳмонхонангиз остонасидан ўтмагунча эсламабман ҳам.

Мен нигоҳим билан бу хонани кузатиб чиқдим ва ўзимни Сизнинг бағрингизга отдим – бошқа иложим йўқ эди. Холбуки, бунгача бизнинг қўлларимиз бир марта ҳам титраб учрашмаган эди.

– Сиз мени яхши кўрасизми? Ҳа, ҳа, яхши кўрасиз... яхши кўрасиз... жудаям! Тацуэ-сан, мен Сизнинг мактубингизни ўқиб қаттиқ ҳаяжонландим... Ўзимни унутдим...

– Меҳмонхонангизни менинг келишимга шунақа қилиб қўйгансиз а?..

– Тацуэ, азизам, кулманг мени устимдан! Меҳмонхона анчадан бери шунақа безатилган. Сизнинг хатингиздан кейин мен бирон нарсага текканим йўқ...

– Наҳотки, йўқ, шу тўғрими? Тўғрими?

Мен хонани қайта-қайта кўздан кечиардим, ҳайратимнинг чегараси йўқ эди.

– Сиз нимага ажабланияпсиз, Тацуэ-сан?.. Мен бошқа гап. Мен сиздан мактуб олиб, ҳайратга тушдим. Ўша заҳоти ўзимча ўйладим: демак, у мени севади! Севади, бўлмаса қаердан билади?.. Агар Сизнинг руҳингиз бир неча бор шу хонада парвоз қилган бўлса, мен қандай қилиб Сизнинг тириклигингиз бу ерда бўлмаган дейман?! Мен бирдан ўзимга ишондим ва рағбатим ошиб Сизга келинг, деб ёздим. Нима бўлганда ҳам келишингизни хоҳлардим! Ҳатто кадрдон уйингизни ташлаб бўлса-да, келишингизни истадим. Бу тақдир эди.

– Ахир Сиз айтган эдингиз-ку, мени тушимда кўрдим демаганмидингиз, яна бизлар ҳали бир марта ҳам учрашмай туриб.

– Шундай, Сиз билан менинг юрагим бир маромда урарди.

Мана шунинг ўзи севгимиздан бир нишона эди.

Эртасига эрталаб қаримсиқ, беҳол бир одам келди ва Сизнинг уйингиз олдидаги қорни курай бошлади.

Мен ҳар куни Сизни кутиб олгани чиқардим. Сиз университет тажрибахонасида шуғулланардингиз ва ҳеч қачон қачон қайтиб келишингизни билмасдингиз. Уйингизга ҳам станциядан электричка икки йўлдан биттаси сершовқин савдо-сотик кўчасидан бошқа мажмағил ўрмон бўйлаб олиб борарди. Лекин мен Сизни доимо ярим йўлда кутиб олардим.

Қаерда бўлмай, нима билан шуғулланмай мен доим чақирмасангиз ҳам зарур эканман Сиз томонга борардим.

Балки, жудаям кўп нарса бизнинг севгимиздан дарак берар?..Шунчалар кўплигидан олдинда айриликдан бошқа ҳеч нарса қолмаганди.

Бир куни кечки пайт Аяко бизникига меҳмонга келганди. У анча ўтиргандан кейин кетишга отлан-

ди, аммо мен ундан қолишини илтимос қилдим – негадир мен ўзимни серташвиш сезардим. У қолди-ю, лекин бирдан бурнидан кон кетди, шунчалик кўп кетди-ки!..

Мен нима учун шундай қилдим. Наҳотки, ўшандаёқ Аяко Сиз учун бефарқ эмаслигини ҳис қилганман?..

Лекин нима учун Сизнинг тўйингиз ҳақида билмаганман... Нега яқин орада вафот этишингизни ҳис қилмадим?.. Ахир бизнинг севгимиз ҳаммага аён эди-ку! Бизнинг севгимизни мен дунёга сиғдирмасдим..

Нега Сизнинг қалбингиз келиб, ўлим ҳақида менга овоза қилмаган?..

...Кўм-кўк денгиз фонида яшил шохча, қийғос гуллаган ориандрнинг ёқимли ҳиди, бўялмаган яшил йўл кўрсаткичи, дарахтзор узра енгил ўйнаган ҳовур...

Икки, уч йил ўтди. Мана энди тоғам бир сафар мени курортга, иссиқ сувларга олиб борди. Биз эрта наҳорда курортга етиб келганимизда эрта тонг эди, мен сайр қилишга кетдим. Ўша-ўша таниш манзара – дарахтзор, денгиз, сўқмоқ. Сиз сўқмоқдан келардингиз...

Мени кўриб, Сиз енгил тортдингиз ва худди менинг нигоҳим Сизни ўзига жалб қилган каби тўппа-тўғри мен сари юрдингиз.

– Менга айтинг, шаҳарга қандай борса бўлади?

Мен уялганимдан қип-қизариб кетдим негадир денгизга қарадим. У ерда нимани кўрдим денг? Соҳил ёқалаб параход кетиб борарди ва унинг бортида «Дай-го Мидора!» деган ёзув аниқ кўриниб турарди.

Мен олдинда индамай юриб борар, бутун аъзойи-баданим титрарди. Сиз эса ортимда келардингиз.

– Сиз шаҳарга қайтиб кетаяпсизми?.. Биласизми, авторемонт станцияси қаерда жойлашган ёки велосипед тузатадиган ер?.. Мени кечирасизу, сурбетликка йўйманг яна саволларимни. Бироқ биласизми, мен билан аҳмоқона бир иш содир бўлган. Мен саёҳатга чиқдим... мотоциклда... Кетаётсам муюлишдан арава чиқиб қолди. От моторнинг овозидан чўчиб ҳуркиб кетди, бир четга сакраб тушди, мен эпчиллик билан бошқа томонга сакрадим ва қоятошга урилдим... Мотоциклни абжағи чиқди...

Биз озгина йўлни ўтдик, икки тө бўлса керак, энди эски танишлардек бемалол гап сотардик.

Мен унга:

– Шунақа ҳис қияпманки, худди илгари Сиз билан қаердадир учрашганмиз, – дедим.

Сиз шундай жавоб қилдингиз:

– Ҳа... Мен ҳам шундай деб ўйлайман – қандай қилиб мен шу пайтгача Сиз билан учрашмаганмиз... яъни... хуллас, Сизникига ўхшаб гўё биз кунларнинг бирида учрашамиз, аслида фақатгина энди учрашиб турибмиз...

Хуллас, биз ўша куни ҳам узоқ бирга бўлдик.

Ундан кейин эса тез-тез учрашиб турдик, узоқ сайр қилардик. Қаерда бўлмайлик, менинг назаримда биринчи марта бу ерда учрашмагандек туйиларди менга...

Нимаики қилсак, мен қачонлардир бундай қилганмиз, деб ўйлардим.

Кейин юракдан юракка чўзилган ришта узилди. Сиз биласизми, Камертон скрипкада бирон нотани олсалар қандай ўзгаради? Худди шундай Сизнинг қалбингиз менинг қалбимда шундай фарёд қиларди... Нима учун ҳеч нарса менинг қалбимда овоза бермади, Сиз ўлганингизда? Балки менинг ёки Сиз-


нинг қалбингизда бирон фалокат юз бергандир балки?..

Ёки мен ўзимнинг қалбимга тинчлик бергандирман? Онгли равишда Сиз ва рафиқангиз тинчини бузмаслик учун шундай қилгандирман...

Айтишадик, баъзи қалблар тириклар ёки ўлганлар қалби ўзининг лаънат ўқиши билан инсонни ўлдириши мумкин... Мен Сизнинг вафотингиз ҳақида эшитгач, дод солишимга оз қолди, илгаритдан кўра кўпроқ гулга айланиб қолгим келди...

Энди шу кунларда, мен Сиз билан олхўрининг қизил гулларига айланиб қолишни истардим ёки олеандрнинг муаттар ҳидига айланиб қолишни ва капалаклар гул чангини гулдан гулга олиб ўтиб, бизнинг никоҳ тўйимизни қилишларини истардим.

Шунда мен учун ҳозиргидек амал қилаётганим каби одамларнинг аччиқ одатларига ўхшаб – ўлганлар билан суҳбатлашиб юрмасдим.



## КАМЕЛИЯ

Урушдан кейин бир йилча ўтгач, кузда туғилиш кўп бўлди. Менинг қўшниларида бирин-кетин ўн-тадан тўртта оилада янги чақалоқлар дунёга келди.

Тўрт ҳомиладор аёл энг катта ва энг серпушти эгизак туғди: эгизаклар қиз болалар эди, ярим ойдан кейин улардан бири қазо қилди. Онасининг сути ҳаддан зиёд бисёр бўлиб, у қўшни болага ҳам етарди. Мана шу қўшнининг иккита суқсурдек ўғли бор эди, энди эса қиз кўрди. Мендан унга исм танлаб беришни илтимос қилишди ва мен унга Кадзуки, яъни Дунё болалари деган исм қўйишни маслаҳат бердим. Дунё иероглифи умуман олганда «ва» деб ўқилади, исмларга келганда одатда «Кадзу» дейилади. Бунақа турли ўқишлар турли чигалликларга олиб келиши мумкин, илгари ҳам мен бу хил номлардан қочардим.

Нафақат эслаб ўтилган эгизаклар, умуман олганда, бизнинг қўшниларида бешта туғилганларнинг тўрттаси қиз бола эди. Бу «янги конституция болалари»<sup>1</sup> бўйича ҳазил қилишга сабаб бўлар, аслида замонанинг тинчлигидан дарак берарди.

Қўшниларининг янги туғилган болаларнинг бештадан тўрттаси қиз эканлиги балки тасодифдир, бу худди ўнта оиладан бештасида шундай бўлгани каби. Шундай бўлса ҳам, бизнинг қўшнилари мисо-

---

<sup>1</sup> Янги конституция бўйича Япония урушдан абадий воз кечган.

лида шак-шубҳасиз, бу кузак ойида бутун мамлакатда болалар кўп туғилганидан дарак берарди. Бунга урушдан кейинги аҳволнинг қандай эканлиги ҳақида гапириш энди ортиқча. Уруш йилларида пасайиб кетган аҳолининг сони урушдан кейин дарҳол кўпайди. Бу табиий, чунки кўп ёш йигитлар энди уйларига, хотинлари ёнига қайтиб келдилар. Лекин болалар фақатгина урушдан қайтиб келганлар оиласида туғилмади. Эркаклар фронтга бормаган хонадонда ҳам болалар дунёга келди. Оилада бунақа кўпайишни ҳатто кутмаган, ўрта яшар кишилар уйида ҳам содир бўлди.

Ҳеч нарса, болалар туғилиб, оилада кўпайиш бўлган шарт-шароитчалик тинчликдан дарак бермасди. Японлар ҳарбий мағлубиятга одамларнинг кўпайиши ва келажакдаги уқубатларга, урушдан кейинги қийинчиликларга қарамай кўпаяверди. Уруш туфайли эзилган, абгор бўлган шахсий ҳиссиётлар бир вақтлардагидек яна кучга кирди. Бамисли яна тўғонни бузди. Гўёки қуриган дарахтлар бирданига кўкара бошлади.

Агарда уйғониш ва ҳаётнинг озодлигига олиб бориши мумкин бўлса эди, хуррамлик бўларди... Одамларнинг кўпайишга тийиқсиз интилиши эҳтимол, аллақандай ҳайвоний ҳис бўлса керак, лекин уларни ҳис қилмаслик асло мумкин эмасди...

Янги туғилган болалар уруш йилларидаги қийинчилик ва азоб-уқубатларни эсдан чиқаришга ёрдам берса керак.

Менга келсак, мен элик ёшимда, гарчи уруш тугаган бўлса-да, бошқа болалар билан ишим йўқ. Биз хотиним билан анча яшадик, бизда муҳаббат ғубори йўқ ҳисобида, бундан бизда ўзгариш қаёқда дейсиз.

Уруш тугагач, хотиним икковимиз учун ҳаёт шоми яқинлашиб қолди. Назаримда, бундай бўл-

маслиги керак эди. Аммо урушда ютқазганлик ала-ми руҳимизни тушириб, ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан кучимизни олиб қўйди. Биз яшаётган мамлакат ҳалокат ёқасига келиб, ҳатто вақт ҳам аб-гор бўлиб қолгандек туйиларди. Ва яна маъюс, туган-мас ҳасрат туйғуси ва ёлғизлик туфайли, мен қўш-ниларимизникида янги-янги болалар туғилганини кузатганман; бир инсон сифатида, нариги дунёда, ҳаётнинг янгидан туғилиб келаётган машъаласига маҳлиё бўлганман.

Мана шу кузда бизнинг қўшниларида бешта бола-сидан биттаси ўғил бўлиб, туққан аёл ҳисоб бўйича энг охириги туққан хотин эди. Кўринишдан бу тўла, бўксаси кенг хотин эди, лекин бизнинг ғийбатчилар тили билан айтганда, уни тоси кутилмаганда энсиз экан, шунинг учун узоқ, қийналиб туққан. Унгача ҳам у бир марта ҳомиладор бўлган, бироқ боласи чала туғилган.

Мени бу йил ўн олтига чиқадиغان қизим, ўша бо-лани жуда яхши кўради, уни доимо кўлида кўтариб юрар, у ҳақда тинмай гапирарди. Баъзан уйда бир нима қилаётганда, бирдан ўрнидан қўзғалиб қўшни-ларникига югуриб қоларди; бориб гўдакни томоша қилар ва ортига қайтарди. Афтидан болани кўришни бирдан ҳоҳлаб қолар ва ҳеч қандай куч уни тўхта-толмас эди.

Кунлардан бир кун қизим менинг хонамга кириб, ёнимга ўтирди ва шундай сўзлар билан менга муро-жаат қилди:

– Дада, айтишларича Симамура-санларнинг ол-динги боласи тирилган яъни қайтадан туғилган де-йишади... Ростми, дада?

– Бўлмаган гап, – дедим мен. – Бунақа нарсалар бўлмайди сира.



– Шунақами?

Қизимнинг чехрасида қандайдир ночор ифода пайдо бўлди, лекин бу ғамдан дарак бермасди, шунчаки ҳаяжондан хўрсингандир. Аммо барибир раҳим келди, уни шунчалик ўйламасдан ва шошилишч эътироз билдирганимга унга ачиндим.

– Сен яна болани кўргани Симамура-санникига бордингми? – юмшоқлик билан сўрадим мен.

Қизим тасдиқ ишорасида бош ирғади.

– Ширингина болами ўғли?

– Бу ҳақда ҳали эрта бирон фикр чиқаришга. У энди дунёга келди-ку!

– Ҳм..

– Мен гўдакни кўрганимда холам бирдан: «Била-санми Ёсико, менинг олдинги боламни қайтиб берди, Худойим!» – деди. Демак, бу бола илгарироқ туғилиши керак экан. У балки ўша ҳақида эслагандир?

– Ҳа. Балки, – дедим мен мужмалгина қилиб, бошқа эътироз билдиришни истамай, аммо ўзимни тутиб туrolмай қўшимча қилдим: – У балки бу ўша болам, демоқчи бўлган, ўзининг ҳис-туйғусини шунақа деб тушунтирмақчидир. Акс ҳолда бошқача тушуниш мумкин эмас буни. У бола туғилмаган, ҳатто у ўғилмиди, қизмиди, номаълум эди, тўғрими?

– Тўғри, – деди қизим тасдиқлаб.

Менинг қалбимда қандайдир ғалати таассурот қолди, аммо қизим, кўриниб турибди менинг сўзларимни юрагига яқин олмади, суҳбатимиз шу билан тугади. Мен бўлмағур нарсаларни гапирдим, шекилли; қўшнимиз боласини ҳомиладорлигининг олтинчи ойида ташлаган эди, демак боланинг ўғилми, қизми эканини билса бўларди.

Бироқ кўп ўтмай менга бизнинг барча қўшниларимиз Симамуралар боласи яна дунёга келди, яъни

илгариги болалари қайта туғилди, деган миш-миш етиб келди.

Мен қизимга эътироз билдирдим, чунки бунақа ҳиссиёт ва тасаввур бўлмағур бўлиб туйилди. Агар бундоқ ўйлаб қараса ҳеч қандай оғриқли ери йўқ очиғи. Ўтмишда, мисол учун, бунақалар кенг тарқалган ва соғлом ҳамда рисоладагидек ҳисобланар эди. Бу ҳис-туйғулар ва тасаввурлар ҳаттоки бизнинг даврга келиб бутунлай яшаб бўлган, дейиш мумкин эмасди. Эҳтимол, эр-хотин Симамуралар бошқа одамларга номаълум бўлган илгариги фарзандлари яна туғилди, деган туйғулар ва ҳатто ишонч туғилса ҳам бундай деб бўлмасди.

Уларнинг тўнғич фарзанди Симамуранинг уч кунлик таътил олган кунларидан кейин фронтга қайтганда хотини ҳомиладор бўлган дейишади. У йўқлигида хотини ҳомиласини тушириб қўйди. Уруш тугағач, бир йил ўтиб улар мана шу ҳозирги боласини кўришди. Гарчи уларнинг биринчи боласи туғилмаган бўлса ҳам, унга куйиниб, аза тутишди.

Мени қизим ҳам у ҳақда гапирганда «олдинги бола» деб худди мавжуд, тирик гўдақдек тилга оларди. Лекин жамоа, албатта, туғилмаган болаларни тирик одам, индивидуум сифатида эътироф этмасди. Афтидан, фақат Симамуранинг аёли доимо, гўё у бола бор эди, деб таъкидларди. Мен нима дердим, мен чақалоқ эдими ёки йўқми, аниқ гап айтолмайман. У бор-йўғи онасининг қорнида бўлган. Худо яратган ёруғ дунё юзини у кўрмади. Эҳтимол, унда қалб деган нарсанинг ўзи бўлмаган. Шундай бўлса ҳам, балки у бизга ўхшаган тирик жон бўлгандир ёки унинг ҳаёти ҳақиқий бахтиёр ҳаёт бўлгандир, ким билади.

Мен қайси маънодадир Симамураларни тушунаман: шундай пайтда дилимда унинг дардига шерик

бўлгим келади, илгари унинг тақдири мени мутлақо қизиқтирмаган эди, уларнинг туғилмаган боласига раҳмим келди. Мен у ҳақда қандайдир тирик жон сифатида ўйлай бошладим.

Симамура хоним бақувват ва иродали аёл эди, у кўзи ёригандан кейин иккинчи куниёқ ҳалигина бошидан кечирган азоб-уқубатни унутиб, кўрпа-ёстик қилиб ётмай, уй ишларидан ортмаган, бу нарса унинг ҳамма нарсада тозалик ва тартибни ашаддий яхши кўришини кўрсатади. Менинг қизим бу аёлни яхши кўрар ва вақти-вақти билан гимназияда уларга топширилган тикув-бичув ва чеварлик бўйича маслаҳат қилгани борарди. Бомбардимон пайтида уйларида ажраган қавм-қариндошлари Токиодан келгунича Симамура онаси иккови яшарди. Онаси эри армияга кетгач, уни чақириб олганди. Аёллар бирга яшаётган пайтда қизим иштиёқ билан уларникига келарди. Мен ёнғинга қарши гуруҳнинг бошлиғи эдим ва бу лавозимда эканман фронтдаги жангчининг ҳомиладор рафиқаси ва қари онасига қараб туришим керак эди.

Бизнинг қўшничилик ўртоғимизникидан кунбўйи уйдан чиқмайдиган ягона эркак мен эдим, бошқа ҳамма хизматда эди. Шунинг учун ёнғинга қарши мудофаа масъуллигини менга топшириб қўйишган эди. Балки бунга қўшнилardan кўра кўпроқ мен тўғри келгандирман; чунки тортинчоқ бўлганим учун мен бошқаларга алоҳида талабларимни қўёлмасдим. Одатда мен тонггача ўқиб чиқар ёки ёзар, шунинг учун яхши навбатчилик қилишим мумкин эди, ундан ташқари, мен имкон қадар ўз қўшниларимни кечаси ҳуда-беҳуда безовта қилавермасдим. Ўз қисмимда чироқ нурил-а ўйинларни текшира туриб, мен ниҳоятда эҳтиёткорлик қилар, худо кўрсатмасин, биронтасини уйғотиб юбормай дердим. Бахтимга Камакурада ҳеч қачон ёнғин чиққани йўқ.

Иттифоқо, баҳор тунларининг бирида, олхўри гуллаган кезлар, менга Симамура хонимнинг ошхонасидан ташқарига чироқ нури тушаётгандек туйилди. Мен текширгани бордим, бироқ, орқа эшикдан ҳовлисига кириб борганимда бутазорга дуч келдим ва ҳассамни шохлар орасига тушириб қўйдим. Мен қоронғиликда қидириб ўтирмай, эртасига келишга қарор қилдим. Лекин эртасига эрталаб бу ҳақда эслаганимда ўзим хижолат чекдим. Тунда эркак киши аёллар турадиган уйга орқа эшикдан кириб, у ерда ҳассасини йўқотса. Ким билсин, нима деб ўйлашаркин... Пешиндан кейин уни қўшни хотиннинг ўзи келтириб берди. У дарвоза олдида тўхтаб менинг қизимни чақирди, мен уларнинг суҳбатига қулоқ тутдим:

– Кеча кечқурун дадангиз ҳовлини айланиб ўтаётганда ҳассасини тушириб қўйибди.

– Наҳотки? Сиз уни қаердан топдингиз?

– Бизнинг ҳовлимиздан, орқадаги эшик олдидан.

– Нима қилгани бу! Вой, бирам паришонхотирлар-ей, нима дедиз?!

– Ҳа, йўқ, эҳтимол жудаям қоронғу бўлгандир, шунинг учун...

Бизнинг Камакурадаги уйларимиз тоғ этакларида жойлашган эди, аммо ҳаво ҳужуми пайтида мен дарҳол ертўлага яширинишга шошилардим. Мен уйимиз ортида осилиб турган тоғдаги ғор огзига чиқиб олардим, ўша ердан ҳамма ёқни кузатсам бўларди.

Ўша куни эрталаб барвақт рақибнинг денгиз авиацияси ҳужуми бошланди. Бошимиз узра моторларнинг гувиллаши эшитилди ва ўша заҳоти зениталарнинг даҳшатли отишмаси бошланди.

– Симамура-сан, эҳтиёт бўлинг! – деб қичқирдим мен унга пешвоз чиқарканман. – Тезроқ! Тезроқ! Тез!

Аммо ғор оғзидан беш-олти қадам нарига қочиб, мен бирдан тўхтадим.

– Қушчалар! Кўрқиб кетишганини кўринг, бечоралар!

Катта олхўри дарахтида мен бир нечта қушчаларни кўрдим. Улар шохлар оралаб қанот қоқишар, лекин узоққа учиб кетолмасдилар. Гўё улар қалтираётгандек юқоридаги яшил барглар орасида типирчилар, қанотларини силкитишарди. Улар қанотчаларини олдинга узатиб, ожизона қанотларини силкитиб турган ерларида учишар, орқага кетиб қолаётгандек туйиларди.

Ғорга кириб Симамура хоним ҳам бир неча қадам нарида ўсган олхўри дарахтига қараб қолди. У чўкка тушиб ўтирганча, қўллари билан маҳкам тиззасини қучоқлаб, бошини баланд кўтарганча кўзларини кўрқиб, ҳаприққан қушчалардан узмасди.

Мен Симамура хонимнинг боласи қайта туғилгани ҳақидаги миш-мишларни раҳмим келиб эшитганимда ўша қушчаларни эсладим. Чунки туғилмай нобуд бўлган бола ўшанда она қорнида тирик ётганди.

Нима бўлганда тақдирда ҳам ҳозир у эсон-омон туғиб олди.

Уруш даврида кўпчилик аборт қилдирди. Аёллар кам бола туғди. Кўпгина аёллар жинсий жиҳатдан касалга чалинди. Кузда қўшниларининг ўнтасидан бор-йўғи тўрттасида бола туғилди.

Биз қизим билан Симамуранинг уйи ёнидан ўтдик, мен уйларинг гулзорида мен севган гулни – камелия гуллаганини кўриб қолдим. Ҳозир унинг авжи гуллайдиган пайти, шекилли. Бирдан уруш туфайли онасининг қорнида ҳали ҳомилалик даврида ҳалок бўлган болаларга ачинаётганимни ва уруш йиллари совурилган ўз ҳаётимни ўкиниб ўйлаб кетдим. Қачон бўлмасин, янги ҳаёт йўлида қайтиб келмас бўлиб кетган йилларимиз қайта тикланармикин?

## ИНСОН ҚАЛБИДАГИ ГУЛ

Японияда уни нингэн-кокухо, яъни бебаҳо хазина, деб аташади.

Адабиётшунос олимлар, мунаққидлар, унинг энг яхши кўрган шогирдлари гўзал романлари ва ҳикояларини тарихий обидаларга ўхшатишади.

У Осие қитъасида Рабиндранат Тагордан кейин иккинчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Ижодига берилган япон халқининг фикрлаш тарзи негизини жўшқин муҳаббат билан тараннум этишдек маҳорати учун, деган эътирофнинг беҳад адолатли ва ҳаққонийлиги, одамга илҳом бағишлайди.

Башарият, дунёдаги беназир истеъдодлар, ҳайратомуз табиатли шахслар – заковат соҳиблари инсон бадий тафаккурининг камолоти ва юксак тараққиёти йўлида ўз фаолияти билан ўрнак кўрсатган фидойи адиблар – Худо назарига ноил бўлган ноёб санъаткорлар билан фахрланади.

Чехов яратган ҳикоялар одамларни ўзининг бадиияти, ҳаққонийлиги, Томас Манн романлари юксак ақл-идрок меваси экани, фалсафий қатламлари ҳамда реал ҳаётнинг теран таҳлили билан акс эттиргани, Уильям Фолкнер жамиятлар фожаасининг инсон қисмати орқали тасвирлаши, Варгас Льоса инсон боласи ўз нафси ва дилидаги чуқур илдиз отган иллатлар ҳамда тузум, ижтимоий бошқарув органлари туфайли мазлумликдан халос бўла олмасликлари, Маркес асарларида тарих умуммайдонида содир

бўлаётган тўфонлар – бухронлар қурбонига айланган одамзоднинг ўзи шу аянчли қисматнинг сабаблари эканлигини кўрсатиши умумидабиёт оламидаги бу ранг-баранглик, услубдаги, тасвир ва дунёқарашдаги фарқ – бир-бирига ўхшамаслик мукамал уйғунликни яратади, бу адиблар, алалоқибат барибир битта куйни – инсон қалби, унинг сабот ва матонати, эзгуликка ва адолатли жамият қуриш орзуларини амалга ошириш йўлида барча қийинчиликларни бартараф этишга рози ва шунга интилаётганликларини сезмасликнинг иложи йўқ.

Адабиёт оламидаги бундай умумий уйғунликнинг баркамол бўлишига ўтган асрда яшаб ўтган япон адиби Ясунари Кавабатанинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У инсон ўткинчи дунёда муродига етиб, бахтиёр яшаши ҳар қандай разолатни енгишига ер юзида адолатли давлат қуришни орзу қилиши арзигулик иш. Ҳаётни фақатгина Гўзаллик ва шу гўзалликни идрок қилиш орқали барпо этиш мумкин, деб ҳисобларди Ясунари Кавабата.

Достоевский сингари унинг маслаги ва эътиқоди бўйича, «Дунёни ҳалокатдан фақатгина Гўзаллик қутқаради».

Улуғ адиб ўзининг ҳаёти, ижодининг меҳвари ва бош мезони ҳақида фикр юритар экан, бамисли «Бамбук садоси, шафтоли гули» ҳикояси қаҳрамони Миякава каби оғир хаёллар юрагини сўнгсиз-адоқсиз туйғулар печакгул каби ўраб-чирмагани, нурафшон армонлар чулғаб олади. Мен бутун умримни гўзалликни излашга бахш этганман ва ўлгунимча бу йўлдан оғишмайман, деган иқроп нақадар ҳақиқат экани адиб асарларини ўқиган кишиларга дарҳол маълум бўлади. Зеро, қайси романини ўқиманг, қайси тўпламини қўлга олманг, ҳар бири Гўзаллик қонунияти

асосида яратилгани равшан сезилади, наинки сезилади, балки бу барқ уриб яшнаган нафосат таровати китобнинг ҳар бир саҳифасида, асарнинг ҳар бир бобида уфуриб туради. Бу ҳақда Гавайя оролларида ўқиган «Гўзалликнинг мавжудлиғи ва кашф қилиниши» маърузалари бунинг яққол далилидир. У мамлакат тақдири Давлатнинг қудратига эмас, балки халқнинг маънавий-руҳий гўзаллигига боғлиқдир, дея ҳисобларди. Зотан, бу эътиқодида у ёлғиз эмас, унинг дунёқарашларига ҳамфикр ижодкорлар бор ва улар озчиликни ташкил этмайди. Нафосат туйғуси инсон қалбида беор чечаклар сингари тез тарқалишини хоҳлайди. Унинг назарида, Гўзаллик қонуни Хаёт қонунидир, деб фикр қилади японшунос олима Татьяна Григорьева, қачонки ҳаётнинг асослари алғовдалғов бўлиб ва инсоннинг хоҳишлари, орзу-умидлари ва ҳис-туйғуларига тўғри келмайдиган равишда ўзгариши, таназзулга юз тутаётган бўлса, бу ишонч ва маслакни қандай қилиб асраб қолиш мумкин?!

Дунёнинг бу қадар инқироз ва номатлуб йўллардан қутулолмаётгани етмай, банибашар ҳар қанча нохуш, нотайин, нуқсонли ва пировардида ҳалокатли эканини била туриб ҳам ҳали-ҳамон шу йўлдан оғишмай боришни лозим деб топаётгани, гарчи чор-ночор, истар-истамас бўлса-да, ортига қайтмаётгани, айниқса, Кавабатадек нозиктаъб, таъсирчан ёзувчиларга оғир келади.

«Уруш йиллари, – деб ёзади адиб ўкинч билан хотирлаб, – мен азалий японларнинг ғамбода муҳитига ғарқ бўлиб яшадим. Бамисли дунё қоронғи зулматга чўмган-у, ҳеч қачон ёришмайдигандек». Ҳа, ҳеч нарса кўнглига сиғмаган адиб телба дунёдан олисда, ёлғиз ўзи кимсасиз тоғлар бағрида яшашни орзу қилади. У одам овози келмайдиган маконда, ўз хаёли



ва тасаввури яратган оламдан умид қиладики, зора бир инсон сифатида ўзини – шунингдек, қалбини, шу чокқача одамларга раво кўрган, тилаган, кўрса-та олган, тушунтирмоқчи бўлган Гўзаллик ҳақидаги таълимотини сақлаб қолмоқчи бўлади, гўё. Бироқ оддийгина оппоқ қор, йўл четида ўсган гуллар, моҳитобон, ранг-баранг куз манзарасини кўриб лол қолиб, ҳайратда ларзага тушиш туйғусидан маҳрум бўлмаган инсон эса қандай қилиб тарк этади гўзал дунёни? У ана шундай оғир бир даврда, жонажон Ватани, халқи беомон уруш авжига чиққан маҳал японларнинг маънавий-руҳий бойлиги «Гендзи-Моногатари»ни ўқишга тутинади. Уйда чироқнинг хира шуъласи остида, трамвайда берилиб, завқ-шавқ билан ўқийди. Дунёни унутиб мутолаа қилади. Ўша китобдан жароҳатларига малҳам излайди, топади, лекин топганига суюнмайди. Балки, дардли ўйларга берилади, некбин хаёлларга чўмади, унинг бу ғамгин ўйлари, некбин хаёллари урушдан кейин дунё юзини кўрган «Қорли ўлка», «Минг қанот турна», «Тоғлар инграмоқда», «Эски пойтахт» каби йирик асарларида ўз ифодасини топди, боз устига, ёзувчининг қатор интервьюлари ва суҳбатларида, умрининг охиригача ёзган барча асарлари хажмидан, табиатидан у бадиҳа бўладими, мўъжазгина ҳикоя ёхуд роман бўладими қатъий назар, ўрта асрлар Япониясида яратилган «Гендзи-Моногатари» асарининг кучли таъсири остида ёзилган.

Дарҳақиқат, унинг ўзига хос олижаноб мақсадлар тараннум этилган бадий юксак асарлари улғвор гўзаллик ғоялари билан суғорилганки, бу бебаҳо фазилатларга бой истеъдоднинг сарчашмаси – «Гендзи-Моногатари»дир.

Хусусан, унинг «Кафтдек ҳикоялар» туркумидан ўрин олган мансуралари диққатга сазовордир.

Мен илк бор ўтган асрнинг ўрталарида, аллақайси журнал саҳифаларида эълон қилинган шу туркумга кирган ҳикояларни ўқиганман – янглишмасам учта ёки тўртта ҳикоя эълон қилинганди – уларнинг орасида айниқса, «Цереус» ҳамда «Хол ҳақида мактуб» ҳикоялари ўша пайтдаги адабиёт ҳақидаги тасаввуримни алғов-далғов қилиб юборганди.

Чунки мен шу чоққача бир қаҳрамоннинг ҳаёти ёки тақдири унинг бошдан кечирган воқеалар қувончли ва оғир кунлар акс этирилган, «тарбиявий аҳамиятга эга» асарлар ёки муҳаббат можароларида айбсиз айбдорлар ва хуллас калом, инсон турмушида рўй бериши муқаррар ҳодисалар, вазиятлар ипидан-игнасига қадар батафсил ёритилган қисса ва ҳикояларга кўникиб қолган ва яшириб нима қилдим, адабиёт шундай деган хулосага келиб қолган ва машҳур ёзувчи Стендалнинг «Адабиёт – бу катта йўлда судраб кетилаётган кўзгудир», деган машҳур иборасини ўқиганимдан кейин эса бутунлай ишониб қолгандим. Мен учун адабиёт ҳаётнинг бир парчасини акс этиради, у одамларга қувонч бахш этади ва ҳоказо соцреализм методининг устувор йўналишлари ҳаётнинг ижобий жиҳатлари тантанасини тасвирлашдан иборат, деган ақидалар мутлақо ва ўзгармас қонунга айланганди.

*Сэнсэй, халқимизда шўрвасининг шўрваси, деган ибора бор, бу бир нусхадан нусха кўпайтиришни билдиради. Энди айтингчи, шу тахлит адабий асарлар билан танглайи кўтарилган ёш қаламкашдан нима кутиш мумкин?! Ана шундай пайтда, эндигина 21-22 ёшга кирганимда Сизнинг ҳикояларингиз қўлимга тушиб қолди-ю, ўқиб чиқдим. Булар «Кўзгудаги ой акси», «Бамбук садоси, шафтоли*

гули», «Хол ҳақида мактуб», «Муҳаббат кўрфази» деган ҳикоялар эди.

«Кафтдек ҳикоялар» туркумига киритилган ҳикояларни Кавабата турли йилларда яратган. Ҳаётнинг шоирона ифодаси, япон адабиётида дзуйҳицу деб аталадиган жанрнинг гўзал намуналари бўлган бу кичик мўъжизалар зоҳиран на воқеалари, на қаҳрамонлари билан бўлсин, бир-бирига мутлақо алоқаси йўқ, бироқ у муаллифнинг шахсияти, унинг дунёқараши билан, ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва одамийлик сингари тушунчаларнинг уйғунлиги билан боғлиқдир.

Бу ҳикояларни қабул қилиш ва англаш уларнинг моҳият негизидаги теран инсоний туйғуларни ҳис қила олиш учун япон халқининг табиат ва ҳаётдаги гўзаллик тўғрисидаги тушунчалари, кундалик турмушдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзига хос рамзий маъноларидан бохабар бўлиш даркор. Бу гўё эшиги-туйнуги йўқ ғору, фақат махфий кодлардан ташкил топган калитлар орқали очилади.

Японларнинг миллий хусусияти нафосатга бўлган эҳтиром туйғуси – бизда бундай маънавий-ахлоқий одатларни сиғиниш деб изоҳ берилади – асосан уч хил кўринишда: гуллардан завқланиш (хонами), моҳитобонга боқиб лаззатланиш (цукуми) ва қордан илҳомланиш (юкими), намоён бўлади. Масалан, пион гули – файз-барака рамзи, нилуфар – масъумлик ва поклик, оқ хризантема – куз, гуллаётган сакура – Япония ва Япония маданиятининг, бамбукнинг ковак танаси – камтарликни, шафтолининг гули – баҳорнинг тимсолидир.

*Мен у пайтда бундай рамзлар борлигини ва уларнинг ҳар бири чуқур маънога эга эканини билмасдим. Тор анъанавий тушунчалар, сохта миллатпарварлик ҳамда Ватан тарихи ҳақидаги гумроҳлиги*

битта саволга аълайна ошкор бўлиши муқаррар йигит буларни қаердан билсин, Сэнсей. Лекин Худонинг инояти биланми ўша «Цереус», «Куз ёмғири»ни кейинчалик ўқиб янаям ҳурматим ошган. «Хол ҳақида мактуб», «Бамбук садоси, шафтоли гули», «Юмиура», «Кўзгудаги ой акси», «Қизил олхўри», «Ёз ва қиш» ҳикояларингизни ўқиб мен ўзимни қандайдир номаълум, сирли ва дилбар образлар даврасига кириб бораётганимни сезгандим. Ажабо, дерди ичимда бир овоз, битта аёлнинг холи ҳақида шундай гўзал ҳикоя ёзиш мумкин экан-у, сен ҳаётда сюжет излаб юришингни қара, дегандек бўлар, оқибат мен шунақа чиройли, назаримда осон, энг муҳими, китобхонга таъсир қилар, деган умидда сизнинг ҳикояларингизга тақлидан оддий нарсалар: шамол эсишининг ўзгариб қолиши, япроқнинг бандидан узилиб ерга учиб тушиши, ғайритабиийдек туйилиши мумкин воқеалар ўйлаб топиш, қисқаси, ўзбек адабиётида қаламга олинмаган хаёлий, тасаввур қилишгина мумкин, ҳодисалар ва хотиралар, кўнгил майллари ҳамда фараз қилинган вазиятлар ўйлаб топиб, шулардан ҳикоялар вужудга келар, деб машқ қилиб юргандим. Афсус, ўша кезлари бир-иккита машқларим дурустгина чиққандек эди-ю, лекин ёши улуғ адиблардан бири «ҳикояларингиз шахсан менга маъқул, жуда қизиқ ёзасиз, лекин шу кетишда бўлса уч-тўртта ҳикоя ёзсангиз кейин «ижтимоий ҳаётдан узоқ, енгил-елпи нарсаларга ўралашиб қолди бу ёш ёзувчи, деган танқидга учрайсиз», деб ҳафсаламни пир қилганди.

Ҳафсаламни пир қилиб, раъйимни қайтарган тақдирда ҳам кўнглимдан сизнинг ўша ҳикояларингизга бўлган ҳавасим сўнмаганди, не бахтки, бу туйғу ҳалиям менинг юрагимда яшамоқда.

Сэнсэй! Сиз японлар рухий дунёсининг гўзаллигини шу қадар нозик ва таъсирчан ифодалаб бергансизки, бунинг оқибатида бутунлай ўзга миллат, ўзга дин ва тамомила бошқача урф-одатлар ҳукм сурган халқ вакили, демоқчиманки, Сиз асарларингизда акс эттирган ҳаёт, унинг нафосатли жиҳатлари, одамларга хос олижаноб хусусиятлар ўзга миллат вакилига ҳам таъсир қила олади. Бунинг сабабларини мен адабиётнинг жозибакорлиги, ҳаққонийлиги ва оммавийлиги-ю, унинг сеҳридан эмас, кўпроқ ижодкор истеъдоди кўлами, ёзувчи қалбининг гўзал ва улуғворлиги, ҳамма нарсани, айниқса, инсон табиигининг мураккаб ва нозик жиҳатлари ҳамда унинг борлиқ, жаъмики наботот ва ҳайвонот оламидаги ўзгаришларни теран ва атрофлича ҳис қила олиш қобилияти деб ўйлайман.

Дарвоқе, соф япон адабиётининг анъаналари руҳида яратилган, услубининг нозиклиги, ҳис қилишнинг теранлиги, образлар оддийлиги ва тиниқлиги билан ажралиб турадиган бадиий бақувват мумтоз асарлар кўп, устаганча топилади, мисол келтириш учун узоқ ўйлаб ўтириш шарт эмас, халқ адабиётидан бохабар одам қийналиб ўтирмай дарҳол уни тушунади, таҳлил қилади, билади.

Ясунари Кавабатанинг «Кафтдек ҳикоялар» туркуми ичида эътиборимни ўзига қаратган битта мансура бор, 1924 йили ёзилган 3-4 бетли мўъжазгина ҳикоя «Худо барҳақ» деб аталади. Бу ҳикоя шунчалик таъсирчан, ҳаётий ва рост, ҳаётда учрайдиган табиий воқеага қурилганки, ўқиган одам мутаассир бўлмай иложи йўқ.

Ҳикоя жуда оддий. Касалманд, икки оёғи ишла-майдиган рафиқасини чўмилишга олиб борган ва уни кузатаётган бир йигит ҳақида. Кузатувчи билан китобхон гўё беихтиёр бирга бўлади, улар битта одамга айланади. Аёл, йигит, кузатувчи ва китобхон. Мана шу одамларнинг кўнглида ҳар хил фикрлар, ҳислар уйғонади. Булар инсонни битта манзилга – инсон бахти, ҳаёти ва тақдирига элтади, беихтиёр уларнинг тақдирини таҳлил қилади, эҳтимол, шу хусусда ўйлатади. Бир инсоннинг тақдири бошқа инсонни бахтли қилиши мумкин эканлиги ошкора бўлади чинакам бахтли эканини ҳис қилади ва у инсонлигини пеш қилмай чин одамлигини намойиш этади. Ўз аёлини кўтариб кетаётган йигитни кўриб ич-ичингизда унга тасанно айтади ва кўнглида мутаассир бўлади. Ҳаётда шундай инсонлар борлиги ва улар ўзларини улуғ яхшилигидан заррача хурсанд бўлмасликлари, шу эзгуликсиз яшай олмасликларини ҳис қиладилар.

Ҳикоя бағоят таъсирчан, ҳатто асарнинг қаҳрамони «мен» кўнглидан ачинади аввал, кейин бора-бора у йигитга дилдан қойил қолади ва ҳаётда шундай одамлар борлигидан мутаассир бўлади. У ўзгаларга бахт келтиришнинг йўли битта – инсон ўзидан кечиши, вужудини, қалбини ўзгалар учун фидо қилиши лозимлиги. Шундагина чинакам бахтга эришиши ва ҳақиқий одам бўлажаги мана шунга боғлиқлиги маълум бўлади.

Ясунари Кавабата мана шуни ҳис қиларди.

Унинг учун инсон ҳаёти жамики нарсалардан устун. Ёзувчи ўз ижодида ҳаёт мазмуни, инсонлараро муносабатларнинг моҳияти, турмуш жумбоқлари, муҳаббат, ўлим тилсимларини қийноқ ичида фикрлайди, бироқ, авваламбор ҳаётнинг гўзаллиги,

инсон томонидан яратилган гўзаллик ҳақида ўй суради.

Кавабата учун инсон ҳаётида ортиқча, кераксиз нарсанинг ўзи йўқ. У ҳар битта нарсадан маъно топишга ҳаракат қилади ва топади, тегишли хулоса чиқаради.

Қаранг, у ҳатто болаларнинг ўйинидан ҳам бирор нима топмоқчи бўлади, излайди, қийналади, жуда сокин ва теран хаёлларга боради.

«Чигиртка билан чирилдоқ» унинг машҳур «Кафт-дек ҳикоялар» туркумидаги энг гўзал мансуралардан, мен ҳатто уни шу туркумдаги энг гўзал ҳикоя дегим келади.

Дунё адабиётида «аналоги» йўқ бу ҳикояда мактаб ўқувчилари бир-бирларига фонус ёруғини туширадилар, шунда бир бола билан қизнинг яқинлашуви, боланинг қизга чирилдоқ совға қилиши, бир-бирларига нур тушириб ўйнаганлари эътиборимизни жалб қилади. Йигит қизга, қиз йигитга фонус нурини туширади. Ёзувчи болаларнинг мана шу арзимаган, ўткинчи ўйинига биз билан бирга ҳайрат кўзи билан қарайди, шундан боя айтганимдек маъно ахтаради ва топади, авваламбор ўзи ҳам таажжуб ичида, ҳам завққа берилиб, ҳам сокин хаёллардан қутулолмай дақиқаларни бошдан кечиради. Бу ҳикоянинг сюжети жуда оддий, бунинг устига тили равон ва тушуниш осон. Фонус яшаш жараёнида – болалар уни қандай қилиб рангли қоғозлар ва картонлардан кесишади, четларини қирқишади ҳамда исмларини ўйиб ёзишади – ёзувчи икир-чикиригача баён қилади. Ҳикоя бош қаҳрамони чигирткани қизга совға қилади. Қиз эса: «Бу чигиртка эмас, чирилдоқ», – дейди. Чигиртка қўлдан-қўлга ўтиш жараёнида гўё шоирона бир хилқатга айлана-

ди, бу эврилиш тўғридан-тўғри баайни ҳашоратга мувофиқлаштирилаётган қизнинг маъсум латофатига боғланади. Бола билан қиз ҳовучларидан ҳосил бўлган «қафасни» қўзларига яқин келтирганча чирилдоқ ёки чигирткини томоша қилишади. Худди ана шу лаҳзаларда ҳикоянинг асосий «воқеаси» содир бўлади. Ҳашоратни томоша қилишга берилиб кетган бола яшил ранг фонусни қизнинг кимоносига яқин олиб боради ва беихтиёр қиз кўксига унинг исми – Фуджий, деган ёзувга кўзи тушади: «Қизнинг билагида осилиб турган фонусидан тушаётган ёғду ёзувни аниқ-равшан кўрсатмаса-да, ҳарқалай боланинг белига боғланган қизғиш тасмада жилваланаётган «Киоко» исмини ўқиб олса бўларди. Тасодифан қизил ва яшил рангларнинг ўйинини – агар шу ўйин тасодифан бўлса – на Фуджий, на Киоко биларди», – деб ёзади Кавабата.

Кавабата ҳикояни ҳазин оҳангларда якунлайди: башарти, ҳаттоки болалар улғайгач, бир-бирларига беришгани қора чигиртка экани маълум бўлганда, чигиртка юборишганини эслаб юришган тақдирда ҳам, улар ҳеч қачон фонусларидан тушган ёғдулар тасмасини кийимларида бир лаҳзагина исмлари акс этаётгани ҳақида билолмайдилар.

Кавабатанинг «Кафтдек ҳикоялар»и хойкуга ўхшайди, шунинг учун улар бир-биридан кайфияти, оҳанги, ғоявий йўналиши бўйича фарқ қилади. Сомон йўли Басёда ҳам, Кавабатада ҳам мангуликни билдиради, улар икковининг ҳам маъно замири бир хил.

Кавабатанинг ўзига хос, жўшқин прозаси гўзаллик ғояси билан суғорилган. Гўзалликсиз, деб таъкидлайди у, ҳақиқий ҳис-туйғу ва чинакам санъат яратиш мумкин эмас. Дарвоқе, унинг ўзи айтмоқчи,



«Менинг бутун ҳаётим – Гўзалликни излаш ва ўлимимга қадар буни излаш билан ўтади».

Шу иқрор ва эътирофлардан сўнг беихтиёр Ямабэ Акахатанинг хойкуси эса тушади:

Гуллар – баҳорда  
Ёзда-чи, какку  
Кузда эса – оймома  
Замҳарир, мусаффо қор –  
қишда.

Табиатнинг буюклигини ҳис қилиш, оддий одамлар кўрмаганини кўра олиш, нур ва сояларни дадил ва ҳатто кўрқмай таъсирини акс эттириш Кавабата ижодига хос. Мавсумнинг турли даврларида шуни илғаш, шу илғаган ранглар, табиат сирлари, туйғулар орқали инсон қалбини кашф қиларди. Шунинг учун Кавабата ижодида табиат ҳодисалари, унинг манзара ва кўринишлари яширин, кўп планли матн ости мано ҳосил қилади.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, Кавабата қалби улуғ, тушунчаси кенг, ҳиссиётга бой инсон. У табиатнинг нақадар буюклигини ҳис қилиб қолмай, балки табиатни севади, одамлар сезмаган нарсани кўра биледи, бу – унинг бахти, бу унинг ақидаси, бу – унинг бетакрорлиги.

*Сэнсэй!*

*16 ёшингизда, эсингиздами, «Кундалик дафтар тутгандингиз, 16 ёшли ўсмирнинг кундалиги» деб аталарди у. Ўша дафтарни кейин бадиий асар сифатида эълон қилгандингиз. Моҳиятан унинг мазмуни келгусида қизил ип бўлиб, бутун ижодингиз қалбини*

ташкил этганди. Ушанда Сиз ёлғизлик ва боланинг умидсизлиги, раҳм-шафқатли бўлиш ва инсонни севиш, унга ачиниш, унинг орзуларига, дардига шерик бўлиш, изтироблар ва аламига ҳамдарад бўлиш ҳақида ёзғнасиз ва бу ғоя бутун ижодингиз меҳварига айланганди.

Сенсэй! Мен ижодингиз ҳақида ҳозир бемалол гапирман, тушунганларимни, ҳис қилганларимни одамларга айтиб бера оламан, лекин ёлғиз қолганимда ўйлаб қоламан: япон ким, у қанақа одам, нимани истайди... Бу саволлар айланади ва мен жавоб тополмайман. Айтинг, ижодингизда бош манзил нима? Японларнинг эстетик диди асосан, нимада кўринадди? Сизнинг сўзма-сўз таржимасидаги «Шафтоли гули, бамбук садоси» ҳикоянги қаҳрамони Миякава чин маънодаги япон кишисими ёки у ҳазрати Инсон образими?

«Хол ҳақидаги мактуб» ҳикоянгидаги эрига мактуб битган аёл, «Шафтоли гули, бамбук садоси» ҳикоясидаги қария Миякаванинг ташвиши, умид ва орзулари, «Чигиртка ва чирилдоқ» даги ёшларнинг ўйин орқали инсон ва унинг кўнгли, «Худо барҳақ» даги оёқ-қўли ишламайдиган аёлга меҳрибон эрининг беминнат ва улуғ эзгуликлари, балки бизни японлар ҳаётига яқин қилар...

Шу ўринда. Сенсэй, менинг хаёлимга қуриёзган дарахт келди, ҳар қанча парвариш қилганинг билан фойдасиз, у ҳаёт билан видолашаётир. Ижодингиз давомида доимо шу образ – қуриган дарахт кўп учрайди. Япон анъаналари сабаблими ёки Сизнинг кўнглинги бунга сабаб?

«Тоғ ёнбағрида баланд дарахтлар кўзга ташланмайди. Бироқ у шунчалик қуюқ ўсганки, беихтиёр ям-яшил тўсиқни эслатади. Фақат энг

юқорисида ёлғиз имкон, қуриган қарағай турибди».

*Бу образ япон адабиёти ва санъатида – ҳамиша учрайдиган символ – дарахт образи, деярли барча асарларингизда учрайди.*

1972 йилнинг август оyi. Пишиқчилик. Чилла чиққан. Бирин-сирин пишиб, етилган меваларнинг ҳиди Тошкент шаҳар ҳовлиларига алоҳида тароват бахш этган. Шом яқинлашган сари шафтоли дарахтининг шира тушган барглари ора чивин деганлари кўпайиб боради, дим, шовқинсиз кўчаларда машина қатнови кам, буталар, дов-дарахтлар ҳорғин нафас олади, Эски Жўванинг юқори қисмида жойлашган Сақичмон маҳалласининг одамлари алланечук беозор, муҳсин, ҳалим бўлиб қоладилар, аксар аҳоли аллақачон ишдан қайтган, эшик олди-пиртовал ариқ ёқасигача топ-тоза, супурилган – ёғ тушса ялагудек. Шакароб қилиб сув сепилган, тупроқ иси анқийди... Шу манзарага кўниккан одам бир зерикарли, жўшқин турмушга путур етказувчи алланима етишмаслигини сезмайди. Бу алланима – фаолият, ташаббус, бундай дамларда самоварда ҳатто ланж, лоҳас, эринчоқ гурунғ сўна бошлайди. Кишилиқ ғайрати, айвондаги михга осиб қўйилган дутор сингари бировнинг эсига келмайди ёки қизиқтирмайди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида август Тошкентда мана шундай ўтарди.

Тунлари эса салқин, хушбўй, зорикқан кайфият оғушида бир ширин мудрарди. Юлдузлар нўноқ ёзувчининг чучмал ҳикояларида тасвирланган каби марварид тут мевасидек эмас, ҳаво тиниқ бўлгани

учунми, росмана анжир меваси ёки қўқонгулдек катталикда чироқлар ва туни билан бетиним отилаётган мушаклар янглиғ бири олиб, бири қўйиб қўз қисар, сўнар, яна қайта ёнар, чакнар, парпирар, қайларгадир учиб тушгандек бўларди.

Одам поёнсиз осмонни нигоҳлари билан қамраб ололмагани боис, унга лол қолиб тикилмас, таърифлаб беролмасди.

Шу манзара бот-бот тушларимга кирар, эртасига ярим кун ҳардамхаёл бўлиб юрардим. Тошкентнинг сўлим, бахмалдек майин тунлари юрагимда англаш қийин бир ҳовлиқиш, бесаранжомлик, юз бериши эҳтимоли бордек, бир мўъжизани интиқ кутишликка ошно қилиб қўяр эди. Тонгга яқин, йўқ, йўқ нисфи шабда ёки субҳи содиқ маҳали ё олмаларнинг дўпирлаб тўкилишидан ё ногаҳон шаррос қўйиб юборган ёмғирдан уйғониб кетганларимга ўхшаб уйқусирган қўйи чойшаб ва ёстикни кўтариб айвонга қочиб кирмай ётверганларимни эсласам, агар берилиб эсласам, юрагим тарс ёрилиб кетай дейди. Мен ўшанда, бундай илоҳий дамлардаги бунақа ходиса умрбод бошқа такрорланмаслигини, уни сунъий равишда бўлсин, қайта ташкил этишнинг ҳам иложи бўлмаслигини зора билганимда!

Лекин Тошкентда куннинг энг гўзал палласи – башарти чошгоҳ, пешин, аср билан шом ораси хуфтон, тун, нисфи шаб, субҳи содиқ ва тонг каби қисмларга ажратадиган бўлсак, энг масъум, дилкаш, шу билан бирга муҳсин пайт намозгар вақти бўлса керак. Камина, бир-икки китоб чиқарган, шунинг учун ёзганларимда бундай тасвирлар учрамаса айб бўлар... Тошкентнинг тонги дилбар тонг, буни ҳис қилмасликни, билмадим нима дейиш мумкин. Гўё

хушбўй олмалар билан чинни каптарлар ҳамда қалдирғочлар унга ошуфта бўлсалар керак...

Мана шундай тонгларнинг бирида мен уйқум ўчиб кетганида негадир кимсан Абдулла Қаҳҳор таржимасида «Уруш ва тинчлик» романининг биринчи китобини қайта ўқиб чиққаним ҳақида хаёл суриб ётардим, кейин бош томонимда стулда Пиримқул Қодиров истеъдод билан ўзбек тилига ўгирган «Казаклар» китобини оламан деб кўлимни чўздим ва шунда энди китобни бармоқларим билан ўзимга сураётганимда қандайдир уч-тўрт журналдан йиртиб олиб, бир жузь бир-бирига ёпиштирилган варақлар енгилгина учиб тушди. Бу болалик дўстим, адабиёт ихлосманди Алишер, бир ўқиб кўргин, деб ташлаб кетган саҳифалар эди. Унинг одати шунақа эди: доим битта-яримта мен ўқимаган, билмаган китоблар, тузукроқ нарса чиқиб қолган бўлса-журналлар, газеталар бериб кетарди. «Ўқиб чиқ» ёки «ўқиб чиққин, кейин гаплашармиз». Кобо Абэнинг «Қумдаги хотин», Ричард Бахнинг «Жонатан Свифт номли балиқчи қуш», Акутагаванинг «Ҳикоялар тўплами», Хемингуэйнинг «Окенадаги оролчалар» китобларини шундай бериб кетганлари ҳалигача эсимдан чиқмайди. У ўзи дунё адабиётига жудаям қизиқар, мен ҳам у тавсия этган китоблар ҳақиқатан шоҳ асарлар эканига ишонч ҳосил қилишга кўникиб қолгандим. У келтирган китоблар адабиёт, санъат, ижод хусусида чала-думбул тушунчаларимни ўзгартириб юборганди.

Бир пайтлар, йигирма беш-йигирма олти яшар йигитлигимда бу адибнинг ҳикояларини ўқиганимда қандай таъсир қилган бўлса, қирқ йилдан кейин ҳам шундай кучли таъсир қилади – тўлқинланаман, юрагим аллақандай маҳлул туйғулардан

орзиқади ва ногаҳон ўша кезлардагидек хаёлга толаман ва энди, шу ёшга етиб орттирган тажрибаларим, ўқиган, билган китоблар-у, ҳаётдаги бошқа-бошқа сабоқлар таъсирида ниҳоят шу ёшимда шаклланиб, ич-ичимда шукроналар айтишлар эвазига Худонинг ҳадясига нозил бўлганим сабабли сўз сеҳри, ижод сири, истеъдод қалбнинг ҳарорати туфайли янада муҳимроқ ўша ҳикояларда акс этган ёки тасвирланган бебаҳо ҳаёт... (?)

Кавабата фикрига кўра мамлакатнинг тақдири Давлатнинг қудратига эмас, балки халқнинг Рухий қувватига боғлиқ. Кавабата бу эътиқодда ёлғиз эмас, бу қарашларга ҳамдард бўлувчи ижодкорлар бор. Кавабата мана шу мазмунни излаш бидан машғул; инсониятни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиш мумкин бўлган Нафосат туйғусини қандай қилиб қайтарсак бўлади, зеро Гўзаллик қонуни Ҳаёт қонунидир. Қачонки, бутун ҳаёт бошдан-оёқ остин-устун бўлиб бораётган, тушунчалар ва ҳис-туйғуга тўғри келмайдиган равишда ўзгариб кетаётган бўлса, бу ишонч ва маслакни қандай асраб қолиш мумкин. «Урушдан кейин, – деб бўйнига олади адиб, – мен японларнинг азалий ғам-ғуссасига ботдим». Чамаси, ҳеч нарса энди унга таъсир қилмас. У телба дунёдан узоқроқ, қандайдир тоғларда ёлғиз қолиб яшашни орзу қиларди. Бироқ у оппоқ қор, нафис гуллар, моҳитобон, рангин куз гўзаллигига мафтун бўлишни унутиб қўймаган ҳолда қандай қилиб тарки дунё қилиши мумкин?! Зеро, унга ҳақиқат аён бўлса, нилуфарни қандай бўлса шундай ҳис қилиш учун «илк бор ажиб гулни кўрган гўдак қалбини нилуфар ҳақида ҳамма нарсани билгувчи тангрининг руҳини бирлаштириш» зарурлиги унга аён бўла туриб шундай қилишга куч-қуввати етармикин.

Наҳотки, уруш авжига чиққан маҳал Гендзи-Мо-нагатарини ўқиб ўтираркан, «япон флейтаси»нинг овозини эшитмаган бўлса.

Кавабата учун булар рамзият ёки тасаввур (мистика) эмас, нима десангиз денг, реал воқелиқдир, у бефарқ ва оддий одамларга ўхшаб кўринмайди, аммо севинч бағишлаган ва дили ёришадиган ҳамдардларга ўз моҳиятини очади.

*Сэнсэй!*

*Мен бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман. У худди Сизнинг ҳикоянгизга ўхшайди.*

*Хуллас, бу воқеага анча бўлди. Анча...*

*Ўшанда мен бир ҳикоянгизни ўқигандим. Жуда қизиқ бир аҳволга тушиб қолгандимки, ҳали-ҳануз ҳайратга тушаман. Бу ҳикоя «Шафтоли гули, бамбук садоси» деб аталади.*

*Хуллас... «Шафтоли гули, бамбук садоси» ҳикоясини ўқиб ўзга оламга кириб қолгандек бўлдим, Сэнсэй! Уни қайта-қайта ўқидим... ва охири ҳикоянинг қаҳрамони Миякава Сиз ўзингиз, Сизнинг ўйларингиз, Сизнинг хаёлингиз эканини кашф қилдим. Тавба, бу кашфиётимдан ўзим қувониб кетдим. Қария Миякава қуйиб қўйгандек Сиз эдингиз. Қуриган қарағай – қарилик, Сизнинг кексайган пайтингиздек туйилди менга, лочиннинг пайдо бўлиши – гўзаллик, қудрат, поэзиянинг пайдо бўлиши. Қуриган қарағай ва лочин Миякаванинг қуввати, кучи, дарди ва қўйингчи, ўзини намоён этмайдими? Бу ҳодиса образлар ва ҳикоя қаҳрамони бир бутунликни ташкил этмайдими ёки тезликда ўтиб келаётган ва айни чоқда абадий ҳаётнинг бир қисми эмасми?*

Бу ҳикоя фақат Миякава ҳақида эмас, қарағай ва лочин ҳақида ҳам эмас – у борлиқнинг яхлит, ажралмагани ўз-ўзини табиатнинг бир бўлаги эканини ҳис қилиш ҳақида. Илгари арзимас туйилган ҳодисалар энди борлиқнинг сирли нарсасига айланади, улар томонидан муҳим нарсасидек қайта бошдан кечирадилар.

Япон адабиётида кичик жанр муаллифлар кўзига кўринган ҳамма нарсани ёзар экан, юрак амрига қулоқ солади – у хотира бўладими ёки кутилмаган фикрми, турмуш манзарасими ёхуд ҳаёт ҳақидаги ўй-хаёлларини ёзиши керак, мана шу дзуйхицу бўлади, дзуйхицу оддий, тушунарли тилда айтганда «кўрганимни – ёзаман» дегани.

Ясунари Кавабатанинг «Шафтоли гули, бамбук садоси» ҳикояси ҳажм бўйича нисбатан кичик ҳикоя, у теранлиги, сермаънолиги туфайли турли-туман фикрлар уйғотиш билан бирга ўқувчини фаол мулоҳаза юритишга чақиради, ҳам инсон ҳаётида учрагувчи сирли ва гўзал ҳолатларни бошдан кечириш кайфиятини инъом этади.

Ҳолбуки, ҳикояда ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса юз бермайди. Бир қарашда арзимасдек туйилган бир воқеа ва ҳодисанинг замирида ёки тубида табиатнинг буюк ижодкорлиги пинҳон экани юз берган ҳодисанинг чинакам кадрли ва таннархи, унинг инсон қалбидаги инъикоси билан белгилаш мумкинлиги ҳақидаги хаёл ҳикояга сингиб кетган. Томчида қуёш акс этганидек, шу билан ҳикояда ёзувчининг ижодий концепциясини белгилаб олиш ҳам мумкин.

Мазкур ҳикоянинг сюжети жуда оддий. Ҳатто, таъбир жоиз бўлса, у сюжетсиз ҳикоялар туркумига мансуб.



«Баъзан бамбук найчасидан таралаётган овозларни тинглаётганингда бамбукка алоқаси бўлмаса ҳам ўша лаҳзаларни қулоғингга қарағай дарахтининг майин шивир-шивири чалингандек бўлади. Баъзан эса шафтоли гулига боқиб тўймаётган пайтингда эндигина гунчалаган олхўри дарахтининг нафис новдалари кўз олдингга келади. Инсон ҳаётида бундай ғалати ҳодисалар тез-тез учраб туради. Аммо бундай ғалати туйғулар Ҳисоо Миякаванинг қалбига ошини ошаб, ёшини яшаб қўйганида ташриф буюради.

«Бурноғи йилнинг эрта кўкламида, уйлари яқинидаги тепаликда қарағайга қўнган лочинни Миякава кўрган эди, назарида, ҳозир ҳам ўша қушни кўраётганга ўхшайди».

Ҳикоя мана шундай жумлалар билан бошланади ва дангал айтавериш керак, унинг бутун воқеаси ана шундан иборат.

Мана шу лочин билан қуриб қолган қарағай Миякаванинг бутун фикру-зикрини эгаллайди. «Қарағай тепасидаги лочинга кўзи тушганида бирдан қичқириб юбораёзган» Миякава аввалига кўзларига ишонмайди. Аммо «кучли, жасур қушнинг қарағайда ўтириши айна ҳақиқат эди».

Миякава дарахт қуригач, неча бор кесиб ташлашга чоғланганига қарамай шу ишни амалга оширмаганига севинади. У «яхшиям дарахтни кесиб юбормаганим, дея ич-ичидан қувонади. Чунки «паррандани алоҳида қизиқиш билан томоша қилар экан Миякава вужудига лочинворий ғайрат оқиб кираётганини ҳис қилди», – деб ёзади муаллиф.

Қария лочиннинг учиб келишини яхшиликдан нишона деб ўйлайди ва бундан қувонади, бу ҳодиса

болалигини ёдига солади ва юрагида ҳаётга нисбатан чексиз муҳаббат уйғотади.

Унинг сўнаётган ҳаваси, туйғулари тасодифан қарағайга келиб қўнган лочин туфайли жунбушга келади: гўё унинг қалби ёшаради. Шунда «унинг назарида гуриллаб ёнаётган аланга орасида қордек оппоқ, илоҳий нилуфар очилгандек бўлади. Кўкламнинг туссиз осмони гуриллаб ёнаётган гулханга, лочин эса оппоқ нилуфарга мутлақо ўхшамас эди – бироқ шунда ҳам қуриган дарахт тепасида ўтирган парранда қиёфасидан сокинлик – аланга ичида барқ уриб очилган оппоқ нилуфарга хос осойишталик уфурар эди».

Ҳикоя одамни инсон қалби, унинг руҳий кечинмалари, яшашнинг гўзал ва қудратли қонунияти, гўзаллик ҳақида ўйлашга ундайди.

Ҳар бир инсон қариганида руҳан табиатга ҳаддан ташқари яқин боради, чунки у табиатга сингиб кетиш арафасида. Шунинг учун унга кўримсиз, зерикарли нарса қолмайди; дунёда ҳамма нарса муҳим ва жозибали кўринади. Худди гўдак учун атрофдаги оддий ўйинчоқ мушук, парданинг майин попугидан тортиб онасининг бармоқларигача янги, муҳим буюмдек уни маҳлиё этгани каби Миякава сингари ошини ошаб, ёшини яшаган кекса одамларга дунё билан абадулабад хайрлашув олдидан ҳамма нарса ҳикматли ва гўзал бўлиб кўринади. Ҳатто лочиннинг дарахтга келиб қўниши ҳам сирли, гўзал, ҳайратомуз ҳодисадек таассурот қолдиради. Инсон қалбининг кўзи очилиб, ҳайратининг қуввати ўсиб боришида табиатнинг беқиёс роли ҳақида ҳикоя қилувчи маъюс асар гўё инсонни ҳеч қачон, то сўнгги нафасига қадар юрак-бағрини, хаёлини тарк этмайдиган ҳаёт –

ташналик муҳаббатнинг илоҳий туйғу эканига, одамзод умрининг ҳар лаҳзасини гўзаллик билан безай олиши ва бунга вужудида куч топилишига ишонч билан йўғрилган бу ҳикоя ҳақли равишда жаҳон новеллистикасининг гўзал намуналаридан бири ҳисобланади.

«Кудуқдаги ой», «Шафтоли гули, бамбук садоси», «Италияга саёҳат», «Хол ҳақида мактуб», «Юмиура», «Элегия» каби ҳикоялари ҳам Сенсэй ижодининг шоҳасари ҳисобланади, уларда Сизнинг қалбингизнинг уриши шундай сезилиб туради.

«Шафтоли гули, бамбук садоси» Сизнинг – Ясунари Кавабатанинг энг гўзал, дунёнинг энг гўзал адабиётининг намунасидир.

Сэнсэй!

Бу ҳикоя учун Сизга минг ташаккур айтгим келаяпти, қабул қиласизми, йўқми, барибир дилимдаги ни мен айтиб берсам, бас.

Ўшанда, 1972 йил кеч куз эди, мен Толстойни севардим, унга, унинг асарларига ошуфта эдим, Ҳожимуротлари, Пьер Безухов ва Андрей Балконский, одамохун Левин ва Анна Карениналари, ҳатто ўта кетган такаббур бўлса ҳам Нехлюдовлари мени ром этганди, қандай қилиб, нима учун, тавба, дердим дам-бадам, аммо Сизнинг ҳикоянғизни ўқидим-у, бу мафтунлик гирдобидан анчагача қутулолмадим ва ўзим севган, алқаган Лев Толстойни унутдим. Толстойни-я?! Ҳа, бугун айтаман, айта оламан. Чунки бугун мен ҳам қаридим, шекилли...

Хуллас, Сизга мактублар ёзгандим, талай хатлар битгандим, бу хатларда дилимдаги қоғозга тушарди, Миякавага ҳам, лочинга ҳам, ҳаттоки ўша қарағайга ҳам қадрдон бўлиб қолгандим.

Сэнсэй!

Қария Миякава мени ром этгандан кейин, табиий-ки, мен Сизнинг бошқа асарларингизни излашга тушдим ва энг аввал Сизнинг «Табиат» деган ҳикоя-эссеингизни ўқиб чиқдим. Очиғи, мен шу йўлда ёзишга ўргандим, ёздим, у «Муҳаббат ҳақида ўйлар» деб аталади. Жуда суюндим, бу ҳикоя менинг борлиғимга айланди. Ана шу пайтда Сизнинг «Хол ҳақида мактуб» билан «Италияга саёҳат» ҳикояларингизни ўқишга муяссар бўлдим. Тилим лол бир нарса дейишга, Сен-сэй!

«Хол ҳақида мактуб» ҳикоясини уч марта ўқиб чиқдим. Нола, ноз, фиғон, самимият, кўз ёши, кулгу, нафрат ва шикоят, ўпка... булар ҳаммаси бир муштипарнинг юрагидан ситилиб чиққан. Лекин у эрини бевафолик, дилозорлик қилдинг, демайди, терслик, тўнглик ва бошқа иллатлар топиб айбсителиб ўтирмайди, гина қилмайди. У эрини жон-дили билан севади ва унга бўлган муҳаббатини сақлаб қолажани киши билмас тарзда чиройли ифода этади. Аёл ўзини айбдор ҳисоблайди, ҳар битта гапида хокисорлик ва мутелик билан ўзидан айб қидиради ва топади. Қизиғи шундаки, аёл ўзининг бу камчиликлари устидан кулади, хафа бўлиб эрини барибир оқлайди, унинг олдида ўзини айбдор деб билади.

Баъзан у ўзидан айб қидиради гуноҳи учун хаёлан эмас, мактубларида кечирим сўрайди. «Эркаклар буни тушунишга қодир эмас, мен шунчаки номусдан эмас, балки гуноҳ қилиб қўйдим, деган хаёлда қийналар, ҳатто, эрга текканимдан пушаймон бўлиб кетардим».

У ўз хатоларига иқрор бўлади, ботинолмаган севгисини эридан яширмайди. Аёллик шаънига қарамайди, ўз қалбини унга бутунлай топширганини айтади.

«Ҳозир бўлса менинг соддадил бу қилиғим – шундай жаҳли чиқарардики – Сизга баралла айтишга ботинолмаган севгимнинг ифодаси бўлса-я, деб ўйлаб қоламан».

Аёл эридан рози, барибир, у фақат эри ўзини кечирешини истайди ва киши билмас унга ялиниб ёлворади. Ўзини тушунишини ҳар жиҳатдан хоҳлайди, айниқса холини қашини, уни ўйнаши. Агар шундай бўлса, ўзини бахтли аёл деб ҳисоблайди. У эрининг барча айблари, ўзини таҳқирлашлари, устидан кулишларини тушуниб кечиради ва ўзини шуларга қарамай бахтли санайди:

«Аммо шунга қарамай барибир мени тушунишингизни истардим».

Сиз, Сэнсэй, аёлларни шунчалик бахтиёр бўлишини истайсизки, уларни ҳар қандай шароитда ҳам тақдирга тан беришдек амалга ҳар вақт ҳозир эканлигини намоиш этасиз.

Аёл кишининг улуғлигини ўзингиз шундай тушунасиз.

Сэнсэй, мен шу одатингизга ҳавас қиламан, шу ўйналишда Сизга ўхшагим келади, Сизга хаёлан эргашгим келади.

Ижодда Сизга ўхшасам дейман...

Ясунари Кавабатанинг ижодида «Мингқанот турна», «Қорли ўлка», «Кўл» повестлари, «Идзулик раққоса», «Тоғлар фарёди», «Кўҳна пойтахт» каби повесть ва романлари Нобель мукофотига сазовор бўлган. Фақат асарлар номи тавсия этилиб қолмай, балки мукофотда «японларнинг фикрлаш тарзини ифода эта олгани учун» деб эътироф этилган.

Одамзод дунёда фақатгина яшовчи эмас, кўпроқ дунёни ҳис қилувчидир. Башарти, одамзоднинг хаё-

лоти нақадар кучли экан, умрининг маълум қисмида унинг шаклсизликнинг шаклини кўра олиш, сукунат товушини тинглаш қобилияти кучаяди. Йиллар ўтган сайин одамни табиатдан ажратиб турган тўсиқ тобора емирилиб боради ва охири бутунлай йўқ бўлиб кетади. Шу чоқда у табиатни бутунлай қон-қони билан ҳис қилади, гўё у билан нафас ола бошлайди. Кавабата ҳикоясининг қаҳрамони Миякава худди мана шу табиат билан воситачисиз, вакилсиз мулоқот қилиш ҳолатига етишган: қачонки халал берувчи ёки қаршилик қилувчи бўлмас экан, бир лаҳзада оламнинг товланишлари, бор оҳанглари, бўёқлари билан ҳис қилинади ва бундай илоҳий лаҳзаларда ҳеч қандай товуш, ранг бир-бирига халал бермайди, балки, ҳаммаси умумий мукамал уйғунликда намоён бўлади. Ана шунда ҳар бир одам Миякава сингари товушларни кўради ва ранглар садосидан баҳраманд юради.

Кавабата ижодининг чўққиси «Тоғлар фарёди» романи мана шу мукофотга қўйилган асарлар орасида энг гўзали, яхлити. Бу роман ҳали-ҳануз марок билан ўқилади, роман япон халқининг фикр-хаёли, яшаш тарзи, одатларини тараннум этади.

«Тоғлар фарёди» унчалик катта эмас, 200 бетча келади. Воқеалари ҳам оддийгина. Бу роман япон классик адабиётининг юксак дурдоналари руҳида ёзилган. Унда ёзувчининг ижодий қиёфасининг ўзига хос жиҳатлари теран таҳлил этилган ва халқнинг одат ва сифатлари акс этган.

Кавабата томонидан яратилган мазмун ва характерлар ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотади. У мулоҳазалар ҳодисасига айланади, фикр юритиш имкониятини кучайтиради. Шунинг учун «Тоғлар

фарёди» романида у – роман қаҳрамони Кинуко деган аёлни кўриб қолади, уни ўғлининг ўйнаши эканидан хабари бор, лекин қўни-қўшнилари ғийбат қилаётганда ҳам тоғлар фарёдини унутмайди. Бу фарёд унга ҳамма нарсани кўрсатиб туради. Синго учун тоғлар фарёди – ҳаёт! Тоғлар яшайпти!..

«Синго ўғли Сюити, келини Кикуюго уйларидаги хизматкор аёлнинг исмини сўрайверади, қарилик қилиб буни ўзи сира эслолмайди ва охири топади. Лекин шунинг баробарида хотирасида тиклайди-ю, лекин ҳаёт ўтиб кетаётганини ҳис қилади.

У кўпинча хотини билан қизининг номини адаштириб, Ясуко – хотинини, қизи – Фусико билан адаштириб юборади. Шунда хотирига бошқа ҳаёт ҳодисаси келади. Бу инсоннинг доимий одати. Ким бўлишидан қатъий назар у янглишади. Буни эса табиий, деб билади. Синго учун цикадаларнинг сайроғи, олча гуллари, ойдин кечада ой ёруғи ёмғир томчилари, барглари муҳим, керакли, лекин тоғлар фарёдини тинглаш ҳамма нарсадан устун. Шамол – фарёдми? Денгиз шовуллаши, қулоқларида янграган товуш унинг хотиржамлигига монелик қилади. Буларнинг ҳаммаси тоғлар фарёди олдида ҳеч гап эмас. Бу товуш – тоғлар фарёди – романнинг бошдан охирига қадар Сингони таъқиб этади. Баъзан бирдан Синго мутлақо кераксиз, нозарур нарсалар билан бир пайтда уни безовта қилади. Баъзан олча шохларига тикилиб, тасавурида уларни чизаётган ёш, навқирон шохлари пастки шохларидан кўра кенг ва қудратли шох ташлаганига ўзи гаранг бўлади. Шундай шохларни биринчи бор кўраётгандек ҳайратга тушади.

Синго Сюитининг рафиқаси, ўз келини Кикуюони яхши кўради. Бу туйғу шунчалик кучлики, ҳайратга тушасиз ва айрим китобхонларга ўхшаб «у ўз

келинини севади», деган фикрга келасиз. Ҳар битта гапида Синго келинини эслайди. Кикую қизаринган пайтда у қаяқдаги нарсани: дарахтлар, тоғлар, гуллар ҳақида хаёл сурарди.

Буюк француз ёзувчиси Вольтернинг ажойиб бир гапи бор, у ёзади: «Бироқ ўтинаман сиздан, ўз боғингизни яратинг!» Биз яшаётган дунё тушуниксиз ва шафқатсиз, ер зилзиладан силкинади, осмонда чакмоқлар чақади, дунёни эгаллаб турган шохлар ва президентлар бир-бирларига мудом дағдаға қиладилар, дин пешволари қарама-қарши фикрлар билан халқни алдаб келадилар. Ёзувчи халқи эса мана шуларни акс эттиради, ўзининг камтарона фаолиятини иложи борица яхшироқ амалга оширмоқчи бўлади. Бу замонавий инсоннинг буюк вазифаси ва яратувчи инсоннинг донолигидир.

Яна Вольтерга қайтиб келсак, у фикрини давом эттириб «Ер юзини жумбоқлардан, хомхаёллардан тозалаш керак», дейди.

Ясунари Кавабата қалбида гул таровати ҳамиша чаппар уриб гуллаган адибдир. У ҳамиша Гўзалликни тараннум этади. Унинг учун бу ҳаёт, ижод бир – чамбарчарс боғлиқ, уни ажратиш мумкин эмас. Ҳаёт ижоднинг маҳсулидир.

Замонавий адиблар ўзларини ўраб турган оламга жаҳл қилмасдан, яхшилик яратишга ҳаракат қилиш учун ўзларида матонат топишлари керак.

Ясунари Кавабата ана шундай адиблардан. Унинг маслаги, албатта, рўёбга чиқади.

Кавабатанинг асарларида қахрамон-жангчи, ошиқи-беқарор образлари, уларда шунақа образларни улуғлаш тенденцияси ҳам учрамайди. У ҳаётга ўзгача нуқтаи назардан қарайди, одатий воқеа-



лардан ҳис-туйғуларга бой сабабларни ахтаради. Баъзи япон танқидчиларининг эътирозлари билан келишиб бўлмайди, улар Кавабатанинг асарларида фақатгина қандайдир гўзалликнинг ақл бовар қилмас жиҳатларини кўрадилар, холос. Кавабатанинг ўз таъбирича, унинг учун ҳис-туйғуларга тобе воқеалар Токионинг Гинза номли «кумуш» кўчаларида эмас, ғариб ва қашшоқларнинг Асакуса районида, Токио данғиллама кварталларида эмас, камбағалларнинг кулбаларида, гимназиячиларнинг беташвиш чехраларида эмас, тамаки фабрикаси ишчиларининг буришиқ юзларида акс этгандир.

Кавабата ўзига хос ёзувчи, дедик, у ўзи хос тарзда замонининг оғриқларини ҳис қилди ва ҳис қилганчалик ўқувчига етказди. Биз Кавабата ўзи тасвирлаётган бадиий кашфиётни, теран маънолар, рангларга бойлиги, руҳий тиниқлигини унинг қаламига мансуб эканини сезамиз.

Қадимдан маълум, ҳақиқий буюкликни биз вақт ўтгандан кейин, баъзан юз йиллардан кейин биламиз. Ёки масофа орқали сезамиз, баланд тоғ этагидан туриб қараганимизда фақат тоғ ёнбағрини, баъзи қоялар, яқин-йироқдаги дарахтлар, ўсимликларни кўрамиз. Лекин нари кетсак, гоҳо бир неча фарсаҳ узоқлашгач, бутун тоғ ўнгирларини қорли қисмларигача кузатишимиз мумкин. Ана шунда улуғвор манзара кўз олдимизда гавдаланади. Кавабата ана шундай адиб эди.

У ўлимига қадар чарчаш нималигини билмай ёзди, ўзи севган мавзуларга шоирона, санъаткор онгида туғилган фикрларга қайта-қайта қўл урди. У муттасил ёзди – унинг асралари тахайюр ва завқшавқ уйғотганда ва юксак баҳо олганда ҳам бу фаолиятдан бир дам тўхтамади.

Шундай буюк шахс, одамлар дилидагини топиб ёзадиган ёзувчи бугун орамизда йўқ. У дарахтдан узилган япроқ сингари қайларгадир учиб кетди. Лекин ундан юзлаб ҳикоялар, повестлар, романлар бизга эсдалик бўлиб қолди. Ҳаётлигида унинг ўзи муаммолари, зиддиятлари, ҳиссиётларини кўпчиликка тақдим этди. Унинг новеллалари бизга ҳаётдаги боғланишнинг абадий эканлигини англатади, унинг ижоди эса бу абадийликнинг негизи эди.

Кавабатанинг ўлмас даъватлари шундай демасмиди?

*Таржимондан*

## МУНДАРИЖА

«Олим Отахоннинг Кавабатаси» (Тилланисо Эшбоева).....	3
--	---

## Ҳикоялар

Аёл тушлари.....	9
Анор.....	23
Аригато.....	28
Бамбук садоси, шафтоли гули.....	32
Дарахтлар.....	41
Дил.....	53
Италия ҳақида қўшиқ.....	55
Камбағаллар севгилиси.....	74
Кемачалар.....	79
Куз ёмғири.....	82
Кўзгудаги ой акси.....	87
Қизил олхўри.....	101
Меҳрқуш.....	105
Муҳаббат кўрфази.....	112
Одамга бахт келтириш.....	122
Оқ гуллар.....	126
Оловга тик бораётган аёл.....	130
Хол ҳақида мактуб.....	132
Худо барҳақ.....	145
Цереус.....	150
Чирилдоқ билан чигиртка.....	156
Тақдир.....	162

Шаршара.....	184
Яхши ва ёмон кунлар.....	191
Улик чехра билан юзма-юз.....	199
Элегия.....	201
Камелия.....	229
Инсон қалбидаги гул ( <i>Олим Отахон</i> ).....	237

*Адабий-бадиий нашр*

**Ясунари КАВАБАТА**

**ОҚ ГУЛЛАР**

*Ҳикоялар*

Муҳаррир *Гузал Бегим*  
Бадий муҳаррир *Иззат Йўлдошев*  
Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*  
Мусахҳиҳ *Ирода Умарова*  
Саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензияси рақами АІ № 290. 04.11.2016  
2019 йил 26 ноябрда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. РТ Serif гарнитураси.  
Офсет босма. 14,07 шартли босма табоқ. 10,31 нашр табоғи.  
Адади 3000 нусха. 328-рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)      [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)



Ясунари Кавабата 1899 йил 11 июнда Япониянинг Осака шаҳрида шифокор оиласида тугилган. Ота-онасидан барвақт ажраб, бувисининг қўлида вояга етган.

Токио университетининг инглиз филологияси факультетини тамомлаган.

“Мингқанот турналар”, “Қорли ўлка”, “Қадимий пойтахт” каби кинжалари учун 1968 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган ва бу асарлар “японларнинг фикрлаш тарзини тубдан ифода эта олгани учун” деб алоҳида эътироф этилган.

Ясунари Кавабата 1972 йилда вафот этган.



Олим Отахон 1951 йили 12 апрелда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида тугилган. ТошДУ (ҳозирги А. Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети)нинг филология факультети

кечки бўлимида таҳсил олган (1969–1974).

Ёзувчининг “Болалик каптарлари” (1981), “Оқшом хаёллари” (1986), “Озод кушлар ҳақида қушиқ” (1988), “Адоксиз кўчалар” номли ҳикоялар тўпламлари эълон қилинган.

Олим Отахон жаҳон адабиётининг мумтоз адиблари ижодини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Унинг таржимасида Жек Лондон, Уильям Фолькнер кинжалари, Хулио Кортасар, Скотт Фицджеральд, Карлос Фуэнтес, Марио Варгас Льюсаларнинг айрим ҳикоялари ўзбек ўқувчиларига етиб борган.

18+



ISBN 978-9943-6105-7-6



9 789943 610576